

111 ВАТАНДОШ  
АЛЛОМАЛАРИМИЗ





---

Ҳар бир бола гўдаклигидан онасининг тарбиясига муҳтож,  
бинобарин, биз дастлабки тарбияни онамиздан оламиз, бу  
оналар башариятнинг тарбиячилариидир дегани.

ФИТРАТ



# 111 ВАТАНДОШ АЛЛОМАЛАРИМИЗ



ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАР  
ХАҚИДА ҲИКМАТЛАР

**УЎК: 001:82-84**

**КБК: 87.3(О)**

**T - 22**

111 ватандош алломаларимиз. Инсоний фазилатлар ҳақида ҳикматли сўзлар / Тузувчилар: А.С.Очилиев, Д.М.Турдиева, Н.К.Каримова, К.А.Шермуҳамедов, Ш.Р.Жўраев, А.А.Аҳмедов, Ж.А.Каримов, Ж.Р.Алиев, А.У.Алимов, Ж.В.Меликўзиев. Масъул муҳаррир: А.С.Очилиев. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017 йил. – 416 б.

ISBN 978-9943-27-657-4

Ушбу китобда юртимизнинг улуғ инсонлари, машҳур алломалари, турли даврда яшаган шоири фозиллари, ёзувчию файласуфларининг Ватан ҳақидаги, инсон ҳаёти ва фаолияти, фазилати ва қусурлари, кўнгил мулки, борингки, борлиқ ва йўқлик ҳақидаги ҳаёт ҳақиқатлари, ҳикматли иборалари жамланган.

Бир-бирини тақрорламайдиган, мавзудоирасида узвий давомли мазкур афоризмлар ўқувчи маънавиятини бойитишига ишонамиз.

**УЎК: 001:82-84**

**КБК: 87.3(О)**

**Тузувчилар:**

А.С.Очилиев, Д.М.Турдиева, Н.К.Каримова,  
К.А.Шермуҳамедов, Ш.Р.Жўраев, А.А.Аҳмедов, Ж.А.Каримов,  
Ж.Р.Алиев, А.У.Алимов, Ж.В.Меликўзиев.

**Масъул муҳаррир:**

А.С.Очилиев,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Тақризчилар:**

З.М.Исломов,  
филология фанлари доктори, профессор,  
Ш.О.Мадаева,  
фалсафа фанлари доктори, доцент.

ISBN 978-9943-27-657-4

© 111 ватандош алломаларимиз. Инсоний фазилатлар ҳақида ҳикматли сўзлар. «Янги аср авлоди», 2017.

*Устоз Абдувоҳид Очилдиевнинг  
ёрқин хотираларига багишиланади.*

## СЎЗ БОШИ

Сўз одамзот учун табиатнинг улуг инъоми, сўз туфайли инсон улугликка эришади. Биргина сўз замирида оламолам маънолар яширган. Бир оғиз айтилган сўз инсоннинг қай даражада маънавий етук эканини яққол намоён этади. Сўз ва унинг куч-қудрати ҳақида алломаларимиз кўплаб қимматли фикрларини билдирганлар.

Аждодлар ўгитлари, ҳикматли сўzlари жамият ва инсоннинг маънавий юксалишига хизмат қиласади. Уларни ўқиб ўрганиш, ҳаётнинг мураккаб чорраҳаларида улардаги мазмун-моҳиятдан унумли фойдаланиш ва ҳар қандай ҳолатда ҳам инсонийликни йўқотмаслик кишининг етук ахлоқий фазилатларга эга эканини кўрсатади.

Мустақиллик даврида аждодларимизнинг бой илмий меросини ўрганиш ҳамда уларни кенг китобхонлар эътиборига ҳавола қилиш устувор вазифалардан бирига айланди. Шундан келиб чиқиб, китобхонлар ҳукмига тақдим этилаётган ушбу тўпламда Ватан ва ватанпарварлик, одамийлик, ҳаёт ва унинг моҳияти, инсоний фазилатлар, билим, таълим-тарбия каби қатор мавзуларга доир ҳикматлар жамланди.

Мазкур китобда асосан юртимиздан етишиб чиққантурли давр, мухитда яшаган алломалар фикрлари мужассам этилган. Бунда бугунги китобхонга тушунарли, мазмун жиҳатидан ортиқча изоҳ талаб этмайдиган, ўқувчига малол келмайдиган, содда тилда баён этилган фикрлар танланди.

Тўпламдан юрт мустақиллиги буюк неъмат экани, Ватан ва миллат истиқболи, унинг равнақи учун ҳар бир инсон масъул эканини англатувчи ҳикматлар ўрин олган. Шунингдек, китобда жамиятнинг кичик бўлаги ҳисобланмиш оиласи мустаҳкам тутиш, бунинг учун унинг аъзолари – ота-она, фарзандлар, эр-хотин муносабатлари қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги алломалар ўйтлари ўрин олган.

Ёшлик умрнинг энг ғанимат даври. Унда қўлга киритилган илм ва ҳунар умр давомида ҳалол ва баҳтли яшаш учун дастмоя бўлади. «Ёшлик умр баҳори» бўлимида ёшларга ана шундай қимматли ўйтларни берувчи ҳикматли сўзлар киритилган.

Донолардан бири «Ақлли кишилар – бебаҳо қомус» деган экан, ана шундай бебаҳо қомусий олим, ҳурматли устоз, меҳрибон мураббий, беминнат маслаҳатгўй, жўшқин ижодкор, бир сўз билан айтганда, Ҳазрати Инсон марҳум Очилдиев Абдувоҳид Соҳибназаровиҷ раҳбарлигидағи Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази жамоаси томонидан тайёрланган ушбу тўплам кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлиб, у ҳозирги фан-техника тараққиёти даврида ҳам аждодлар маънавий мероси ўзининг бебаҳо қимматини йўқотмаганини яна бир бор кўрсатиб беради.

Тўпламнинг яратилишида ўзларининг маслаҳатлари, амалий таклиф-тавсиялари билан ҳар томонлама яқиндан ёрдам берган Очилдиев Абдувоҳид Соҳибназаровичнинг оиласи, шунингдек, устозлар З.Исломов, Ш.Мадаева, М.Ортиқов ҳамда бошқа олим ва мутахассисларга тузувчилар номидан ўз миннадорчилигимизни билдирамиз.

Дурбек РАҲИМЖНОВ,  
тарих фанлари номзоди, доцент

## I БОБ. ВАТАН – МУҚАДДАС

### 1. Ватан ва ватанпарварлик

Одам эрсанг маъни бил дона-дона,  
Ватан эрур сенга иккинчи она.

*Анбар Отин*

Ватанини она дейдилар. Бу улуг гап, том ҳақиқат. Ахир, бир жўжа ҳам она оғуши ва иссигисиз ҳалокатга учрайди, албатта. Демак, она – Ватан – ҳаёт демакдир, одамнинг баҳти ва саодати демакдир, инсоннинг ифтихори ва севинчи демакдир.

*Воҳид Зоҳидов*

Маълумдирки, дунёда яшаган ҳар бир кишининг энг аямлиқ, қизганиб сақлайдиган беш нарсаси бордир: биринчиси – жони, кейингилари – дини, моли, оиласи, она Ватанидир.

*Алихонтўра Согуний*

Менинг халқим ўз киндигининг қони тўкилган тупроқни ўз онасидан азиз кўради.

*Ҳамид Олимжон*

Ниманики, қай маконники бетаъма, мукофотлар кутмасдан, кимдир мажбур қилмаса ҳам ҳимоя эта бошласангиз, ана шу Ватандир.

*Абдулла Орипов*

Қадим ўзбек ботирлари узоқ сафарга кетганда бир ҳовуч Ватан тупроғини доим ўз ёнларида олиб юрганлар. Чунки бу тупроқ уларга ўз туғилган ерларини эслатиб турган, халқ олдида ичган қасамини ёдга солган. Ватанга бўлган муҳаббатини бир нафас ҳам унуттиргмаган. Бу бир ҳовуч тупроқ унга ўз ота-онасини, қариндошларини, халқини эслатган, узоқ ўлкаларда бўлса ҳам, уни ўз Ватанида ҳис қилдирган ва қаерда бўлмасин ўз халқи шаънига иснод келтирмасликка, ўз халқининг номусли ва содик ўғли бўлишга чақирган.

*Ҳамид Олимжон*

Ватанинг шарафи,  
Халқинг шарафи,  
Ўз озод ерингда  
Ишла жигарим.

*Ғафур Гулом*

Сақдамоқ ёвдан Ватанин сенга қарз,  
Қарзни қилмоқ адо ҳар кимга фарз.

*Чустий*

Хушдур кишига бўлса муқим ўз ватанида.

*Атоий*

Ҳаёт бизни ўтдан олиб сувга, сувдан олиб ўтга ташлади. Жазира маҳалларда сарсон-саргардан кездик. Ер ости конларида тирноқ билан маъдан кўчиришга мажбур қилишди. Туғилган остонамиздан олисларга иргитиб ташлашди. Жондан севган қаламимизни қарсиллатиб синдиришди. Лекин иродамизни синдиrolмадилар. Кўксимиздан имонимизни, қон-қонимизга сингиб кетган Ўзбекистон меҳрини юлиб ололмадилар.

*Сайд Аҳмад*

Интеллектуал салоҳият Ватан севгиси билан уйғун бўлгандагина юксак натижалар беради.

*Абдулла Орипов*

Ер юзидағи инсонларни уруш-маталошмаларга қовуш-дирғон, сийналарини душман ўқиға нишон қилдурғон нарса дин ва миллатларининг, Ватан ва давлатларининг муҳаббатидур.

*Абдулла Авлоний*

Юртга осойиши истаган саркарда, аввало, лашкарининг бошини силайди.

*Абдулла Орипов*

Ватан муҳаббати, разил ёв устидан галаба қозониш гояси ҳар қандай қийинчиликларни бартараф қиласди.

*Ойбек*

Ватанни севиши ва уни ҳимоя қилиш, тинчлигига посбон бўлиш – инсон фарзандининг комиллигини белгиловчи муҳим шартдир.

*Абдулла Орипов*

Ватан менинг жону таним саждагоҳимдур.

*Фитрат*

Одам эрсанг ташқи суратга берма зеб,  
Она юртингни ҳамиша айла зеб.

*Анбар Отин*

Ҳар на яхшилик қилсанг, қилки юрт учун,  
Ўзингдан орттири-у ўзгага бермак учун.

*Ҳайдар Хоразмий*

Құл бўлиб номардга кун кўрган киши инсон эмас,  
Эрк учун, халқи учун қийналмаган жон-жон эмас.

*Чустий*

Кимдаки бўлмаса замона ғами,  
Ё оламдан эмас, ё эмас одам.

*Паҳлавон Маҳмуд*

Юртни обод қиласман деган киши ўзи обод бўлади.

*Абдулла Қаҳҳор*

Ҳеч вақтда дўстларинг бўлмасин ҳайрон,  
Кўлдан келса қилинг душманни вайрон,  
Халойиқ бир бўлиб яшанг меҳрибон,  
Туғилган ер учун ҳурмат яхшироқ.

*Бердақ*

Инсон тирик экан ўз Ватани учун курашмоғи лозим.

*Алишер Навоий*

Ватан бизнинг валинеъматимиз ва мураббийимиздир,  
ҳар бир валинеъмат ва мураббийга хизмат қилиш лозим,  
бас, ватанга хизмат бурчдир.

*Фитрат*

Ватан таркини бир нафас айлама,  
Яна ранжи ғурбат ҳавас айлама.

*Алишер Навоий*

Юртдан чиқиш тириклай гўрга кириш деган сўз.

*Абдулла Қаҳҳор*

Ватанни шод этиш учун кўп қайғуринг.

*Дилиоди Барно*

Ватанни тарк әтмоқ ҳазил иш эмас,  
Бу иш учун ҳар ким тоб беравермас!

Хожа Самандар Термизий

## 2. Халқ – уммон

Халқ дengиздир, халқ түлқиндир, халқ күчдир.  
Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир.  
Халқ қўзғалса куч йўқдир, ким тўхтатсин.  
Қувват йўқ, ким халқ истагин йўқ этсин.

Чўлпон

Бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам берган халқ –  
фазилатли халқдир.

Абу Наср Форобий

Халқ ҳамма замонларда ҳам ҳақ йўлдан юриб келган,  
бундан кейин ҳам шундай бўлади!

Абдулла Орипов

Халқлар иродаси зўр куч.

Гафур Гулом

Дунёда мантиқсиз ҳеч иш бўлмайди,  
Томчи йигилмаса жом ҳам тўлмайди.  
Биз томчи эрурмиз, халқ эса уммон,  
Халқ ўлмас, томчи ҳам демак, ўлмайди!

Абдулла Орипов

Жаҳон тарихида асло кўрилмаган мўъжизалар яратган  
улуғ халқ ҳар ишга қодир.

Ойбек

Халқнинг кўзи боғланса, қулогига қўрғошин қўйилса,  
тақдир ҳукми ўлимдек ҳақ, деган ақидани унинг зеҳнига  
сингдириш осонроқ бўлади.

*Абдулла Қаҳҳор*

Одатлар халқ табиатининг кўзгусидир. Ҳеч бир халқ-  
нинг ҳеч бир одати айрим одамларнинг истак-ҳоҳиши билан,  
шунчаки бир ўткинчи ҳаваси билан дунёга келган эмас.

*Эркин Воҳидов*

Комил бўлишга интилган халқ, албатта ютади. Бундай  
халқнинг озодлиги, келажаги хавф-хатардан холи бўлади,  
аниқ қилиб айтганда, ҳар қандай шароитда ўз ҳақ-ҳуқуқи-  
ни, эркинлигини, номус ва шаънини ҳимоя қила олади.

*Абдулла Орипов*

Элга қўшулган оройиш топти,  
Элдин узуулган осойиш топти.

*Алишер Навоий*

«Халқ» деган тушунча тез-тез тилга олиниб турса-да,  
ҳеч қачон ҳар жиҳатдан teng, яхлит бир кучни англатмайди.  
Ҳамиша халқ бор, оломон бор, авом бор, орифлар бор.

*Озод Шарафиiddинов*

Руҳияти баланд, имон-ишенчи мустаҳкам ҳар қандай  
қавм ёки халқ ҳеч қачон енгилмаган.

*Абдулла Орипов*

### **3. Халқпарварлик – юксак түйғу**

Одамий эрсанг, демагил одами  
Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами.

*Алишер Навоий*

Кимнинг халққа фойдаси тегиб, шу фойдаси туфайли  
ҳаловат топса, ўша одам эзгудир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Халққа хизмат қилиш – катта баҳт.

*Ойбек*

Миллат ҳар бир вакилида шарафу эътибор бўлса, ўша  
миллат шарафу эътиборга лойиқ бўлади.

*Фитрат*

Шоҳлик тиласанг, гадоси бўл халқингнинг!  
Ўзни унут-у, фидоси бўл халқингнинг!  
Бошига кўтарсинг, десанг, эл тож янглиғ,  
Қўлин ўп-у, хокипоси бўл халқингнинг!

*Паҳлавон Маҳмуд*

Миллатнинг манфаати учун ҳаракат қилмаган одам  
охират саодатига эришолмайди.

*Фитрат*

Халқни илгарига бошламоқ учун уни жуда яхши билмоқ  
керак: ўтмишни ҳам, бугунни ҳам.

*Абдулла Орипов*

Инсоннинг энг буюк баҳти жонажон халқига беминнат  
хизмат қилишдир.

*Комил Яшин*

Ўзимизнинг манфаатимиз учун қандай ҳаракат қилсак,  
миллатимиз манфаати учун ҳам шу тариқа ҳаракат қилишими  
лозим.

*Фитрат*

Фидойи халқим ўсун танда жоним,  
Бўлиб қурбон анга руҳи равоним.

*Аваз Ўтар*

Ҳар қандай интилиш, изланиш, ижод халқ манфаатла-  
рига хизмат қиласагина у қадрлидир.

*Абдулла Орипов*

Зиёли ўзини халқнинг узвий қисми деб ҳисобламоги,  
халқа қарши бўхтонларни рад этмоғи, халқнинг маънавий  
бойлигининг посбони бўлмоғи лозим.

*Озод Шарафиддинов*

Улки зафар шевасини тавр<sup>1</sup> этар,  
Элга демаким, ўзига жавр этар.

*Алишер Навоий*

Ҳар қандай кулфатлардан халқа бўлган меҳр асраб  
қолади.

*Абдулла Орипов*

Ўтмишдаги шон-шуҳрат, муваффақият ва парвозлар  
яхши нарса, албатта! Аммо, улар шунаقا нарсаки, бу  
шуҳратга шуҳрат қўшиб турмаса, эски ютуқлар қаторини  
янгилари билан бойитиб бормаса, миллатнинг қаноти  
қайрилиб, парвози сусайиб қолади.

*Озод Шарафиддинов*

---

<sup>1</sup> Юриш-туриш, хулқ.

Баҳодир халқимиз, улуг Ватанимизга хизмат қилишдан  
кўра шарафлироқ ишимиз йўқ!

*Faғur Fулом*

Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил,  
Ҳам жонларига мойай<sup>1</sup> дармон бўлғил.

*Алишер Навоий*

Етарсан муродга, гар хизмат этсанг,  
Элинг йўллаганда, ҳар қаён кетсанг,  
Ҳар қачон душманнинг бошига етсанг.  
Аянмасдан, хизмат айла халқ учун.

*Бердақ*

Неким ўз қошингда эрур нораво,  
Улусқа они кўрма асло раво.

*Алишер Навоий*

Кимки эл ғамидадур сухансанж,  
Анинг ҳар сўзи дунёда улуг ганж.

*Анбар Отин*

Нафинг агар халққа бешак эрур,  
Балки бу наф ўзингта кўпрак эрур.

*Алишер Навоий*

Не яхши ўйлаким, маъқулу манзур,  
Аваз халқим учун тўкулса қоним.

*Аваз Ўтар*

Ўшалким элди айбини ёшурса,  
Худо ул бандани мағфур тутқай.

*Нодира*

<sup>1</sup> Моҳият, асос, сабаб.

Йигит бўлсанг арслон каби тугилган,  
Ҳамиша сен хизмат этгиҳ ҳалқ учун,  
Йигит бўлсанг арслон каби тугилган,  
Ўзим демай, ғамхўрлик қил ҳалқ учун.

*Бердақ*

#### **4. Истиқдол – буюк саодат**

Мустамлакачилик фақат мамлакатни ғорат қилмайди, ундан ҳам ёмонроғи одамларни, ҳалқни руҳан ғорат қилади, шундай қиласиди, қул ҳаётини кечираётган, инсонга номуносиб ҳаёт кечираётган одамда шу ҳаётга қарши норозилик, исён руҳи буткул сўнади.

*Абдулла Қаҳҳор*

Урушда вайрон бўлган иморатни тиклаш осон, лекин мустамлакачилик қўл-оёғини боғлаб, тақдир ҳукмига топширган одамни бу фалокатдан ҳалос қилиш қийинроқ!

*Абдулла Қаҳҳор*

Фақат ақл қучи билан, фақат иродада кучи билангина одам ҳамиша янгиланиб, панжаралари мустаҳкамланиб турадиган ички тутқунлик асоратидан озми-кўпми қутилиб, ички эрксизликка барҳам бериб, ҳақиқий эркинлик салтанатига эришмоги мумкин.

*Озод Шарафиддинов*

Даҳолар ўз азалий табиатига кўра инсоний эрк ва миллий озодликка хизмат қиласидилар.

*Абдулла Орипов*

Одам эркин эканман деб оғзига келган нарсани валдираши, кўнглига келган номаъқулчиликни қилиши мумкин эмас.

*Озод Шарафиддинов*

Хұрriят – бизнинг онамиз, ҳұrriyat – бизнинг опамиз, ҳұrriyat – бизнинг синглимиz. Яъни, бу деганим – мана шундай буюк неъматни авайлашимиз, ориятини, ному-сини асрай билишимиз керак.

*Абдулла Орипов*

Қора күчлар халқдарни қон дарёсига ботириб, шаҳар-ларни қул ва харобага айлантириши мумкин, аммо улар халқларнинг озодлик йўлларига асло сад<sup>1</sup> чеколмайди, халқлар қалбидағи эрк севгиси сўнмас ва абадийдир, озодлик ва мустақиллик албатта енгажақдир!

*Ойбек*

Бу ёргуғ оламда одам боласи учун ундан кўра азиз ва табаррук, ундан кўра мўътабар ва улуғ тушунчанинг ўзи йўқ. Ўзини билган одам учун Ватанни озод кўрмоқ – энг улуғ саодатдир.

*Абдулла Орипов*

Аслида эса, баҳтли бўлишдан илгари – озод-эркин бўлиш керак. Эркин бўлиш учун табиат ва жамиятнинг бутун қонунларини билиш керак. Ҳамма халқ ҳам эркин-озод бўлишни истайди ва шунга бутун қобилияти билан интилади. Демак, меҳнаткаш халқнинг бошлангич идеали – орзуси озод бўлмоқдир. Халқ ўз баҳт-саодатини шунда кўради.

*Ғафур Гулом*

Дунёдаги энг улуғ мартаба, энг улуғ шараф – Ватан озодлиги учун хизмат қилишдир.

*Абдулла Орипов*

Үурбатда ғариб шодмон ўлмас эмиш,  
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.

---

<sup>1</sup> Тўсиқ, ғов.

Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,  
Бұлбұлға тикандек ошён бўлмас эмиш.

*Алишер Навоий*

Тарих саҳнасига озод юрт, озод миллат бўлиб чиқиб  
олиш, дунё халқарининг эътирофини қозониш шунчаки  
айтиладиган гап эмас.

*Абдулла Орипов*

Истиқдолдан баҳраманд авлодлар, албатта, бу йўлда  
ўзларини фидо қилган инсонларнинг хотирасини эслashi  
лозим.

*Абдулла Орипов*

Истиқдол – миллат шаънини ҳимоя қилибгина қолмай,  
унинг дунёқарашини ҳам рўёбга чиқаради. Руҳи озод  
инсон ўзи яшаётган жамиятда, шу билан бирга, бутун  
башарият ҳаётида дахлдорлик ҳисси билан яшайди.

*Абдулла Орипов*

Истиқдол осмондан тушган эмас, у изтироблар, кўз  
ёшлар, қурбонлар эвазига қўлга киритилади.

*Абдулла Орипов*

Мустақиллик ўқ отилмай, қон тўкилмай қўлга кири-  
тилди, дегувчилар хато қиласидилар. Ахир шу мустақиллик  
учун юз қирқ йилдан бери асл фарзандларимизнинг қони  
тўкилди-ку. Мустақиллик қонлар эвазига, жонлар эвазига  
келди.

*Сайд Аҳмад*

Инсон боласи ҳамма нарсани вақтинча йўқотиши  
мумкин, лекин мустақилигини йўқотса, дунёning барча  
қувонч ва ташвишлари бекордир.

*Абдулла Орипов*

Мустақиллик бир кунлик байрамда эмас, балки ҳар дақиқа бизга ўзлигимизни, ғуруримизни эслатиб тургувчи эскирмас туйғу бўлмоғи шарт.

*Абдулла Орипов*

Ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, озодлик бизга инсондек яшаш имконини берди, зеро, ўз юритида инсондай яшаган одамнинг эртаси умидли бўлади. Эртаси умидли одам шу Ватанни, керак бўлса, шу она заминни гул-гўзаликка буркашга қодир.

*Абдулла Орипов*

## **5. Давлат миллат истиқболи**

Агар салтанат ҳар қандай талабга жавоб берса-ю, аммо уни донишмандлик тарқ этса, мамлакат ҳукуматсиз қолди, деяверинг. Бу мамлакатни бошқарувчи ҳукмдор ҳам ўз мавқеини буткул йўқотади. Мамлакат эса ҳалокатга юз тутади.

*Абу Наср Фаробий*

Ҳиммат билан бир қаторда сиёsat ҳам керак. Сиёsatни юритиш учун эса пишиқ-пухта раҳбарлик хислати керак.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Агар ҳалқнинг бошчиси яхши бўлса,  
Унинг хизматчилари яхши бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Құдратимизга шак-шубҳангиз бўлса, биз қурдирган биноларга боқинг.

*Амир Темур*

Икки хотиндан хона супирилмайди, икки хўжайиндан уй бузилади.

*Низомулмулк*

Агар ерда ва кўқда икки худо бўлса, жаҳоннинг иши бузилур.

*Амир Темур*

Ҳар бир жамоанинг раиси ва сардори ўша жамоатнинг хизматкори деган гапдир.

*Фитрат*

Оlamда одам пайдо бўлганидан буён, заковатлилар эзгу сиёsat юргизиб келганлар.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Подшоҳ ҳар ишда қарорида қатъий бўлсин, яъни ҳар қандай ишни қилишга қасд қиласр экан, то битирмагунича ундан қўл тортмасин.

*Амир Темур*

Подшоҳ ҳукми жорий этилиши даркор. Бирон кимса гарчи ҳукми заرارли деб билган бўлса ҳам, унга монелик қилолмасин.

*Амир Темур*

Подшолик ишларини тамоман бошқага топшириб, эркни унга бериб қўймасинким, дунё хиёнатчи хотин сингари, унинг хуштори кўпдир. Агар шундай қиласр экан, ўзганинг нафси тез орада подшоҳ бўлишни тилаб, салтанат тахтини ўзи эгаллашга киришади.

*Амир Темур*

Вазирлар, амирлар бирон кимса ҳақида яхши-ёмон сўз қиласр эканлар, (подшо) эшитсан. Лекин уни амалга оширишда бутун ҳақиқат аён бўлмагунича шошмай, мулоҳаза билан иш тутсин.

*Амир Темур*

Қайси ҳоким ҳукмининг таъсири чўп ва калтаклаш таъсиридан камроқ бўлса, ундаи ҳоким ҳукумат юргизишга яроқсиздир.

*Амир Темур*

Агар ўғилларимдан қайси бирори салтанат мартабасига даъвогарлик қилиб бош кўтарар экан, уни уриб-сўкиб, ўлдиришга ёки мучасидан бирон жойини камайтиришга ҳеч ким журъат қиласин, лекин уни кўз тагида сақласин-ларки, токи ўз даъвосидан қайтсин ва тангри таолонинг мулкида фасод чиқмасин.

*Амир Темур*

Уч тойифани бузилмоғи уч нарсадандир: сultonларни бузулмоғи зулмдан ва уламоларни бузилмоғи тамаъдан ва сўфийларни бузилмоғи риёдан.

*Хожа Аҳрор Валий*

Бошсиз мамлакат жонсиз танга ўхшайди. Бежон таннинг аҳволи вайроналикга ўхшайди.

*Амир Темур*

(Подшо) мажлис аҳлидан огоҳ ва ҳушёр бўлсинким, улар кўпинча айб ахтариб, уни ташқарига ташийдилар. Подшоҳнинг сўзидан, ишидан вазирларга, амирларга хабар бериб турадилар.

*Амир Темур*

Ҳозирги дамгача ўтган сultonларнинг қонунлари ва туриш-турмушларини донолардан сўраб-сuriштиридим. Ҳар қайсиларининг йўл-йўриқлари, туриш-турмушлари, қилиш-қилмишлари, айтган гапларини хотирамда сақладим ва хуш ахлоқлари, маъқул сифатларидан намуна олиб, унга амал қилдим.

*Амир Темур*

Уч кишига уч нарса зарурдир: Подшоҳга сиёсат, вазирга омонат, раъиййатга итоат.

*Хожа Аҳрор Валий*

Ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳолисининг ашроф-улуғлари ва бузурглари билан ошна тутиндим. Уларнинг мижозларига, табиятига тўғри келган, ўзлари тилаган одамларини уларга ҳоким қилиб тайинладим.

*Амир Темур*

Ҳоким билан шаҳар аҳолиси ўртасидаги муносабат шундай муҳаббат асосига қуриладики, агар шаҳар аҳолисининг бирор аъзосига зиён-заҳмат етса, унинг зарари гўё жамиятнинг бутун аҳолисига дахл қилгудек тушунилади.

*Абу Наср Фаробий*

Давлатларининг таназзулга учраши сабабларини суриштирудим ва давлату салтанат заволига сабаб бўлувчи ишлардан сақландим.

*Амир Темур*

Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилур.

*Амир Темур*

Жаҳонгиrlар давлатни заковатлари туфайли қўлга кириладилар, ҳокимлар халқларни билим билан бошқарадилар.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Амирларим агар ярашдан сўз очсалар, бунинг фойдасини уруш зиёнига солиштириб кўтардим, агар урушга

мойил бўлсалар, унинг нафъ ва фойдасини яраш зиёнига таққослаб кўрардим, қайси бири фойдалироқ бўлса, шуни ихтиёр қиласадим. Сипоҳни иккилантирадиган кенгашни эшитишдан сақланардим.

*Амир Темур*

Жаҳонгирлик тўхтаб турмайди, ким яхши тиришса, жаҳон ўшаники бўлади, ҳаётда ҳар бир нарсанинг тўхташи мумкин, аммо подшоҳлик (иши) тўхтамайди.

*Захириddин Муҳаммад Бобур*

Кимнинг ақли ва шижоатини синов тарозусида тортиб кўриб, бошқаларникидан ортиқроқ кўрсам, уни тарбия қилиб, амирлик даражасига кўтарар эдим. Сўнгра кўрсатган хизматига яраша мартбасини янада оширап эдим.

*Амир Темур*

Шоҳликни дарвешликдан узоқ дема, биз шоҳ бўлсак ҳам, дарвешларнинг баандасимиз.

*Захириddин Муҳаммад Бобур*

Шоҳдин ҳам лутф марғубдур, ҳам сиёsat матлубдур. Аммо ҳар бири ўз маҳаллида хўбдур.

*Алишер Навоий*

## **6. Куч – адолатда**

Бирор мамлакат (ҳокимият) ишларининг орқага кетишига сабаб – вабо кўп бўлиб, тузукларию тартиботларининг сусайишидандир.

*Маҳмуд Замахшарий*

Куч – адолатдадир.

*Амир Темур*

Нечаким, олам ичида шоҳсан,  
Шоҳлиқ атворидин огоҳсан.  
Давлат эрур адл ила есанг ош,  
Вой, агар зулм ила қилсанг маош.

*Хожа*

Интизом деб қиласурган ибодатларимизни, ишларимизни ҳар бирини ўз вақтида тартиби ила қилмакни айтилур. Агар ер юзида интизом бўлмаса эди, инсонлар бир дақиқа яшолмас эдилар.

*Абдулла Авлоний*

Бир кунлик адолат юз кунлик тоат-ибодатдан афзал.

*Амир Темур*

Камбағал, тул, етимларнинг ҳолларидан хабардор бўлиб тур, уларни авайласанг, адолат мана шу бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифаларни қўринг, йўқсулларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва озодлик – дастурингиз, раҳбарингиз ўлсин.

*Амир Темур*

Қонун-қоида ва низом-тартиблар барчаси адолат асосига қурилди, ёмонлар ҳийла ва найрангларини ташлаб йўқ бўлдилар.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Золимлардан мазлумлар ҳақини олдим. Золимлар етказган ашёвий ва жисмоний заарларни исботлаганим-

дан кейин, уларни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим.

*Амир Темур*

Адолатдин улди эл осойиши,  
Эл осойиши – мулк оройиши.

*Мунис Хоразмий*

Подшо салтанат ишларида ҳар кимнинг сўзини эшитсин, ҳар кимдан фикр олсин. Қайси бири фойдалироқ бўлса, уни кўнгил хазинасидан сақлаб, вақтида ишлатсин.

*Амир Темур*

Шоҳки, иш адл ила бунёд этар,  
Адли бузуқ мулкни обод этар.

*Алишер Навоий*

Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интилдим.

*Амир Темур*

Ҳақиқат ва адолат билан тўғри сиёsat юргизмаган ҳар бир раҳбар ва бошлиқ қаттиқ азоб-уқубат ва балога гирифтор бўлур.

*Маҳмуд Замахшарий*

Агар ҳукмдор одамларни ўзига бўйсундириш, итоат эттириш, уларни буткул ўз измига солиб, нима истаса, нимани буюрса, шуни сўзсиз бажо келтиришлари учун жанг қилса, бу адолатсиз курашдир. Агар ҳукмдор кимдандир устун туриш мақсадида жанг қилса, бу ҳам адолатсиз уруш

ҳисоблангусидир. Борди-ю, хукмдор кимнидир ёки кимларнидир ўз газабини қондириш ёхуд шунчаки ҳузурлашиш учун ўлдирса, бу ҳаракат ҳам адолатсизлик саналади.

*Абу Наср Фаробий*

Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади.

*Амир Темур*

Тенглик ҳукм сурган жойда сотқин, алдамчи эҳтирослар, ғам-ғусса бўлмайди.

*Абу Райҳон Беруний*

Адолат ва инсоф билан тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайрэҳсон ишларим билан одамлар кўнглидан жой олдим.

*Амир Темур*

Адл нишони била тўлди жаҳон,  
Йўқ ситаму зулмдин асло нишон.

*Хожа*

Ҳар бир кун учун ҳақ ва ҳақиқат ҳозир нарса.

*Абу Райҳон Беруний*

Ҳокимлар, сипоҳ ва раиятдан қайси бирининг халқда жабр-зулм етказганини эшитсан, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим.

*Амир Темур*

Икки нарса элни тутиб туриш учун маҳкам бοғичдир: бири – ҳушёрлик ва зийраклик, бошқаси – адолат. Элнинг негизи мана шулар.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Адолатнинг ҳукм сургони ерда ислоҳни кераклиги йўқ.

*Маҳмудхўжа Беҳбудий*

Нечукким, эрур адл шаҳларға зеб,  
Эрур ҳам гадо, хокраҳларға зеб.  
Шаҳеким, адолатдур онинг иши,  
Тенг эрмас анга шоҳлардин киши.

*Алишер Навоий*

Ҳар қандай одам менинг адолат девонимдан паноҳ топган экан, гуноҳи бўлса, у ҳолда гуноҳига яраша жазоласинлар.

*Амир Темур*

Адолатга раҳна солувчи ҳар қандай кучга қарши кураш ҳар бир инсофли кишининг бурчиидир.

*Абдулла Орипов*

Султон ҳар нарсада адолатпеша ўлсин, қошида инсофли, адолатли вазирлар сақласин, токи подшоҳ зулм қилгудек бўлса, одил вазир унинг чорасини топсин.

*Амир Темур*

Йўқсилга дедилар: даъвойингдан кеч,  
Мана ол, сийму зар сенга кафолат.  
Йўқсил улар гапин тингламади ҳеч,  
Адолат, деди у, фақат адолат!  
Бадавлат кимсага бердилар савол,  
Дедилар: нима бор кучлироқ пулдан?  
У жавоб қайтарди: қўрқаман, алҳол,  
Адолат ахтарган ўша йўқсилдан.

*Абдулла Орипов*

Адоват эмас –adolat енгади.

*Амир Темур*

Хар қандай мадҳиядан кўраadolat йўлида қўйилган битта амалий қадам афзal.

*Озод Шарафиiddинов*

Ахоли ўртасидаги муносабат ва муомалаларни тартибга соладиган қонунлар лозим, токи ўртамиизда тушунмовчилик пайдо бўлиб жамиятимиз паришон бўлмасин.

*Фитрат*

Нафақат амалдор, балки ҳар бир фуқаро учун қонун чизиб берган йўлдан бир қадам ҳам четга чиқмаслик – энг муқаддас қонун бўлмоғи керак.

*Озод Шарафиiddинов*

Инсофли ва иқтидорли одамлар ўз манфаатларини қонуний йўл билан таъминлашни хоҳлайдилар. Аммо шундайлар ҳам борки, манфаатларини тўғри йўл билан эмас, балки, жаҳл, ўғрилик ва ношаръий воситалар билан амалга ошириб, ахлоққа зид ишлар билан машгул бўладилар. Шундай экан бундай ишлардан бизни манъ қилмоқ учун қонун лозимdir.

*Фитрат*

Подшоҳ ҳар ишда ўзи ҳукм чиқарсин, токи ҳеч ким унинг ҳукмига аралашиб, ўзгартира олмасин.

*Амир Темур*

## **7. Тинчлик – улуг неъмат**

Тинчлик учун кураш – башарият иши.

*Гафур Гулом*

Уруш! Номинг ўчсин жаҳонда,  
Ҳамон битмас сен соглан алам.  
Сен туфайли кўп хонадонда  
Ота номли буюк шодлик кам.

*Зулфия*

Софдил, вижданли кишилар тинчликни сўзда эмас, балки амалда – иш билан, кураш билан ҳимоя қилиш, сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш кераклигини биладилар.

*Гафур Гулом*

Асрлар мобайнида қонли фитналар, ҳалокатли ихтилофлар, ўлим ва вайроналик келтирувчи урушлар жамиятни чулғаб, инсониятнинг бошига нималар солмади!

*Воҳид Зоҳидов*

Агар уруш учун қилинаётган беҳуда сарфлар ҳалқларнинг хонадонини обод қилиш, тинчлигини таъминлаш, ҳаёт фаровонлигини ошириш, шаҳарлар қуриш ва боғлар обод этиш учун сарфланса эди, ер юзи яна гўзал ва чаман, юз миллионлаб одамлар баҳтли ва маърифатли бўйлур эди.

*Гафур Гулом*

Ҳар биримизнинг муроду мақсадимиз, орзу-ҳавасларимиз Ватан гуллаб-яшнасагина рўёбга чиқади. Бу эса биринчи навбатда тинчлик-осойишталика, олдимизга катта мақсадларни қўйиб, қўлни-қўлга бериб, ҳамжиҳатлик билан фидокорона ишлашимизга бевосита боғлиқ.

*Абдулла Орипов*

Ўлимни кўрсатган кишининг ҳаётни қадрлаши, қиша  
қийналган одамнинг баҳорни севиши, сувда бўғилганларни  
кўрганда кишининг соҳилга эътибори ошуви нақадар таби-  
йи бўлса, уруш фалокатларида хуноб бўлган халқарнинг,  
мехнаткаш инсонларнинг тинчликка, осойишталикка меҳр  
қўйишлари ҳам шунчалик табиий бир ҳолат бўлган.

*Мақсад Шайхзода*

Юрт нотинч бўлса, бошингдан ўқ учиб турса, бутенгсиз  
бунёдкорлик, буюк келажак ҳақида қайгуриш у ёқда тур-  
син, ҳатто ичаётган бир пиёла чойинг ҳам заҳар-заққумга  
айланади.

*Абдулла Орипов*

Тинчлик истасалар, тинчликдан кечма,  
Жангга талаб қилса юз буриб қочма!

*Хожа Самандар Термизий*

#### **8. «Агар огоҳ сен ...»**

Ҳар бир ишда ҳам ғофиллик қилма, ҳушёр бўл, ғофил-  
ларнинг ишлари ҳеч қачон кўнгилдагидек бўлмайди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Кўр кетар экан билмай истиқболда чоҳ,  
Уни огоҳ этмасанг сен дадир улуғ гуноҳ.

*Баҳоуддин Накишибандий*

Маърифат соҳиби бўлмак учун аҳволи оламдан хабар-  
дор бўлмак керак.

*Абдулла Авлоний*

Сендан қўрқкандан сен ҳам қўрқ.

*Мотуридий*

Бегам одамлар гофиллик қиласылар, ёв босиб келганда,  
энг аввал гофиллар үладылар.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Қурол ҳозирлашни унуган аскар асир бўлади.

*Мажмуд Кошгари*

Ёв қалъани олмоқчи бўлса, ҳужумни посбонни босиши  
дан бошлайди. Посбонни қўлга олиш қалъага рахна солиш  
демакдир.

*Абдулла Қаҳҳор*

Ақл эгаси ҳийлагана алданмагай,  
Ҳийлагарнинг ҳийласи бошин егай.  
Дўст ила душман сўзининг фарқи бор,  
Фаҳм этар ҳар кимки, ўлса ҳушёр.

*Абдулла Авлоний*

Гофил одам кўз юмиб гафлат уйқусига ботади, эй иро-  
дали мард, гофил бўлма, ҳушёр бўл.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Кимдир бошқаларга тилар омонлик,  
Кимдир соғинади фақат ёмонлик.  
Бир қарасанг ўхшаш рангу рўйлари,  
Бироқ тамом бошқа фикру ўйлари.  
Сиртдагисин кўриб турибсан ҳар он,  
Ичдаги оламдан огоҳ бўл, инсон!

*Абдулла Орипов*

Элигнинг<sup>1</sup> ҳушёrlиги элга фойда келтириди, шулар ту-  
файли элда тинчлик ва тотувлик қарор топди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

---

<sup>1</sup> Ҳалқ.

Гофилик давлатни қўлдан кетказар.

*Низомулмулк*

Ҳар киши нокас билан ҳамкосадир,  
Минг шарофатни касофат босадир.

*Машраб*

Амирнинг гофилиги, вазирнинг хиёнати подшоҳликни  
йўқ қиласар.

*Низомулмулк*

Агар бирор қайғу-алам юз бергани ёки таъзияли жойни  
эшитсанг, дарҳол у ерга бор, агар зиёфату меҳмондорчиликка  
чақирилсанг, унда ўзинг ўйлаб иш тут (ўзинг биласан).

*Махмуд Замахшарий*

Эрурсен шоҳ – агар огоҳсен сен,  
Агар огоҳсен – шоҳсен сен.

*Алишер Навоий*

Инсон ибрат назари ила боқуб, дунё китобидан ўз  
қадр-ҳиссасини билиб олмаги лозимдур. Шунинг учун ақд  
соҳиблари, фатонат эгалари ўзларига фойдаси бўлса-бўл-  
маса, синчилаб қарағон нарсаларидан бир ҳисса олмай  
қўймаслар.

*Абдулла Авлоний*

Ғафлат аро хуш кўрибон хуш дема,  
Вақиф<sup>1</sup> ўлиб, сўнгра пушаймон ема.

*Алишер Навоий*

Белни богла, даврингни сур,  
Дўсту, душманни синаб юр,  
Ёмон сўздан қулоқни бур,  
Сен ғафлатда қолма, болам.

---

<sup>1</sup> Вокиф.

Молим йўқ деб, қийнама жон,  
Давлат топилур ҳар қачон,  
Душманингга берма омон,  
Ҳар чоқ ҳушёр бўлгин, болам.

*Бердақ*

Огоҳ кишини эҳтиёткорликнинг оқибати билан та-  
ништиргин. Ҳидоятга бошловчиларни эслатиш орқали  
уни мулоҳаза юритишга кўндириб, олижаноб ишларни  
қилишга чақир.

*Маҳмуд Замахшарий*

Ғолиб душмандин ҳардам ғофил қолма,  
Ўчиролмас исён ўтин ўз ҳарамингга солма.

*Алишер Навоий*

Ҳушёр ва заковатли одам улдурки, унинг фикр доираси  
кенг, узоқни яқиндек кўра оладиган, гафлат уйқусидан  
йироқ, балки ҳамиша фикру зикри билан уйғоқ, маҳфий  
ишоратдан ҳам ўзига хулоса чиқара ола биладиган, сўқир  
кўздан ҳам ёш оқиза оладиган бўлур.

*Маҳмуд Замахшарий*

Ҳушёрликсиз бирор нафас ҳам олмаган,  
Назари қадамидан ўзга ерда бўлмаган.

*Абдулхолиқ Гиждувоний*

Худо кўрсатмасин, агар сени қайғу-ҳасратларнинг  
кучли еллари ўраб олса, унда дод-фарёду фигонларинг  
фойда бермас.

*Маҳмуд Замахшарий*

Дўстлар фикридин ва душманлар макридин бепарволиг  
жоиз эрмас ва шу иш надоматдин ўзга натижа бермас.

*Алишер Навоий*

Одамни гафлат уйқусига ботиувчи ғофилликдир, гафлат уйқусига гарқ бўлган одам жами ишларини ташлаб қўяди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ғофил бўлмагинки, ғофиллик зулматнинг моясиdir,  
Дўст ёри билан бўл, қалбингни нурли қилади.

*Абдулхолик Ғиждувоний*

Ғофил одамнинг ҳаёти – уйқу бирла хомхаёл,  
Хайфдир жоҳил билан суҳбатда ўтган дамларинг.

*Зебуннисо*

Қашшоқлиқ, тенгсизлик, одамнинг қадр-қимматини ерга урадиган бошқа ҳамма нарса ҳам ўтади: уйсиз уйлик бўлади, оч тўяди, гап бунда эмас, ҳамма гап шундаки, мана шу одамларда одамлик ғурури караҳт бўлган, бу одамларда шундай ҳаётта қарши исён рухи йўқ, аксинча, булар шу ҳаётни қарилукдай табиий, ўлимдек ҳақ деб билишар экан.

*Абдулла Қаҳҳор*

## 9. Бирлашган ўзар

Қайси бир ишда ҳамжиҳатлик ва яқинлик бўлса, ўша ишдан манфаат олинади, кўнгил кўзи билан қарагин.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ҳар югурган ёвшумас,  
Ҳар айрилган қовушумас.

*Алишер Навоий*

Одамлар қайси дин, қайси қавм, қайси миллатда бўлмасинлар, бир отанинг фарзандлари, бир жинснинг авлодлари, бошқача қилиб айтсак, бир-бирларига биродардирлар.

Шундай экан, бир-бирларига шарт қўймай, муҳаббатли ва шафқатли бўлишлари керак. Яъни ўрталарида «умумий биродарлик»ни барпо этишлари керак.

*Фитрат*

Умсиз<sup>1</sup> от довон ошолмайди.

*Амир Темур*

Шаҳ тилар бўлса шаҳлик қилмоқ,  
Сипоҳидан керакмас айримоқ.

*Алишер Навоий*

Вакилларининг орасида сидқ<sup>2</sup> бўлмаган миллат хоҳла-  
са-хоҳламаса паришонликка мубтало бўлади.

*Фитрат*

Аҳил бўлса олов ичра ҳам инсон,  
Аҳил кишиларга олов ҳам осон,  
Ноаҳил кишилар суҳбатидан қоч,  
Ноаҳил суҳбати ёмондан ёмон.

*Паҳлавон Маҳмуд*

Арпасиз от қир ошолмайди, йўлдошсиз ботир жангда  
енголмайди.

*Маҳмуд Кошгариј*

Агар қилмади эл ҳимоят санга,  
Ўзингдан керакдир шикоят санга.

*Алишер Навоий*

Икковлон бир-бирларинг билан жанжаллашманг – ик-  
ковингиз ҳам мағлуб бўласизлар.

*Амир Темур*

---

<sup>1</sup> Куч.

<sup>2</sup> Ишонч.

Жаҳон ўзбошимчалари майдонда обрў қозонолмайди.  
Иттифоқла бириккан бармоқлар қиличнинг ишини  
қиласар.  
*Нодира*

Ҳар бир ишда ҳамкор иста.

*Мотуридий*

Низо қилиш ҳақида сенга фатво берсалар-да, тажрибадан ўтиб синалган киши билан низо, баҳс ва мунозара қилишдан сақлан.

*Махмуд Замахшарий*

Ҳар бир вазир қайчи мисолидир (агар қайчининг бир таянчи бўлмаса, иккинчи томони ҳеч нарсага қодир бўлмайди).

*Махмуд Замахшарий*

Бирликсиз куч бўлмас.

*Амир Темур*

Яхши либос танға оройиш,  
Яхши қўлдош жонға оройиш.

*Алишер Навоий*

Қайси бир миллатнинг орасида бирлик кўтарилиб, нифоқ ва адоват ҳукм сурган бўлса, ул қавмнинг инқироз дунёсига юзланганлиги тарих саҳифаларидан маълумдир.

*Абдулла Авлоний*

Худонинг амри билан кичик тўданинг катта тўда устидан галаба қилгани озмунча эмас.

*Захириддин Муҳаммад Бобур*

Галага бўри чопса, эй фулоний,  
Қаю айрилса ул ҳам тишлар они.

Юрусанг якка дев бошингни янчар,  
Қароқчи тўпдин айрилғонни санчар.

*Сўфи Оллоёр*

Ёлғизлик ҳалокатга олиб келади. Зеро, инсон ўзига  
керакли нарсаларни фақат жамият ёрдамида қўлга кири-  
тиши мумкин.

*Абу Али ибн Сино*

Етурдим ҳар жамоатга ўзумни,  
Очиб ибрат или ҳар ён кўзумни.  
Барининг ҳолидин бўлдум хабардор,  
Аён кўнглумга бўлди борча асрор.

*Оғаҳий*

Агар икки хатарлик (ёки) бир хатарлик ишларни қи-  
лишга тўғри келгудек бўлса, икковидан баробар қутулиш  
чораси топилмагач, бир хатарини ихтиёр этмоқ керак.

*Амир Темур*

Менинг халқим бирлик ва иттифоқни, ҳамжиҳатликни  
яхши кўради.

*Ҳамид Олимжон*

## **10. Тараққиёт фаровонлик қалити**

Бани одам то ибтиодан бугунги кунгача тараққий этиб  
келган ва тараққий этади ҳам.

*Фитрат*

Муваффақиятни саъй-ҳаракатда, муваффақиятсизлик-  
ни лоқайдлик ва дангасаликда, балони тилда, ҳаловатни  
сукутда кўрдим.

*Нажмиддин Кубро*

Ҳар бир миллатнинг тараққий ва таолииси<sup>1</sup> ишларини вақтида низомдан чиқармай тартиби или юритмакга боғлидур.

*Абдулла Авлоний*

Ҳар бир миллат ақд-заковати яратган маданий бойлиги барча миллатларнинг маънавий бойишига, равнақ топишига ва улар маданиятининг яқинлашувига ёрдам беради.

*Иброҳим Мўминов*

Инсон инсонлиги учун ҳам ё тараққий этиши лозим, ёки инқиrozга дуч келиши даркор. Тараққий йўлдан юргаган жамоа ўз ҳолида ҳамиша бир хил бўла олмайди, яъни кун сайин кўрсаткичлари пасайиб кетади.

*Фитрат*

Тараққий айламак лозим жаҳон аҳли бўлуб бир тан,  
Билурга борча илм или ҳунарни яшасун миллат!

*Аваз Ўтар*

Маданиятли мамлакатларда таҳсилга сазовор илмлар бисёр ва замон талабига қараб яна кўпаяди, зеро башар тараққиётининг онаси илм ва фандир.

*Фитрат*

Асл диний дунёқараш тирик тафаккурнинг ҳаётдаги жонли қўлланмаси ҳисобланади. Бидъат ва хурофт эса тараққиётни сира ҳам тан олмайдиган, жойидан жила олмайдиган харсанг тошдир.

*Абдулла Орипов*

---

<sup>1</sup> Юксакликка эришиши.

## П БОБ. ҲАЁТ – ДОНО МУАЛЛИМ

### 11. Ҳаёт моҳияти

Ҳаёт бўлмаса, бошқа бирор нарса ҳам бўлмайди.

*Фитрат*

Бу дунёда сени икки йўл кутади, бу икки йўлдан сенга  
қайси бири насиб этиши номаълум.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ғанимат умр, ғофил бўлма, ўтган жумла ёроннинг,  
Тариқат борасинда хизмати мардон илан ўтти.

*Завқий*

Ҳар бир юзага келган яхши-ёмонликни текшириб қа-  
расанг, турмуш учун хайриятлидир.

*Захидиддин Муҳаммад Бобур*

Биз ҳақиқатни ҳаётдан олдик. Ҳаммадан илгари шахс  
ўзини танисин, сўнгра бошқани! Зеро, «ўзини билмаган  
ўзгани билмас» сўзи турмуш онасининг дард чекиб туққан  
тўнгич ўғлидир.

*Абдулла Қодирий*

Давлат келиб яна кетмагандა эди, ёргуғ кунлар қоронгу-  
лашмаган бўларди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ҳаёт, тараққиёт биргина иқтисодий муаммолардан  
иборат эмас – одамзот қорни тўқ, усти бут бўлибгина  
мукаммал баҳтга эриша олмайди. Инсон учун руҳият,  
маънавият масалалари ҳам муҳим.

*Озод Шарафиддинов*

Инсон боласи оёққа туриб нимагаки биринчи марта дуч келса ва бу унинг ҳаётида ҳал қилувчи бирон ҳодисанинг дебочаси бўлса умр бўйи ёддан чиқмайди.

*Сайд Аҳмад*

Ўзинг мангу эмассан, отинг мангудир, отинг мангу бўлдими, ўзинг мангудирсан.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Бизга бу фалак гоҳи вафо, гоҳи ситам,  
Гоҳ шодлиг-у, гоҳ фарогат-у, гоҳи алам.  
Ҳеч дил ғаму шодликдан эмасдир холи,  
Дунёни(нг) ғаму шодлиги бирга ҳар дам.

*Убайдий*

Санга бу олам ғаниматдур,  
Барча ашёси неъматдур.

*Исҳокхон Ибрат*

Тоғ фақат чўққилардан иборат эмас.

*Озод Шарафиiddинов*

Эй, элиг, бу дунё бир экинзор кабидир, унга одам ни-  
мани экса, ўшани ўради.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Афсус, бебаҳо умр равон ўтгусидир,  
Бу бебаҳо умр каби жаҳон ўтгусидир.  
Етмак учун ломаконга парвоз айлаб,  
Жон қуши жаҳонда бегумон ўтгусидир.

*Убайдий*

Хаёт бировга узоқ йўлни яқин қилса, бировга яқин йўлни узоқ қиласи.

*Сайд Аҳмад*

Ҳар қандай инсон ҳаёти давомида турфа хил ўзгаришларни бошидан кечирса ҳам, бир қувончларга тўлиб, бир баҳтсизлик ичида яшаса ҳам, зоҳиран қараганда, бир терининг ичида неча марта озиб-семирса ҳам, аслида унинг табиати дунёдаги энг кам ўзгарадиган нарсадир.

*Озод Шарафиддинов*

Сенинг олдингда пайдодур ики йўл,  
Бири ўнг қўл сари борғой, бири сўл.  
Киши билмас қиёмат даштида оҳ,  
Кетар банда ики йўлдин қаю роҳ.

*Сўфи Оллоёр*

Олдингда узоқ йўлли сафар турибди, тадбирли кишилар бу йўлга озуқни кўп ва етарли ҳозирлайдилар.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Бу дунё бир работдир, сен эса карвон ҳисоби. Карвон работда қанча турарди, ўйлаб кўр!

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ҳақиқатан ҳам, нақадар чуқур ва беҳисоб сирли, нақадар қудратли ва гаддор<sup>1</sup>, сахий ва зиддиятли хилқат экан бу олам!

*Воҳид Зоҳидов*

Дунё тинчимаса, одам тинчимас экан.  
Одам тинчимаса, дунё тинчимас экан.

*Сайд Аҳмад*

<sup>1</sup> Хоин, сотқин, меҳрсиз, бевафо.

Инсон босиб ўтган йиллар ва йўллар нима? Умринг давомида сенга рўбарў келган, ҳаётингда из қолдирган одамлар – дўстлар, қариндошлар, устозлар, сафдошлар.

Озод Шарафиiddинов

Ахир қаранг-а, бу оламнинг ҳам ёрқин қуёши бор, ҳам коронги туни. Унда ҳам ажиб, ҳамиша мовий чароғон, ҳам булутли, бўронли осмон бор. У гоят гўзал ва ёқимли, ҳам тиканли ва жафоли. Ҳам меҳрли ва кўркам, ҳам ғаддор ва кўримсиз. Ҳам шодлик ва қаҳқаҳа бор унда, ҳам аламу андуҳ. Ҳам ҳаётбахш баҳори бор унинг, ҳам қаҳшатқич қиши. Одамларида ҳам ажойиб инсоф, ақл ва адолат бор, ҳам қабоҳату разолат уларнинг маълум қисмига йўлдош.

Воҳид Зоҳидов

Ҳаёт кишининг дийдасини қаттиқ қиласи. Лекин табиатнинг ҳикмати шундан иборатки, у инсон боласини ҳар қандай қувончга ҳам, изтиробга ҳам тайёр ҳолда рўбарў қилишга ошиқади.

Абдулла Орипов

Бу дунё фойда оладиган бир ер-савдо саройидир. Бу ерда нимаики топсанг, келажагингга мўлжаллаб олиб қўйгин.

Юсуф Хос Ҳожиб

Яратгувчи ҳар бир ҳайвонга ва ҳар бир аъзога имконият кўтарганича ўзига лойиқ ва унинг ишлари ва аҳволига муносиб мизож беради.

Абу Али ибн Сино

Биз ҳаётни ҳар қанча мақтаб улуғламайлик, унинг жозибадор томонларини айтиб алқамайлик, унинг ўта шафқатсиз томонлари, дош бериш қийин бўлган синовлари ҳам бор.

Озод Шарафиiddинов

Ҳар бир тирик кимса вақти келиб вафот этади, бас шундай экан энг яхши савоб ва солиҳ ишларни қилиш ўлаётган киши учун ўта савобдир.

*Маҳмуд Замахшарий*

Кўрдимки, умр ва дунёдан кўра тез ўтиб кетадиган, ўлим ва охиратдан кўра яқинроқ, орзудан кўра узунроқ, хотиржамлиқдан кўра гўзалроқ нарса йўқ экан.

*Нажмиддин Кубро*

Одамнинг умри аввалида қилган ишлари умрининг охиридаги ишларига ҳам далолатдир.

*Маҳмуд Замахшарий*

Ҳеч киши етган эмасдур дунёning поёнига,  
Ёш аёллардек югурма сўнгидан оҳу кўриб.

*Хожаназар Ҳувайдо*

Мен кўп жойларни кездим ва олам аҳволига қарадим. Унда ҳайронлик кафтини иягига тировчидан ёки пушаймонлик бармоғини тишлаб турувчидан бошқани кўрмадим.

*Абу Али ибн Сино*

Дунё гўзал. Унда тирик, машғул томошачилик яна гўзалроқдир.

*Ғафур Гулом*

Учрашди жаҳоннинг икки зўр пири,  
Уларни қийнарди дунёning сири.  
Бири йиглаб дерди: – Уни тушундим,  
– Тушунмадим, – дея йигларди бири.

*Абдулла Орипов*

Кўрдимки, вақтини эссиз, қанийди, кошкilar билан ўтказган кишининг умри энг қисқа экан.

*Нажмиiddин Кубро*

Гарчанд узоқ умр кўрган бўлсалар-да, кўп одамлар гўр ва тажрибасизdir.

*Маҳмуд Замахшарий*

Жонни омонат, умрни иноят бил.

*Мотуридий*

Ўтган умрингни мулоҳаза этиб тавба қилишга шошилгин, чунки ажал етса, уни кечиктириш ҳеч кимнинг қўлидан келмас.

*Маҳмуд Замахшарий*

Киши тақдирдин бўлмас чу қочиб.

*Алишер Навоий*

Яшамоқ – умр кўриш маъносидаги яшамоқ, сени чулғаб олган моддий оламнинг заррадан қуёшгача бўлган мазмунини англаб яшамоқ, яъни моддий оламнинг узилмас, ишchan бир бўлаги бўлиб яшамоқ, кўрмоқ, эшитмоқ, сезмоқ, англамоқ ва шулардан хулоса чиқармоқ қандай яхши!

*Ғафур Гулом*

Дунёning югуриклигини, вақт ва замонни ортга қайтариб бўлмаслигини ҳис этган одамга турмушнинг кундалик ғалвалари ҳам, оламдаги бениҳоя улкан ҳодисалар ҳам арзимас бўлиб туюлади.

*Абдулла Орипов*

Ким бу чаман ичра хиромон эрур,  
Барчаси бир-бирига меҳмон эрур.

*Алишер Навоий*

Биз ҳаётимиздаги ижобий ва салбий ҳодисаларни тўла-  
лигича, унинг турли хиллигини ҳисобга олиб, ёргу ва соя  
томонларини холис туриб, улар ўтрасидаги мутаносибли-  
гини сақлаган ҳолда кўрсатишимииз керак.

*Комил Яшин*

Киши гар кўксини юз пора қилсун,  
Фалак бедодига не чора қилсун?!

*Алишер Навоий*

Ҳаёт бу ҳар бир зотнинг ўз-ўзи, ўзининг жисмидаги  
гайриодамий хуружлари билан кураши ва уни батамом  
бартараф этиши деган мазмунни ифода этади.

*Абдулла Орипов*

Не мен қолгум, не сен боқий, замоне келгил, эй соқий,  
Қадаҳ даврини хуш тутким, вафосиздур басе даврон.

*Алишер Навоий*

Ўтган ҳаётингни ўз муаллиминг бил.

*Мотуридий*

Умр торин чун кесар даврон жафо тиги била,  
Жазм билгилким, анга бўлмас кўнгулни боғлабон.

*Алишер Навоий*

Агар олам тиги ўз жойидан қўзгалса, худо хоҳламаса  
бирор томирни ҳам қирқолмайди.

*Захириддин Мухаммад Бобур*

Дунёга келиб ранжу балони кўруб ўттум,  
Юз ранжу бало шиддатидин ўргулуб ўттум.  
Дунёга кўнгул берса киши бўлғуси расво,  
Бу фоний жаҳон мулкига шатто уруб ўттум.

*Машраб*

Дунёни букун давр ила даврони ғанимат,  
Келтурди халойиқни ки меҳмони ғанимат.

*Увайсий*

Тинмайин юрдум бу гам даштида ҳайронлик билан,  
Охир умрум ўтти, сад афсус, нодонлиқ билан.

*Машраб*

Фараз дунё бўлиб, эй одамийзод,  
Азиз умрингни ҳаргиз қилма барбод.

*Сўфи Оллоёр*

Фурсатни доимо ғанимат деб билгинки,  
Умр чақиндек ўтиб, шошқалоқлик қиласди.

*Абдулхолик Гиждувоний*

Бу дунё ибратли ишлар-у, панд-насиҳатларга тўладур,  
айни вақтда кўз ёшлирига ҳам сероб.

*Мажмуд Замахшарий*

## 12. Қадр-қиммат булоги

Ажоддининг қадрини эъзозла.

*Мотуридий*

Қайси нарса қадри паст бўлса, ерда ётади, ипак ва шоҳи  
қиммат бўлгани учун қадрланади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Чунки супурги йигар инак<sup>1</sup> далил  
Ётмоқ эшик кейнида хору залил.<sup>2</sup>

*Алишер Навоий*

Тирик мушук ўлик шердан яхшироқдир.

*Баҳоуддин Нақибанд*

Қаю жонлик жаҳонга келса, охир ўлмайин қолмас,  
Тириклиқда халойиқ бир-бири қадрини билмас.

*Хазиний*

Дур топган киши дур топдим, демас. Ва олтин тупроқда  
ётса ҳам чиримас.

*Хожа Аҳрор Валий*

Хулқларнинг энг афзали, инсонлар учун энг кераклиси  
назари ибратдур. Инсон ибрат назари ила боқуб дунё ки-  
тобиндан ўз қадр ҳиссасини билуб олмак лозимдур.

*Абдулла Авлоний*

Айтмай сира олма кишининг уйига йўл,  
Қадрингни туширма узатиб нонига қўл,  
Миннатли кабобидан бироннинг доим  
Қоқ нон ила сувингни баланд қўйгучи бўл!

*Паҳлавон Маҳмуд*

Одам учун олтин-кумуш жуда қадрли нарсадир, лекин  
ўзини тута билувчи одам кумуш-олтиндан ҳам қиматлидир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

---

<sup>1</sup> Мана.

<sup>2</sup> Хўрланиб.

Инсон бир марта яшайдиган умрида қалб кўзи очиқ бўлиб, руҳан мусаффо бўлиб, ўз қадр-қиймати ҳамда ўзгалирнинг қадр-қийматини билиб, эъзозлаб, авайлаб яшashi лозим. Ҳаёт бизни ҳамиша шунга ўргатади.

Эркин Воҳидов

Кишининг қадрини дину диёнати ва илму маърифати ошириб қўйгандан кейин унинг фақирлиги ва етимлиги тушириб қўя олмайди. Шунингдек, ёмон сифатлари ва нодонлиги туфайли ўз қадрини ўзи тушириб қўйган бўлса, ҳеч вақт бойлик ёки кўп авлоддиллик билан уни тиклай олмайди.

Маҳмуд Замахшарий

Неъматнинг қадри у йўқолгандан кейин билинади.

Абу Райҳон Беруний

Одам боласи ҳар қандай шароитда ҳам, албатта, бир бандадир. Унда руҳият, орият, ўз қадрини муҳофаза қилиш туйгуси бор.

Абдулла Орипов

Гавҳар балчиқقا тушкан била қиймати ушалмасу ўз баҳосидин қолмас, эшак мунчоғин тожға тиккан била феруза ерин тутмасу ҳеч ким анинг камбаҳолигин унутмас.

Алишер Навоий

Борма айтмаганнинг дастурхонига,  
Қадринг тушар қўл узатсанг нонига.  
Қўшма ўзгаларнинг барра кабобин,  
Совуқ суву қотган нонинг сонига.

Паҳлавон Маҳмуд

Эски чапон била фориғ туфроқда ўлтурмоқ яхши-  
роқким, зарбафт хафтон кийиб, бирор олида турмоқ.

*Алишер Навоий*

Илоҳий неъматларнинг ҳар биридан ўз қадру қиммати  
учун фойдаланиш шукрдир.

*Фитрат*

Қисмдин ортуғ тилаб, хор этма ўзни, эй азиз,  
Ким, қаноатдиндурур иззат, тамаъдин барча зул.<sup>1</sup>

*Алишер Навоий*

Хайр-саховат ва фазилат соҳибининг фарзанди ҳурмат  
ва шону шарафга сазовор ва муносибдир, чунончи дур  
(инжу) садафга қараганда юқори даражададир.

*Маҳмуд Замахшарий*

Инсоннинг қадр-қиммати унинг ташқи кўриниши –  
сурати билан эмас, руҳий дунёсининг нечоғлик бой ёки  
қашшоқ эканлиги – сийратига қараб белгиланади.

*Абдулла Орипов*

Ҳар кимнинг қадр-қийматини, тутган мавқеини ва ҳар  
нарсанинг ўлчовини белгилаб олишинг ва шунга мувофиқ  
иш юритишинг керак.

*Амир Темур*

Одам қадрли эмас, одамгарчилик қадрли, одам ноёб  
эмас, одамгарчилик ноёбдир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Уч нарсанинг қадрин уч тойифа билурлар: йигитлик  
қадрин қари кишилар билурлар. Ва тандурустлик қадрини

<sup>1</sup> Хорлик.

беморлар билурлар. Ва неъмат қадрини муҳтоҷ камбагалар билурлар.

*Хожа Аҳрор Валий*

Кишининг улуғлиги унинг ҳимматидан билинади. Инсоннинг ҳиммати эса унинг қийматини белгилайди.

*Алишер Навоий*

Баҳоси арzonни сўзи қимматли бўлур.

*Абдулла Авлоний*

Шуҳрат билан ёдланишни, ҳакимлар, иккинчи умр демишлар.

*Захириддин Муҳаммад Бобур*

Чўққидан узоқлашганинг сари унинг қанчалар юксаклиги яққолроқ кўринади.

*Озод Шарафиддинов*

### **13. Саодат сари**

Баҳт шундай нарсаки, борлигида уни киши сезмайди, йўқлигида орзу қиласди. Баҳтли одам «мен баҳтлиман» деб оламга жар солмайди. Инсон ҳеч қачон баҳтга тўйган, баҳтим етарли, деган эмас.

*Эркин Воҳидов*

Инсоний хислатлар халқларда<sup>1</sup> ва шаҳарликларда пайдо бўлар экан, уларнинг ёрдамида инсонларнинг аввалги ҳаётларида дунё баҳт-саодати, сўнгги ҳаётларида эса энг сўнгги даражадаги баҳт-саодат ҳосил бўлади.

*Абу Наср Форобий*

---

<sup>1</sup> Кўчманчилар.

Ўз моҳияти эътиборила инсон, ҳаёт ва ҳақиқат узвийдир. Инсон баҳтли ҳаёт кечириш учун дунёга келади, баҳтли ҳаётнинг асосида эса ҳақиқат ётади. Ахир инсон яшаш учун туғилган, инсон ҳаётда инсон бўлади. Баҳтли ҳаёт кечиришдагина, шундай баҳтли ҳаёт учун интилиш ва қурашишдагина у ўз шахсияти ва умри маъносини кўради.

*Воҳид Зоҳидов*

Баҳт гойибдан бериладиган неъмат бўлса ҳам, уни асраб-авайлаш, қадрига етиш керак! Уни қўлдан бой бер-масликка интилинглар. Бунинг учун ўртангизда ўзаро меҳр, ҳурмат, баҳамжиҳатлик ва сизларга берилган баҳт учун шукроналик бўлмоғи зарур.

*Озод Шарафиддинов*

Кимки баҳт-иқболли, солиҳ кишиларнинг этагига ёпишса, у албатта муроду мақсадига эришиб, хайру барака топар.

*Маҳмуд Замахшарий*

Мен баҳтни, кўкнинг олмос кўзли Зухрасига багишланган афсоналарда эмас, илгари бадбаҳт қилинган ўз тенгқурим одамлар ўртасида – ер юзидан топдим.

*Ғафур Гулом*

Дунёда энг олий баҳт абадиятдир, дунёда энг машаққатли меҳнат эса унга эришмоқ.

*Абдулла Орипов*

Кимки ўзини одамлар қаторидан деб билса, бу дунё ва охиратда ҳам ўзини баҳтли ва тинч бўлиши учун ҳаракат қилиши лозим.

*Фитрат*

Бахт-саодатга эришув йўлида нимаики (ахлоқ, касб-ҳунар кабилар) ёрдам берса, уни сақламоқ ва мустаҳкамламоқ, нимаики зарарли бўлса, уни фойдали нарсага айлантиришга ҳаракат қилмоқ зарур.

*Абу Наср Форобий*

Энг бахтли одам шуки, у хушсухбат ва файз-футухли<sup>1</sup> бўлиб, мазкур йўлдан юрмай фақат, обрўсини сақлаш учун бойлигини қалқон қилиб юрадиган, ўз омборчисига доимо бойлигидан эҳсон қилишни буюрадиган, хазиначисига доим муҳтожларга ёрдам кўрсатишни амр қиласидиган, ўз нафсу ҳавоси жўш урган, «жим бўл» деб босиб қўядиган нафсо-нияти енгиллик қилганда уни енгиб, тинчитиб, мақтov ва таҳsinga сазовор бўладиган кишидир.

*Махмуд Замахшарий*

Соат янглиғ лекин тинмасдан,  
Кеча-кундуз урар юрагим.  
Бахтли эдим дўстларим учун  
Соатчалик бўлса керагим.

*Абдулла Орипов*

Будунё саодати бир хона бурчагида ўтириб истироҳат қилиш эмас. Бу саодатга дунё гўшасида нафақат шахси, номи эътиборли ва шарафли бўлган киши мұяссардир.

*Фитрат*

Бахтни бирорларнинг остонасидан қидиришнинг ўзи бахтсизликнинг боши.

*Абдулла Қаҳҳор*

Дунёда одам кўп, ҳар одамнинг ўз индивидуал орзузи, ўз индивидуал бахти бўлади. Шундай «бахт»лар ҳам борки, у бирорларнинг бадбаҳт бўлиши ҳисобига рўёбга чиқади.

<sup>1</sup> Файзли.

Яъни овчи бугун она-болали бир кийикни отиб келиб, ўзини баҳтли ҳисоблаши мумкин, ваҳоланки, унинг баҳти ўзганинг кўзини чиқарган эди; кийикнинг бадбаҳтлигига сабаб бўлган эди.

*Ғафур Гулом*

Ҳақиқий баҳтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам қилувчи кишиларни бирлаштирган шаҳар – фазилатли шаҳардир, баҳтга эришиш мақсадида бирлашган кишилар жамоаси – фазилатли жамоадир.

*Абу Наср Форобий*

Баҳтли киши билан ҳамсуҳбат бўлган киши ҳам баҳтиёр бўлади.

*Алишер Навоий*

Баҳт – гўзал ҳаёт кечиришнинг формасидир ва шунинг билан бирга, унинг ифодаси ҳамдир. Гўзаллик эса, ўз на-вбатида меҳнатсиз қўлга кирмайди.

*Ғафур Гулом*

Ҳар бир айтган сўзинг, ишинг ўзингнинг хоҳишинга мувофиқ бўлса – энг катта баҳт шу.

*Эркин Воҳидов*

## **14. Меҳнат – роҳат**

Роҳат-фарогат истасанг, меҳнат ва машаққат унга ула-ниб келади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ранж ила меҳнат чекмайин роҳатни қадрин билмадинг.

*Аваз Ўтар*

Таваккал ҳам амал билан биргадир, ҳаракатсиз таваккал ҳам ҳаракатсиз дуога ўхшаб фойда бермайди.

*Фитрат*

Меҳнатда чиниқмаган, сабр-тоқат билан ишлай олмаган кишининг иши унумли бўлади, деб ўйлаш нотўғридир.

*Алишер Навоий*

Ҳар бир инсоннинг қадр-қиймати ўз ишини қойил қилиб бажаришида.

*Абу Райҳон Беруний*

Бу меҳнат бирла топсанг парча нон,  
Кишининг миннатидин улдур осон.

*Сўфи Оллоёр*

Ҳар киши иш ишласа, доим иши хурсандлик,  
Ишламасалар ўз бошига ургуси тиги батар.  
Санга осмондин ёғурму ақча ё буғдойлар,  
Қилма элдин сан умиду ўз ишинг ўзинг бажар.  
Ибрат олсунлар ҳама ишчи бунинг мазмунидин,  
Ишласанг, қандингни ол, гар дангаса бўлсанг заҳар.

*Исҳоқхон Ибрат*

Ўқинг, ўрганинг, турмушни билинг, меҳнат нашъасини,  
завқини тўйинг ва қадрига етинг.

*Ойбек*

Тут ғаму меҳнат била кўнглунгни хуш.

*Ҳайдар Хоразмий*

Одам ўлғон зеби зоҳирдин демас,  
Кимки ондин фахр этар – одам эмас.  
Ноз ила ҳусн ўлди шоҳидлар иши,  
Дарду меҳнат бирла хуштур эр киши.

*Алишер Навоий*

Бу дунё бир экинзордир, унда нима эксанг қўлингга  
ўшани оласан.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Меҳнат ародур кушод топмоқ билгил,  
Ранж ичрадур мурод топмоқ билгил.

*Алишер Навоий*

Ерга чумчук ваҳмида дон экмаган деҳқон эмас,  
Парча нон одамга беминнат ейиш осон эмас.

*Чустий*

Кимки деҳқонлиг айлади пеша,  
Даги нон бермак ўлди анга шиор.

*Алишер Навоий*

Қўзгалмай ўтирганда насибанг топиш маҳол,  
Сув ва дон кетидан юр тегирмон тоши мисол.

*Сайидо Насафий*

Боқмаса деҳқон чаманин туну кун,  
Нақл тарин онгла қуругон ўтун.

*Алишер Навоий*

Ҳамма моддий ва руҳий-маданий бойликларнинг  
ҳақиқий ижодкори бўлган меҳнаткашлар оммаси ўтмишда  
минг йиллар давомида инсоният барпо этган энг яхши  
ёдгорликларнинг ҳақиқий меросхўридири.

*Иброҳим Мўминов*

Бу кунги ишни тонглаға қўймаслар.

*Алишер Навоий*

Қайси нарсага кўп меҳнат сингса, ўша нарса севимли,  
ҳамма нарсадан азиз бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Бир дирам олмоқ чекибон даст ранж,  
Яхшироқ андинки, бирор берса ганж.

*Алишер Навоий*

Асаларилар ҳам ўз жинсидан бўлатуриб ишламай, уядаги  
асални бекорга еб ётадиганларини ўлдириб ташлайдилар.

*Абу Райҳон Беруний*

Ризқ сен уни истаганинг каби сени қидириб юради.

*Алишер Навоий*

Ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати ўз ишини қандай  
бажараётгани билан ўлчанади. Инсоннинг тилак ва хоҳиш-  
лари меҳнат туфайлигина амалга оширилиши мумкин.

*Абу Райҳон Беруний*

Агар арпа ҳам сочса бўлмоққа тўқ,  
Анга буғдой ўрмоқнинг имкона йўқ.

*Алишер Навоий*

Банда бўлсанг манманликни зинҳор ташла,  
Саҳарларда жонинг қийнаб тинмай ишла,  
Йўлдан озган гумроҳларни йўлга бошла,  
Бир назарда дилларини сафо қилдим.

*Аҳмад Яссавий*

Агар отинг йўқтур, арпа ғамин емассан.

*Алишер Навоий*

Не меҳнат бор аниким роҳати йўқ,  
Не накбатким сўнгинда давлати йўқ?

*Лутфий*

Ўзингни меҳнат куни овутинг,  
Не гам келса даврондин, осон тутинг.

*Алишер Навоий*

Деҳқончилик қилиб зироат экиш фойдаю хайр барака  
бирла мушатаракдир, ўз халқини беҳад кўп хайр-баракага  
буркайдир.

*Махмуд Замахшарий*

Бефойда иш натижа бермас.

*Алишер Навоий*

Чораси бўлмаган ишга киришма, чунки ундан қутилиб  
бўлмайди.

*Амир Темур*

Деҳқонки, дона<sup>1</sup> сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин  
очар.

*Алишер Навоий*

Туриб-ла эртадан далага чиқиб,  
Қўлингни қавартиб, белингни букиб,  
Терингни оқизиб, меҳнатин чекиб,  
Еган бир зогоранг болдан яхшироқ.

*Бердақ*

---

<sup>1</sup> Дон, ург.

Меҳнат билан топган бир бурда ноннинг қадри сultonлар саройидан олган олтиндан юз ҳисса аълороқдир.

*Алишер Навоий*

Ишла, манглайдан оқсин, тер,  
Меҳнатда билинар ҳар эр,  
Яхшиларга қўлингни бер,  
Шунда йўлинг бўлар болам.

*Бердақ*

Кучинг бор, вужудинг саломат ва ақдинг комил экан,  
ишлаб е! Бошқаларнинг қўлидагига осилма!

*Абдулла Қодирий*

Олтин ўтда, инсон меҳнатда,  
Ишқ ҳижронда синалар экан.

*Шуҳрат*

Меҳнатта муносабат ахлоқ категориясига киради, меҳнатга муносабатдан кишининг баҳтли бўлиши келиб чиқади. Демак, бу тушунчаларни сидирға, бирин-кетин қўйганда: баҳт – ахлоқ дегани, ахлоқ – меҳнат, дегани бўлади. Ахлоқ мукаммаллиги баҳтга эришувнинг стимули бўлади.

*Ғафур Гулом*

Иш фақат сабаби тирикчилик эмас.

*Абдулла Қаҳҳор*

Осмондан чалпак ёғмаслиги – аниқ гап. Меҳнатдан мурод – самара, тер тўкишдан мақсад ҳосил ҳузурини кўрмоқдир.

*Абдулла Орипов*

Инсон меҳнатидан ранг олур ҳаёт,  
Инсон меҳнатида ўзгарар жаҳон.

Хақиқат түғилур хаёлдан ҳам бот,  
Бутун күчилардан күчлироқ инсон.

*Миртемир*

«Мумкин эмас»ни «қийин»дан ажратиш керак. Қийин – күпроқ мәхнат талаб қилинади, деган сүз.

*Абдулла Қажхор*

Тириклик күркидир мәхнат, мұхаббат  
Фурсатдир қилгувчи азиз, мұкаррам.

*Гафур Гулом*

Қийинчилик ақднинг чархи-ю, гайратнинг қайроли  
бўлар экан.

*Абдулла Қажхор*

## 15. Тажриба муваффақият гарови

Яхши билмаган нарсасига уринган киши шарманда  
бўлади.

*Абу Райхон Беруний*

Ҳар ким ҳодисалардан ибрат ола билса, боши қаттиқ  
отга ўшаган бу фалак унга бўйсуна беради.

*Абу Али ибн Сино*

Тажриба ўтказиб, бу тажриба ва ҳаракатларда нарсанинг ҳақиқий моҳиятига қарама-қарши ҳолати ҳақида ўйлаб адашган одам баркамол эмас, балки бу ишда ким энг кўп тажрибага эришса, ўша энг мўътабар ва энг баркамол инсондир.

*Абу Наср Форобий*

Кўз билан кўрган эшитгандан афзалдир.

*Абу Райхон Беруний*

Донишманд кишилар айрим нарсалар устида ўз ку-  
затишлари пайтида умумий фикрлар ва мулоҳазаларга  
суюнишга түгма қобилиятлари бўлган одамлар эмас, балки  
тажриба орқали асл ҳақиқатга етишган кишилар оқил  
инсонлардир.

*Абу Наср Форобий*

Ҳар қандай тушунча муҳокаманинг натижасидир; муҳо-  
кама эса тажрибанинг натижасидир, тажриба эса сезги  
аъзоларимизнинг фаолияти туфайли қўлга киритилади.

*Абу Наср Форобий*

Тажрибасизлик – тажрибасиз киши бирор ишни амал-  
га оширмоқчи бўлганда қийналади, чунки бундай ишни  
олдин ҳеч кўрмаган бўлади, баъзан инсон айрим ишларда  
тажрибасиз бўлиши, бошқа бир ишда тажрибали бўлиши  
мумкин.

*Абу Наср Форобий*

Маҳорат – навқиронлик демакдир.

*Комил Яшин*

Кимда ким ўз изланишларининг афзаллиги қонуният-  
ларни излаб топишда деб биларкан, ул албатта, ҳамиша ўз  
қарашларини амалда исботлаш йўлидан боради.

*Абу Райҳон Беруний*

## **16. Тадбиркорлик, омилкорлик**

Барча қийин ишларни фақат ва фақат тадбир билан ҳал  
қилиш мумкин.

*Маҳмуд Замахшарий*

Ишбилармон, мардлик ва шижаат соҳиби, азми қатъий,  
тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз,  
лоқайд кишилардан яхшидир.

*Амир Темур*

Кўпинча вақтида ишлатилган ҳийлаю тадбиркорлик  
кучу қувватдан ғолиб келур.

*Маҳмуд Замахшарий*

Юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри  
тадбир билан амалга ошириш мумкин.

*Амир Темур*

Тадбиркорликда саъй-ҳаракат кўрсатиш тақдиру  
қисматларда ғолибликка олиб келиш демакдир.

*Маҳмуд Замахшарий*

## **17. Умид ва мақсад ҳақида**

Одам неча минг ёшни яшаб тилакларини истаб топдим  
дегани билан барча тилакларини тугал топа олмайди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Талаб бу – сенга мақсадлар калити,  
Сипоҳ, лашкар ва байрогинг ҳамдир.

*Баҳоуддин Нақибандий*

Хеч бир киши йўқотишдан қайгуриш керак эмас, фақат  
нийатни йўқотишдан қайгуриш керак. Чунки бирор хайрли  
иш ниятсиз дуруст бўлмайди.

*Ҳаким Термизий*

Мақсад на эди жаҳона келдинг,  
Кайфиятинги баён этиб кет.

*Нодира*

Тилакларга тугал эришиб минг йил яшасанг ҳам, тамоми тилакларингга тугал эриша олмайсан.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ё етарман мақсадимнинг чўққисига охири,  
Ё бу йўлда шум ажалдан топгуси ором бу жон.

*Абу Али ибн Сино*

Тилак тиловчи унинг тугал бўлишини истайди, аммо ўзи тугагандан сўнггина тилаги тугайди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ният қилинган ишлар пишмаган гўшт мисоли, бинобарин ҳар қандай ишни комил ният-у, қаттиқ ихлос билан қилиш лозим.

*Махмуд Замахшарий*

Агар қидиришдан юз ўғирмасанг,  
Ниманики қидирсанг, топасан.

*Абдулхолик Ғиждувоний*

Доим фойдали ишларни қилишга ҳаракат қилгин. Лекин ҳар бир ишни бажаришда керагидан ортиқ уринма, ишнинг кўзини билиб, ўзига жабр қилмай ишлаш фойдалидир.

*Алишер Навоий*

Кўнгил орзулаганда йироқ ер яқин бўлади, ундей одам албатта тилагига етади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Муродингни ҳаётинг ичра ахтар.

*Анбар Отин*

Ўз истагига эришишга тақдир ёрдам бермаган кишига  
маломат қилинмайди.

*Абу Райҳон Беруний*

Камол эт касбким, олам уйидин  
Сенга фарз улмагай ғамнок чикмоқ.

*Алишер Навоий*

Мақсадни амалга оширишда жаҳд ва ғайрат мўлжаллан-  
ган ишни бажаришда зўр таъсирга эгадир.

*Абу Наср Форобий*

Одам кўнглига туғиб, кўз олдига аниқ мақсад қўйса,  
тилакнинг машаққатли йўллари яқин бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Мақсад талаби йўлида ҳимматингиз онқадар бўлсин-  
ким, башарти менинг бошимга оёқ қўйиб ўтишга тўғри  
келса-ю ва сиз ўтмасангиз – асло кечирмасман.

*Баҳоуддин Нақибандий*

Одам мақсад билан юрса, узоқ ер яқин бўлади, мақса-  
дига етишганда, жон ришталари боғланади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Одам интиладиган чўққи тог чўққиси сингари, булутлар  
орасида эмас, ерда бўлади.

*Абдулла Қаҳҳор*

Аслида, ҳаётда бирор мақсад билан яшашнинг ўзи –  
баҳт. Мақсадсиз яшаш шундай кўргиликки, у ҳеч кимнинг

бошига тушмасин! Кишида мақсад бўлса, унга эришиш йўлида курашиш, машаққат чекиш, таъна-дашномлар эшитиб куйиб-ёниб юриш ҳам – баҳт.

Эркин Воҳидов

Тақдирини ўз қўлига олган одамларнинг келажаги, ал-батта, ёрқин бўлади, ҳали бу неъматга эришмаганларнинг йўлини кураш ёритади.

Абдулла Қаҳҳор

Орзунинг бўлмайди сўнгги нуқтаси,  
Фикрнинг мунтазам аниқ қирғоги.  
Тафаккур – орзунинг чин омухтаси,  
Истиқбол мулкининг нурли чироги.

Шуҳрат

Ҳаётда ҳар бир инсоннинг, ҳар бир миллатнинг нимага эришиши, ҳеч шубҳасиз, унинг орзу-ҳаваси, қилган нияти ва шу йўлдаги интилишига бевосита боғлиқ.

Абдулла Орипов

Ноумидлик хатоларнинг каттасидур.

Махмудхўжка Беҳбудий

Дунёдан умиди бўлмаган одамда дид ҳам, орзу-ҳавас ҳам сувга уриб кетар экан.

Абдулла Қаҳҳор

## 18. Қувонч ва қайгу

Шод англамас улусни бирав бўлса қайгулук.

Алишер Навоий

Бу дунё ибратли ишлар-у, панд-насиҳатларга тўладур,  
айни вақтда кўз ёшларига ҳам сероб.

*Maҳмуд Замахшарий*

Юксалишнинг пасайиши, чиқишнинг ботиши бўлади,  
қувонч кетидан қайғу, чучук кетидан аччиқ бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ҳар қандай айрилиб, жудо бўлганлар топишиб-кўри-  
шишса, аламлари қисқа, севинчлари узун бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Дардлиг кўнгул – шуълалиг чирог, ёшлиг кўз – сувлук  
булоғ.

*Алишер Навоий*

Хушвақт киши ҳамиша хушвақтдир, хоҳ уйқуда, хоҳ уй-  
гоқликда. Зероки, ҳар нимаким сўзда ва ишда бўлса, ўшал  
нарса ҳаёлда ва уйқуда бўлур.

*Хожа Аҳрор Валий*

Кулги билан қувноқлик инсон ҳаётини безамаганда,  
бilmадим, одам боласи қанча умр кўрарди.

*Сайд Аҳмад*

Жаҳон ичра ҳамдард кам бўлса, тонг йўқ –  
Ки, бедард кўп, лек дард аҳли камдур.

*Алишер Навоий*

Шод-хуррамлик ва ярамаслик эзгулик ва ёвузликка муқорана<sup>1</sup> қилинади, яъни шод-хуррамлик эзгуликка, ярамаслик ёвузлигу қайғу ҳасратга муқорин<sup>2</sup> бўлди.

*Маҳмуд Замахшарий*

Дард аҳлининг нафаси бир ўтдирким, қатиқ кўнгулни юмшатуру кўзни йиглатур ва сўз аҳлининг дами бир елдурким, ананийят хошокин совуруру газабият туфрогин супурур.

*Алишер Навоий*

Хурсанд ва шод одамнинг дилида ҳеч қандай оғирлик бўлмайди, ҳурсандчилик ва шодлик ҳар қандай уйқусизлик ва чарчашликни билдирамайди, тўғрироқ айтганда, енгади барчасини!

*Воҳид Зоҳидов*

Ғамдин айларлар эранлар шодлиғ,  
Бу муқайядлиғ дурур озодлиғ.

*Алишер Навоий*

## **19. Саломатлик – туман бойлик**

Саломатлик – ганиматдир.

*Алишер Навоий*

Биз зоҳирий касалликларни даволаш йўлларини ёзib қўйдик, биздан кейингилар ботиний иллатларга шифо топади, деб умид қиласиз.

*Абу Али ибн Сино*

---

<sup>1</sup> Тенглаштирилади.

<sup>2</sup> Баробар.

Офият<sup>1</sup> уч қисмдир: дин офияти ва мол офияти ва тан офияти.

*Хожа Аҳрор Валий*

Бўлса ғаминг, жонингга солма алам,  
Бир ғам эрур бас, емагил икки ғам!

*Алишер Навоий*

Соғлигини сақловчи киши ўз овқатининг асосий қисми сабзавотлар, мевалар ва булардан бошқа даво бўладиган овқатлардан бўлмаслигига аҳамият бермоғи лозим.

*Абу Али ибн Сино*

Зарари барча элга ом ўлгай  
Ким, таом устига таом ўлгай.

*Алишер Навоий*

Агар ҳавода чанг ва тутун бўлмаса эди, киши минг йил яшаган бўларди.

*Абу Али ибн Сино*

Одам ўзини болалиқдан мунтазам чиниқтириб бориши, нафсини тийиб, расамади билан овқатланиши, жисмоний иш билан шуғулланиши, кўпроқ пиёда юриши, меҳнатни маромида қилиб дам олишни ҳам ўрнига қўя олиши керак. Шу ишларни қиласангиз, мен аминманки, 80 ёшда ҳам аталадай ёйилиб кетмай, ўқланган милтиқдай ҳар ишга шай турасиз.

*Озод Шарафиддинов*

Инсон саломатлиги тилни эҳтиёт қилишдадир.

*Алишер Навоий*

---

<sup>1</sup> Тинчлик ва саломатлик.

Оқ буғдойи туриб сули сепгандан,  
Тоза шоли туриб курмак эккандан,  
Бекор қирқ кун қайғу-алам чеккандан,  
Тан соғлиқда шодмон фурсат яхшироқ.

*Бердақ*

Бу дөғи топилмағунча ҳазм комил,  
Баданни қымла ортуқ юкка ҳомил.

*Алишер Навоий*

Узоқ ёшга борган кишининг гавдаси йигитлик маҳалида ейдиган миқдордаги овқатни қабул қилмайди. Энди овқати чиқиндиларга айланади, шу сабабли йигитлигидаги миқдорда емасин, балки камроқ есин.

*Абу Али ибн Сино*

Овқатинг ҳазм бўлмаса, мизожингни бузади, мизож бузилиши эса хасталикдан даракчиdir.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Тану баданнинг соғлиғи энг буюк неъматлардан биридир; яна шу ҳол (сиҳат-саломатлик) баъзан фисқу-фасодлар гуноҳ ишларга ҳам сабаб бўлади.

*Махмуд Замахшарий*

Бадан тарбия баданни соғлом ва кучли ҳамда аъзоларни мукаммал даражага етказишдан иборат, бусиз баҳт-саодатга эришиб бўлмайди.

*Фитрат*

Ўз вақтида, меъёри билан бадантарбия қилган одамга дард яқин йўламайди.

*Абу Али ибн Сино*

Бадантарбия билан машғул бўлинса, ҳеч қандай до-ри-дармонга зарурат қолмайди, бунинг учун муайян бир тартибга риоя қилмоқ ҳам шарт.

*Абу Али ибн Сино*

Бадантарбияни тарқ этган одам аксари хароб бўлади, зеро ҳаракатсиз қолган аъзоларнинг қуввати заифлашади.

*Абу Али ибн Сино*

Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўқумоқ, ўқутмоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучлик, касалсиз жасад лозимдур.

*Абдулла Авлоний*

Бадан тарбиясининг фикр тарбиясига ҳам ёрдами бор-дур. Жисм ила руҳ иккиси бир чопоннинг ўнг ила терси кабидур. Агар жисм тозалик ила зийнатланмаса, ёмон хулқлардан сақламаса, чопон устини қўйиб астарини ювуб овора бўлмоқ кабидурки, ҳар вақт устидаги кири ичига урадур. Фикр тарбияси учун маҳкам ва соглом бир вужуд керакдур.

*Абдулла Авлоний*

Соғлиқни сақдашнинг асосий тадбири бадантарбия. Бадантарбия ўзга тадбирлар билан бирга тўғри ишлатилганда гавдани тўлдирувчи нарсалар тўпланишининг олдини олувчи кучли омиллардан бўлиб, шу билан бирга тугма иссиқликни оширади, танага енгиллик беради.

*Абу Али ибн Сино*

Табиб ўз касбининг устаси ва беморларга шафқатли ҳамда марҳаматли бўлиши керак.

*Алишер Навоий*

Табибнинг уч қуроли бор: сўз, гиёҳ ва тиф.

*Абу Али ибн Сино*

Яхши табибнинг кўнгли ва сўзи малҳамдан иборат бўлади.

*Алишер Навоий*

Таннинг роҳати таомни озлигидадир. Ва дилнинг роҳати сўзнинг камлигидадир. Ва руҳнинг роҳати уйқунинг камлигидадир.

*Хожа Аҳрор Валий*

Кўп еювчиларнинг овқати бадҳазм бўлади, овқати бадҳазм бўлган киши доим дардманд бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ҳар кимки, кам еса ҳозир бўлади ва ҳар кимки кўп еса гоғифл бўлади.

*Хожа Аҳрор Валий*

## **20. Вақт қадри**

Бир дақиқа вақтни беҳуда ўтказганим – ҳалок бўлганим.

*Абу Райҳон Беруний*

Ишлар ўз вақтида бажарилиши керак: вақтида бажарилмаган иш суст бўлади.

*Захириддин Муҳаммад Бобур*

Кўз очиб наззора<sup>1</sup> қил, вақт ўтмасин,  
Эрк қушин сайёра қил, вақт ўтмасин.

*Чустий*

---

<sup>1</sup> Нигоҳ ташла, назар сол.

Кимнинг сочига оққуш туси келиб ўрнаса, кўнглини оққуш каби оқ тутиши керак.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Кишининг ҳаёти вақт билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у, яъни вақт – соғлиқдан сўнгра энг қиммат ёки тўғриси баҳосиздир! Менимча, ҳаёт ёки бахтнинг қалити ҳам ана шу бебаҳо вақтдан тўғри, рационал фойдаланишдадир.

*Қори Ниёзий*

Фурсат ғанимат, аҳбоб, миллатга кўз очайлик!  
Саъй ила жону дилда ҳимматга кўз очайлик!

*Завқий*

Улуг ҳодисалар ҳар вақт юз беравермайди.

*Абу Райҳон Беруний*

Модомики, бегамлик ва ношудлик кўрсатилар экан,  
қулай фурсат қўлдан бериб қўйилади. Вақт ўтгандан кейин афсусланиш бемаъни ва бефойдадир.

*Муҳаммад Зоҳирий Самарқандий*

Бу дамни тут ғаниматким, келур дамдин асар йўқтур,  
Не дамким, ўтти, худ андин киши топмас нишон  
ҳаргиз.

*Алишер Навоий*

Эрта ғамини чекма, азизим, бир дам,  
Ҳар лаҳза ғанимат – уни ўтказ ҳуррам.  
Жон чиқса ётармиз-да неча минг йиллик  
Аждоҳларимиз билан бақамти биз ҳам...

*Паҳлавон Маҳмуд*

Умр фурсатларнинг жамулжамидири. Фурсатлар ўз эгасидан уни бекорга ўтказмасликни талаб қиласи.

*Ғафур Гулом*

Вақт ўтгандан кейин қиличингни тошга чоп.

*Амир Темур*

Инсон яхши яшаш учун дунёга келганлигига кўра вақтни зўр қизғанчиқлик билан кузатади, гоят улуглайди, зеро вақт ҳаёт синонимири, тириклик омилидири.

*Воҳид Зоҳидов*

Бевафо умр экан, ўтди-ю, кетди,  
Сувда қалқиб борган қизил олмадай.  
Тонг ўтди, кун ўтди, оқшом ҳам етди,  
Шу фурсат мазмунин шимай ҳолвадай.

*Ғафур Гулом*

Ким вақтини зое қилса, бас, бу вақт унинг душманидири.

*Баҳоуддин Нақишибандий*

Замонлар ўта беради. Узлуксиз оқиндай насллар орқасидан насллар келаверади. Боболар ўрнини оталар, оталар ўрнини болалар, устозлар ўрнини шогирдлар эгаллайверади.

*Ғафур Гулом*

Вақт шундайки, у азал тақсим қилган нарсага қарамайди ва адаб келтирадиган нарса ҳам боқмайди, икки нафас орасида Ҳақ хоҳишини асрса.

Боқий халқ – ҳақиқат демакдир, инсон – гўзаллик демакдир,adolat – ҳаёт демакдир. Улар, гарчи баъзан қоқилиб, қайрилсалар-да, лекин синмайдигандирлар, вақтга бўйсунмайдигандирлар, абадийдирлар.

*Воҳид Зоҳидов*

## 21. Ёшлиқ умр баҳори

Аҳбоб, йигитликни ғанимат тутунгиз,  
Ўзни қарилек меҳнатидин қўрқутунгиз.

*Алишер Навоий*

Ёшлиқдин маълум ўлгай ҳар насл,  
Ки баҳоридин билингай яхши йил.

*Рожий Ҳўқандий*

Ўқища, маданиятда илфор, соглом, сиёсий юқори сави-  
яли гўзал ёшларимиз бизнинг ифтихоримиздур.

*Ойбек*

Бўлар одам ёшида бош бўлар,  
Бўлмас одам қирқида ҳам ёш бўлар.

*Амир Темур*

Ёшлиқ тошқин сув, сугорадиган экинингизни сугориб  
қолмасангиз ўтиб кетади. Кейин кексаликнинг кўзойнаги-  
ни тақиб игна билан қудуқ қазишдан иш чиқмайди.

*Абдулла Қаҳҳор*

Ақлли ёш – кекса жоҳилдан яхшироқдир.

*Алишер Навоий*

Ёшлиқнинг қадрига етинг, у бир куни сиздан шаксиз  
кетади, уни қанчалик қаттиқ тутманг, бир куни сиздан  
қочади.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Кечир, ёшлиқ, ўзинг эдинг буюкроқ,  
Нозик қўлим тута олмади.

Ёниқ вулқон эдинг, нури қуюқроқ,  
Оқ күксимга сиға қолмади.

Зулфия

Қадами – замини титраган құдрат – ёшлик, қаноти  
самовотни забт этган – ёшлик!

Эркин Вөхидов

Сизларда йигитлик қуч-қуввати бор экан, уни зое кет-  
кизмасдан бурчингизни бажаришга сарфланг.

Юсуф Хос Ҳожиб

Йигитлик умр гулшанининг баҳоридур.

Алишер Навоий

Ёшлик соғлигини сақлаб қолишининг энг яхши йўли –  
ёмон хислатларга кўнгилдан ўрин бермаслик. Болаликни  
сақлаб қолиш. Болалик соғлигини сақлаб қолган кишилар  
бу дунёда энг баҳтиёрлардир!

Абдулла Орипов

Ёшлик – шеърият, гўзаллик, дунёning қувончи!

Эркин Вөхидов

Ўтган йигитлик орзу билан қайтмас.

Алишер Навоий

Қаррилар ҳолига боқ лутфинг кўзидин, эй йигит,  
Ким камоли ҳусн ожизлар дуосидин санга.

Оғаҳий

Ёшликсиз олам – баҳорсиз табиат, қуёшсиз осмон,  
юлдузсиз кеча.

Эркин Вөхидов

Сучук жон шарбати то бўлса лабда,  
Керакким бандаси бўлса талабда,  
Белингни қуввати борда олиб бел,  
Кўнгил богин сугор кетмай туриб сел.

*Сўфи Оллоёр*

Ёш билан ёш суҳбатдош,  
Чол суҳбати чол билан.

*Миртемир*

Ёшлиқ – шавқ ва муҳаббат демак, ёшлиқ – илҳом ва гупурган юрак, ёшлиқ – ғурур, ҳаётсеварлик, чақноқ кўз, ёруғ хаёллар ошиноси.

*Эркин Воҳидов*

Навқиронлик – бу бақувватлилик, бу юксак парвоз, бу – умидли келажак, порлоқ истиқбол сари гуркираб ўсишдир.

*Комил Яшин*

## 22. Кексалик неъмати

Чун кетти йигитлик узолди қарилик,  
Дам совуди, яъни қолмади қон ҳам иссиқ.  
Оғзига ҳаёт шарбати бўлди ачиғ,  
Ўлмоқ хушроқки, умр бу навъ қаттиқ.

*Алишер Навоий*

Мен ёшлигимни қўмсайман, ўкиниб афсусланаман,  
лекин энди ўкинишларимдан заррача фойда йўқ.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Афсуски, умри навжавонлиг кетти,  
Танга қариликда нотавонлиг етти,

Гар ул юзки камронлиғ этти.  
Чун топмади марғдин амонлиғ, нетти?

*Алишер Навоий*

Қаддим ўқдек түгри, кўнглим ёйдек шай эди, энди бўлса  
қаддим ёй каби букилди, лекин кўнгил ҳануз ўқдек илгари  
интилади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Соқол оқи ўлимга пешравдир,  
Тириклик сабзаси узра қиравдир.

*Алишер Навоий*

Қариллик сочга биринчи оқ тушган куни ёки ёшинг  
элликка тўлган куни ва ёки набира кўрган кунинг бошлан-  
майди. Қариллик, назаримда, ёшларнинг хатти-ҳаракатига  
гашинг кела бошлаган вақтдан бошланади.

*Эркин Воҳидов*

Шабоб<sup>1</sup>нинг ҳавасидин соқолни ранг этма,  
Оқорса сабза, яна кўкармак не имкондур.

*Алишер Навоий*

Ёшлик ва йигитлик йиллари менга нималарни йигиб  
берган бўлса, қариллик келиб уларнинг борини қайтариб  
олди, у сенга ҳам келади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Кексайган одам ёшлик ўтида ёнолмайди.

*Абу Али ибн Сино*

---

<sup>1</sup> Ёш

Дунёда энг ёмон ҳол қарилек ила йўқсулилкни бирлашгонидур.

*Маҳмудхўжа Беҳбудий*

Ҳавас бўлса қарига навжувонлик,  
Ҳижолат зоҳир айлар саргаронлик.

*Алишер Навоий*

Ёш киши ойнага қараб нима кўрса, кекса одам хиштга<sup>1</sup>  
қараб, ундан ҳам яхшироқ кўради.

*Захириддин Муҳаммад Бобур*

Қарилек дарди бедармондур охир.

*Алишер Навоий*

Аллақачон қариб қолибман дейишдан аввал, ёшлигин-  
гни ғанимат бил.

*Маҳмуд Замахшарий*

Қари кишига, билки, кам эмасдур дард,  
Юз сиҳҳати бўлса, қарилек басдур дард.

*Алишер Навоий*

Ёшлик сени тарк этгач, пушаймонлик кор қилмайди.  
Қоматинг эгилгунча, бошинг тепаси ярқираб қора сочин-  
гга оқ оралагунча ҳаракат қил.

*Маҳмуд Замахшарий*

## 23. «Мозийга қараб иш кўрмоқ ...»

Қайси миллат равнақу тараққиётни истаса, тарихини  
билиши лозим бўлади, зеро, тарих бир кўзгуга ўхшайди, ҳар

<sup>1</sup> Ўтмишига, ўтган кунга.

бир қавм ўзининг аҳволи ва ижтимоий ҳаёт қоидаларини унда кўриб, яхшини ёмондан фарқ қиласиган бўлади.

*Фитрат*

Марҳумнинг иззатини жойига қўйиш марҳум учун эмас, кўпроқ тириклар учун керак. Ёруғ дунёда яшаб, ўзидан яхши хотирот қолдирган инсон ўлгандан кейин ҳам иззат-икромга, хотирлаб туришга лойиқ. Жаҳоннинг барча халқарида бу одат тирик одамларни дунёда ҳалол яшашга, яхши ном қолдиришга ундаиди.

*Эркин Воҳидов*

Хотира – бу, ўтганларни ёд этиш, Қадрлаш эса тирикларнинг иззат-ҳурматини уларнинг ҳаётлигига жойига қўя билмоқлик, меҳр ва эътибор кўрсатмоқликдир.

*Абдулла Орипов*

Ота-боболарнинг ким бўлганини билиш инсоннинг ички бир гуури учунгина эмас, балки аждодлар олдидағи масъулият учун ҳам керак. Ҳаётий тажриба бир авлоднинг умри билангина камолотга етмайди. Ҳаёт тажрибасини кўп авлодлар яратади. Аждодларни таниш уларнинг тажрибасини давом эттириш ҳамдир.

*Эркин Воҳидов*

Одамлар бор, ўлгандан кейин унутилиб кетади,  
Одамлар бор, ўлгандан кейин ҳам яшайверади.

*Сайд Аҳмад*

Албатта, биз боболаримиз хизматларини юксак қадрлаймиз ва улар билан фахрланамиз. Лекин кароматимиз шу билан чекланиб қолмаслиги керак.

*Абдулла Орипов*

Тарихий шахсларимизга, улуг аждодларимизга холис муносабатда бўлмоқни, яъни уларга беҳуда қора чапламаслик билан бирга илоҳийлаштирасликни ҳам одат қилиб олмоғимиз лозим.

*Озод Шарафиддинов*

Янги замон одамининг шаклланиши учун тарих ҳам улуг бир мактаб.

*Абдулла Орипов*

Ўз тарихин билмаган одам,  
Деса мумкин: – бўлмаган отам!  
Келажакка муносиб эмас,  
Ўз тарихин билмаган одам!

*Шуҳрат*

Қудратли тарихга ворис бўлган, ўз ўтмишидан гуруланишга ҳақли ўғил-қизлар улуғвор маънавий булоқлардан тафаккур чанқоқлигини қондириб, буюк қаҳрамонликларга юз буришади. Бундай камолотга этишган авлодларнинг эртанги куни ёруғ, манглайи ярқироқ, келажаги, албатта, буюк бўлади.

*Абдулла Орипов*

Ўтмиш юки елкада бўлмайди, ўтмиш юки одамлар юрагига уя қурган, онгини эгаллаган бўлади.

*Озод Шарафиддинов*

Тарихни кўзгу дейишади. Бу кўзгуда шу ерда яшаб ўтган жамики аждодлар кечмиши, ота-боболаримиз ҳаёти намоён бўлади. Унинг юзига лой чаплаш – халқни тарихий хотирасидан мосуво этиш, демакдир.

*Абдулла Орипов*

## 24. Дунё – ўткинчи

Ўткинчи дунёни қўй, мангу маконга интилгин, сен бу дунёни ташламасанг, бу дунё сени ташлайди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Эй дунё, ўз фарзандларингга аввалида тотли (ширин) кўринасан, сўнгра аччиқроқ туюласан, уларга қарашасан – охирида улардан кечиб, айриласан.

*Маҳмуд Замахшарий*

Дунё сарига бир келибон гамзада кеттим,  
Бир лаҳза дам олмай, турубон лаҳзада кеттим.

*Машраб*

Эй баҳодир, бу дунё кўланканг кабидир, унинг кетидан борсанг, сендан қочади, агар қочсанг, кетингдан эргашади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Берма дунёга кўнгил, ҳеч кимга қилган йўқ вафо.

*Хожаназар Ҳувайдо*

Одам тугилади ва ўлади, унинг сўзи қолади, инсон ўлади, унинг номи мангу қолади, буни унутма.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Банда неча ёш яшаса ўлмаки бор,  
Кўрар кўзга бир кун туфроқ тўлмаги бор.  
Бу дунёда сафар қилғон келмаги бор,  
Охиратга сафар қилғон келмас эрмиш.

*Аҳмад Яссавий*

Бу дунё сени ўзига жуда ҳам мафтуну маҳдиё қилиб қўйибди, унинг барча нуқсонлари сенга фазилат бўлиб

кўринибди. Дунё омонат давлат билан сени аврамасин, жамики ишларда тўғриликка амал қил.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Бир гаройиб ҳақиқатни кашф қилдим – нақадар омонат экан биз бугун яшаётган дунё.

*Озод Шарафиддинов*

Тирикликка ишонмагин, у елдек ўтиб кетади, бу дунёга ҳам ишонма, у жуда тез кўчади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Жаҳони бевафодин охири бир кун кетар бордур,  
Бу дунё бир работ, ҳар ким қўнуб бир-бир ўтар бордур.

*Хазиний*

Дунёнинг ишлари саробга ўхшайди, ушламоқчи бўлиб қўл чўзганда, одам уни йўқотади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Келса ўлумни вақти ногоҳ,  
Ким қилди симу зарни ҳамроҳ.

*Исҳоқхон Ибрат*

Ўлимнинг тирноғи доим ҳозирланган бўлади, ғафлатга ботиб юрганингда унинг қармоги илади-кетади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Киши гар қилса минг йил подшолик,  
Жаҳон мулкига айлаб кадхудолиқ,  
Чу тортар оқибат жоми фанони,  
Борур дам фаҳм этар бир дамча они.

*Алишер Навоий*

Ҳануз ўлим тутмаган экан, ҳушёр ва зийрак бўл, ўлим келиб тутгандан кейин ҳушёрикнинг фойдаси йўқ.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Эй баҳтли ўртоқ, бу оламга келган ҳар бир кишининг у дунёга кўчмоги зарурийдир. Ва лекин ақл ҳукм қиласиди, у масалани билмаган ҳолда жон таслим қилмоғимдан кўра, билиб ўлишим яхшироқдир.

*Абу Райҳон Беруний*

Ҳамма нарсадан қаттиқроқ айрилиқ бу ўлимдир, ўлимнинг чораси йўқ, унга қарши ҳеч қандай қурол-аслаҳа бўлмайди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ишонма боғу роғинг, молу мулку тахту баҳтингга,  
Қуёшдин ибрат олғил, турмайин охир ботар бордур.

*Хазиний*

Ҳамма нарсанинг фироқи яқин ёки узоқдир, ўлимнинг фироқи эса жуда йироқ фироқдир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Кишининг ер юзига ҳукми етсун,  
Қазоий осмони етса нетсун.

*Алишер Навоий*

Кимнинг ўқдек тўғри қадди эгилса, кўнглини оқ қилишнинг вақт-фурсати келган бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Агар минг йил умр кўрсанг, жаҳонға подшо бўлсанг,  
Бўлуб хоки мазаллат, гўр аросида ётар бордур.

*Хазиний*

Ўлим обод саройларни барбод қиласи, барча йигилган нарсаларни тўзитиб сочади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Минг йил ўлсанг даҳр аро ё бир замон –  
Ким, ажал охир санга бермас амон.

*Алишер Навоий*

Барча нарса учун ҳийла, тадбир ва чора бор, фақат ўлимга чора йўқ, ўлим ҳийласиздир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Агар юз йил ва агар биргина қун яшасанг ҳам, кўнгил очувчи бу қасрдан кетиш керак бўлади.

*Захириддин Мухаммад Бобур*

Дунё моли ўлимнинг олдини ола олса эди, беклар begi мол қурбон қилиб, ўлмай қолган бўлардилар...

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Аёғинг остиға боқғил, ҳамма ер ичра пинҳондур,  
Манам шундек бўлурман, деб сани парвойинга келмас.

*Хазиний*

Ўлимга қарши дори-дармон фойда қилганда эди, таби-  
блар абадий тирик қолган бўлардилар.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ҳар кимки бу жаҳонга келаркан, охирида йўқликка кетади, абадий қолувчи ёлғиз Ҳудодир.

*Захириддин Мухаммад Бобур*

Тириклика ишонма, у тушдек ўтиб кетади, омонат баҳтга бепарво бўлма, у қушдек учиб кетади.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Кимки бор охир ўлумдур ҳосили.

*Алишер Навоий*

Ўлимни унутма, унга тайёр тур, бу ўлим пистирмадан чиққандай қўққисдан келади.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Чун қаро ер ости охир бўлғусидур манзилинг,  
Бас не осиг гулшани олам сафосидин санга.

*Оғаҳий*

Қанча чап бермагин, охири ўлим келади ва тутади, қанча қочмагин, ўлим охири қувиб етади.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Ажални ҳеч қачон эсдан чиқарма.

*Мотуридий*

Ўлимдан ғафлатда қолма, кўнгилни ҳушёр тут, қанча узоқ яшамагин, охири ерга ястанасан.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Ўлим қанчадан-қанча такаббур одамлар бошларини чуқурга, яъни қабрга улоқтирган.

*Маҳмуд Замахшарий*

Тирикликни ғафлатда ўтказма, ўйла ва андиша қил.  
Тириклик ўлимга жуда ҳам яқиндир.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

### III БОБ. ОИЛА – ФАРОФАТ ҚАСРИ

#### 25. Ота-она ризоси

Бошни фидо қылғил ато бошига,  
Жисмни қыл садқа ано қошиға.  
Түн-кунингта айлагали нурфош,  
Бирисин Ой англа, бирисин Қүёш.

*Алишер Навоий*

Эшитиб ота-онангни,  
Сўзларини қадрла,  
Молу мулкинг кўпайса,  
Магурланиб қутурма.

*Маҳмуд Кошгарий*

Отанг-онанг тарбиятига қил гузар,  
Ҳолина айлаб назар, олгил хабар.

*Сайд Қосимий*

Таниқлиг-у шарафинг отангдандир, меҳрибонлик, муш-  
фиқлик онангдандир.

*Маҳмуд Замахшарий*

Отадан хато келса кўрма хато,  
Савоб бил, ҳаттоки қилса хато.  
Отанинг хатосини билгил савоб,  
Сени юз балодин қутқаргай Худо.

*Аҳмад Юғнакий*

Ўғил доно бўлса, ота роҳатга етади.

*Маҳмуд Кошгарий*

Иста ато йўлида фидо жон қилмоқ,  
Қуллуқ аноға ҳам улча имкон қилмоқ.  
Зухри абад истасанг фаровон қилмоқ,  
Бил ани ато-аноға эҳсон қилмоқ.

*Алишер Навоий*

Отанинг қарғиши ўқ! У охиратда эмас, шу дунёning  
ўзида нишонга тегади.

*Сайд Аҳмад*

Онанг пандларига сен қилғил амал,  
Юрарсан бахтиёр бўлиб ҳар маҳал.  
Онангни, отангни севинтир тамом,  
Бу хизмат еткургай тилакка мудом.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Отанг хатоси учун танбеҳ берувчи бўлма.

*Мотуридий*

Хурмати волидайн фарзайн.

*Алишер Навоий*

Ота-онанинг ҳаққини ҳамиша адо эт.

*Абдулхолик Фиждувоний*

Кишининг бор эрса ото ва оноси,  
Ғаниматдур анга аларнинг ризоси.  
Худонинг қошида қабули яқиндур,  
Ото ва ононинг болага дуоси.

*Мунаввар Қори Абдурашидхонов*

Бўл банда ато-анога яқсон –  
Ким, Ҳақ деди: «Волидайн эҳсон».  
Қуллуқларин айла расму одат,  
Кавнайн аро бил муни саодат.

*Алишер Навоий*

Ота бўлмаган, ота қадрини билмас.

*Амир Темур*

Фарзанд ато қуллуғин чу одат қилгай,  
Ул одат ила касби саодат қилгай.  
Ҳар кимки, атога кўп риоят қилгай,  
Ўғлидин анга бу иш сироят қилгай.

*Алишер Навоий*

Хизмат қил-у, юрма тагин дод этиб,  
Душманни йиглатгин, дўстни шод этиб,  
Отаю-онани доим шод этиб,  
Хизмат айла ота-она ҳаққи чун.

*Бердақ*

## **26. Она – меҳрибон**

Оналар оёги остидадур  
Равзайи жаннату жинон боғи.  
Равза боғи висолин истар эсанг,  
Бўл онанинг оёғин тупроғи.

*Алишер Навоий*

Аёл кишига энг ҳаққи кўп киши эрдир, эркак кишига  
энг ҳаққи кўп киши – онасиdir.

*Абу Лайс Самарқандий*

Отага нисбат бошқага нисбатан шарафлироқ ва машҳурроқ, яъни фалончининг ўғли деб аталар, аммо Она эса доимо шафқатли ва матлаблироқдир.

*Маҳмуд Замахшарий*

Ўзбек халқи ўз паҳлавон, ботир оталари билан бир қаторда жасур, қўрқмас, балоларнинг кўзига тик қарай олувчи ўз оналари билан ҳам фахрлана олади.

*Гафур Гулом*

Йўқ бизга онадек меҳрибон,  
Сийнага қалқон, бош узра соябон.

*Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий*

Ҳар бир бола гўдаклигидан онасининг тарбиясига маҳкум, бинобарин, биз дастлабки тарбияни онамиздан оламиз, бу оналар башариятнинг тарбиячиларидир дегани.

*Фитрат*

Бир умр ахтардим самимиятни  
Ва уни оналар кўзида кўрдим.  
Заминда кимгадир топинмоқчийдим,  
Уни ҳам онанинг ўзида кўрдим.

*Абдулла Орипов*

## 27. Аёлга эҳтиром

Аёлини қадрлаган эл улуғ бўлади. Чунки, аёл яратадиган миллат фарзандларининг илк Ватани, кўзлари юмуқ ҳолда ҳам чайқаладиган бешиги – она вужуди. Шу боис ҳам биз Онани Ватан деб улувлаймиз. Унинг ҳимоясига жон қадар шай турамиз. Билган одамга Ватан – Онадир.

*Абдулла Орипов*

Ёмон хотин түгрисида ёзиш, ҳар нарса ёзиш мумкин. Лекин ёзган вақтда ёзишдан мақсад нима эканини, онамиз ҳам, оиласиз ҳам хотин жинсидан эканини эсимиздан чиқармаслигимиз керак.

*Абдулла Қаҳҳор*

Аёллардан устун бўлишга интилма.

*Мотуридий*

Аёл – эзгулик меҳроби... Аёлнинг улуғ хизматларига ҳар қандай тузум, ҳар қандай жамият доимо муҳтож. Аёл – хона-дон чироги, жамият – таянчидир. Оила – Аёл демақдир.

*Абдулла Орипов*

Бизнинг тарбиячиларимиз, табибларимиз, муаллимла-  
римиз ҳам шу аёлларимиздир.

*Фитрат*

Кимдир бир юмушдан юзини бурди,  
Кимдир ваъда берди, кимдир ўй сурди.  
Аёлга эҳтиром навбати етгач,  
Ҳамма бирданига оёққа турди.

*Абдулла Орипов*

Аёл деганимизда кўз ўнгига биринчи навбатда барча мавжудотлар орасида энг улуғ, энг қимматли ва энг муқад-  
дас зот келади, энг ажойиб, кўп қиррали ва кенг маъно-  
даги севги келади, ҳаётдаги ҳеч бир нарса билан, ҳеч бир гўзаллик билан, қолаверса, ҳатто барча гўзалликларнинг  
жамулжами билан қиёс қилиб бўлмайдиган қандайдир ҳай-  
ратомуз сирли ва оҳанрабодек жозибали нафосат келади.

*Воҳид Зоҳидов*

Ёлғиз бир гўзаллик, айниқса она ва ёр бўлмиш аёлнинг сифатлари, ҳар қандай тузумдан, ҳар қандай тоҷу таҳтдан баланд турган ва шундай бўлиб қолажак. Демак, дунёда сира ўзгармас бир мавзу бор. У ҳам бўлса меҳр-муҳаббат-ким, унинг асосий қаҳрамони муnis аёлларимиз.

*Абдулла Орипов*

Номус, ор, садоқат, вафо, муҳаббат каби муқаддас туйгуларнинг тимсоли Аёлдир.

*Абдулла Орипов*

Кимки аёл дилига ҳоким,  
Идрокидан сезади устун.  
У олмаган чўққи йўқ, неки,  
Аёл ўзи чўққидир бу кун.

*Зулфия*

Аёл ҳамиша қўл етмас орзу, юксак гўзаллик манбаи нур, олижанобликнинг каъбаси бўлиб қолишини тилайман.

*Абдулла Орипов*

Бу хотиннинг жони битта эмас, минг битта! Ҳозир туғаб қолган шамдай лишилаб ёнаётган жони башарти сўнгани тақдирда ҳам қолган мингтасини ёқиб, кейин сўнади.

*Абдулла Қаҳҳор*

Жамиятнинг, миллатнинг беқиёс ривожи, юртнинг гуллаб-яшнаши Аёлнинг эътиқоди, диёнати, ахлоқ-одоби, ҳалоллигига жуда-жуда боғлиқ.

*Абдулла Орипов*

Күхна Шарқ ҳамиша тафаккур манбаи бўлиб келган. Күхна Шарқ оналари эса садоқат, ҳалоллик, эзгулик меҳроби бўлиб келганлар. Бу меҳробдан Шарқ эркаклари ҳамиша ўзларига ботиний куч олиб турадилар. Хонадон шамчироги бўлган Аёл муҳаббатига сазовор бўлишга интиладилар.

*Абдулла Орипов*

## 28. Эр-хотин – қўш қанот

Тўй қилиш учун эр-хотин бўлинмайди, эр-хотин бўлиш учун тўй қилинади, орзу-хавасни тўйда бир мартаба эмас, тўйдан кейин ҳар куни кўриш керак.

*Абдулла Қажхор*

Үйланишдан мақсад навъий<sup>1</sup> мавжудиятни давом эттиришдан иборатдир, яъни инсон номини боқий қолдириш.

*Фитрат*

Хотинни қанча қаттиқ тутсангиз, шунча гафлатда қолишингизни пойлайди.

*Абдулла Қажхор*

Бошқа бирвларни этиб қурдошинг,  
Оқизиб юрма ўз ёринг кўз ёшин,  
Ёмон бўлса ҳам у умр йўлдошинг,  
Вақтинча қўл берган ёрдан яхшироқ.

*Бердақ*

Эркак киши қай маҳал кўчага чиқиб кетади? Агар қидирганини уйидан тополмаса.

*Абдулла Қажхор*

---

<sup>1</sup> Тур, зурриёт.

Эркакларга эътибор кўзи бирла қарагил. На ҳақорат кўзи бирла. Хотинларга шафқат кўзи бирла қарагил, на шаҳват кўзи бирла.

*Хожа Аҳрор Валий*

Эр-хотин ўртасида парда бўлиши шарт. Эр-хотин мана шу парда кўтарилемаслиги учун ҳаракат қилиши керак. Парда кўтарилдими – бас, ҳаётга дарз тушади.

*Абдулла Қаҳҳор*

Агар аёл киши севса ва айниқса, унинг севгиси меҳрга йўғрилган бўлса, у эри учун тўғридан-тўғри афсонавий роҳат-фароғат муҳити яратмоғи мумкин.

*Озод Шарафиддинов*

Эр-хотин орасида гап қочган... кезларда эр ҳам, хотин ҳам салгина яқинроқ одамга қўнглини бўшатишга мойил бўлгани учун қизиқ устида оиласининг сирини фош қилиб, кейин пушаймон бўл(ади).

*Абдулла Қаҳҳор*

Хотинлар барча ҳуқуқ ва вазифаларда бизлар билан баробардирлар.

*Фитрат*

Эри rashк қилмайдиган хотиннинг ҳаёти ёвғон ошга ўхшаса керак.

*Абдулла Қаҳҳор*

## **29. Аёл – уйнинг чироги**

Уйнинг оройиши аёлдин,  
Уйлукнинг осойиши андин.

*Алишер Навоий*

Бўлдирадиган ҳам хотин, ўлдирадиган ҳам хотин.

*Абдулла Қаҳҳор*

Яхши хотинлар сафойи зуҳдидин,  
Оlam ичра гар ёруғлик бўлса фош.  
Йўқ ажаб, чунким, араб алфозида,  
Истилоҳ ичра муаннасадур қуёш.

*Алишер Навоий*

Яхши кишининг хонасидағи ёмон хотин шу дунёнинг  
ўзидаёқ дўзахидир.

*Захириддин Муҳаммад Бобур*

Дунёда муҳаббатни ҳар қандай қулфга тушадиган ка-  
литга айлантириб олган хотинлар ҳам бор.

*Абдулла Қаҳҳор*

Хотин зоти агар қалбинг улар ишқига гирифтор бўлга-  
нини сезса, бурнингни тупроққа ишқайди.

*Маҳмуд Замахшарий*

Боланинг ўгайи бўлади, аммо хотиннинг ўгайи бўлмайди.

*Абдулла Қаҳҳор*

### **30. Эр – оила таянчи**

Эр эсанг мақсуди асли кўзлагил,  
Ҳар неким сўзларсен – ондин сўзлагил.

*Алишер Навоий*

Эр кишига ҳиммат ва мурувват зарурдир, ёвуз, ярамас  
нарсалар унинг учун ётдир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Эрнинг қилиғи сутнинг илиғи.

Алишер Навоий

Ўзингга зарур бўлган ҳар қандай керак нарсани сотиб ол – бу эркак кишининг мурувватини, қудратини, эрлигини кўрсатади.

Махмуд Замахшарий

Эр киши кўп ясанса, бева бўлгай, бу сифат зуафога<sup>1</sup> шева бўлгай.

Алишер Навоий

Ташаббус эркақдан бўлиши керак, булбулнинг ҳам эркаги сайрайди.

Абдулла Қаҳҳор

Сидқ ичра қачонки чиқса оти эрнинг,  
Фош ўлса садоқатда сифоти эрнинг,  
Хушроқки, тавил ўлса ҳаёти эрнинг –  
Ким, сидқдин-ўқдурур нажоти эрнинг.

Алишер Навоий

Эр хотинининг эри бўлибгина қолмасдан, мард, бағри кенг, бачканалиқдан холи, бошида дўпписи, кўксида ёли, белида белбоги бор эркак ҳам бўлмоги лозим.

Озод Шарафиддинов

Эрга хулқу феъл эрур зебу камол.

Алишер Навоий

---

<sup>1</sup> Аёллар.

Кўп вақт эрларининг хотирасига содик қолган аёлларнинг вафодорлигини гапирамиз-у, хотинига содик қолган эркакнинг вафодорлигини кўпда тилга олмаймиз.

*Озод Шарафиддинов*

Эр кишига зебу зийнат ҳикмату донишдуур,  
Яхши киймак бирла хотунларға оройишдуур.

*Алишер Навоий*

Эр кишига хилъат ила не шараф,  
Дурға не нуқсон, йироқ ўлса садаф.

*Алишер Навоий*

### **31. Бола – бегубор**

Ҳар кимни ўз фарзанди соҳиб бажамол<sup>1</sup> кўринур ва ўз ақли бакамол.

*Хожа Аҳрор Валий*

Болалар ахлоқий тарбияни муҳитдан оладилар, бошқача қилиб айтганда, болалар сувга ўхшайдилар, сув идишнинг шаклини олганидек, болалар ҳам муҳитнинг одат ахлоқини қабул қиласидилар.

*Фитрат*

Болалар – ҳимоясиз гуллардир. Уларни совуқ ҳам, иссиқ ҳам зада қилиши мумкин.

*Абдулла Орипов*

Боланинг туйғусини чегаралаб бўлмайди. Унинг тасаввур оламини гўзалликлар билан безамоқ лозим. Келажакнинг даҳолари – болалар орасида.

*Эркин Воҳидов*

---

<sup>1</sup> Чиройли.

Ёш боланинг тили ҳар қанақа кўнгилни эритади.

Абдулла Қаҳҳор

Боланинг ҳатто битта табассумини дунёдаги ҳеч қандай хазина билан ўлчаб бўлмайди! Ҳозирча уни на ёзувчи ва на рассом тасвир қила олгани йўқ ва ҳеч вақт қила олмаса керак, чунки бунинг учун ёзувчининг қалами ҳам, рассомнинг мўйқалами ҳам ожизлик қиласди.

Қори Ниёзий

Тилимнинг зикрию, кўнглимни фикри яхши фарзандим.

Увайсий

Ёш боланинг кучи оёғида, юриб чарчамайди. Йигитнинг кучи билагида, ишлаб чарчамайди. Аммо кексанинг кучи юрагида бўлади. Ҳар қандай оғир дардни ҳам кўтара олади.

Абдулла Қаҳҳор

Бола кўзлари ҳамма нарсага ҳайрат ва қизиқиш билан боқади.

Абдулла Оротов

«Бўлар бола бошидан маълум» мақоли фақат ўғил болаларга тааллуқли деганлар адашади.

Озод Шарафиддинов

### 32. Фарзанд тарбияси

Илму фан уйига юборинглар болангизни,  
Анда ўқуганлар бори яктои жаҳондир.

Аваз Ўтар

Керак тарбият, ёшлиқдан керак,  
Улуг бўлса лозим келур ғам емак.

Абдулла Авлоний

Ота фарзандни ўргатиб, тергаб тарбияласа, улар ул-  
ғайгач, ўглим-қизим деб севинса арзиди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Илму фан уйига юборинглар болангизни,  
Илм андоқ ганжи нофеъдур бани одамғаким,  
Кимда ул бўлса, икки олам бўлур обод анго.

*Огаҳий*

Боланинг хулқ-атворини яхшилашга, тегишли парва-  
ришни амалга оширишга, боланинг теварагида у ёқтири-  
майдиган бирорта нарса ёки ҳодисанинг бўлмаслигини  
таъминлашга қаратилиши даркор. Буларнинг бариси икки  
томонлама наф келтиради: 1) боланинг қалби ёлғиз эзгу-  
ликларнигина билади ва унда мустаҳкам, ўзгармас хулқ-  
атвор шаклланади; 2) хулқ-атворни мана шундай тартибда  
такомилластириш боланинг жисмоний ривожланишига  
ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Шу боис, боланинг ҳам  
ахлоқий, ҳам жисмоний саломатлиги унинг тарбиясига  
боғлиқ бўлар экан.

*Абу Али ибн Сино*

Болаларга фикрлашда исбот бўлишини ўргатинг, яъни  
уларга доим тўгри ва рост маълумотлар беринг ва хоти-  
раларида беасос, ботил фикрларнинг жой олишига йўл  
қўйманг.

*Фитрат*

Ўғил-қизга санъат-ҳунар ва билим ўргатиш керак,  
токи бу фазилатлар туфайли уларнинг феъл-атворлари ва  
йўриқлари матлуб бўлсин.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Хаёт шуни кўрсатадики, бола тарбиясининг дастлабки даврида йўл қўйилган хатони кейинча тузатиш мушкулдири, чунки у ёш организмнинг қон-қонига, суюк-сугагига сингиб, ҳатто, «хроник касал» ҳолатига айланиши мумкин.

*Қори Ниёзий*

Болаларни ўзига ишонган, кучли, топқир, чаққон ва ақлли қилиб тарбиялаш учун ўз қадр-қиммати, шаънини ҳурмат қилиш руҳини тарбия қилмоқни, шунинг билан бирга ён атрофдаги одамлар билан ҳисоблашишни ўргатмоқ керак.

*Фитрат*

Эй, ота бўдувчи, ўғил-қизни тергаб тарбиялагин, токи кейин сенга кулгувчилар бўлмасин.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Оилавий баҳтда ҳикмат кўп. Баҳтиёр оила энг биринчи ва энг кучли тарбия ўчоги, демак ёшларимизнинг толеи, эртанги саодатли кишилар жамиятимизнинг пойдеворидир.

*Абдулла Қаҳҳор*

Ёш авлодни тарбиялаш муаммоси ҳамма вақт бутун жаҳон мутафаккирларининг диққат марказида бўлиб келган. Бу эса қонунийдир, чунки ўсиб келаётган авлоднинг, демак жамиятнинг тақдирни ана шу муаммонинг ҳал қилиниши билан органик равишда чамбарчас боғлангандир.

*Қори Ниёзий*

Ўйиндан болани манъ қилиш, уларни ҳаракатдан қолдириб, ўсишига халал бериб, заиф, нимжон қилиб қўяди.

Ота-оналар фарзандларини доим үйинга тарғиб қилиб, бир жойда үтиришдан мань қилишлари керак.

*Фитрат*

Бола мизожини кучайтиromoқ учун унга икки нарсани қўлламоқ керак. Бири, болани секин-аста тебратиш, иккинчиси уни ухлатиш учун айтиш одат бўлиб қолган мусиқа ва аллалашдир. Шу иккисини қабул қилиш миқдорига қараб боланинг танаси билан бадантарбияга ва руҳи билан мусиқага бўлган истеъоди ҳосил қилинади.

*Абу Али ибн Сино*

Бақиргандан кўра мароми билан секинроқ қилинган таъна қулоққа яхшироқ киради, зеҳнга яхшироқ ўрнашади.

*Абдулла Қаҳҳор*

Ота болани кичиклигидан бебош қилиб қўйса,  
Болада гуноҳ йўқ, барча жафо отада.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ўз болангизга... илк маротаба қўл кўтаришингиз қийин. Бир шапалоқ урдингизми – тамом, иккинчи марта қўлингиз ўзидан-ўзи кўтарилаверади. Оилада ҳам шундоқ. Бир куни «сану-манг»га бордингизми, эртасига ёқалашиш ҳеч гап эмас.

*Абдулла Қаҳҳор*

Фарзандларингизни моддий неъматларга кўмиб юборишингиз мумкин, лекин буларнинг ҳеч қайсиси фарзанднинг қобил бўлиб чиқмоғи учун етарли бўлмаслиги мумкин.

*Озод Шарафиддинов*

Агар назорат қилувчиси бўлмаса, ундай фарзанд ярамас ва нобакор бўлади. Бундай фарзанддан умидингни узавер.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Ота-онаси эрка ўстирган бола қўпинча худбин бўлади.

*Абдулла Қаҳҳор*

Ўғил-қизнинг феъл-атвори ярамас бўлса, бу ярамаслик-нинг айбдори фақат отанинг ўзиdir, бошқа киши эмас.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Гўдаклиқдан ёмон феълга ўрганса,

Юз меҳнат-ла уни кам қилиб бўлмас.

Яхши йўлга солай дебон уринма,

Ўсиб қотган шохни хам қилиб бўлмас!

*Хожа Самандар Термизий*

Инсоннинг болага ҳақиқий муҳаббати – ақлу идрокка асосланган ғамхўрлик билан, тўғри йўлга қўйилган тарбия билан ўлчанади.

*Қори Ниёзий*

Болаларини баҳтли қилиш учун елиб-югуриб юрган меҳрибон она қўпинча ўзининг тор дунёқараши, тафаккурининг ожизлиги ва ортиқча ғамхўрликлари билан болаларининг қўл-оёгини боғлаб ташлайди.

*Абдулла Авлоний*

Боланинг биринчи қадамини назорат қилиш керак.  
Оёқни қийшиқ босишга ўргангандан кейин уни тўғрилаш  
қийин бўлади.

Эркин Воҳидов

Болаларнинг тарбияси бу фарзандни жисмонан, фикран  
ва ахлоқан тарбия қилиб, камолга етиштириш демакдир.

Фитрат

Болани билимли қилмоқчи бўлинса, унга ёшлигиданоқ  
билим ўргатиб бориш керак.

Юсуф Хос Ҳожиб

Оқил ва диёнатлик кишиларга ёлғон сўзлардан тил-  
ларини сақламак ила баробар, авлодларини ёлғонга одат  
қилдурмасдан тарбия қилмаклари энг муқаддас вазифайи  
инсонияларидур.<sup>1</sup>

Абдулла Авлоний

Болаларнинг ўйинлари ахлоқ ва одобга зид бўлмаслиги  
керак.

Фитрат

### 33. Қон-қариндош – жон қариндош

Қариндошдан қариндошга манфаат тегади, бу манфаат  
туфайли одам ҳаловат топади.

Юсуф Хос Ҳожиб

Ётларнинг ёғлиқ овқатидан ўзингта яқинларнинг мушти  
яхши.

Маҳмуд Кошгарий

---

<sup>1</sup> Инсонлик вазифаси.

Иффатли киши ҳар вақт назари ибрат ила ҳаракат қилур.  
Кеча ва қундуз фикри, зикри ватандошларига, қариндошларига яхшилик, хайриҳоҳлиқдан иборат бўлур.

*Абдулла Авлоний*

Қариндошли кишининг шуҳрат ва овозаси маълуму машҳур бўлади, ёр-дўстли кишининг оти ва таърифи ба-ланд бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

### **34. Дўстлик**

Дўстлик инсонга хос бўлган шундай бир хислатдирки, бунда бошқа бирорга яхшилик исталади, бунда инсон яхшиликни аввало дўстлари учун истайди. Дўст бу яхши кўрувчидир. Дўст ўз дўстининг хурсандлигида ҳам, баҳтсизлик кезларида ҳам қайғу ва шодлигига шерик бўлади.

*Абу Али ибн Сино*

Дўстлик – инсоннинг энг аъло фазилати.

*Ойбек*

Дўст ҳазина-ю дўстлик гавҳардир,  
Гавҳарни йўқотмоқ айб ила нуқсон!

*Муиниддин Жувайнин*

Дўстлар уч тойифадурлар. Бири дўстдир. Иккинчи – дўстнинг дўсти. Учинчи – душманнинг душманики, ул ҳам дўстдир.

*Хожа Аҳрор Валий*

Дўст билан обод уйинг,  
Гар бўлса у вайронга ҳам.

Дўст қадам қўймас эса,  
Вайронадир кошона ҳам.

Эркин Воҳидов

Парвардигор бизга насиба қилиб яратган неъматлар ва  
рўёлар (бойликлар) ичида доим қадр-қиммат қилишимиз  
лозим бўлган, эъзозлашимиз шарт бўлган олий фазилат –  
дўстлик ва меҳр-оқибатdir.

Абу Лайс Самарқандий

Дўсти бор кишилар эмасдур гариб,  
Уйидан юз фаранг узоқ бўлса ҳам.  
Ўз шаҳрида дўстсиз бўлганлар гариб,  
Бошидан аrimас бир зумгина кам.

Муиниддин Жувайнин

Мунислик деб ҳар ким ўз тенгги, маслақдошини топуб,  
улфат бўлмакни айтилур.

Абдулла Авлоний

Оlam аҳли, билингизким, иш эмас душманлиғ,  
Ёр ўлунг бир-билингизгаким, эрур ёрлиғ иш.

Алишер Навоий

Дўст тутмоқ осон, риоя қилмоғи қийин,  
Душман бўлмоқ осон, ярашмоғи қийин.

Юсуф Хос Ҳожиб

Дўст қидир, дўст топ жаҳонда,  
Дўст юз минг бўлса оз,  
Кўп эрур бисёр душман  
Бўлса у бир дона ҳам.

Эркин Воҳидов

Дўстлар ва хайриҳоҳлик қилувчилар ёмонни яхши қилиб кўрсатишга, халал етадиган йўлни тўсишга, гўзаликни изҳор этишга ва яхшиликларга нисбат беришга тиришадилар.

*Абу Райҳон Беруний*

Ёмондан ошна тутма, зинҳор йироқ тур,  
Ёмон дўст сени йўлдан оздиради.  
Ўзинг эзгу отли бўлайнин десанг,  
Ёмонга қўшилма, ҳушёр бўл, ўйла.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Мехру муҳаббат ва дўстлигу садоқатнинг ўзи энг гўзал ва бебаҳо, энг ажойиб ва олижаноб нарса бўлиб, айни замонда ҳар бир энг гўзал ва бебаҳо нарса, ҳар қандай ажойиб ва олижаноб ҳаракат шу дўстлик, меҳру муҳаббат ва шу севгию садоқатдан унади, яралади, келиб чиқади.

*Воҳид Зоҳидов*

Дўстлик ва биродарлик даъвосида бўлувчиларнинг тарозиси шундай нарсаки, у шиддатли, мashaққатли бир ҳол бўлиб, ҳар қандай фарогату кенглиқдан холидир.

*Махмуд Замахшарий*

Ёшлиқда орттирилган дўст умрнинг кўрки, қалбининг суюнчиғи бўлади. Киши шодлигини ҳам, дардини ҳам аввало у билан баҳам кўргиси келади, ҳар гал учрашганда бамисоли ёшлиқнинг бегубор оламига қайтгандек бўлади.

*Эркин Воҳидов*

Эй биродарлар! Бир-бирингиз билан самимий дўст бўлиб, ҳақиқатни очинглар. Ҳар бир киши ўз биродари

учун кўнглидаги самимиликдан тўсқинлик пардасини очиб ташласин. Шундай қилингларки, биродарларингиз сизлардан ўзи билмаган баъзи нарсаларни ўргансин ва яна бошқалари бўлса баъзи нарсаларни ўрганиб, ўзини камолотга етказсин.

*Абу Али ибн Сино*

Агар дўст айбига боқсак, дўстсиз қоламиз, ҳеч ким дунёда беайб эмас.

*Бахоуддин Нақибандий*

Фикри булбул доимо гулда эрур,  
Бил ҳисобли дўст кўнгулда эрур.

*Рожий Ҳўқандий*

Ҳамма яхши гап дўстликда, ҳамма яхши нарса дўстликдан бошланади, унади. Ҳақиқий инсонийлигу олижанобликнинг бош белгиси ҳам дўстлигу вафодорликдан иборат. Халқ хоҳлаган адолат учун олишувдан, гўзалликдан иборат.

*Воҳид Зоҳидов*

Мўътабар бир қария жон таслим қилаётib болаларига жумладан шундай васият қилибди: «Менинг дўстларимдан ҳам хабар олиб туринглар».

*Абдулла Орипов*

Хотиринг топса ғубор дўстингдин асло ранжима,  
Душманинг дуосидин аъло эрур дашноми дўст.

*Зебуннисо*

Адаб ва тавозеъ дўстлуқ кўзгусига жило берур, икки жонибдин ёргуғлуқ еткарур.

*Алишер Навоий*

Ақл ва инсоф даҳолари, дўстлик ва муҳаббат куйчилари дўстлик ва муҳаббатнинг поймол этилишини кўрганларида фарёд қилдилар, лекин на шу дўстлик ва муҳаббатнинг тантанасини таъмин эта оладиган туб сабаб ва омилларни тушуна олдилар ва на уларнинг поймол этилишининг туб сабаби ва омилларини англаб эта олдилар.

*Воҳид Зоҳидов*

Ўзининг бошига тушган қийинчиликларга чидамли одам дўстларидан етадиган азиятларга ҳам бардошли бўлур.

*Махмуд Замахшарий*

Ўз дўсти дилини реш айлагай жаҳддин,  
Ҳар кимки ўз муштини урап деворга.

*Муҳаммад Шариф Гулханий*

Чақнаш билмай сояда изи,  
Яшагандан чақмоқдек афзал.  
Сокинликни севмайман ўзи,  
Ўлсам ўлай, дўстлар жам маҳал.

*Зулфия*

Дўстлар билан биргаликдаги ўлим тўйдир.

*Захириiddин Муҳаммад Бобур*

Дунёнинг лаззати содик дўстлар ила суҳбат қилмақдан иборат.

*Абдулла Авлоний*

Сенсиз бу жаҳон айши аламдур манга, эй, дўст,  
Шодлиги ҳам меҳнату ғамдур, манга эй, дўст.

*Атойи*

Дўстлик ва ҳамкорлик бор экан, ҳаётимиз ҳамиша гул-  
гун ва илҳомбахш бўлаверади, ҳамиша Ватанимиз гўзал,  
навқирон ва қудратли бўлаверади, қудрат устига қудрат  
касб этаверади.

*Воҳид Зоҳидов*

Бундай дунёда омон ҳаёт кечиришнинг бирдан-бир  
йўли дўстлик ва муҳаббатdir.

*Озод Шарафиддинов*

Нақадар гўзалдир дўстлик ва қардошлиқ!

Нақадар ҳаётбахшдир дўстлар ҳамкорлиги ва қардош-  
лик қудрати!

*Воҳид Зоҳидов*

Оlamning интизоми одамларнинг бир-бирлари билан  
дўстона ва биродарона ҳаёт кечиришларига боғлиқ.

*Фитрат*

Халқлар учун дўстлик ва ҳамкорлик ҳаётбахш ва мўъ-  
жизакор қудратдир, душманлик ва адоват эса фалокатдир.

*Воҳид Зоҳидов*

Огоҳ бўлингизки, карим ва хурматли вафодор одамни  
йўқотиш эр кишига вафотдан кўра ҳам оғирроқдир.

*Махмуд Замахшарий*

Оlamда дўстлиқ киши душmansиз бўлмайди.

*Алишер Навоий*

Дүстлик – синовда чиниқади.

Амир Темур

Сизлар бир-бириңиз билан дүстсиз ва бир-бириңизгә азизсиз, ваҳоланки, бу бошингизга бирон-бир ҳасталик, очлик ва бошқа баъзи мусибатлар тушмаган пайтдадир.

Махмуд Замахшарий

Гарчи зоҳирда барча дўстдурур,  
Бўлма эминки, душманинг йўқдурур.

Мунис Хоразмий

Агар дўстлик эҳтиёжга қараб ахтарилса, зарурат туғилмаган чоғда дўстни назарга илмай, ташлаб кетилса, бу қандай дўстлик бўлди энди!

Абу Али ибн Сино

Икки нарса оғир кўнглимга асли,  
Икки нарса учун йўқ менда бардош:  
Бири – душманинг шодон қаҳқаҳаси  
Бири – дўст кўзида милтиллаган ёш.

Асқад Мухтор

Дўстлашинглар ҳадиялар беришиб,  
Баҳра топқон хирад атиясидин.<sup>1</sup>  
Худ жаҳонда атияе борму,  
Яхшироқ дўстлиқ ҳадиясидин.

Алишер Навоий

Дўстларим бўлсун десанг аҳли жаҳон,  
Хулқи хушлуқни қил одат, эй Азиз.

Аваз Ўтар

---

<sup>1</sup> Ақл совғасидин.

Имтиҳонсиз ошнони йўқлама,  
Тарвуз эрса хом агар қўлтуқлама.

*Рожий Ҳўқандий*

Дўйстлар билан бир дам суҳбат ғанимат,  
Дунёда олтиндан китобдир қиммат.

*Маҳзунабону*

Одам боласига зийнат номус-ор,  
Юздан кам бўлмасин таниш – дўсту ёр,  
Агар томирингни қийса бир гаддор,  
Шу вақт малҳам қўймоқ – ордан яхшироқ.

*Бердақ*

Эл меҳри, дўст меҳри билмайди сарҳад.

*Миртемир*

Чун бўлур ҳар лаҳза бегона бирла ошно,  
Ошнолардин кўнгул бегона бўлмай найласун.

*Ҳусайн Байқаро*

Улфати яхши кишининг ўзи ҳам яхши бўлур, яхши ул-  
фатли кишидан кўп яхшилик келур.

*Аҳмад Юғнакий*

### **35. Дўйстлашиб фазилатлари**

Шижоатли кишиларни дўст тут, чунки Тангри таоло  
жасур кишиларни ардоқлади.

*Амир Темур*

Кимники айлай дер эрсанг маҳраминг,  
Кўп синамай айламагил ҳамдаминг.

*Алишер Навоий*

Солиҳ дўстга қўшил ва фожир дўстдан узоқлашки, фожир дўст сани ёмон ишга бошлар ва солиҳ дўст санга яхши йўлларни кўрсатур.

*Хожа Аҳрор Валий*

Яхшилар билан дўстлаш.

*Мотуридий*

Шундай кишилар ила дўст ва йўлдош бўлмоқ керакки, шодлигингга шод, хафалигингга хафа бўлсун. Ошга ўртоқ, бошга тўқмоқ бўлмасин.

*Мунаввар Қори Абдурашидхонов*

Дўстларнинг дўстлари орасида бўл.

*Мотуридий*

Ўз манфаатини истовчи дўстга кўнгил берма, манфаат кўрмаса душман бўлади, ундан умиқт узавер.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Фосиқ, ахмоқ ва ёлғончи дўст тутма ва дўст агар минг чоғлиқ бўлса ҳам камдур ва душман ёлғиз (бир киши) бўлса ҳам кўпдур.

*Хожа Аҳрор Валий*

Дўстимки, душманимга дўстлик қиларкан, уни мен дўст ҳисобламайман. Заҳарга қўшилган шакардан эҳтиёт бўл.

*Абу Али ибн Сино*

Яхши феълли киши душманинг бўлса,  
Бадфеъл дўстдан кўра афзалроқ эрур!

*Хуррамий*

Бу оламда яхшилар ила дўстлашишни ҳамма ҳам хуш кўради. Агар зўр бўлсанг, ёмонларни ҳам дўстга айлантира бил.

*Баҳоуддин Нақибандий*

Эй, биродар, мунофиқча бўлма улфат,  
Ким улфатдур боши узра юз минг кулфат.

*Аҳмад Яссавий*

Душманингнинг душмани билан дўст тутун.

*Мотуридий*

Синамаган одамни синамоқчи бўлсанг, уни биладиганлардан сўрагин, ҳаммаси аниқ бўлади-қўяди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

### 36. Чин дўстлик

Ҳақиқий дўст сенинг дўстингга дўст, душманингга душман бўлади. У дўст душманидан узоқлашади, дўстига яқинлашади. Бунинг акси бўлиши мумкин эмас. Чунки бунинг акси бўлса, душманлик саналади.

*Абу Али ибн Сино*

Дўст бирла имтиҳон қилғил талош,  
Билса, хурмо, билмаса бер анга тош.

*Рожий Ҳўқандий*

Содиқ ва вафодор дўст улким, ўз дўстидан ранжимайди, дўстинг душманини ўз душмани деб билади. Агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди.

*Амир Темур*

Шодли ва қайгули пайтларида дилини күдуратдан тозалаб, соф дўстликни сақлаб қолган киши чин дўст ҳи-собланади.

*Абу Али ибн Сино*

Ҳақиқий дўстунг ёрингдур улким,  
Кулуңгутуса оёқдин тушганингда.

*Сайфи Саройи*

Дўстларнинг дўстлиги мاشаққат ва меҳнат чоғида би-линур.

*Хожа Аҳрор Валий*

Ёр улдурки, ҳар неким ўзига  
Истамас, ёрига ҳам истамагай.  
Ўзи истарки, ёр учун ўлгай,  
Ани мундоқ шарик айламагай.

*Алишер Навоий*

Яхши кунингда сенга душман ҳам дўст бўлиб кўринишга ҳаракат қиласди, дилида заҳри бўлса ҳам, тили ширин бўлиб кўринади. Лекин бошингга ёмон кун келганда – дўст дўстга, душман душманга ажралади.

*Ҳамид Олимжон*

### 37. Соҳта дўстлар

Ёлғон дўст сандан бир фойда умидида ёки ўз бошига келган зарарни қайтармак учун мунофиқона дўстлик қилур. Сирингни ноаҳил кишиларга сўзлаб, қадру эътиборингни поймол қилур. Бундай кишиларга дўст бўлмақдин дўстсиз (ўтмоқ) яхшироқдур.

*Абдулла Авлоний*

Ҳакимларнинг айтишича, синалмаган дўстга ва синалган душманга ишонмоқ катта хатодир.

*Хожа Самандар Термизий*

Дўстинг душман бўлса, жонингга қасд қиласди ёки терган, жам қиласдан нақд молингга қасд қиласди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Дунё айлаб сафарлар, топмадим хўб орқадош,  
Ҳасрати дилни деёлмай, ҳеч этмай сирни фош.

*Исҳоқхон Ибрат*

Ҳар бир кишига синамасдан, билмасдан дўстлик қилмак,  
сир айтмак зўр ақлсизлиқдур.

*Абдулла Авлоний*

Бебок ҳамдамиққа ярамас, нопок маҳрамлиққа ярамас.

*Алишер Навоий*

Дўстим душман билан ўлтирмиш бисёр,  
Энди ўтирумайман у билан зинҳор.  
Парҳез қил шакардан заҳари бўлса,  
Пашшадан қоч қўниш жойи бўлса мор.

*Абу Али ибн Сино*

Кўрдимки, энг ноёб неъмат ростгўйлик ва мардлик, энг оғир бало мунофиқ дўстлар экан.

*Нажмиддин Кубро*

Сени касоду инкисорга<sup>1</sup> учрашдан огоҳ қилювчи кишига  
лутф билан муюмалада бўл, қўрқма, зарари йўқ, зиёни йўқ,  
деб юпатувчилардан узокроқда бўл.

*Мажмуд Замахшарий*

Мевага мағз ўлса, бўлур пўст ҳам,  
Кимсага ҳам душман ўлур, дўст ҳам.

*Алишер Навоий*

Душмандан қўрқма, мунофиқдан қўрқ.

*Амир Темур*

Душманинг билан иноқлашган дўстдан қўрқ.

*Мотуридий*

Бирор кўнгул ғамидан бўлса эрди воқиф дўст,  
Не қайгу, душман агар сад ҳазор бўлса эди.

*Саккокий*

### **38. Душманинг бири ҳам кўп**

Душманлар уч тойифадур. Бири – душмандир. Иккинчи – дўстни душмани. Учинчи – душманни дўстичи, ул ҳам душмандир.

*Хожа Аҳрор Валий*

Мингта дўстинг бўлса, уни кўп кўрма,  
Битта душманинг бўлса, уни оз дема.

*Аҳмад Югнакий*

---

<sup>1</sup> Инқирозга.

Оқил кишилар дўст билан душманни, душман билан дўстни алмаштирмайдилар.

*Абдураззоқ Самарқандий*

Йўлда душман чуқур қазиб ётади,  
Қўлдан келса қафасларга тутади.

*Бердақ*

Дўст жавридин ингранма, душман бедодидин кунг-ранма!<sup>1</sup>

*Алишер Навоий*

Яхши одамнинг шубҳасиз душмани бўлади, ёмоннинг душмани бўлмайди, ёмон одам ўлиқдир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Агар душманинг бош уриб паноҳингга келса, раҳм қилиб яхшилик ва мурувват кўрсат.

*Амир Темур*

Хар қанча яхшилик кўрсатилганда ҳам, душман қўлидан душманлиқдан бўлак иш келмайди.

*Абдураззоқ Самарқандий*

Чу душман ўлди қадимий, зиёнидин ҳазар эт,  
Агарчи нутқи равонбахши жонга роҳат эрур.

*Алишер Навоий*

---

<sup>1</sup> Алжирама, (жаҳлдан ўзи билан ўзи гаплашмоқ).

Душман сендан муруват ва хайр-эҳсон кўрсаю яна қайтадан душманлик йўлини тутса, уни парвардигорнинг ҳукмига топшири.

*Амир Темур*

Шаҳар дарвозасини ёпиб бўлади-ю, душман оғзини ёпиб бўлмайди.

*Захириddин Муҳаммад Бобур*

Душман ғуруридин ғам ема ва маддоҳ хушомадин чин дема!

*Алишер Навоий*

Душманлар ҳамиша насабларга таъма қилиш, номусларини ерга уриш, турли уйдирма гаплар тарқатишга уринадилар.

*Абу Райҳон Беруний*

Оғзингга қон тўлса ҳам, душман олдида тупурма.

*Амир Темур*

Душманинг қумдан кичикроқ бўлса ҳам кўз юммагил, Чунки кўр қилмоққа етгай заррадан кучсиз ҳужум.

*Ғафур Ғулом*

Душман лашкари ичида келишмовчилик бор экан, сен ўз шамширингни қинидан сугурмай қўябер!

*Абдураззоқ Самарқандий*

Душман мақолоти – банг хаёлоти.

*Алишер Навоий*

Душманим арзимас, деб ғофил бўлмагин, ундан нега  
қўрқайин, деб катта кетмагин.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Сенинг қилаётган ишларингдан душманинг огоҳ бўлиб,  
улардан кўз юмиши сенга илон чаққандан кўра ҳам заарали  
ва машаққатли бўлади.

*Маҳмуд Замахшарий*

Душманнинг кулгани – сирингни билгани.

*Амир Темур*

Бўри ўзи дардини ҳеч вақт билдирамас,  
Яхши одам душманини кулдирамас,  
Кўлдан келса унга даврон сурдирамас,  
Шу йигитнинг жони қурбон халқ учун.

*Бердақ*

Табиий душман вақте дўст<sup>1</sup> бўлгайким, сув ўтни ўчур-  
мағай ва ел туфрогни совурмағай.

*Алишер Навоий*

Кучинг етар экан, оловни шу он ўчир. Агар аланг олса,  
жаҳонни куйдиради. Душманни ўқ билан уришга қодир  
экансан, унинг камон керишига қўйма.

*Захириддин Муҳаммад Бобур*

Душман қасд айласа йўқотмоқ учун,  
Оқил бўлсанг жиiddу-жаҳд айла тамом.  
Мақсад ҳосил бўлса баҳтга етарсан,  
Акси бўлса, маъзур тутарлар мудом!

*Хожа Самандар Термизий*

<sup>1</sup> Вақти келиб.

## IV БОБ. ИЛМ – НАЖОТ

### 39. БИЛИМ – ИМОН ЧИРОГИ

Агар бўлмаса йўл бошлагучи пир,  
Билим – қайтариш ва тақрорлаш мевасидир.

*Абу Райҳон Беруний*

Юксалиб бошим кўкка етсин десанг, ҳамма ишни кўриб,  
кузатиб билим билан қилгин.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Маърифатнинг нури қалбдадир, шуъласи эса кўксдаги  
кўнгил кўзидаидир.

*Ҳаким Термизий*

Билимли кишининг овозаси камаймайди, оқар ва қайнар  
булоқнинг зилол суви камаймайди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ёш бўлсанг ҳам, илм оламида пирсан,  
Топибди дилинг тарбият ақл доясидан.

*Ҳусайн Хоразмий*

Одамдан одамнинг талай фарқи бордир, бу фарқ билимдадир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Барча эзгуликлар билим нафи туфайлидир. Билим билан  
ҳатто осмонга ҳам йўл топилади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Билимсизлар билимлиларга ҳамиша душманлик қиласи, жоҳиллар доноларга нисбатан доимо адоватсиз бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Билимсиз киши шубҳасиз кўрдир, кел, эй билимсиз нодон, билимдан ўзингга улуш олгин.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Одамлар билмаган нарсаларига душманлик кўзи билан қарайдилар.

*Абу Райхон Беруний*

Билимли билимини тили орқали чиқармаса, унинг билими йиллаб ётгани билан зиё сочмайди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ҳар кимки илм-ҳикматни деса, уни ёшлигидан бошласин, соғ-саломатлиги яхши бўлсин, яхши ахлоқ ва одобли бўлсин, сўзининг уддасидан чиқсан, хиёнат, макр ва ҳийладан узоқ бўлсин, диёнатли бўлсин, барча қонун-қоидаларни билсин, билимдан ва нотиқ бўлсин, илмли ва доно кишиларни ҳурмат қиласин, илм ва аҳди илмдан мол-думёсини аямасин, барча реал, моддий нарсалар тўғрисида билимни эгалласин.

*Абу Наср Форобий*

Одамнинг кўнгли тубсиз чуқур денгиз кабидир, билим эса инжу каби унинг тубида беркинган бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Илм олиш дастлаб ахлоқий покликни талаб қиласади.  
Шүнингдек, таълим ва тарбия бир бутунликни кўрсатади,  
фақат шу борлиққа амал қилган шогирдлар камолот сари  
бора олади.

*Абу Райҳон Беруний*

Ҳар қандай ишни ҳам билим билан қилгин, барча ҳай-  
ратомуз чиройли ишаар билим билан бўлади.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Инсон ҳар бир ишни билим билан бошласа, нимаики  
иш қилса, тилакка етади деб ҳисоблайвер.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Сен барча сўзларни билим билан сўзлагин, барча ки-  
шини билими учун улуғлагин.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Кимда-ким билимга яқин доно бек бўлса, билимли  
одамларни ўзига яқин қилишга интилади.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Ёки билимли бўл, ёки илмга таяниб иш тутадиган бўл,  
лоақал илмни тинглаб эшитадиган бўл, бироқ тўртингчиси  
бўлма, чунки касодга учраб ҳалок бўласан (жувонмарг  
бўласан).

*Махмуд Замахшарий*

Дунёда билимдан ҳам азизроқ яна нима бор, билимсиз  
деган сўз одам учун нечоғлик хунук ҳақорат.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Билим билан саодат йўли очилади, шунга кўра, илмли бўл, баҳт йўлинни изла.

*Аҳмад Юғнакий*

Билимнинг буюклигини ва заковатнинг улуғлигини англагин, бу иккаласига эга бўлган сара кишилар улуғликка эришадилар.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Билим билан олим кўтарилди, илмсизлик эса кишини тубанлаштиради.

*Аҳмад Юғнакий*

Билим ҳақида нималар дейилган, бу сўзнинг маънисини чақ, билимли кишилардан бало-офатлар йироқдашади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Билимли киши керакли сўзни сўзлайди, кераксиз сўзни кўмиб яширади.

*Аҳмад Юғнакий*

Билим мисоли бошбоғ кабидир, унга эга бўлган кишини у тилаклари сари элтади, орзулари томон бошлайди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ҳар бир нарсани билиш, у нарсанинг сабаблари бўлса, шу сабабларни ўрганиш орқали ҳосил бўлади ва камолга етади.

*Абу Али ибн Сино*

Қадр-қиммат ва иззат-эътибор билим туфайлидир,  
заковатдандир, билимсиз, заковатсиз кишининг бир кафт  
тупроқча ҳам қиммати йўқдир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Йигит деган яхши билимдон бўлур,  
Билим, ҳунар йигит учун шон бўлур.  
Ақлсизлар иши кўп ёмон бўлур,  
Аҳмоқлар ҳеч хизмат этмас халқ учун.

*Бердақ*

Билиминг шундайки, у ялангоч бўлганингда ҳам ўзинг  
билил қолади уни ҳаммомга кирганингда сув ҳам йўқота  
олмайди.

*Абу Райҳон Беруний*

Заковатнинг озини оз дема, унинг фойдаси каттадир,  
билимнинг озини оз дема, унинг кишига манфаати кўпдир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Билимли киши ўлса ҳам, унинг номи ўчмайди, илмсиз  
кишининг ўзи ҳаёт бўлса ҳам, оти ўликдир.

*Аҳмад Юғнакий*

Олим агар жоҳ учун ўлса залил,  
Илми анинг жаҳлиға бўлгай далил.

*Алишер Навоий*

Мушк-анбарни яширсанг, уни ҳиди ошкора қилади,  
билимни яширсанг, уни тилинг ошкора қилади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Билим ўз соҳибини қашшоқ қилмайдиган битмас-ту-  
ганмас бойлиқдир, ўгри ва қаллоблар уни ҳеч ўғирлаб ола  
олмайди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Илм ичра менга то бўлди мадхал,<sup>1</sup>  
Топилмас мушкуле мен қилмаган ҳал.

*Алишер Навоий*

Заковат одам учун муқаддас онт ичиб тутинган дўст  
кабидир, билим одам учун меҳрибон қариндошдир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Билимсизнинг билганлари ва қилганлари ўзи учун  
душмандир, бошқа душманинг кераги йўқ, шу икки душ-  
манинг ўзи кифоядир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Билимни саралаб, сайлаб олиш учун заковатли бўлиш  
керак, ишларни қўнгилдагидек битириш учун эса билим-  
ли бўлиш керак.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Билимни буюк, ўқувни улуғ бил,  
Бу иккиси танланган бандасини улуғлайди.  
Заковат қаерда бўлса, улуғлик бўлади,  
Билим кимда бўлса буюклик олади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Кимки маърифатни этса эъзоз,  
Ани ирфон этар, албатта, мумтоз.

*Анбар Отин*

<sup>1</sup> Кириш, кириш жойи.

Билимнинг қадрини билимли билади, гавҳарнинг қимматини ҳам заргаргина билади.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Жаҳон равшан зиёси илмдандур,  
Кўнгул софи сафойи илмдандур.

*Зокиржон Фурқат*

Билимли одамлар ўзларини мashaққатларга урадилар,  
билим билан маҳдиё бўйиб роҳатланадилар.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Фикр ғойибдан пайдо бўлмайди. Фикр – билимнинг ҳосиласи.

*Озод Шарафиддинов*

Билимни, санъат-ҳунарни, фазилатларни, эзгу феъл-хулқни, йўл-йўриқларни одам ҳаёти жараёнида ўрганади ва шакллантиради.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Билим ўрган, заковат касб эт, беҳуда юрма, хайрли пайт келганда, улар сени рўшноликка чиқаради.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Ишни билса билимли ва заковатли билади, ишни қиласа билимли ва заковатли қиласи.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Билим билан ҳамма чалкашликлар ҳал қилинади, билим бил, укув ўқ, зеҳн ва ақл билан яшагин.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Анда ўқуганлар бори яктои жаҳондир.

*Аваз Ўтар*

Билимсизнинг тоат қилганидан кўра, билимлининг ухлагани афзал бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Билимсиз, шубҳасиз, аниқ кўрдир,  
Кел, эй нодон, билимдан ҳисса ол.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

#### **40. Илм – олам зиёси**

Илм билан давлат ҳеч ҳам келиша олмайди, кимда-ким илмни бойиш манбаи қилиб олса, у узоққа бормайди, яrim йўлда ҳалок бўлади.

*Абу Райҳон Беруний*

Илм ортуқким, икки жаҳон шоҳлиғи.

*Алишер Навоий*

Молни ишлатганинг сари озаяди, илм эса қўпаяди.

*Шавқий Каттақўргоний*

Илму маърифатли одам такабурлик қилувчи доимо нодон<sup>1</sup> кимсаларнинг бурнини тўзон-тупроққа тўлдирур.

*Маҳмуд Замахшарий*

Миллатга илм керак, маърифат керак.

*Абдулла Қодирий*

<sup>1</sup> Отдан тушса ҳам эгардан тушмайдиган маъносида.

Илму дониш яхши зийнатдур хотин-қиз аҳлина,  
Қўй қадам илм уйина, тумору маржонни унут.

*Абдулла Авлоний*

Йигитликда йиғ илмнинг маҳзани,  
Қарилик чоги харж қилғил ани.

*Алишер Навоий*

Илм бўлмаса одамнинг ҳайвондан фарқи бўлмас эди.

*Шавқий Каттақўргоний*

Энг аъло завқ таҳсил, илму маърифатдур.

*Махмудхўжа Беҳбудий*

Керак ҳар илмдин бўлмоқ ҳабардор,  
Бўлар ҳар қайси ўз вақтида даркор.

*Зокиржон Фурқат*

Уламолар дунё тургунча туради, гарчи ўzlари бўлмасалар-да, қалбларда сиймолари яшайверади. Чунки амалнинг фойдаси фақат кишининг ўзига, илмнинг манфаати эса, ўзига ва бошқаларга.

*Абу Лайс Самарқандий*

ИНсонларнинг яхшиликга чақиргувчи, ёмонликдан қайтаргувчи бир илмдур.

*Абдулла Авлоний*

Улугбек юлдузлар сирин фош этиб,  
Сўнуқ шам олдида тақдим этди бош.

Маърифат офтоби ўчмакни билмас,  
Топталмас тупроққа тушса ҳам қүёш.

*Гафур Гулом*

Ҳар бир илм ва санъатнинг бориб тақаладиган бошлиниш жойи бор. Щу бошланиш жойига яқинлашган сари, то ўзига бориб етгунча соддалашиб боради.

*Абу Райхон Беруний*

Илмли бўлиш бир баланд тоққа чиқиши каби кўп ма-шаққатлидир, лекин ундан тушиш осондир, жоҳиллигу нодонлик булоғи чуқур чашма мисоли бўлса-да, бироқ у кўп қийинчилигу азобларга гирифтор қиласди.

*Маҳмуд Замахшарий*

Кўнгулларни сурури – илмдандур!  
Кўяр кўзларнинг нури – илмдандур!

*Зокиржон Фурқат*

Ҳақиқатни очинглар, тўғри йўлдан юринглар. Бир-бiringиздан илм ўрганиб, камол топишингиз учун дил парасини очиб ташланглар.

*Абу Али ибн Сино*

Илмсизга тўғри сўз маъносиздир, унга ўгит-насиҳат фойдасиздир.

*Аҳмад Юғнакий*

Илмли кишига ўзингни яқин тут.

*Маҳмуд Замахшарий*

Уч нарса уч нарсасиз турмас: илм баҳс-мунозарасиз;  
мол тижоратсиз; мамлакат сиёсатсиз.

*Хожа Аҳрор Валий*

Илм – нарсаларни инсон ақли ёрдами билан ўрганишликдир.

*Абу Али ибн Сино*

Кўрдимки, энг яхши дўст илм экан.

*Нажмиддин Кубро*

Илм зийнатдир ва насаб жамолдир. Андоғдурки, зийнат соҳибжамолга ярашур. Илм улуғларга лойиқ кўринур.

*Хожа Аҳрор Валий*

Тириклиқда кишиким қиласа ҳар кор,  
Ани осонлигига илм даркор!

*Зокиржон Фурқат*

Тавҳид сиррига етса бўлур, аммо маърифат сиррига  
етмоқ душвордир.

*Баҳоуддин Нақишибандий*

Эга бўлинадиган нарсаларнинг энг шарафлиси илмдир,  
барча илмга интилади-ю, лекин илм унга келмайди.

*Абу Райҳон Беруний*

Жаҳон равшан зиёйи илмдандур!  
Кўнгул софи сафойи илмдандур!  
Чароғ ўлса агар ҳар ким қўлида,  
Хатар бўлмас қоронғуда йўлида.

*Зокиржон Фурқат*

Қуролингни илмдан яса.

*Мотуридий*

Илм аҳди бошқа инсонларга нисбатан афзалдир.

*Абу Лайс Самарқандий*

Дейин сўз илмни хосиятидин,  
Баён айлаб анинг моҳиятидин.  
Бу сўзни гўши бор одам эшитсун!  
Ўзида хуши бор одам эшитсун!

*Зокиржон Фурқат*

Илм ўрганиш йўлида событ қадам бўл.

*Абдулхолик Гиждувоний*

Мартабаю иззатни илмдан изла.

*Мотуридий*

Агар киши ниятини тўғирлашга қодир бўлмаса ҳам,  
илмни ташлаб қўймасин, шу афзал иш, чунки таълим  
олаверса, илм унинг ниятини тўғирлаб қўйиши мумкин.

*Абу Лайс Самарқандий*

Кишиким илму фандин боҳабардур,  
Халойиқقا бақадру муътабардур!

*Зокиржон Фурқат*

Илмни ким воситайи жоҳ этар,  
Ўзинию халқни гумроҳ этар.

*Алишер Навоий*

Менинг ҳамма истакларим, бутун вужудим илм тарқатишга қаратилғандир ва мен буни ўзим учун энг улуғ баҳт деб биламан.

*Абу Райхон Беруний*

Ўрган ва ўзгаларга ўргат.

*Мотуридий*

Пешволардан олға ўтдим шаҳд ила,  
Мен гаввосу илм бўлди уммоним.  
Ҳинддан сўра машриқ аро қадримни,  
Магриб мени ўқир, йўқдир армоним.

*Абу Райхон Беруний*

Илмни касб-ҳунар қилиб олмаслик ва мол топишга  
восита қилиб олмаслик керак.

*Абу Наср Форобий*

Тўғри йўлнинг очқуси илмдир.

*Мотуридий*

Илмнинг ниҳояси йўқ.

*Фитрат*

Илм – билмаган нарсаларини билганлардан ўрганмоқдир.

*Мунаввар Қори Абдурашидхонов*

Ҳикмат ақл камолотининг натижасидирки, илм орқали  
ҳосил бўлади.

*Фитрат*

Илм инсонларнинг мадори ҳаёти, раҳбари нажотидур.

*Абдулла Авлоний*

Шавкати инсон эрур илму адаб,  
Эътибор бермас анга молу насаб.

*Абдулла Авлоний*

Илм – одамнинг зеҳнини очар, ақлини орттирар, билмаган нарсаларини билдирур, дунёда баҳтли ва иззатли қилур.

*Мунаввар Қори Абдурашидхонов*

Илм андоқ ганжи ноғиъдур бани одамғаким,  
Кимда ул бўлса – икки олам бўлур обод анга.

*Оғаҳий*

Илм бир хазина бўлса, бу хазина калити савод.

*Шавқий Каттақўргоний*

Қадам айлабон илм йўлида бош,  
Ҳунар касбида айлар эдим талош.  
Не тунлар менга хоби роҳат эди,  
Не кунлар замони фарогат эди.

*Оғаҳий*

Ҳар киши илм-ла бўлса ошно,  
Иzzату давлатда бўлгай доимо,  
Илмсиз одам залилу хор ўлур,  
Илмсизлардан ҳамма безор ўлур.

*Мунаввар Қори Абдурашидхонов*

Илм келинчакка ўхшайди, у хилват ва пинҳонликни ёқтиради.

*Шавқий Каттақўргоний*

Илм бирла маърифат таълимини тарк этмагил,  
Ҳосил эт боринча жон, такрор илму маърифат.

*Аҳмад Табибий*

Жаҳон басти кушоди илм бирла,  
Надур дилни муроди илм бирла.

*Зокиржон Фурқат*

Илмдур дунёда энг яхши ҳунар,  
Илмсиздан яхшидур гунг ила кар.

*Мунаввар Қори Абдурашидхонов*

Қоғозга туширилмаган илм унутилиб кетади.

*Шавқий Каттақўргоний*

Кўнгулларни сурори илмдандур,  
Кўрап кўзларни нури илмдандур.

*Зокиржон Фурқат*

Илм биза ўз аҳволимизни, ҳаракотимизни ойина каби  
кўрсатур. Зеҳнимизни, фикримизни қилич каби ўткур  
қилур.

*Абдулла Авлоний*

Эмиш ҳар элға қадри илм бало,  
Ўла илм мақоми баски боло.  
Кишиким илму фандин боҳабардур,  
Ҳалойиққа мўътабардур.  
Жаҳон равшан зиёйи илмдандур,  
Кўнгил софи сафойи илмдандур.

*Анбар Отин*

Тириклиқда кишиким қылса ҳар кор,  
Анинг осонлигина илм даркор.

*Абдулла Авлоний*

Илм инсон зийнати.

*Шавқий Каттақұргоний*

#### **41. Илм олиш одоби**

Илм даргоҳига кирап экансан, қалбингни күнгилни оздирувчи иллатлардан, одамни күр қилиб қүядиган ҳолатлардан, чунончи қотиб қолган урф-одатлардан, хирсдан, рақобатдан, очкүзликнинг қули бўлишдан, ўз ҳокимлиги учун курашишдан озод бўлмоғинг даркор.

*Абу Райҳон Беруний*

Таълим олевчи, агар у билан бир инсон ўртасида низо ёки хусумат пайдо бўлиб қолса, мулойимлик ва инсоф билан муомала қилиши лозим. У билан жоҳил кишининг орасида фарқ бўлиши керак.

*Абу Лайс Самарқандий*

Билмаганини сўраб ўрганган – олим,  
Орланиб сўрамаган – ўзига золим.

*Алишер Навоий*

Гарчи, йўқ эди қувват аёқимда вале,  
Келдим бош ила олғоли таълим сенга.

*Оғаҳий*

Дарёларнинг доимо денгизга қўйилиши унинг сувига таъсир кўрсатмаганидек, амал ва лаззат ҳақиқий илм олевчига таъсир кўрсата олмаслиги керак.

*Абу Райҳон Беруний*

Агар бир шогирд илм ва муаллимни суймаса, иштаҳо ила ўқумаса, мақсудга<sup>1</sup> етолмас.

*Абдулла Авлоний*

Ҳеч қачон илм ўрганиш ишида узилиш юз бермаслиги керак, негаки, бу катта йўқотишга олиб боради.

*Бурҳониддин Маргиноний*

Таълим олувчи бардавом дарс қилиши, шериклари билан ёки ёлғиз ўзи масалаларни тақрорлаб туриши лозим.

*Абу Лайс Самарқандий*

Оз-оздан ўрганиб доно бўлур,  
Қатра-қатра йигилиб дарё бўлур.

*Алишер Навоий*

Таълим олмоқдин киши ўзда қолар,  
Устаси йўқ ҳар мақомда йўргалар.

*Рожий Хўқандий*

Дунёни билмакка идрокинг гаров,  
Зеҳн қўймоққа дили покинг гаров.  
Яхши иш қилмоқ учун йўқса ўқув,  
Санга лозимдур ўқув бирлан уқув.

*Анбар Отин*

Толиби илм ва толиби мол тўймас харисдур.

*Маҳмудхўжа Беҳбудий*

Бизнинг мақсадимиз ўқувчини толиқтириб қўймасликдир. Ҳадеб бир нарсани ўқий бериш зерикарли бўлади ва

---

<sup>1</sup> Мақсад.

тоқатини тоқ қиласы. Агар ўқувчи бир масаладан бошқа масалага ўтиб турса, у худди турли-туман бөг-роғларда сайр қилғандек бўлади, бир боғдан ўтар-ўтмас, бошқа бир боғ бошланади. Киши уларнинг ҳаммасини қўргиси келади. Ҳар бир янги нарса кишига роҳат бағишлайди.

*Абу Райҳон Беруний*

Жаҳон илмики бу кун менга ёд эрур,  
Анга барча жаҳд аҳди устод эрур.

*Алишер Навоий*

Илму маърифат соҳиби бўлмак учун саъй ва ғайрат ке-  
рак ўлдиги каби зеҳн ва идрокнинг ҳам саломат бўлмоғи  
шартдур.

*Абдулла Авлоний*

Таълим олгувчи илмни ҳурмат қилиши керак, китобни  
ерга қўйиши, ифлос қўллар билан ушлаши лойиқ эмас.

*Абу Лайс Самарқандий*

Киши таълимдин топса малолат,  
Топар илм аҳди олинда хижолат.

*Алишер Навоий*

Таълим олувчи муҳтож бўладиган нарсанинг энг би-  
ринчиси – олган илми билан фойдаланиши ва ўзидан ўр-  
ганаётган кишига фойда бериши учун ниятини тўғирлаб  
олишидир.

*Абу Лайс Самарқандий*

Бақадар талаби илм бўлурсан, олам бўлгунча талаб бўлурсан.

*Махмудхўжа Беҳбудий*

Илм ўқуб амал қилмағон, кариз<sup>1</sup> қазиб тухум солмағонга ўхшар.

*Алишер Навоий*

Илм ўқуб, қилмағон амал мақбул,  
Дона сочиб, кўтартмади маҳсул.

*Алишер Навоий*

Эшитувчи музаккирга<sup>2</sup> юзланиб ўтириши, уни тўғри қалб билан тинглаши ва бошқа бирор нарса билан шуғулланмаслиги лозим.

*Абу Лайс Самарқандий*

Керак ҳар илмдан бўлмоқ хабардор,  
Бўлур ҳар қайси ўз вақтида даркор.

*Зокиржон Фурқат*

Таълим олевчи ейиш, ичиш, ухлашдан бўлган насибасини ташлаб ҳам юбормаслиги, шунингдек, ҳашаматли ҳаётни орзу ҳам қилмаслиги керак. У инсонлар билан чиройли муомала қилиши, улар билан аралashiши, қўшилишни камайтириши ва ўзига тегишли бўлмаган нарсалар билан шуғулланмаслиги лозим.

*Абу Лайс Самарқандий*

---

<sup>1</sup> Чукур.

<sup>2</sup> Эслатувчи.

## 42. Устоз отангдек улуг

Хақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўқитди ранж ила,  
Айламак бўлмас ҳаққин адо юз ганж ила.

*Алишер Навоий*

Умуман, ўқитувчининг иши, унинг қайси синфда ва  
нимадан дарс беришидан қатъи назар, ижодий бўлиши  
лозим. Акс ҳолда унинг сўзи қолипга айланиб, ўқитувчи-  
нинг ўзи оддий косибга ўхшаб қолиши мумкин. Мактабда  
садир бўладиган кўп камчиликларнинг илдизи, уларнинг  
асосий манбаи ҳам мана шунда!

*Қори Ниёзий*

Шоирга дедилар:  
– Сиз баҳтили инсон,  
Халқингиз ардоқлар, ҳамма танийди.  
Шоир жавоб қилди:  
– Менда бир армон:  
Муаллим десалар мени қанийди!

*Абдулла Орипов*

Фикр тарбияси энг керакли, кўп замонлардан бери тақ-  
дир қилинуб келган, муаллимларнинг диққатларига суюлган,  
виждонларига юкланган муқаддас бир вазифадур.

*Абдулла Авлоний*

Бошқаларни камолга етказмоқчи бўлган одам аввало ўз  
нафсини камолга етказган бўлиши керак, бўлмаса тарбияси  
фойда бермайди.

*Фитрат*

Икки турли киши ҳақиқий киши аталади, бири – ўргатувчи, бири ўрганувчи.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Дедилар, дунёда асли ким азиз,  
Айтдилар, устоздир, устоз бегумон.  
Тагин айтдиларки, азиз шубҳасиз  
Устозин қадрига етолган Инсон.

*Абдулла Орипов*

Назарий билимларни ё устозлар, ёки ҳикматлар ўргатадилар.

*Абу Наср Форобий*

Таълим фақат сўз ва ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса амалий иш, тажриба билан бўлади.

*Абу Наср Фаробий*

#### **43. Ақл ва заковат**

Ки ҳар ишники қилди одамизод,  
Тафаккур бирла билди одамизод.

*Алишер Навоий*

Жаҳонни қўлда тутиб туриш учун заковатли бўлиш керак,  
эл-халқни бошқариш учун ақлу идрок ва журъат керак.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Инсон коинот тожи, хулқан гўзал ва ҳаётан баҳтли бўлсин деб унга инсоф ва софлик калити, адолат ва саодат воситаси, нафосат ва ҳақиқат олати<sup>1</sup> ҳисобланган ақл ва идрок ато этилган.

*Воҳид Зоҳидов*

---

<sup>1</sup> Курол.

Барча иш-юмушлар заковат туфайли битади, беклар ҳам давру давлатга билим орқасидан эришадилар.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Зеҳнлилик – бу бир-бирига зид келиб қолган турли фикрлар орасидан тўгрисини топа олиш, бирининг хатолигини кўрсатиб бера олиш, ноҳақини тўғрилаб мунозаралардан энг ҳақ фикрни кўрсата олиш қувватидир.

*Абу Наср Форобий*

Одамда заковат бўлса нафи каттадир, билим ўргангандишилар азиз ва қадрли бўладилар.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Заковат қоронги тундаги машъал кабидир, билим эсанур таратувчи ёргуликдир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ақл инсонларнинг пири комили, муршиди ягонасибур. Рух ишловчи, ақл бошловчиидир.

*Абдулла Авлоний*

Зийраклик – бу инсондаги тез фикрлилик, ўйлаган нарсасини дарров топа олиш қобилиятидир.

*Абу Наср Форобий*

Давлат кимга юз уриб келса ҳам ярашаверади, лекин у заковатли кишиларга жуда ҳам мос тушади. Агар давлат номуносиб одамга келса, кўп ўтмай уни бехудага совуриб юборади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Сочмоқ овуч<sup>1</sup> бирла гүҳар от учун,  
Нақд этак бирла мубоҳот<sup>2</sup> учун.  
Ақл ҳисобидин эрур бас йироқ,  
Бухл бу жудунгдин<sup>3</sup> эрур яхшироқ.

Алишер Навоий

Дунё саодатининг раҳбари ақлдир.

Фитрат

Заковат билан билим жуда эзгу нарсалардир, агар уларга  
эришсанг, амал қилиб кўкларга парвоз қилгин.

Юсуф Хос Ҳожиб

Ақлки, таъриф этар авсофни,  
Бухл била тенг тутар исрофни.

Алишер Навоий

Инсонийликнинг энг шарафлик ва энг буюоклик дара-  
жаси унинг ақлидир.

Фитрат

Яхшилар чексиз фазилат, хислат ва мақтовга лойиқ  
йўриқларни заковатга амал қилганлари учун қўлга ки-  
ритганлар.

Юсуф Хос Ҳожиб

Қандай буюк жавҳар берилгандир ва қандай дурдана  
билан безатилганки, у ҳам бўлса, сенинг ақдинг. У сени  
қутқара олади. Сенинг идрокинг сени ёмонлиқдан қай-  
тара олади.

Маҳмуд Замахшарий

---

<sup>1</sup> Ҳовуч.

<sup>2</sup> Мағрурлик.

<sup>3</sup> Сахийликдан.

Фикр инсоннинг шарофатлик, гайратлик бўлишига  
сабаб бўладур.

*Абдулла Авлоний*

Табиат кимга заковат, ақл-идрок, билим берса, у эзгу  
ишлар қилишга қўл уради.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Фикр гар яхши тарбият топса,  
Ханжар, олмосдан бўлур ўткур.  
Фикрнинг ойнаси ўлурса занг,  
Руҳи равшанзамир бўлур бенур.

*Абдулла Авлоний*

Неъматларнинг энг буюги ақлдир, шу ақл одамларни  
маҳлуқлар орасида мукаррам ва мушарраф қилгандир.

*Фитрат*

Заковат ерда ҳам улуғликка элтади, кимда билим бўлса,  
у улуғликка эришади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Инсон чинакам эркин бўлиши учун, ўзининг инсонлик  
қадр-қимматини, ўзидағи буюк яратувчи қудратни чуқур  
идрок этиш учун хурофот зулматини ақл ва тафаккур нури  
билин қувиб юбориши керак.

*Озод Шарафиддинов*

Заковатли киши гўзал, хушрўй, сўзи чин, тамоми қи-  
лиқлари ва йўриқлари тўла-тўқис бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Идрок ва зако яхши хулқарнинг равзай ризвони, ибрат кўзларининг нури раҳмонийсикур.

*Абдулла Авлоний*

Кимда заковат бўлса, ўша асил одам бўлади, кимда билим бўлса, у мартабага эришади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Инсоннинг онги заводдаги дастгоҳнинг оддий бир мурвати эмаски, уни янгилаб, эскисини яроқсизга чиқариш мумкин бўлса. Моддий оламга одамнинг муносабати ўзариши учун теварак-атрофга у очик кўз билан қарashi, фикрлаши, мушоҳада юритиши лозим.

*Абдулла Орипов*

Одамлар орасидаги бузуқлик заковат билан тузатилади, халқ орасидаги галаён билим билан тинчтилади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ҳайвонлар ўзларига бўлаклар тарафидин келадургон зулм ва жабрларни шоҳ, тиш, тумшуқ ва тирноқлари или қайтарурлар. Лекин инсон... ақл ва идроки соясида ўзига келадургон зарар ва зулмлардан сақланур.

*Абдулла Авлоний*

Заковат ишларни ўнглайди, билим йўл-йўриқларга ўргатади, бу иккиси ўткинчи дунё сир-асрорларини англашга ёрдам беради.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Бу дунё кураш майдонидир. Бу майдоннинг қуроли соғлом жисму тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқдир.

*Фитрат*

Заковатлилар уқадилар ва билимлилар биладилар, билимли ва заковатлилар тилакларига етадилар.

*Юсуф Ҳожиб*

Ақл соҳиблари кишининг дилидаги фикр ва ниятини, илм ва қувватини, қадр ва қимматини сўзлаган сўзидан билурлар.

*Абдулла Авлоний*

Билим ва заковат одам учун мисоли бир кишандир, кишанланганлар эса яроқсиз ерларга бора олмайди.

*Юсуф Ҳожиб*

Фикр тарбияси одамнинг ақдини камолга етказиш ва баҳт-саодатга етишиши учун қобилиятли қилиб тарбиялашдир.

*Фитрат*

Умумий савияси бирон уй хизматчисининг савияси билан баробар бўлган киши ҳеч вақт ижтимоий ҳодисаларни тўғри таҳдил қилолмайди.

*Абдулла Қаҳҳор*

Мулоҳазалик бўлиш – бу инсонни саодатга олиб келувчи фазилатли фикрларни, баҳт-саодат учун изланган нарсларни тиклай олиш қобилиятидир.

*Абу Наср Форобий*

Ўз вужудунга тафаккур айлагил,  
Ҳар не истарсен, ўзунгдин истагил.

*Алишер Навоий*

Заковат билан одам юксаклик олади, билим билан улугликка эришади.

*Юсуф Хос Хожиб*

Кишига неча кеса мушкил ҳол,  
Ҳикмату ақл анга эрур ҳалол.

*Алишер Навоий*

Агар ақлга хилоф юриб зарар күрсанг, у зарарни ўзингдан кўр.

*Фитрат*

Ақл тарозусида тортиб кўрилмаган ҳар қандай билим асоссиздир.

*Абу Али ибн Сино*

Агар ақл ёмонликка қаратилса, инсоний хислатлар разиллик, маккорлик, алдамчиликка олиб боради.

*Абу Наср Форобий*

Тафаккур этмаслик ва муҳокама қила билмаслик диний, ижтимоий ва шахсий ҳаётимизга жуда кўп заарлар келтиради.

*Фитрат*

Ер юзидағи ҳайвонларни асир қилуб, бўйнидан бойлаб, иларининг учини қўлларига берган инсонларнинг ақлидур.

*Абдулла Авлоний*

Ёреки, тегар бировга озори анинг,  
Ақл оллида тенгдурур йўқу бори анинг.

Алишер Навоий

Теран ақл керак сўзни тизмоқقا,  
Тиниқ хаёл керак барин сезмоқقا,  
Сув устида яхши юриб кезмоқقا,  
Бир қайиқ олти юз солдан яхшироқ.

Бердақ

Йоз ганж кишига ақлдин ҳосилдур,  
Йўқдур анга факру фано, ким оқилдур.

Алишер Навоий

Ақлдан барча иш яхши бўлади,  
То газаб келмаса ақл барқарор.  
Бу ҳикматни оқил яхши билади,  
Газаб келса ақл бўлади ночор!

Хожа Самандар Термизий

#### 44. Донолик ва идрок

Еру заминнинг кўркамлиги олимлар билан бўлса, осмону фалакнинг зийнати эса юлдузлар биландир.

Махмуд Замахшарий

Оlamда бу олим, донолар бўлмаганда, ерда емиш экилиб унмаган бўлар эди.

Юсуф Хос Хожиб

Борди қадим<sup>1</sup> донолар,  
Тоғдай юксак билимда.

<sup>1</sup> Қадимда бор эди.

Эслаб ўгитларини<sup>1</sup>  
Қувонч ортар дилимда.

*Маҳмуд Кошгари*

Донишмандлик бизга ҳаёт сўқмоқларида улуг саодатни  
ҳозирлаб инъом этувчи воситадир.

*Абу Али ибн Сино*

Оқилу донода йўқтур заррача айшу ҳузур,  
Бу жаҳон нашъу намосин сўрса, нодондин топар.

*Хазиний*

Халқ ақлли кишиларни доно деб атайди. Чунки улар  
инсонларга керакли нарсаларни ўйлаб топадилар, яъни  
инсонларга фойдали, зарур бўлган нарсаларни ўйлаб  
топадилар.

*Абу Наср Форобий*

Доно ҳар диёрда азизу мукаррамдир,  
Нодон азиз бўлган диёрга лаънатлар бўлсун.

*Нодира*

Заковат эгалари бани одамнинг энг хос қисмидур.

*Маҳмудхўжа Беҳбудий*

Илм ила ё раб, онинг қил рутбасин андоқ баланд,  
Ким, бори олимлар ўлсин тобиу мунқод анга.

*Оғажий*

Олим кишилар ҳар ерда азиз ва ҳурматлидурлар.

*Абдулла Авлоний*

---

<sup>1</sup> Ўгитларини.

Кўп сўзлаш билан доно бўлмайди, кўп тинглаб доно бўлади ва иззат топади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ақлли деб шундай кишига айтамизки, унда ўткир зеҳн-идрок бўлиши билан бирга фазилатли ҳам бўлсин. Бундай киши ўзининг бутун қобилияти ва идрокини яхши ишларни амалга оширишга, ёмон ишлардан ўзини сақлашга ва тортишга қаратган бўлмоғи лозим. Шундай одамнигина ақлли ва тўғри фикр юритувчи деб аташ мумкин.

*Абу Наср Форобий*

Билимсизнинг ўрни тўрда бўлса ҳам, унинг учун бу тўр пойгадир, доно ўлтирган пойга эса тўр ҳисобланади. Бундай қадр-қиммат билим эвазигадир, дунёning жойлари хоҳ тўрда, хоҳ пойгода бўлсин, билимли учун барни бирдир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ақлли деб шундай кишиларга айтиладики, улар фазилатли, ўткир мулоҳазали, фойдали ишларга берилган, зарур нарсаларни кашф ва ихтиро этишда зўр истеъмолга<sup>1</sup> эга... Бундай кишиларни оқил дейдилар. Ёмон ишларни ўйлаб топиш учун зеҳн-идрокка эга бўлганларни ақлли деб бўлмайди, уларни айёр, алдоқчи деган номлар билан атамоқ лозим.

*Абу Наср Форобий*

Олимнинг бошқалардан асосий фарқи унинг илмий тафаккурида, тафаккур методида.

*Қори Ниёзий*

---

<sup>1</sup> Қобилиятга.

Агар оқил нафсоний лаззатларга ақл ва ибрат күзи билан қарасагина ундан лаззатлана олади; ғофил эса, бунинг аксича, у фақат жисмоний нарсалардангина лаззат ола олади.

*Абу Райҳон Беруний*

Донишманд кишилар, айрим нарсалар устида ўз кузытишлари пайтида умумий фикрлар ва мулоҳазаларга суюнишга тұғма қобилиятлари бўлган одамлар эмас, балки тажриба орқали асл ҳақиқатга етишган кишилар оқил инсонлардир.

*Абу Наср Форобий*

Философия ижтимоий онгнинг бир туридир, шу сабабдан ҳам ижтимоий борлиқнинг инъикоси ҳисобланади. У муайян, конкрет тарихий, иқтисодий, сиёсий, социал шароитда келиб чиқиб, ўз ижтимоий бурчини ўттай бошлайди.

*Иброҳим Мўминов*

Бугуннинг чорасини кўриб, эртага эҳтиёжи қолмаган киши ақдлидир.

*Абу Райҳон Беруний*

Доно севинчлар билан бош кўтариб юрса, нодон ўчиб-сўниб бораётган ўт каби бўлади.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Олим керакки, ўз илмининг поя ва миқдорини асрагай, гавҳарни имтиҳон учун тошга урмагай.

*Алишер Навоий*

Оқил аҳди ҳирсга гирифтор бўлмас,  
Ҳасад қилган билан тилло хор бўлмас.

*Паҳлавон Маҳмуд*

Жўрттага ўз сўзида туриб олган билимсиз киши билан баҳсласашиш на мақсад эгасига ва на мақсадга бирор фойда етказмайди.

*Абу Райҳон Беруний*

Қанчадан қанча доно, файласуфлар бор эди, энди улар-нинг мингидан бири йўқ.

*Аҳмад Юғнакий*

Донишиングни хор қилма.

*Мотуридий*

Оқил агар сўз била сўзни ёпар,  
Ориф ўшал сўзда ўзини топар.

*Ҳайдар Хоразмий*

Савдогарнинг шуҳрати ва обрў-эътибори киссасида,  
олимнинг шуҳратию обрў-эътибори ёзган китобларида  
(асарларида).

*Маҳмуд Замахшарий*

Доно душмандин нафъ имкони бор ва нодон дўстдин зарар имкони.

*Алишер Навоий*

Оқил инсон бир масаланинг ҳар бир жиҳатини ўйлар,  
тадқиқ ва тафтиш қилур, қатъий ҳукм қилмоқда шошмас,  
маънавий жиҳатини ҳам тушунар. Даилисиз, ҳужжатсиз

бир жумланинг қиёсини рад ё қабул қилмак аҳмақликдан ҳисобланур.

*Абу Али ибн Сино*

Бас кишиким, оқилу доно дуурү  
Фаҳму хирад бирла тавонодуурү.

*Оғажий*

Ҳар қандай мушкул иш ақл эгалари туфайли ислоҳ қилинур, чунончи еру кўк фақат ўз теграси қутблари атрофида айланар.

*Маҳмуд Замахшарий*

Олим керакким, муттақий бўлса ва огоҳ.

*Алишер Навоий*

Олим киши сўзидан олгил ўгит,  
Яхши сўзлар таъсири дилга сингар.

*Маҳмуд Кошгариј*

Олим агар қатъий амал айласа,  
Илмиға шойиста амал айласа,  
Они шараф гавҳарининг кони бил,  
Гавҳару кон, ҳар не десанг, они бил...

*Алишер Навоий*

Олим бўлсанг, илмингни тут,  
Ёлғиз ўзинг бўлмайсан юрт.

*Бердақ*

## **45. Донолар сұхбати**

Жоним оқыл инсон йўлига фидодир,  
Бошни унинг пойига қўйсанг – раводир.  
Бу дунёда гар дўзахни кўрай десанг –  
Ноаҳл сұхбати дўзахдан бир маъводир.

*Паҳлавон Маҳмуд*

Уламо билан сұхбатда бўл ва пок ниятли, тоза қалбли  
кишиларга талпин. Буларнинг ҳимматларидан улуш тила-  
ниб, муборак нафслари билан дуо-фотиҳа беришларини  
ильтимос қил.

*Амир Темур*

Ким олимнинг олдига келиб, у билан бирга ўтиrsa,  
унинг илмини эгаллашга қодир бўлмаса ҳам, унга етти  
яхшилик бордир.

*Абу Лайс Самарқандий*

Ўғлим, сенга қолдирдим ўгут, унга амал қил:  
Олимларга яқинлаш, баҳра олгил, тутиб дил.

*Маҳмуд Кошгари*

Илм аҳдини вақти-вақти билан зиёрат қилиб, ҳолидан  
хабар олиш савобдир. Бу юмуш ҳар қандай султону хон-  
ларга ҳам қарз, ҳам фарз бўлмоғи даркор.

*Мирзо Улугбек*

Олиму зоҳид била бўл ҳамнишин,  
Фосиқу нодонға ўтурма яқин.

*Хожа*

Яхши кишилар бирла тутар бўл сухбат,  
То бергай амон шарирдин ул сухбат.

*Алишер Навоий*

Фазл аҳлига ҳамсухбат бўлмоға ибо қилма,  
Ким, бўлғусидир ортарға ибо боис.

*Оғаҳий*

Олим кишини эзгу тутиб сўзин эшит,  
Хунарини ўрганибон амал қилғил.

*Маҳмуд Кошгарий*

Бир оқил дедики: бўлғил валломат,  
Ёки валломатга қила кўр хизмат.

*Паҳлавон Маҳмуд*

Туну кун бўғу бўстон ичра туз аҳбоб ила сухбат.

*Оғаҳий*

Беҳудалар мажлисида турмагил,  
Фойдасиз сўзда нафас урмагил.

*Хожа*

Қуш ов кўрса, юксаклардан пастга тушар,  
Олим киши ўгит берса, дарҳол уқар.

*Маҳмуд Кошгарий*

Оқилларга эргашув билан, зоҳидларга гўзал муомалат  
билин, жоҳилларга эса сабри жамил – чиройли сабр билан  
сухбатдош бўл!

*Абу Бакр Варроқ Термизиий*

Толиб аввало бир муддат бизнинг дўстларимиз билан ҳамсуҳбат бўлиши зарур, токи унда бизнинг сұхбатимизга нисбатан қобилият пайдо бўлсин.

*Баҳоуддин Нақибандий*

Донишманд ва олимларнинг хулқларидан ўрнак олиш яхши хулқни тирилтиради, ёмонни йўқ қиласи.

*Абу Райҳон Беруний*

Эй дўст, улуғларни иззат қил, фойдасиз ҳар нарсага аралашиш ва тортишувдан сақлан.

*Аҳмад Юғнакий*

Тавозуъ ва адаб аҳлига таъзим ва ҳурмат етар ва ул до-  
нани эккан бу маҳсулни жамъ этар.

*Алишер Навоий*

Яхшиларнинг сұхбати – жон роҳати,  
Сўзлари – дарду аламнинг офати.

*Абдулла Авлоний*

Валинеъматқа айб рано кўргучи пирига муртад (рад  
этилган) муриддур ва атосига ҳаромзода ўғил.

*Алишер Навоий*

#### **46. Ўгит ва насиҳатлар**

Кўнгул дардига дармондур насиҳат,  
Қилоли улча имкондур насиҳат.

*Алишер Навоий*

Билмаганлигимиз сабабли билган нарсаларимизни айтмай қўйишимиз ҳам яхши эмас.

*Абу Райҳон Беруний*

Одам ўз ишини күриб била олмайды, уни айтиб береб  
ўзгалардан сўраш керак.

*Юсуф ХосХожиб*

Телба қулогига панд – қуйун<sup>1</sup> оёғига банд.

*Алишер Навоий*

Турли йўллар ичида сени ҳидоятга олиб борадиганини  
танлаб ол. Сени нобуд қиладиган йўлга қадамингни босма.

*Махмуд Замахшарий*

Ўзингни шубҳадин йироқ тут.

*Муҳаммад Сиддиқ Рушдий*

Халқингни қўйиб замонангни айблама, замонангни  
эмас балки кишиларни айбла.

*Аҳмад Югнакий*

Кам гапир, оз егину кам ухла.

*Мотуридий*

Бефойда сўзни кўп айтма ва фойдали сўзни кўп эши-  
турдин қайтма.

*Алишер Навоий*

Хоҳласангки, бирорвга насиҳат қилай десанг аввал  
ўзингга насиҳат қил! Агар ўзингни насиҳатга киргизсанг  
ўзгаларга насиҳат қил!

*Хожа Аҳрор Валий*

---

<sup>1</sup> Қаттиқ шамол.

Хұнарларни топмоқ едурмакдур ва айбларни ёпмоқ кийдурмакдир.

*Алишер Навоий*

Насиҳат одамга манфаат қиласы, насиҳат улашгин, ким истаса қабул қилсін.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Насиҳат этувчи сүз таъсиридан сени ким чалғитди.  
Ваҳоланки, у насиҳатчи сенинг азоб-уқубатлардан халос бўлишингга сабабчи эди.

*Махмуд Замахшарий*

Топтинг чу иёл яхшилик еткурғил,  
Ўргат адабу яхши қилиқ ўргаттил.  
Ушоқ қанд оқ тузга монанд эрур,  
Ва лекин бири туз, бири қанд эрур.

*Алишер Навоий*

Одам кенгаш билан қылса ўз ишларини ўнгаради, кенгашмайдиган одам ўқинчли бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ўзи сазовор бўлмаган ҳамду сано ва мақтovларни талаб қилиш уятысиз, телба одамларнинг одатларидандир.

*Махмуд Замахшарий*

Одамдан одамга мерос бўлиб сўз қолади, бу мерос қолган панд-насиҳатларга амал қилинса нафи беҳисоб бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Бирорларнинг мақтovига учма.

*Абдулхолиқ Ғиждувоний*

Қуруқ мақтов, баландпарвоз ҳамд-санолар билан катта асарлар ҳақида дурустроқ нарса ёзиб бўлмайди.

*Озод Шарафиддинов*

#### **47. Маслаҳат зардан қиммат**

Бирор ишни маслаҳатсиз амалга ошириш фикрнинг заифлигидан далолат беради, бундайларни ўзбилармон дейдилар.

*Низомулмулк*

Машварат қилғил, кими бўлса қари,  
Ким қари билгонини, билмас пари.

*Рожий Ҳўқандий*

Ғаним лашкарини енгиш қўшиннинг кўплиги билан эмас, мағлуб бўлиш эса сипоҳининг камлигидан бўлмайди. Балки ғолиб бўлмоқдик (Тангрининг) мадади ва бандасининг тадбири биландир.

*Амир Темур*

Қоқилган одам йўлда ётган тошдан ўпкаланмайди.

*Абдулла Қаҳҳор*

Панду насиҳат била қилғин сулук,  
Хоҳи фақир ўлғилу хоҳи мулук.

*Хожа*

Кенгаш икки турли бўлур: бири – тил учida айтилгани, иккинчиси – юракдан чиққани. Тил учida айтилганини

(шунчаки) эшитардим. Юралдан айтилган маслаҳатни эса қалбим қулогига қуярдим ва дилимга жойлардим.

*Амир Темур*

Ишда ошиққан күп тойилур,  
Күп тойилғон күп йиқилур.

*Алишер Навоий*

Гарчи ишнинг қандай якунланиши тақдир пардаси ортида яширин бўлса ҳам, ақли расо ва хушёр кишилардан кенгашу тадбир истаб, фикрларини билмоқ лозимдир.

*Амир Темур*

Агар одамлар ақлларини вазир билиб, ўз вазирларини ўзга вазирлар ила ҳамкор қилиб, машварат ила ҳаракат қиласалар ақл вазирлари дунёни босуб ётган қаро зулматни, ҳатто зулумотни ҳам бартараф этиб, ҳавони соғ ва оламни равшан қилишга мұяссар ўлурлар.

*Анбар Отин*

Бир ишга киришмай туриб, ундан қутулиб чиқиш йўларини мўлжаллаб қўй.

*Амир Темур*

Ҳар қандай иш юзасидан бошқаларга маслаҳат солиш керак, лекин кўнгил чопган ишнигина қилиш керак.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Бирор масалада фикр-мулоҳаза қила бошлаганингда ҳеч бир ошиқма, ҳар томонлама ўйлаб, обдон фикрлаб иш тутгин.

*Махмуд Замахшарий*

## **48. «Тарбия – ё ҳаёт, ё мамот»**

Тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур.

*Абдулла Авлоний*

Инсон яхши тарбия кўрмаган ва турмушда тажриба орттиргаган бўлса, у кўп нарсаларни назарга илмайди ва улардан жирканади.

*Абу Наср Форобий*

Қатрага чун тарбият этди садаф,  
Эл бошига чиққуча топди шараф.

*Алишер Навоий*

Гарчи ҳар бир инсон бешикдан то қабргача тарбия олиш қобилиятига эга бўлса-да, лекин уни болаликдан тарбиялаш таъсирлироқ ва жуда муҳимдир.

*Фитрат*

Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бор бўлса ҳам, икки бир-биридан ойилмайдурган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабидир.

*Абдулла Авлоний*

Қобилға тарбийят қилмамоқ зулмдуру ноқобилға тарбийят ҳайф. Ани адам-и тарбийят билан зойиъ қилма-ю мунга тарбийятингни зойиъ қилма!

*Алишер Навоий*

Таълим деган сўз халқлар ва шаҳарликлар ўртасида назарий фазилатни бирлаштириш, тарбия эса шу халқлар

ўртасидаги туғма фазилат ва амалий касб-хунар фазилатларини бирлаштириш деган сўздир.

*Абу Наср Форобий*

Яхши тарбия кўрган одамнинг ҳислатларидан бири шуки, бундай одам ўз фаолиятида бошқалардан бир қадам олдинга ўтса дарров орқага қарайди, шерикларига ёрдам қўлини узатади, сафини кенгайтириб, янги ғалабани кўзлайди.

*Абдулла Қаҳҳор*

Қобилга тарбият эрур ул навъким, гуҳар  
Тушса нажосат ичра юғай ани кимса пок.  
Гар ит узумига киши май бирла берса сув,  
Бу тарбият била қила олғайму ани ток.

*Алишер Навоий*

Одамни тарбия қилиш уни жисмонан, фикран ва хулқан камолга етказиб, саодатга эришишга қобил қилишдан иборатdir.

*Фитрат*

Тарбият қилғон била ноасл одам бўлмагай,  
Ифни юз алвон ила ранг этсалар бўлмас ифак.

*Абдулла Авлоний*

Биз кўпинча «ёшларимизнинг тарбияси бузилаётибди», – деймиз, ҳолбуки бузук тарбия осмондан тушаётгани йўқ, ўтмиш қолдиги маълум шарт-шароит бўлмаса давом этолмайди.

*Абдулла Қаҳҳор*

Қылмоқ била парвариш тикан гул бўлмас,  
Ҳам тарбият ила зоф булбул бўлмас.

*Оғаҳий*

Халқнинг ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, баҳтли бўлиб иззат-хурмат топиши, жаҳонгир бўлиши, заиф бўлиб хорликка тушиши, фақирлик жомасини кийиб, баҳтсизлик юкини тортиб эътибордан қолиши, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши болалиқдан ўз ота-оналаридан олган тарбияларига боғлиқ.

*Фитрат*

Тарбиядан тупроқ гавҳар бўлади.  
Ноғ ичра қон мушки асгар бўлади.  
Қийматсиз қора бир темирни иксир,  
Тарбия айлагач соф зар бўлади!

*Хожа Самандар Термизий*

Керак тарбият ёшлиқдан керак,  
Улуг бўлса лозим келур ғам емак.

*Абдулла Авлоний*

Тарбия уч қисмдан иборат: бадан тарбияси, ақлий тарбия, ахлоқ тарбияси.

*Фитрат*

Гар ўлса тарбият кам ё зиёда,  
Табиат айламас тағъирир зода.

*Алишер Навоий*

## **49. Одаб – инсон зийнати**

Адаб бу – хулқни чиройли қилиш, сўзни ва феълни соз қилишдир.

*Баҳоуддин Нақибандий*

Адаб ирфон илми ичрадур шамъ.

*Анбар Отин*

Бордур инсон зотида онча шараф,  
Ким ямон ахлоқин этса бартараф.

*Алишер Навоий*

Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиласурғон китобни ахлоқ дейилур.

*Абдулла Авлоний*

Ахлоқий тарбия – одам ахлоқини камолга етказиш демакдир, яъни одамни шундай тарбия қилиш керакки, феъли ва амали ўзига ҳам, бошқаларга ҳам фойдали ва манфаатли бўлсин.

*Фитрат*

Киши аслини билмоқни истасанг, унинг феъл-авторига назар сол, маълум бўлади қолади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Инсоннинг асл отаси – бу унинг адабидир. Балки адаб бебош фарзанд учун отадан ҳам яхши тарбиячиdir.

*Мажмуд Замахшарий*

Икки оламда ҳам одамга керакли ва фойдали нарса яхши феъл ва хуш хулқdir.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Дарахтнинг камолга етгани меваси билан бўлганидек, баҳт-саодатнинг мукаммал бўлиши яхши хулқлар билан намоён бўлади.

*Абу Наср Фаробий*

Гўзал сифат ва ҳусни хулқ сийратлари безамаган кишини ҳеч қандай чиройли кийимлар кўркам қилолмас.

*Маҳмуд Замахшарий*

Мактабга бердингизлар бизларни, ота-она,  
Ўргандик илму одоб – давлат муборак ўлсун.

*Завқий*

Яхши хулқ яхшилик аломатидир.

*Абу Райҳон Беруний*

Ҳам сизға, бизга келгон аҳбобу ошнолар,  
Покиза ҳулқ бирлан хислат муборак ўлсун.

*Завқий*

Кимнинг хулқи хуш, феъл-рафтори тўғри бўлса, у тилакларига етади, истиқболи порлоқ бўлади.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Адабни сақлаш – муҳаббат самараси, яна муҳаббат дарахти, яна муҳаббат уруги ҳамдир.

*Баҳоуддин Нақишибандий*

Ҳаёву адаб бирла тузгил маош,  
Яна айла таъзиму ҳурматни фош.

*Алишер Навоий*

Улгаюрсан, санда бор бўлса адаб,  
Улгаюрсан, санга ёр ўлса адаб,  
Одам эрсанг, ташқи сурата<sup>1</sup> берма зеб,  
Она юртингни ҳамиша айла зеб.

*Анбар Отин*

Ҳар ким одоб сурмасидан тортса ҳаё кўзига,  
Мақсад келинин кўпар қархисида беҳижоб.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Бўлмас нима оламда адабдин яхши,  
Ҳамроҳату ҳам ғам адабдин яхши,

Йўқтирир кўрамен барча сифатлар ораким,  
Яхши сифат одамда адабдин яхши.

*Убайдий*

Сендин адаб бирла белинг боғламоқ,  
Мендин адаб қоидасин сақламоқ.

*Ҳайдар Хоразмий*

Хулқ гўзал бўлса, барча халқ севади,  
Хулқи тўғри бўлган киши тўрга чиқади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ёмон нимани истамасанг, хушхулқ бўл,  
Касб этма риёни, тўғри бўлсин кўнгил.

*Алишер Навоий*

---

<sup>1</sup> Ўзингга

Ахлоқ соҳиби, ифғат эгаси қалбини, вижданини поклаб,  
тилини ёлгон, гийбат, бўғтон ва ёмон сўзлардан сақлар.

*Абдулла Авлоний*

Ахлоқ тарбияси инсонни комид, чиройли ахлоқ эгаси,  
жамиятга фойдаси тегадиган аъзо қилиб шакллантириш-  
дан иборат.

*Фитрат*

Узоқ умри давомида саъй-ҳаракат ва одоб-ахлоқ билан  
ҳаёт кечирган одам, кейин одобга томон дастлабки қадам  
ташлаган кимса билан баробар эмас.

*Мажмуд Замахшарий*

Болалар уйда ота-оналаридан, мактабда ўқитувчилар-  
дан ахлоққа хилоф бўлган одат ва ишларни кўрмасликлари  
ахлоқий тарбия ҳисобланади.

*Фитрат*

Одами ақлу назокатда сулув,  
Бўлса ахлоқи садоқатда сулув.

*Анбар Отин*

Одамнинг феъл ва ҳаракатини бир яхши шакл ва маз-  
мунга келтириш учун руҳини тарбиялаш лозим.

*Фитрат*

Кимики ахлоқи зоҳири хушдур,  
Ани ҳаргиз ёмон гумон қилма.

*Оразий*

Инсонга гүзал хулқи эмиш ҳусну жамол,  
Топгай у гүзал хулқи билан фазлу камол.  
Хақ раҳматига агар етишмоқ тиласанг,  
Шарти шуки: хулқингни мукаммал қила ол.

*Абдухолиқ Гиждувоний*

Қилмоқ эрур бири муаллим талаб,  
Қилғали таълим анга илму адаб.

*Алишер Навоий*

Үлуглигинг ошса агар, хушхулқ бўлғил.  
Бек ёнида халқлар учун хўб иш қилғил.

*Мажмуд Кошгариј*

Ул адабдурки, яхши ва ямонға ва улуғ ва кичикка бажо келтирурлар. Андоқки, барча халойиқдан ўзларин кичик ва камроқ тутарлар ва барчага хизмат ҳузурида бўлурлар. Ҳаттоти ўз фарзандларига, ходим ва мамлукларигаки<sup>1</sup>, ҳар неча алардан беқоидалиғ кўрсалар хушунат<sup>2</sup> била аларга сўз демаслар, балки насиҳатни юмшоғ ва чучук тил била қилурлар.

*Алишер Навоий*

Донишманд ва олимлар хулқларидан ўrnак олиш яхши хулқни тиргизади, ёмонни йўқ қилади.

*Абу Райҳон Беруний*

Адаб кичик ёшдагиларни улуғлар дуосига сазовор этади ва у бу баракотдан умрбод баҳраманд бўлади.

*Алишер Навоий*

---

<sup>1</sup> Кул.

<sup>2</sup> Дағаллик, қўполлик.

## **50. Сұхбатлашиш ва сўзлашиш одоби**

Олижаноб ва шариф киши шундай кишики, у ҳозир бўлмай гойиб бўлганида унинг сұхбатини хоҳлаб, мулоқотини орзу қиласлар, башарти у (сұхбатга) келиб қолса, унинг ҳайбатидан сергакланиб ҳушёр тортарлар.

*Маҳмуд Замахшарий*

Номард сұхбатидан парҳез қил.

*Мотуридий*

Мени мен истаган ўз сұхбатига аржуманд әтмас,  
Мени истар кишининг сұхбатин кўнглум писанд әтмас.

*Алишер Навоий*

Ўз биродаринг сўзини сукут сақлаб тинглаб, унинг ҳурматини ўрнига қўй, гарчи уни эшишишга рағбатинг ва майлинг йўқ бўлса ҳам.

*Маҳмуд Замахшарий*

Бир дегани икки демак хуш эмас,  
Сўз чу такрор топди дилкаш эмас.

*Алишер Навоий*

Сўз сўзловчи шубҳасиз баъзида адашади ва хато ҳам қиласди, тинглаб турган заковатли киши уни тузатади ва тўғрилайди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Сўзлагувчи гар нодон эрур, тинглагувчи доно ўлсин.

*Амир Темур*

Сўзни билиб сўзловчи кишилар ҳам кўпdir, бундай кишилар менинг наздимда жуда ҳам қадрлидирлар.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Жойи бор ҳар сўзни, эй олиймақом,  
Эски оғизму тилар янги таом.

*Рожий Ҳўқандий*

Гапида маъно йўқdir, тили ғализ, тумтароқ.  
Кўрдим аҳли замонни боши эгилган андоқ.

*Абу Наср Форобий*

Тутма бадгу<sup>1</sup> бирла суҳбатким, ёмон сўз заҳридир,  
Неши занбури киби ҳар дам берур озорлар.

*Мунис Хоразмий*

Сўзни ўйлаб сўзла, шошилма, қўнимли бўл, шошилиб сўзланган сўзнинг оқибати ўкинчли бўлади.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Гўзал сўзла ва ёқимли бўлган тил агарда кўнгил билан бир бўлса, яхшироқ бўлур.

*Алишер Навоий*

Одамларга аччиқ сўзламагин, аччиқ сўздан дил узоқ муддат оғриб юради.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Сўзни оч уққанга, эй озодакор,  
Ким чалур эшак қулогига дутор.

*Рожий Ҳўқандий*

<sup>1</sup> Ёмон фикрли, ёмон ниятли, ёмон сўзли.

Сувнинг мазаси муз била, ошнинг мазаси туз била, одам яхшилиги сўз била.

*Алишер Навоий*

Тил кесилса, сенга сўзингдин эрур,  
Оқса қон бурнингдин, ўзингдин эрур.

*Рожий Ҳўқандий*

Захру шакар хосияти сўздадур,  
Меҳру муҳаббат томури кўздадур.

*Сайд Қосимий*

Одам ўз фикрини тили орқали ифодалайди, тилдан чиққан сўзлари яхши бўлса, у эътибор топади.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Аҳмоқ кишининг тили ўзига душман, кўп кишиларнинг қони тил туфайли тўкилди.

*Аҳмад Югнакий*

Ширин, очиқ сўз сўйла,  
Ёқмоқ учун урингил.

*Сайд Қосимий*

Ямон тиллик андоқум эл кўнглига жароҳат етказур, ўз бошига ҳам оғат еткарур.

*Алишер Навоий*

Ўйлаб сўзлаган кишининг сўзи тўғридир, ўринсиз кўп вайсаган тил шафқатсиз ёвдир.

*Аҳмад Югнакий*

Үйлаб айтгил сўзингни,  
Кўтарма, лоф уриб, фақат ўзингни,  
Қизартмагай бирор сенинг юзингни,  
Кўлдан келса, хизмат айла халқ учун.

*Бердақ*

Тили бўш, заҳар кишининг ақли етук бўладими? Тил ва  
сўз бўши кўп кишиларнинг бошини еди.

*Аҳмад Юғнакий*

Бирор гапни ёғлаб гапиради, бирор тиканак боғлаб  
гапиради, ...одам гапни қай тарзда гапирганига эмас, нима  
деганига қаралса, дуруст бўлар...

*Абдулла Қаҳҳор*

Киши бошига тушган ҳар қандай иш унинг тили ту-  
файли содир бўлади, бу тил сабабли айримлар яхшилик,  
айримлар ёмонлик кўради.

*Аҳмад Юғнакий*

## **51. Камгаплик**

Тилингни тий, сўзингни қисқа қил, бу тил тийилса,  
ўзинг ҳам сақланасан.

*Аҳмад Юғнакий*

Одам гапириши учун аввал сўз сўралган бўлиши керак.  
Агар сўз сўралмаса, сўзламаслик керак.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Кўп демак бирла бўлмагил нодон,  
Кўп емак бирла бўлмагил ҳайвон.

*Алишер Навоий*

Гап қанча яхши бўлса, у шунча қисқа бўлади.

*Абдулла Қаҳҳор*

Сўзи ҳисобсиз – ўзи ҳисобсиз.

*Алишер Навоий*

Инdagандан индамаслик яхшироқ,  
Индасанг, бошингга теккайдур таёқ.

*Рожий Xўқандий*

Кўркам ҳаётнинг ҳосил бўлиб давом этишига сабаб бўлган нарса узоқ муддат сукут сақлашни ихтиёр қилишдир.

*Маҳмуд Замахшарий*

Кўп сўзлаганлар ичида ўкинган кўпдир, тилни тийганлар орасида ўкинган борми, қани?

*Аҳмад Юғнакий*

Ҳикматнинг белгиси сукутдир ва эҳтиёжга яраша сўз айтмоқлиқдир.

*Абу Бакр Варроқ Термизий*

Ким сукут этса, надомат кўрмагай,  
Фикрсиз сўздин саломат кўрмагай.

*Рожий Xўқандий*

Кўп демак сўзга мағрурлуқ ва кўп емак нафсга маъмурлиқ.

*Алишер Навоий*

Оз сўзла, донолар айтганидек,  
Кўп гапирмоқ кўп хатоликларга олиб боради.

*Зокиржон Фурқат*

Орифнинг сукути фойдалироқ бўлгай ва сўзи севикли-  
роқ бўлгай.

*Абу Бакр Варроқ Термизий*

Оз демак ҳикматқа боис ва оз емак сиҳатқа боис.

*Алишер Навоий*

## **52. Тил билган эл билар**

Ҳар тилни билув эмди бани одама жондур,  
Тил воситай робитай оламиёндур.

*Аваз Ўтар*

Тил фақат восита-ю, робитагина эмас, балки бир  
халқнинг иккинчи халқа, бир маданиятнинг иккинчи  
маданиятга баракали таъсирини таъминловчи фоят ўткир  
маънавий қурол ҳамдир.

*Абдулла Орипов*

Тараққий этган миллатларни оналари ўқитар экан, биз  
аввал оналаримизни ўқитиб, уларга тил ўргатмоғимиз  
керак, чунки бизнинг илм ва тилсизлигимиз улардандир.

*Махмудхўжа Беҳбудий*

Ҳаётда биттагина тил билган киши биттагина бўлиб  
қолаверади. Икки тил билган кишини икки киши, уч тил  
билган кишини уч киши ва ҳоказо дейиш мумкин.

*Гафур Гулом*

Файри тилни саът қилинг билғали ёшлар,  
Ким илму ҳунарлар ривожи андин аёндир.  
Лозим сизга билув ҳар тилни она тилдек,  
Билмакка они гайрат этинг, фойдаси кондур.

*Аваз Ўтар*

Тилларнинг турлича бўлишига сабаб – одамларнинг  
гуруҳларга ажралиб кетиши, бир-биридан узоқ туриши,  
уларнинг ҳар бирида бир-бирига эҳтиёж туғилишидир.

*Абу Райҳон Беруний*

### 53. Ҳунар – ҳунардан унар

Ким бўлса ҳунарсиз иши – ўқ ранжи эрур,  
Бу важҳ ила ҳунари ганжи эрур.

*Алишер Навоий*

Денгиздан ҳамиша изламагил дур,  
Одамга бир ҳунар бас, эзгу турур.

*Баҳоуддин Нақишибандий*

Ўликдир ҳаётда ҳунарсиз киши,  
Ҳунарсиз бўлгандан ўлгани яхши!

*Хожа Самандар Термизий*

Халқлар ва шаҳар аҳларини тарбиялаш касб-ҳунарни  
эгаллашга ва камолотга эришишга ўз ихтиёrlари билан  
интилган кишилар ҳақиқий фазилат эгалари, ҳақиқий  
санъат аҳларидир.

*Абу Наср Фаробий*

Ҳунарни асрабон нетгумдир охир,  
Олиб туфроққаму кетгумдур охир?!

*Алишер Навоий*

Ҳар бир киши касб-корни мукаммал билмоги, яхши тарбия олмоги ва яхши хулқ-одоб, фазилатларга эга бўлмоғи керак.

*Абу Наср Фаробий*

Касби илм этмай киши гар қолса маҳз жаҳд ила,  
Икки олам обрўси бўлғуси барбод анго.

*Огаҳий*

Хунарким, васфи бўлса ҳар забонда,  
Қилур кўп қадрлар пайдо жаҳонда.

*Зокиржон Фурқат*

Айди: «Халқ ичра бу бир касбдур,  
Касбни бошинга кийсанг насбдур».

*Муҳаммад Шариф Гулханий*

Йўқ ҳунари, ёлғиз эса ўз киши,  
Қайдা киши сонида ёлғиз киши.

*Алишер Навоий*

Хунар бир бўлиб ёпмиш айб,  
Қилур дўст ул бир ҳунарга назар.

*Оразий*

Кишининг бир ғояга садоқати танлаган касби-ҳунари билан шу ғояга қай даражада яхши ва қўпроқ хизмат қилгани, қилаётгани билан ўлчанади.

*Абдулла Қажҳор*

Келиб анда ҳунар комил қилурлар,  
Кўруб кўп илмни ҳосил қилурлар.  
Нечукким, мунда мустаҳсан ҳунар кўп,  
Ҳунар ойинида диққат асар кўп.

*Зокиржон Фурқат*

Хеч кимга ялинмас ҳунарли инсон,  
Ризқин ўз боғидан топади боғбон.

*Сайидо Насафий*

Дунёдаги ҳар бир катта-кичик қасбнинг фазилатларини  
айтиб ўтиш учунгина ҳам биттадан роман яратса бўлади...

*Абдулла Қаҳҳор*

Тикансиз – гул, садафсиз – дур, машақатсиз ҳунар  
йўқтур.

*Машраб*

Кимики, бўлса донишманду оқил,  
Ўла илму ҳунарга кўнгли мойил.  
Қиалур кўп илмни ҳосил кўрубон,  
Кириб оҳиста-оҳиста юрубон.

*Зокиржон Фурқат*

Ҳунарли одам ҳеч қачон оч қолмайди.

*Абдулла Қаҳҳор*

Ҳар ким қўлидан келмайдиган қасбни ташлаб, қўлидан  
келадиган ҳунарни қилиши керак.

*Зокиржон Фитрат*

#### **54. Комиллик – етуклиқ**

Комил нарса ортиқчаликни ҳам, камчиликни ҳам қабул  
этмайди.

*Абу Райҳон Беруний*

Тўрт нарса улуғлика далолат қилур: илмни азиз тутмоқ  
ва ёмонни яхшилик бирла дафъ қилмоқ ва газабни ютмоқ  
ва жавобни савоб бирла бермоқ.

*Хожа Аҳрор Валий*

Илмали бўлиш ўқиши, ўқитиши, ёзиши билан ҳосилу мукаммал бўладиган бир сабоқдир. Агар олим киши чиройли, хушхат ёзувга эга бўлса, бу унинг камолотга етганидан далолатдир.

*Махмуд Замахшарий*

Комиллар – аҳли ҳаё ва ноқислар беҳаё.

*Алишер Навоий*

Одамларниг дадили келажақдаги ишдан қўрқмайди.  
Энг қўрқоқ кишигина ўз камолотини охирига етказмайди.

*Абу Али ибн Сино*

Комил кишилар суҳбатини иста мудом,  
Муқбил<sup>1</sup> кишилар бирла ўтири, тингла калом.  
Қоп-қора ўтин нур ўлди ёр суҳбатидан,  
Инсонга яқин бўлди-ю, жонланди таом.

*Абульвафо Хоразмий*

Одам мулойим, хушфеъл, очиқ чеҳрали, заковатли, билимли бўлиши керак.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ақдий тарбия – одам зеҳни, ақл-идроқини камолга етказишидир.

*Фитрат*

Ўз камолидин демас аҳли камол,  
Аҳли нуқсон ичрадур бу қилу қол.

*Алишер Навоий*

---

<sup>1</sup> Иқболли, баҳтли, саодатманд.

Азалий ноқис инсон боласи бир күн камолотга етишмоги муқаррардир. Зеро, унинг руҳиятида илоҳий оташнинг учқунлари йўқ эмас.

*Абдулла Орипов*

Комилу олим инсонлар нафсларини шундай тарбия-лайдиларки, натижада авғ ва мадоро, мулойимлик одатларига айланади.

*Фитрат*

Ноқис улдурким, ўзин комил дегай,  
Комил улким, нуқсин исбот айлагай.

*Алишер Навоий*

## В БОБ. АДАБИЁТ ВА САНЬАТ

### 55. Қалам құдрати

Қилич ишга түшганды эл-юрт тинчлиги бузилади, қалам ишга солиниб әса, әзгу йўл-йўриқлар тузилади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Адабий асарнинг тақдир этилишини уни етиштирган заминга – адабиётта берилган юксак баҳо деб билиш керак.

*Абдулла Қаҳҳор*

Ёзилган нарса авлодлар хотирасида қилинган ишдан ҳам узоқроқ яшайди.

*Амир Темур*

Маърифатпарварлар илғор маданиятнинг чинакам тарафдорлари ва тарғиботчилари бўлиш билан бирга, ўзларининг энг яхши асарларида юксак инсонпарварлик ва халқпарварлик ғояларини қизғин ташвиқ-тарғиб этдилар.

*Иброҳим Мўминов*

Халқларнинг миллий шуурини изҳор қилишда ва шу билан халқларини бир-бирига танитиб иноқлаштиришда бадиий сўз устозларининг хизматини қанча қадрланса муболага бўлмайди.

*Мақсад Шайхзода*

Бутун илҳомини, талантини, билиму билагонлигини халқига, халқнинг орзу-умидларига бағищламаган ёзувчи чинакам халқ ёзувчиси бўлолмайди.

*Сайд Аҳмад*

Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурғон ойнаи ҳаёти тил ва адабиётидир.

*Абдулла Авлоний*

Адабиёт атомдан кучли, лекин қучини ўтин ёришга сарфлаш керак эмас.

*Абдулла Қаҳҳор*

Адабиёт – инсон қашф қилган ҳамма мўъжизалар, ҳамма буюк ихтиrolар ичида энг буюги, энг улуғвори. У ажойиб булоқ. Бу мусаффо булоқдан тўйиб-тўйиб ичишга, ота-бо- боларимиз, авлод-аждодларимиз бизга мерос қолдириб кетган асрий ташналиқни – зиё, нур, фикр ташналигини қондиришга шошилинг, одамлар!

*Озод Шарафиддинов*

Адабиёт кўнгил иши, илҳом самараси. Туйғусиз, илҳомсиз ёзилган асар чангланмаган гулга ўхшайди – мева тутгайди. Кўнгил рози бўлган асаргина китобхоннинг кўнглига йўл топади, китобхоннинг кўнглида мева тугади.

*Абдулла Қаҳҳор*

Қани эди уйда ўтириб, қаламни сўриб, воқеаларни ҳам, одамларни ҳам тўқиб чиқазадиган ёзувчиларимиз юрт кезса, хилма-хил тақдирли кишиларга рўбарў келса, дехқоннинг далада ҳазон ёқиб қайнатган тутун иси келадиган қумгон чойидан ҳўплаб суҳбат қурса, балки ўзи ҳам енгил тортармиди, ёзганлари ишонарли чиқармиди, деб ўйлайман.

*Сайд Аҳмад*

Ёш авлоди бўлмаган адабиёт гўдак боласи йўқ оиласек сокин, зерикарли бўлади.

*Эркин Воҳидов*

Адабиёт яшаса – миллат яшар.

*Озод Шарафиддинов*

Адабиёт ҳунар, уни касбга айлантириб олган ёзувчи олмага тушган қуртдан фарқ қилмайди.

*Абдулла Қажхор*

Адабиёт ўзининг барча илдизлари билан халқقا боғланган. У халқ мулки. Халқсиз адабиётнинг юзага келиши ёхуд яшапи ҳақида ўйлаши ҳам мумкин эмас.

*Ҳамид Олимжон*

Жаҳон адабиётида бирор мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти ҳақида мулоҳаза юритиш, танқидий фикрлар айтиш учун бу мамлакат турмушига бошқа бирор мамлакат фуқаросининг кўзи билан қаралган.

*Озод Шарафиддинов*

Она халқининг дардига ҳамдард, қувончига шерик бўла оладиган, ҳар қандай мушкул шароитда ҳам уни ҳимоя қила оладиган ижодкоргина меҳрга, иззат-хурматга сазовор бўлади.

*Саид Аҳмад*

Бадииятсиз гоявийлик адабиётни муқаррар ўлимга маҳкум этадиган рак касалига ўхшайди. Адабиёт фақат бадиияти орқалигина, яъни теран ҳаётий мазмунни, муҳим ҳаёт ҳақиқатини одамларни ҳаяжонлантирадиган, тўлқинлан-

тирадиган бадий шакларда ифодалаганидагина жамият  
эҳтиёжини қондира оладиган құдрат касб этади.

*Озод Шарағиғдинов*

Ёшларга адабиёт эрмак әмаслигини, осон иш әмасли-  
гини бошидан айтиб қўйиш керак.

*Абдулла Қаҳҳор*

Биронта одам умр бўйи ишшайиб, тишининг оқини  
кўрсатиб юролмаганидек, шеърият ҳам фақат хандон отиб  
кулишдан, баҳтиёр ҳаётга мадхия ўқишидангина бўлолмайди.

*Озод Шарағиғдинов*

Ёзувчининг бир пас ҳам китобхонни унудишига ҳаққи  
йўқ.

*Абдулла Қаҳҳор*

Ёзувчи ўз ижодий ишидан ҳеч қачон қаноат ҳосил қил-  
майди, қаноат ҳосил қилган куни, менимча, ёмон қариган  
лақма чолга айланади.

*Абдулла Қаҳҳор*

Шеър одамни табассумга ўргатар экан, бир-бирига  
мехрибонликка, дўстликка ўргатар экан. Шеър – қалблар-  
ни бир-бирига боғловчи ришта экан.

*Озод Шарағиғдинов*

Ёзувчини ҳеч қачон ҳеч ким кўтартмайди. Яхши ёзувчини  
яхши асарлари кўтаради, яхши ёзувчи кўтарилиб кетгани-  
ни ҳатто ўзи билмай қолади.

*Абдулла Қаҳҳор*

Гўдак ярим тунда уйгониб сўргич талаб қилавергандек, мақтовга сел бўлган ёзувчи билан гаплашганингизда ҳар икки сўзингизнинг биридан мақтov ҳиди келмаса, бошингиз балога қолади.

*Абдулла Орипов*

Биз қаламкашлар одамни мақтаб кўкка кўтариш санъатини яхши эгаллаганмиз-у, одамнинг инсоний жозибасини юракларни жазиллатадиган даражада кўрсатишга нўноқмиз.

*Озод Шарафиддинов*

Ижтимоий вазифаси юксак ва машаққатли бўлган адабиётни беҳуда, мешчан ҳаётнинг ҳашаки сураткашига айлантириш керак эмас!

*Абдулла Қажхор*

Ёзувчилик санъатининг ярмидан қўпи нимани ёзиш кераклигини билишдан эмас, нимани ёзиш керак эмаслигини билишдан иборат.

*Озод Шарафиддинов*

Классиклардан ўрганиш деган сўз классик асарлардаги... меҳригиёни топишга уриниш, топишдан иборат бўлса керак.

*Абдулла Қажхор*

Мен «майда», «йирик» мавзу деган гапни тан олмайман. Наинки, пахта учун кураш «йиригу», бола тарбияси ёки оила «майда» мавзу бўлса!

*Абдулла Қажхор*

Ўқувчи асаримизни қизиқиб, шавқ билан ўқимас экан,  
унинг идеясини образлар орқали қабул қилас мас экан, мақ-  
садимиз қоғозда қолаверади.

*Абдулла Қаҳҳор*

Балиқ сувсиз, шоир халқсиз яшай олмайди.

*Ҳамид Олимжон*

Ҳаёт магнит – ўзига тортади, ёзувчи шу магнитни ўзига  
юқтира олсагина китобхонни ўзига торта олади.

*Абдулла Қаҳҳор*

Бир соатда эмас, ўн соатда ёзиш, бир қайта эмас, ўн  
қайта тузатиш кишининг ёрдамига термулишга қараганда  
ҳам фойдали, ҳам умидлидир.

*Абдулла Қодирий*

Маҳорат ҳар бир сўз устида узоқ, тер тўкиб ишлашда  
эмас, айнан ўша сўзни топа билишдадир.

*Абдулла Қаҳҳор*

Нима учун жарроҳга, беморнинг у еридан эмас, бу  
еридан кес, демайди. Нима учун учувчига, самолётнинг  
у мурватини эмас, бу мурватини бура, демайди, нима  
учун арқондаги дарвозга, манавунаقا юриш керак, деб  
кўрсатмайди. Адабиётни осон иш деб ўйласа керак, ҳадеб,  
анаундоқ ёз, манавундоқ ёз, деб ўргатаверади.

*Абдулла Қаҳҳор*

Чинакам ёзувчини тупроқقا кўмиб бўлмайди, у албатта гўрини тешиб чиқади.

*Абдулла Қаҳҳор*

Ёзувчи жуда катта мاشаққатлар билан ўқувчи ортиради, у биргина хом асари билан ҳамма ўқувчисини бирданига йўқотиб қўйиши мумкин.

*Абдулла Қаҳҳор*

## 56. Сўз сеҳри

Сўз түя бурни каби жиловланган бўлади, түянинг бўйни каби қаерга бурилса, ўша томонга кетади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ёмон кўрсанг ҳамки ё севсанг жондан,  
Бари бир, маломат ёғар ҳар ёндан.  
Магар шундоқ экан, ширин сўзингни  
Аяма ҳеч кимдан, ҳеч бир инсондан.

*Абдулла Орипов*

Сўз одамзот учун табиатнинг улуғ инъомидир, сўз туфайли инсон улуғликка эришади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Буюк одамлар ҳақида гап айтиш балки осондир, қоғозга тушириш эса ниҳоятда қийин. Айтилган гап ўша жойда қолиб кетиши мумкин. Қоғозга тушгани тарих мулкига айланади.

*Сайд Аҳмад*

Мол-дунёни қанча термагин, у тугайди, озаяди. Ёзилсачи, сўз абадий қолади, оламни кезади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Сўзни уйламасдан гапирма ҳар дам,  
Яхши сўз кечикиб айтилса не кам.

*Хожа Самандар Термизий*

Сўзни ишончли одамдан сўраш, ишончли одам айтган  
сўзга амал қилиш керак.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Маъдани инсон гавҳари сўз дурур,  
Гулшани одам самари сўз дурур.

*Алишер Навоий*

Заковат кўрки сўздур, бу тилнинг кўрки сўздир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Сўзаро бўлдим ниҳон хушбуй гуллар баргиdek,  
Кимки курмоқ истаса сўз ичра шон кўрса мени.

*Зебуннисо*

Кўнгли ва тили бир бўлган кишининг айтган сўзи бут.

*Алишер Навоий*

Сўзни сўзламаса, у соф олтинга тенг,  
У тилдан чиқарилса, сариқ чақага тенг.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ким синса кўнгул захми забон оғриғидин,  
Кам эрмас анинг оғриғи жон оғриғидин.

*Алишер Навоий*

Сўз қолип, фикр унинг ичига қўйилган гишт бўлсин,  
кўпчилик хумдонидан пишиб чиққач янги ҳаёт айвонига  
асос бўлиб ётсин!

*Абдулла Қодирий*

Сўзни кўп сўзлама, бир оз озроқ сўзла,  
Туман минг сўз тугунин бир сўзда кўзла.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Сўзниг ёмони йўқ, ҳаммаси яхши, ўрнини топса, ярқи-  
раб оловланиб кетади. Сўз ўз ўрнига тушмаса мунгайиб,  
мўлтираб, ўксиб, ўнғайсизланиб, яралганига юз пушаймон  
бўлиб қолади.

*Миртемир*

Сўзингга эҳтиёт бўл, бошинг кетмасин,  
Тилингга эҳтиёт бўл, тишинг синмасин.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Сўз сўйлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша  
керак.

*Абдулла Қодирий*

Заковатлиларни кўрганим бор, улар оз сўзлаганлар,  
лекин кўп сўзладим деб йиллаб афсусланганлар.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Билимли киши нималарни сўзлайди, сен унга қулоқ сол,  
адаблар боши тилдир, уни тиймоқ зарур.

*Аҳмад Юғнакий*

Заковатнинг ва тилнинг кўрки сўздир, одамнинг кўрки-юз, юзнинг кўрки эса кўздир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Кўп ортиқча сўзлашув эши туувчини ранжитар.

*Маҳмуд Замахшарий*

Одамнинг безаги сўздир, сўз эса беҳисоб кўпдир. Фақат эзгу сўзли кишиларнигина ардоқлаш лозим.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,  
Билким, гуҳари шарифроқроқ йўқ ондин.

*Алишер Навоий*

Заҳру шакар хосияти сўзدادур,  
Мехру муҳаббат томури кўзدادур.

*Сайд Қосимиј*

Кўнгул дуржи ичра гуҳар сўздурур,  
Башар гулшанида самар сўздурур.

*Алишер Навоий*

Сўз – гул, иш – мева.

*Ал-Хоразмий*

Оқил чин сўздин ўзгани демас,  
Аммо барча чини ҳам демак – оқил иши эмас.

*Алишер Навоий*

Билиб-тушуниб сўзланган сўз доноликдан далолатдир,  
нодон-жоҳилнинг сўзи ўз бошини ейди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Мулойим сўз – ваҳшийларни улфатга айлантиради.

*Алишер Навоий*

Кўп сўзлашдан ортиқча наф кўрмаганман, сўзнинг  
кўпидан фойда ҳам топмаганман.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Одам сўз туфайли улугликка эришади, подшо бўлади,  
кўп ва ортиқча сўз эса юзни ерга қаратади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Оғиздан сўз гоҳо ўт, гоҳо сув бўлиб чиқади, уларнинг  
бири вайрон қилади, бири обод этади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Тилдан чиқадиган эзгу сўз оқар сув кабидир. У қаерга  
оқиб борса, ўша ерда турли-туман чечаклар унади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Қуруқ гапнинг ўзи ҳеч қачон далил бўлолмайди.

*Абу Али ибн Сино*

Сўзчи ҳолин боқма, боқ сўз ҳолини,  
Кўрма, ким дер они, кўргил ким не дер.

*Алишер Навоий*

Сўз гуҳарига эрур онча шараф,  
Ким бўла олмас анга гавҳар садаф.

*Алишер Навоий*

Сўз инсоннинг даража ва камолини, илм ва фазлини ўлчаб кўрсатадургон тарозудир.

*Абдулла Авлоний*

Бўлмаса сўз, ажаб бало бўлгай,  
Булбули нутқ бенаво бўлгай.

*Алишер Навоий*

Донаву дур сўзини афсона бил,  
Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил.

*Алишер Навоий*

Маҳаллида айтур сўзни асрара, айтмас сўз теграсига йўлама.

*Алишер Навоий*

Такаллум била кимса инсон эрур,  
Сўзи йўқ баҳойимга не сон эрур.

*Алишер Навоий*

Сўздадур ҳар яхшилиқки, имкони бор, мундин дебтурларким, нафаснинг жони бор.

*Алишер Навоий*

Доно илигдин борғандин сўз айтмас, ўткан йигитлик орзу била қайтмас.

*Алишер Навоий*

Эшитмак элни тўла қилуру айтмоқ холий, эшиткучию айтқучининг бўдур ҳоли.

*Алишер Навоий*

Ҳұсну жамолсиз киши шириңкалом эса,  
Сайд айлар әлни, нукта фасоқат била деса.

*Алишер Навоий*

Сўзида паришонлиқ – ўзида пушаймонлиқ.

*Алишер Навоий*

Сўзки, фасоқат зеваридин музайян эмасдур, анга чинлиқ зевари басдур.

*Алишер Навоий*

Чин сўз нечаки бетакаллуф, қойилға иборат содалиғидин йўқ таассуф.

*Алишер Навоий*

Назмда ҳам асл анга маънидуур,  
Бўлсун анинг суврати ҳар не дурур.

*Алишер Навоий*

Фаҳм айла ҳолини сўз демагидин  
Ким, берди хабар ҳадиси кўнглидагидин.

*Алишер Навоий*

Сенга бор эса сўз билурдин мазоқ,  
Ўзум сари боқма, сўзум сари боқ.

*Алишер Навоий*

Сўз борки, тингловчи танига жон киритади,  
Сўз борки, айтувчи бошини ёлға беради.

*Алишер Навоий*

Таълимда жуда асосли қилиб: «Сўзларинг янглиш –  
хато бўлса, ўзингга зиён келтиради», дейилган.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Сўз борким, эшигувчи танига жон киюрур ва сўз бор-  
ким, айтгувчи бошин елга берур.

*Алишер Навоий*

Агар сўз жона пайдо қилмаса сўз,  
Ани сўз демагил, эй мажлис афрўз.

*Муҳаммад Шариф Гулханий*

Ёрқин ва ҳаққоний бадиий сўз – қудратли кучдир. У  
милионлаб кишиларни илҳомлантириш ва зафарлар сари  
рағбатлантиришга қодир.

*Ғафур Гулом*

Сўзда керак маъною маънида завқ,  
Сўзлагувчида сўз учун дарду шавқ.

*Ҳайдар Хоразмий*

Сўзламасдин олдин сўзингни сина,  
Ҳар бир сўздир умринг ичинда сина.

*Анбар Отин*

Агар бир кўнгилда тил найзасининг жароҳати бордир,  
фақат яхши сўз ва ширин тил унга малҳам ва роҳатдир.

*Алишер Навоий*

Инсоф ила сўзга қил наззора,  
Фарқ айла дур ила санги хора.

*Шавқий Каттақўргоний*

Ҳам сўз ила элга ўлимдан нажот,  
Ҳам сўз ила топиб ўлук тан нажот.

*Алишер Навоий*

Сўзинг бўлса кумуш, жим турмак олтун,  
Миси чиқгай сўзинг кўп бўлса бир кун.  
Кўпайган сўзни бўлгай тўғриси оз,  
Шакарнинг кўпидин ози бўлур соз.

*Абдулла Авлоний*

Киши чинда сўз деса, зебодуур,  
Неча муҳтасар бўлса, авлодуур.

*Алишер Навоий*

Гап қанча яхши бўлса, у шунча қисқа бўлади.

*Абдулла Қаҳҳор*

Хушсухан одам юмшоқлик билан дўстона сўз айтади,  
кўнгилга тушиши мумкин бўлган юз ғам – унинг сўзи  
билан даф бўлади.

*Алишер Навоий*

Одам икки нарса туфайли қаримайди: бири – яхши  
феъли, иккинчиси эса эзгу сўзи.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Сўз қаттиги эл кўнглига озор айлар,  
Юмшоги кўнгилларни гирифтор айлар.

*Алишер Навоий*

Сўзнинг ёмони амал қилинмай бекор кетганидир.  
*Абу Али ибн Сино*

Агар сўз ақл ва ҳикматга мувофиқ бўлуб, ўзига ёки эшитувчига бир фойда чиқадургон бўлмаса, асаларилар орасида ғўнгиллаб юрган қовоқари каби қуруқ ғўнгиламоқ, фақат бош оғриғидан бошқа бир нарса эмасдир.

*Абдулла Авлоний*

Бефойда сўзни кўп айтма ва фойдалиг сўзни эшитурдин қайтма.

*Алишер Навоий*

Бир калима ширин сўз қилични қинга киритар.

*Амир Темур*

Бошимизга келадурган кулфат ва заҳматларнинг аксари ёмон тилимиздан, андозадан ортуқ сўйлаганимиздан келур.

*Абдулла Авлоний*

Ўйламай сўйлаган оғримай ўлар,  
Фикр ила сўйлаган йиғламай кулар.

*Абдулла Авлоний*

Сўздур инсон кўнглида бир гавҳари қийматбаҳо,  
Они хор этма, дебон ҳар ҳуши йўқ ҳайвонга сўз.

*Оғаҳий*

Зуғум билан айтилган сўз шу даражага етказадики, қадимий хонадонларни вайрон қилиб юборади.

*Захириддин Муҳаммад Бобур*

Билмаган ўз қадрини не билгуси сўз қадрини,  
Ҳайфдур доно демак нодону беирфонга сўз.

*Оғаҳий*

Оз сўз ҳам ўткурдур – заҳри муҳлиқдур,  
Агарчи миқдори ўксуқдур.

*Алишер Навоий*

### **57. Тил – дил калити**

Кўнгул маҳзанининг қулфи тил ва у тил калитин сўз бил.

*Алишер Навоий*

Одамнинг оғзи худди ўранинг ўзгинасидир, ундан чиққан сўзлар дон каби сочилиб кетади.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Тил бу – одамларга табиат томонидан берилган, инсон-ларнинг минг йиллар мобайнида ўзаро муносабатларида сайқалланиб келган шундай бир жавоҳирки, бу жавоҳирни сочиб юбориш, беҳурмат қилиш эмас, кўз қорачиғимиздек асраримиз керак.

*Абдулла Орипов*

Заковат ва билимнинг очқичи тилдир, одамни ёргуликка бошловчи тил – равон тилни ўргангин.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз.

*Алишер Навоий*

Оlamни тил улуғлайди, уни баҳтиёр қилади, шунингдек тил одамни беқадр ҳам қилади, унинг бошига балолар келтиради.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Она тилига туганмас ишқ, унинг тақдирию камолоти учун масъуллик ва ғамхўрлик – сўз даҳоларини бирлаштирувчи биринчি фазилат.

*Абдулла Орипов*

Ямон тил коҳ сарғайтур юзингни,  
Тубон бошингни термултур кўзингни.  
Ямон тил икки оламда зарапур,  
Гаҳе исён, гаҳе хавфи хатардур.

*Сўфи Оллоёр*

Тил қафасда ётувчи арслон кабидир, қафасдаги ғаддор ваҳший бошингга етиши ҳеч гап эмас.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Сўзни кўнгулда пишқармагунча тилга келтирма,  
Ва ҳарнеки кўнгулда бор – тилга сурма.

*Алишер Навоий*

Тилим мени жуда кўп кулфатларга солади, тилим менинг бошимни кесмасидан бурунроқ мени тилимни кесайин.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Фойдасиз сўзламаса қайси тил,  
Она тил бўлгай ўша тил – она тил.

*Анбар Отин*

Одамнинг тили ёмон, у доим сен ҳақингда сўзлайди,  
кишиларнинг феъли ҳасадли, улар сени ғажишига ҳам тайёр  
туради.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ҳақиқатдан қочиб, тилга янги қоидалар тузиш разо-  
латдир.

*Абдулла Қодирий*

Жуда бой чиройли тилимиз бор. Бу тилда ифода этиб  
бўлмайдиган фикр, туйғу, ҳолат йўқ!

*Абдулла Қаҳҳор*

Калити ганжи маъниким забондур,  
Анга бир нуқта кўп бўлса зиёндур.

*Сўфи Омлоёр*

Нима учун кўча ҳаракати қоидасини бузган кишига  
милиция ҳуштак чаладиyo, бутун бир тилни бузаётган  
одамларга ҳеч ким ҳуштак чалмайди?

*Абдулла Қаҳҳор*

Гўзал сўзлар ва ёқимли бўлган тил агарда кўнгил билан  
бир бўлса, яхшироқ бўлур.

*Алишер Навоий*

Тилингга жуда эҳтиёт бўлгин, бошинг омон сақланади,  
сўзингни қисқа қилсанг, ёшинг узаяди.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Ўзбек тилида яхши фикр ва туйғуларни ифода қилиб  
бўлмайди деган назарияни Навоий бундан беш юз йил  
бурун тор-мор қилган.

*Абдулла Қаҳҳор*

Тилнинг фойдаси жуда кўпdir, сен ўзингни босиб ол,  
тил гоҳо мақталади, гоҳо таҳқирланади.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Ёмон тилнинг заҳри тиглардан ёмон.

*Алишер Навоий*

Тилни фақат ёмонлаш керак эмас, унинг яхши томон-  
лари жуда кўп.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Кўпинча тил билан етказилган жароҳат қилич билан  
етказилган жароҳатдан оғирроқдир.

*Маҳмуд Замахшарий*

Одамга икки нарса керак: бири – тил, бири – дил.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Дунёда тилни сақдашлик охиратдаги пушаймонликдан  
енгилоқдир.

*Абу Лайс Самарқандий*

Инсонга келадиган барча офат тилдандир.

*Нажмиддин Кубро*

Ёмон тиллиг<sup>1</sup> андоқким эл кўнглига жароҳат етказур,  
ўз бошига ҳам офат еткарур.

*Алишер Навоий*

Тилки фасиҳ ва дилпазир<sup>2</sup> бўлгай хўброқ бўлгай, агар  
кўнгул била бир бўлгай.

*Алишер Навоий*

Агарчи тилни асралмоқ кўнгулга меҳнатдур, аммо сўзни  
сайпамоқ бошқа офатдур.

*Алишер Навоий*

Ёмон тил гоҳи сарғайтуур юзингни  
Тубан бошингни, телмуртур кўзингни.

*Сўфи Оллоёр*

Тилингни ихтиёрингда асрагил, сўзунгни эҳтиёт била  
дегил.

*Алишер Навоий*

Чун синса кўнгул захми забон оғриғидин,  
Кам эрмас анинг оғриғи жон оғриғидин.

*Алишер Навоий*

Тил – қиличдан ўткир.

*Амир Темур*

---

<sup>1</sup> Тилли

<sup>2</sup> Ёқимли, дилтортар.

Тилни менсимаслик миллатни менсимаслик, ватанни менсимасликни кўрсатадиган ўта нохуш ҳолдир.

Озод Шарафиддинов

### 58. Нутқ маданияти

Белги бўлса, одам йўлда адашмайди, ақли бўлса, киши сўзда адашмайди.

Маҳмуд Кошгариј

Баъзан катта-катта китоблар қилолмаган ишни жимитгина бир нутқ қилиши мумкин.

Озод Шарафиддинов

Давр эли жабр этса, кўтарма исён,  
Кўн борига, йўқ туфайли бўлма сарсон,  
Тинглаш керак эмасми – эшитма пинҳон,  
Сўзлаш керак эмасми – гапирма бир он.

Алишер Навоий

Айрим нутқлар бутун умр давомида ёзилади.

Озод Шарафиддинов

### 59. Истеъдод

Истеъдод – бепоён тушунча. У таърифга сиққандა эди, уни маълум хусусиятлар доирасида чегаралаш мумкин бўлганда эди, одамлар йўқ истеъдодни тарбиялаб бор қилган бўлардилар.

Эркин Воҳидов

Идеал ёзувчи бўлмайди.

Озод Шарафиддинов

Истеъдод инсон қалби ва онгининг жуда ноёб хусусияти бўлгани учун, жуда ранг-баранг бўлгани учун таърифга сифиши қийин.

Эркин Воҳидов

Истеъдоди бўлгани, адабиётни муқаддас деб билгани учун ўзини адабиёт ишига масъул деб биларди. Амали бўлгани учун эмас.

Озод Шарағиддинов

Одатда улуғ истеъдодлар ижоди бир қанча вақтгача жамиятнинг дидини белгиловчи мезон бўлиб қолади.

Эркин Воҳидов

Туғма истеъдодни, албатта, фақат стихиядан иборат ҳолат деб тушуниш нотўғридир. Ҳақиқий қалб эгаси ўз фуқаролик даражасини, билим ва қувваи ҳофизасини муттасил кенгайтирган ҳолдагина тарих учун зарур санъаткорга айланиши мумкин.

Абдулла Орипов

Ҳунарманду косиблар кўпдир, бироқ моҳиру қобилиятлилар оздир (яъни, уста кўпу, устаси оздир.)

Маҳмуд Замахшарий

Истеъдод шундай бир гавҳарки, у денгиз тубида, садаф ичида ҳам – гавҳар, истеъдод шундай бир зилол ирмоқки, унинг ҳар қатрасида дарёларнинг қудрати, уммонларнинг теранлиги бор, истеъдод шундай бир гулки, унинг ҳар бир очилмаган ғунчасида чаманларнинг бўйи ва таровати бор.

Эркин Воҳидов

Истеъдодларни қадрлай билиш, мубҳам биқиқликлардан мустасно миллий маданият равнаңызға жонкуярлык халқ, унинг жонкуяр фарзандлари онги юксаклигини белгилайдиган мезонлардан биридир.

*Абдулла Орипов*

Истеъдод нафаси бор жойда ҳаёт бор.

*Эркин Воҳидов*

Ҳақиқий истеъдодни тарих ўзи танлаб олади.

*Абдулла Орипов*

Истеъдод ҳамиша ҳар хил бўлади, истеъдодсизлар эса ҳамма жойда ҳам бир хилдир. Улуғ истеъдодлар бир-бирини юракдан тан олгани ҳолда, қўлтиқдашиб, оғайнини бўлиб юрган эмас.

*Эркин Воҳидов*

Талантсизлар бир-бирини тез топиб, тез уюшадилар.  
Шу боисдан ҳам улар жуда катта кучдир.

*Эркин Воҳидов*

## **60. Ижод лаззати**

Қадрдоним қалам, мардона бўлгил, вақти хизматдур,  
Агар мендан кейин қолсанг, либосинг сийму зардандир.

*Муҳаммадшариф Сўфизода*

Ижод бу – севги, мاشаққат, қувонч!

*Шукрулло*

Ижоднинг этагидан маҳкам тутиб, қочмасдан, иқтидорини чархлаб борган инсонгина ижодкор бўла олади.

*Абдулла Орипов*

Дарахтни ундирадиган, ўстирадиган ва мевасини лазиз қиласиган қуёш, ер ва сув бўлса, бадиий маҳоратни ундирадиган ва ўстирадиган, самарасини жозибали қиласиган халқ ҳаётидан олинган илҳомдир.

*Абдулла Қаҳҳор*

Шаллақиликнинг ҳақиқий ижод эркинлигига мутлақо алоқаси йўқ.

*Озод Шарафиддинов*

Даҳо асар ёзмасдан ҳам катта қалб билан яшаб ўтиш қандай гўзал!

*Абдулла Орипов*

Ижод эркинлиги халқча, ватанга фидойилик билан хизмат қилиш эркинлигидир.

*Озод Шарафиддинов*

Бирон сатри ошиқлар дафтарига тушмаган шоирни шоир демайман.

*Сайд Аҳмад*

Унинг фожеаси ўз сийратини тўла намойиш қила олмаслиқдан, сувратини ҳамиша керакли шамойилга солиб юриш мажбуриятидан, кўнгил билан имкон ўртасидаги зиддиятдан, ижод эркинлигининг йўқлигидан туғилган фожеа эди.

*Озод Шарафиддинов*

Ижодкор учун ижод – бу фалончи кундан пистончи кунгача бўлган «командировка» эмас.

*Абдулла Орипов*

Ҳар бир янги нарсада лаззат бор.

*Абу Райҳон Беруний*

Ижод дегани одамнинг фикр ва ҳиссиёт бобидаги ички имкониятларини рўёбга чиқариш деганидир.

*Озод Шарафиддинов*

Ижодкор минг уринсин, яхши маънода ҳам, ёмон маънода ҳам, жамиятдан узилиб яшай олмайди. Чунки у жамият фарзандидир.

*Абдулла Орипов*

Халқчил бўлмаган ижод ўлимга маҳкум. Ҳақиқий ижод доимо халқчил бўлгандир.

*Ҳамид Олимжон*

Ижоднинг қўпчилик учун марҳаматлик эҳсони шундаки, унинг завқидан доҳий санъаткор ҳам, гўр ҳаваскор ҳам бебаҳра қолмайди.

*Абдулла Орипов*

Ижод қилдим виждоним тикиб,  
Ижод қилдим умрим бағишлиб.  
Ёмонликни фош этиб, сўкиб,  
Яхшилилкка ундан, олқишилаб!

*Шуҳрат*

## **61. Китоб қадри**

Китоб – барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақдидрокнинг, илму донишнинг асосиdir. Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир.

*Амир Темур*

Китобни муқовасига қараб оладилар, ичига қараб баҳо берадилар.

*Алишер Навоий*

Бу замонда ҳамдами роз ўлмага ўқуш керак,  
Ҳар китобни ўқигонда маънисин уқиши керак.  
Андин ўрганиб адаб илмин ғазал тўқиши керак,  
Норасоликнинг жаҳонда томирини қирқиши керак,  
Илмсиз афсунчиларга тири паррондур китоб.

*Дилиоди Барно*

Китоб бир хазина, мутолаа – ёрқин табассумли ҳаётга бошловчи машъалдир.

*Ойбек*

Китоб деган нарса инсоннинг табиати, моҳияти билан боғлиқ бўлган буюк мўъжизадир. Инсон бор экан, китоб ҳам қай бир шаклда яшайверади.

*Озод Шарафиддинов*

Китоб ва мутолаа Сизни қудратли ижод булогига бошлайди. Китоб ва мутолаа Сизни кўпдан-кўп янги босқичларга кўтаради.

*Ойбек*

Менда китоби кўп одамга ихлос билан қараш касали бор.

*Озод Шарафиддинов*

Маърифатли одам учун ўз халқининг китобга жо қилган ижод дурданаларидан кўра қимматлироқ бойлик бўлмайди.

*Озод Шарафиддинов*

Кечаги асарларни баҳолашдан олдин буғунги кўз билан янгидан ўқиб чиқиш керак.

*Озод Шарафиддинов*

## **62. Маданият**

Маданият жаҳондан осойиш,  
Хулқ ҳусни анга оройиш.

*Исҳоқхон Ибрат*

Ўзбек халқи азалдан буён маданият булогининг бошида бўлган.

*Ойбек*

Маданият халойиққа роҳат,  
Кўрмагай ғамни ҳеч соат.

*Исҳоқхон Ибрат*

Маданият тарихи гоят даражада мураккаб бўлиб, унинг ҳамма томонларини ўз ичига олган китоб ҳеч қайси бир тилда йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

*Қори Ниёзий*

Маданиятнинг шаҳрида турмиш,  
Киши гўёки жаннат ичра эмиш.

*Исҳоқхон Ибрат*

Маданиятнинг шаҳри ичра тур,  
Даштда юрма, гулистон ичра юр.

*Исҳоқхон Ибрат*

Маданиятда юргил ўлгунча,  
Бадавиятда шоҳ бўлгунча.

*Исҳоқхон Ибрат*

### **63. Санъат қудратли куч**

Санъатдаги чин гўзаллик ҳеч қачон эскирмайди, янги шароитда у янгича оҳанг касб этади, кишилар ҳиссиёти ва онгида ижодий фикр уйғотади. Кишиларга эстетик завқ багишлайди, уларни халқлар ўртасида ҳамкорлик, дўстлик ва тинчлик барқарорлиги учун унумли меҳнатга ундаиди.

*Иброҳим Мўминов*

Театр томошадур, томошаларнинг фойдалиги дур.

*Мажмудхўжа Бекбудий*

Санъат ва адабиёт ўзининг хос йўллари билан одамларга яхши ва гўзал хислатларни сингдиради.

*Ҳамид Олимжон*

Санъат реал борлиқни, ижтимоий муносабатни, замона руҳини, давр нафосатини бадиий образларда акс эттиради.

*Иброҳим Мўминов*

Театр ойнага ўхшарки, томошибинлар ичинда ўзларини кўрарлар.

*Маҳмудхўжа Беҳбудий*

Мусиқа фани шу маънода фойдалики, кимнинг феъл-автори мувозанатини йўқотган бўлса, уни тартибига келтиради.

*Абу Наср Фаробий*

Дид ва савия билан маълум мақсадга йўналтирилган, билим ва истеъдод раҳнамолик қилган, онгли, ижодий меҳнатгина санъаткорни погонама-погона кўтариши мумкин.

*Абдулла Орипов*

Санъатдаги эстетик бойликни мукаммал ҳис қилганда-гина санъат асарини тўғри баҳолай олиш мумкин.

*Озод Шарафиддинов*

Гениал зотлар ер юзида ҳамиша пайдо бўлмаганликлари сабабли уларнинг номлари кўпинча афсоналар билан чулғанган бўлади. Чиндан ҳам даҳо санъаткорлар табиат мўъжизаси, ноёб ижтимоий ҳодисалар сирасига кирадилар.

*Абдулла Орипов*

Ҳаётини гаровга қўйиб эришилган маҳорат санъаткорни ҳеч қачон тарк этмайди, унинг мангу мулки бўлиб қолади.

*Озод Шарафиддинов*

## **64. Мажозий лутфлар**

Кишан олтин бўлса ҳам ҳарқалай кишан!

*Абдулла Қаҳҳор*

Ўзинг бунёд этган мевали шохни,  
Ўзинг нобуд этсанг, кўп ёмон бўлар!

*Хожа Самандар Термизий*

Туядан «нега бўйнинг эгри» деб сўралса, «қаерим тўғри», деган экан.

*Абдулла Қаҳҳор*

Коинотдаги ҳар бир зарранинг замираидаги шу қадар ҳикмат ва фойдалар борки, уларни идрок этишдан ақли башар ожиз қолади.

*Фитрат*

Синчалак деган... қуш «осмон тушиб кетса ушлаб қоламан» деб оёгини кўтариб ётар экан!

*Абдулла Қаҳҳор*

Меҳнатни ўнг қўл қиласи,  
Тилла соатни чап қўл тақади.

*Шуҳрат*

Айшни нодон суриб кулфатни доно тортадур.

*Зокиржон Фурқат*

## 65. Танқид

Матбуоткагина эмас, ҳаётнинг ҳар бир кўчасига кириб юргучи ва аксар ўз сўзини ўтказгучи «танқид» отлиқ чапаннамо бир маҳлук бор. Бу маҳлукнинг холиқи ҳаётнинг ўзи ва лекин отаси йўлбошчилик қиласидир. Чунки ҳаётнинг узоқ муддатлик тажрибалари ва аксар хатолари яна шу сўзлик, аччиқ тиллик нафсоният, гараз ва шахсият оғриқларидан тоза «танқид» маҳдумни туғдиргандир. Ҳаётнинг янгидан-янги муваффақиятларга судрагучи, маърифат деган муаммонинг калиди, маданият дунёсининг бешиги ана шу танқиддир...

*Абдулла Қодирий*

Танқиддан хulosса чиқармоқ учун ҳам савод керак.

*Сайд Аҳмад*

Модага кирган нарса тўғрисида танқидий фикр айтиш жуда қийин.

*Озод Шарафиддинов*

Адабиёт дунёсида икки турлик танқид бор: жиiddий танқид ва ҳажвий танқид. Жиiddий танқид ўзининг кузаткан нишонаси устида ўзгаришлар ясаса ҳам аммо кўпинча авомга мажхулроқ бўлиб ўтадир.

Танқиднинг иккинчи хили бўлған ҳажвийни (сатира маъноси билан) оммавий дейилса бўладир. Чунки кулки танқид-турмуш бўлиб учқучи бургутдир. Ҳаёт шароитига ярамаган заиф, қизганч<sup>1</sup>, манфур, музир<sup>2</sup> ва шунинг сингари унсурлар унга емдир.

*Абдулла Қодирий*

---

<sup>1</sup> Қизганч – аянчли.

<sup>2</sup> Зарар етказувчи.

Танқидда битта ижодкорга раҳм қилсангиз, бу билан  
кўплаб адабиёт мухлисларига жабр қилган бўласиз.

*Озод Шарафиддинов*

Ҳажвий танқид авомнинг руҳига яқин ва унинг ҳис  
эткан, аммо ифода қила олмаган масалаларига таржи-  
мондир.

*Абдулла Қодирий*

Бирон ҳодисанинг яхши ёки ёмон эканини билдириш  
билин унга нисбатан нафрат ёки муҳаббат ҳисси түғдириш  
орасида жуда катта фарқ бор.

*Абдулла Қаҳҳор*

Ҳажвий танқиднинг табиъатидаги кулгулук унсури  
авомнинг маҳбуби, тагин тўғриси унинг ўз ижодидир.

*Абдулла Қодирий*

## VI БОБ. ИНСОННИЙ ФАЗИЛАТЛАР

### 66. Инсон – олам безаги

Одамлар орасида ҳақиқий одам шу бўладики, ундан бошқа одамлар манфаат кўрадилар.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Инсон ҳамма ерда улуғ... Унинг улуғлиги қўлидан келган ишларда, яратувчилигига кўриниб туради.

*Абдулла Қаҳҳор*

Одамлар орасида бўла туриб тилини тия олган ва иззат орттирган одам ҳақиқий одамдир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Бордир инсон зотида онча шараф,  
Ким ёмон ахлоқин этса бартараф.

*Алишер Навоий*

Оlamга одамзот сара мавжудот сифатида келди, у салоҳият, билим ва заковатга эга бўлди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Одамнинг ёмони бўлмайди. Бирор тош, бирор гул, ўз жойида иккови ҳам яхши.

*Абдулла Қаҳҳор*

Инсон ақдининг құдрати ва инсон меңнат фаолияти мўъжизаларига ҳам қойил қоламиз, ҳам таҳсиллар деймиз.

*Иброҳим Мўминов*

Инсон қалби билан ҳазиллашманг Сиз,  
Унда она яшар, яшайди Ватан.  
Уни жүн нарса деб үйламанг ҳаргиз,  
Хайхот! Күзғалмасин бу қалб дағфатан!!!

*Абдулла Орипов*

Инсон қобилияти, ақли, зеңн-закоси жуда зўр. У, қүёшнинг ўзидан бир неча миллион километр узоқликда эканлигига қарамай, унинг сир-асорини била олди. Ҳатто шундай юлдузлар бўлган ва улар шу қадар узоқликдаки, улар бундан бир неча миллион йиллар аввал мавжуд бўлиб, сўнгра йўқолган бўлсаларда, уларнинг зиёси ҳали ҳам ерга етиб келишга улгурмаган. Инсон шуни ҳам била олди.

*Воҳид Зоҳидов*

Инсон бир мартагина яшайдиган замонини танлаб дунёга келмайди. Бу қисмат деб аталган, бизга ноаён қудратнинг ихтиёрида.

*Эркин Воҳидов*

Шундай одамлар ҳам бўладики, тугилганда ҳеч ким севинмаган бўлса ҳам, ўлганда бутун юрт аза тутади.

*Абдулла Қаҳҳор*

Менга не ёру не ошиқ ҳавасдир,  
Гар мен одам ўлсам – ушбу басдир.

*Алишер Навоий*

Дунёнинг ҳамма сирининг тагига етиш мумкин, лекин Инсон деган жумбоқнинг тагига етиб бўлмайди.

*Озод Шарафиддинов*

Киши бўлмаса маънидин хабардор,  
Ани одам дема, де нақши девор...

*Хожаназар Хувайдо*

Инсон била шайтон орасида адоватдур ва табиий муҳолифат: бири ўтдин ва бири туфроғдин. Бу адоват ораларида дур ул чоғдин ўт ғолиб бўлса, туфроғни кул қилур ва туфроғ ғолиб бўлса, ўтни ўчирур.

*Алишер Навоий*

Инсоннинг табиати шунақаки, у ўзининг муваффақијатсизлигидан, «еган калтаклари»дан ўзи учун мустаҳкам истеҳком қуриб олади.

*Озод Шарафиддинов*

Инсон жамият маҳсули сифатида эмас, балки табиат маҳсули сифатида ҳам гоят мураккаб зотdir.

*Абдулла Орипов*

Одамига яхши кўп авсоф<sup>1</sup> эрур,  
Лек аларнинг ашрафи<sup>2</sup> инсоф эрур.

*Алишер Навоий*

Кўп вақтда зиёдалиқ, ортиқлик зиён келтиради. Масалан, бир қўлда олтита бармоқ бўлса бу ортиқлик бўлмай, камчилик (нуқсон) ҳисобланади.

*Маҳмуд Замахшарий*

Биз инсонлар ер юзи фарзандларимиз. Ер юзи нознеъматлари ҳалол меҳнат қилувчи, эл баҳтини ўйловчи инсонларга хосдир.

*Ғафур Ғулом*

---

<sup>1</sup> Васфнинг кўплиги. Мақтобали хислатлар маъносида.

<sup>2</sup> Энг шарафлиси.

Инсоният мавжуд экан, у тарих ғиљдирагини айлантирар экан, бу борада фақат ақли билан әмас, ҳислари билан ҳам иш юритар экан, демак, санъат ва адабиёт ҳам яшайверади. Яшаганда ҳам инсон учун энг зарур нон, кийим-кечак, бошпана сингари ардоқли бўлиб яшайди.

*Озод Шарафиддинов*

Менинг назаримда, ҳар бир инсон ўзича бир Ватан. Унинг чегарасини бузиб кираверишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Инсон қалби билан ҳазиллашмаслик керак.

*Абдулла Орипов*

Бу оламда йўқотишлар ичидаги энг оғир йўқотиш инсоннинг ўзлигини йўқотишидир. Одамзот тафаккур ва эҳтирос, руҳият ва имон дунёсида яшайди. У юрагидаги эътиқод билан, ишонч билан тирик ва бутун. Ўзликни йўқотмоқ ана шу оламдан жудо бўлмоқдир, инсон иморатидаги рукнларнинг – устунларнинг синмоғидир.

*Эркин Воҳидов*

Биринг юлдузларни кўзлайсан Инсон,  
Биринг мангаликка битасан достон.  
Биринг тор кўчага номим қўяй деб,  
Елиб-югурасан, эрта-кеч сарсон.

*Абдулла Орипов*

Инсон дунёга яшаш учун келади. Яшаш, яратиш ва яралган – булар моҳиятча ва принципча бир нарсани ташкил этадилар. Худди шунингдек, ҳаёт ва тинчлик, дўстлик ҳам моҳиятча бир мавҳумни ташкил этади.

*Воҳид Зоҳидов*

Даврлар ҳар қанча ўзгармасин, инсонни ҳаракатга келтирувчи асосий омил шахсий манфаат бўлиб қолаверади.

Озод Шарафиддинов

## 67. Инсонпарварлик

Одамга одам бўл, одамгарчилик қил.

Юсуф Хос Ҳожиб

Эл гуссасини сингурмагинг<sup>1</sup> мақсуд эт,  
Бу шева билан оқибатинг маҳмуд эт.

Алишер Навоий

Раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларини оға қаторида,  
кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим.

Амир Темур

Оlamнинг низом-қоидалари, йўл-йўриқлари мавжуд  
экан, улар одамзот учун одамийликнинг белгисидир.

Юсуф Хос Ҳожиб

Нафъинг агар халқقا бешакдурур  
Билки, бу нафъ ўзунгга кўпракдурур.

Алишер Навоий

Одамийлик туфайли одам шухрат топади, одам одамий-  
лик билан танилади ва билинади.

Юсуф Хос Ҳожиб

Эл-юрт агар сени яхши одам деб ҳисобласа, инсоний-  
лигинг ҳам шу бўлса керак.

Абдулла Орипов

---

<sup>1</sup> Қайгурмоқ.

Одамман деб бош күтариб юрганлар беҳисоб, аммо одам деб ишониш мумкин бўлган киши топилмайди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Халойиқقا кўрма қилиб бенаво,  
Ўзингга раво кўрмаганни раво.

*Алишер Навоий*

Одамлар орасида кераклиси ва яроқлиси йўқ, яроқлиси бўйса ҳам, доимо фойдали иш қилиб юрувчиси йўқ.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Жаҳонда ақлу идрок, зеҳну дониш бирла озод бўл,  
Ҳамиша халқ билан бирга шарафлан, яъни обод бўл!

*Ғафур Гулом*

Ҳар қандай тартиб инсонийликка, инсоний оқибатга зид эмаслигини унутмаслик керак.

*Абдулла Орипов*

## 68. Одамийлик мулки

Инсоний хислатлар тўрт қисмга бўлинади: назарий фазилатлар, тафаккур фазилатлари, яралма (ҳаёт жараёнида вужудга келувчи) фазилатлар ва амалий санъат (касб) фазилатлари.

*Абу Наср Форобий*

Одам бўл, одамга одамийлик қил,  
Одам деган отни, мақтовни ол.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Хақиқий инсонда кўп фазилатлар бўлади: лекин булар орасида энг шарафлиси – инсофидир. Инсофисиз киши – инсон эмасдир. Унинг авторида хатодан бошқа нарса йўқдир.

*Алишер Навоий*

Зиммангда фарз бўлган нарсани қарз ва бурч ўрнига қўй. Бу ҳол қалбингу дилингга роҳат баҳш этиб, шону шарафинг ва обрўйингни сақлаш учун энг тўғри йўлдир.

*Маҳмуд Замахшарий*

Ким олтин-кумушни кўрганда унга мафтун бўлиб кўнгил бермаса, уни чиндан ҳам фаришта деса бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Инсоннинг шарафи ақлдан маҳкам,  
Ундан обрў топар ҳар қандай одам!

*Хожа Самандар Термизий*

Дунёда ҳақиқий садоқатлилар бўлмаганида эди,  
одамгарчилик қачон тўла-тўқис турган бўларди?

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ана ажойиб инсоний фазилат – инсонга, ҳаётга, инсон баҳт-саодатига бўлган беҳад севги ва ҳадсиз ҳурмат!

Ана, фарзанд саодати ва севинчи туйғулари нақадар құдратли!

*Воҳид Зоҳидов*

Гўзал ахлоқ, юксак тарбия, эстетик завқ инсоният фазилатининг гавҳарлари дирки, булар катта-кичик барча учун зарур. Оилада ҳар қайсимиз, мактабларда муаллимлар болаларни озодаликка, гўзалликка интилишга, хушмуомалалик ва юксак одобга, ўзаро ҳурмат ва дўстликка ўргатишимиз зарур.

*Ойбек*

Жасорат, довюраклик, ўз касб-корига садоқат – бунаقا фазилатлар ялтироқ реклама қофозлари дик одамнинг кўри-надиган жойларига ёпишириб қўйилмас экан.

*Озод Шарафиддинов*

Фойдали одам одамларнинг сарасидир, меҳрибон одам одамларнинг аслидир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Бағри кенг инсонлар гоят ноёбдирлар. Уларнинг ёнида нафас олиш енгил, сұхбатида бўлиш баҳт.

*Абдулла Орипов*

Одамга одамийлиги баробарида одамийлик билан жавоб қайтар, ажримли бўлганлиги учун одам одам деб аталади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Инсоннинг хайрли ва гўзал ишлари учун хизмат қилувчи руҳий хислатлари яхши фазилатdir, агар акси бўлиб инсон улар билан ёмонлик ва қабиҳ ишлар қилса бу хислатлар разиллик, шаккоклик ва камчиликлардир.

*Абу Наср Форобий*

Одамгарчилик қылганга одамгарчилик қыл, одамгарчилиги баробарида адолат билан жавоб бер.

*Юсуф ХосХожиб*

Одам эрмас улки, ноинсоф эрур.

*Алишер Навоий*

Одамларнииг энг хотири кучлиси уларнинг ичидаги энг унутувчисидир, кўнгилларнинг энг юмшоги салобатлигию шафқатлисиdir.

*Махмуд Замахшарий*

Инсон учун самимиятдан ортиқ фазилат йўқ.

*Абдулла Орипов*

Юмшоқ табиатли киши одамлар орасида севимли бўлади, қаҳри қаттиқ киши жирканч бўлади.

*Юсуф ХосХожиб*

Одамийликнинг белгиси ҳиммат билан мурувватdir, одам ўз ҳиммати ва муруввати баробарида қадрланади.

*Юсуф ХосХожиб*

Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошлангич асос инсонийликдир, шунинг учун ҳам, одамлар инсоният туркумига кирганликлари туфайли ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим.

*Абу Наср Форобий*

Вазминлик ва олижаноблик заковатли кишининг сифатлари дир, заковатсиз кишиларнинг ҳайвондан фарқи йўқдир.

*Юсуф ХосХожиб*

Ҳаётда инсоний фазилатлар ичида фидойилик алоҳида қадрланади. Фидойиликнинг замирида эса, сабит ҳаракат, қатъият, матонат, савобталаблиқ, миллат ва унинг келажаги учун, керак бўлса, жонини тикиш, соҳибжуръатлилик ётади.

*Абдулла Орипов*

Андиша-мулоҳазали кишиларнинг кўнгилларида қўрқув ҳисси бўлади, кўнгилда қўрқув ҳисси бор одам ишни тўғри қиласди.

*Юсуф ХосХожиб*

Ҳар нарсанинг меваси бордир. Ҳилмнинг<sup>1</sup> меваси баландликдир ва қаноатнинг меваси роҳатдир ва тавозуънинг<sup>2</sup> меваси муҳаббатдир.

*Хожа Аҳрор Валий*

Кимки бир кўнгли бузугнинг хотириш шод айлагай,  
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.

*Алишер Навоий*

Фаҳм-фаросатли одам мол-дунё учун қайғурмайди,  
билимли одам ишларда янгишмайди.

*Юсуф ХосХожиб*

---

<sup>1</sup> Юмшоқлик, мулоҳимлик.

<sup>2</sup> Камтарлик.

Тўрт нарса муруватни бузади: улугларни баҳиллик ва олимларни кибр, манманлик ва хотинларни бешармлик ва эркакларни ёлғончилик.

*Хожа Аҳрор Валий*

Дид-фаросатли, эс-ҳушли одам сўзларни унутмайди,  
эс-ҳушсиз одам сўзларни эсда сақлаб қола олмайди.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Одамларнинг энг азиз ва ҳурматлилари қайгу-ҳасрату ташвишли дамларда билинур, гёёки бу ташвишлар улар (ҳурматли кишилар) учун туғишган опа-сингилдек яқиндир.

*Махмуд Замахшарий*

Одам босик, вазмин бўлса, яхши ном олади, феъли мулоим бўлса, ўзини манзур қиласди.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Ҳаммани ишончли тут, аммо ўзингга эҳтиёт бўл, жоннинг жонкуяр сенинг ўз-ўзинг ва ўз қўзингдир.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Кимки улугроқ, анга хизмат керак,  
Улки кичикроқ, анга шафқат керак.

*Алишер Навоий*

Заковатли, вафоли, кишиларнинг яхиси одамга бутун вужудини қурбон қиласди.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Тўрт нарса тўрт нарса билан мукаммал бўлади. Дониш ақл билан, дин тақво билан, иш ҳиммат билан, неъмат шукур билан.

*Хожа Аҳрор Валий*

Кўнгулни гар, десанг, олдурмай, аввал кўзни олдурма.

*Алишер Навоий*

## **69. Жисмоний ва маънавий гўзаллик**

Кўз ўз соҳиби (эгаси)нинг қалбида нима борлигини ифода этар: муҳаббатдан нима, нафратдан нима борлигини кўз сўзлайди, оғиз эса сукут сақлайди, барини бир юракда нима кечайтганини очиқ-ойдин зоҳир кўрасан!

*Махмуд Замахшарий*

Ҳусни хулқдан кўра яхшилик устига яхшилик қўшадиган, ҳасаддан кўра ёмонлик устига ёмонлик қўшадиган нарса кўрмадим.

*Нажмиддин Кубро*

Инсон ўз табиати ва моҳияти эътибори ила шундай бир муқаддас, малаксимон ва комил борлиқки, унга ёлғиз энг олижаноб ва гўзал фазилатларгина хосдир, хос бўлмоғи лозим, шуларгина ярашади унга, ёвузлик ва макр эмас, самимият ва вафодорлик; адоват ва надомат эмас, севги ва садоқат; бир-бирига хиёнат эмас, ҳурмат ва кўмак хосдир, хос бўлмоғи лозим.

*Воҳид Зоҳидов*

Ҳеч кимсанинг гўзал ҳайъат суврати (юз-кўзию ташқи қиёфаси) унга иззат-икрому обрў-эътибор олиб келмас,

аксинча кўп ночор, камсуқум кўринишли-ю, эски кийимдаги кимсалар ўз фазилатлари билан улардан (кўркам кўринишилардан) устун келур.

*Маҳмуд Замахшарий*

Яхши фазилатлар икки тур бўлади: яъни хулқий ва фикрий. Фикрий фазилат ақлий қувватга кириб ақллилик, донолик, фаҳм-фаросатлилик, зеҳнлилиқдан иборат. Хулқий фазилат эса интигуучи қувватга кириб, иффат, шижаат, сахийлик ваadolатлиликни ўз ичига олади.

*Абу Наср Форобий*

Гўзаллик шундай нарсаки, у инсонда бегараз меҳрмуҳаббат, шодлик, эркинлик ва шунга ўхшаш туйғуларни уйғота олиши шарт.

*Абдулла Оритов*

Гўзалликнинг илоҳий даргоҳларига кўтарилиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

*Озод Шарафиiddинов*

Кимнинг юзи, ташқи қиёфаси, сирти кўркли – бу унинг ички дунёси ҳам ташидек кўркли бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Гўзал сифат ва ҳусни хулқ сийратлари безамаган кишини ҳеч қандай чиройли кийимлар кўркам қилолмас, гуноҳ ва хатолардан сақланмаган кимсанинг қалби сира айдан фориг бўлмас.

*Маҳмуд Замахшарий*

Сиртини кўриб ички дунёсидан андоза олиш керак,  
чунки ичи ташидек, таши эса ичиdek бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Одамга фақат ҳусн эрур руйига зеб,  
Ботинда жамил улмаса, бу ҳусн бекор.

*Дилиоди Барно*

Инсонлардаги маънавий бойликни, ахлоқий покликни  
ривожлантиришга хизмат қилиш – гўзалликнинг олий  
вазифаси ҳисобланади.

*Абдулла Орипов*

Энг гўзал безак тавозеъ, энг хунуги баҳиллик экан.

*Нажмиддин Кубро*

Ҳилм инсон вужудининг мевали боғидур ва одамийлик  
тогининг жавоҳирлиғ тогидур.

*Алишер Навоий*

Ҳилм инсонларнинг табъидан ҳусумат, адоват, ғазаб,  
ҳиддат<sup>1</sup> каби ёмон ҳулқларни йўқ қиласурган ҳар кимча  
мақбул бир сифатдур. Ҳилм илми ахлоқ юзасидан инсонга  
энг керакли нарсадур.

*Абдулла Авлоний*

Ҳилму ҳаё аҳли ҳар ерда аржуманддур, улуғлар назарида  
аржумандроқ.

*Алишер Навоий*

---

<sup>1</sup> Тезлик.

Хар ким ҳилмга одат қылса, улуғ бўлур ва тўғриликни пеша қылса, мартабаси баланд бўлур ва тилини ёлғондан асраса, олий мартабага эришур.

*Хожа Аҳрор Валий*

## 70. Саломлашиш

Фарзандингнинг тили калимага жуфтланган кундан бошлиб, унинг онтига қуидағи муборак жумлани қўймогинг фарздир: «Ассалому алайкум».

*Абу Лайс Самарқандий*

Ёпирай, салом кучи алангами, оловми?  
Ўчай деган оловни, қайтадан қилди чаман,  
Суҳбат кўнгилдай тиниб,  
Самимий қиласр давом.

*Ғафур Гулом*

Салом бериш одам учун эминлик ва омонлик демакдир, салом берилса, жон ундан эминлик топади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Дўстлар яхшиларни авайлаб сақланг!  
«Салом» деган сўзнинг салмогин сақланг.  
Ўлганда юз соат йиглаб тургандан,  
Уни тиригида бир соат йўқланг.

*Мақсад Шайхзода*

Салом берувчи алиқ олувчи одамга омонлик беради, алиқ олувчи ундан саломатлик олади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Салом битта сўзки, жавобсиз қолмас,  
Ҳеч қайси тарози уни тортолмас.  
Юрак саломига «алик» олганлар,  
Юракдош, шу учун ёт деб аталмас.

*Маҳсуд Шайхзода*

### **71. Хушмуомалалик ҳақида**

Халқ орасида кимнинг ҳукми равон бўлса, тили ширин,  
ўзи хушмуомала бўлиши керак.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Киши айбин юзига қилма изҳор,  
Тааммул айла ўз айбингға зинҳор.

*Алишер Навоий*

Ҳалимлик оламнинг осойишталиги учун зарурдир.

*Фитрат*

Мулойим такаллум ваҳшийларни улфат сари бошқарур.

*Алишер Навоий*

Боқмас жаҳон совуқ сўз,  
Шилқим, юзсиз баҳилга,  
Ёқимли бўл, хушхулқ бўл,  
Қолсин номинг кўп йилга.

*Маҳмуд Кошгариј*

Одамнинг кўнгли жуда нозик, уни олиш қийин, енгил  
синса, уни олиш Худонинг карами билан баробардир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ўз биродарингни янчилган мушқдан кўра ҳам хушбўй сўзлар билан мақтаб ёд эт, гарчанд у сендан узоқ шаҳарда бўлса ҳам.

*Мажмуд Замахшарий*

Одамларнинг олдида нима десанг, орқасидан ҳам ўшани гапир.

*Мотуридий*

Совуг сўздин бўлур иймон қоронғу,  
Заарадин ўзга йўқтур нафъи борму?  
Ба ҳар жоे тилингни сақла зинҳор,  
Киши тилни ямонидин бўлур хор.

*Сўфи Оллоёр*

Ҳар кимки, чучук сўз элга изҳор айлар,  
Ҳар нечаки ағёрур, ёр айлар.  
Сўз қаттиги эл кўнглига озор айлар,  
Юмшоги кўнгулларни гирифтор айлар.  
Ширин сўз ила ҳалқа марғуб ўлғил,  
Юмшоқ де хадисингнию<sup>1</sup> маҳбаб ўлғил.

*Алишер Навоий*

Яхши муомалани дўст ва душманга баробар қилмоқ лозимдур. Чунки яхши сўз дўстларнинг дўстликларини орттирур. Душманларингни дўстликка айлантирур.

*Мунаввар Қори Абдурашидхонов*

Кишилар доимо сени мақташларини истасанг, феъл-авторингни яхшила, чеҳрангни очиқ тут.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

---

<sup>1</sup> Сўзингни.

Калиди ганжи маъниким забондур,  
Анга бир нуқта кўб бўлса зиёндур.  
Қилур қаттиғ такаллум ўнг ишинг чап,  
Сўзинг тиклаб кўнгил бузгунча тик лаб.<sup>1</sup>

*Сўфи Омлоёр*

Ҳамма нарсанинг асл моҳияти, улуғворлиги ичида  
бўлади, ичи яхши бўлмаса, сирти ҳеч нарсага арзимайди,

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Сучук тилдур ажаб ганжи муazzам,  
Ато қилғон билан ҳеч бўлмагай кам.  
Дема, ҳарфики бўлмаса бемаоний,  
Агар тил заҳрлик<sup>2</sup> бўлса тил они.

*Сўфи Омлоёр*

Кулса киши юзингга,  
Кўрклиқ бўлиб кўрингил.  
Ширин, очиқ сўз сўйла,  
Ёқмоқ учун урингил.

*Маҳмуд Кошгарий*

Ёмон сўзки келиб жонға ургай,  
Ки жондин ҳам ўтуб имонға ургай.

*Алишер Навоий*

Вайрон кўнгулларни карам ганжи била обод қил.

*Огаҳий*

Юмшоқ сўз қалбларни овлайди.

*Алишер Навоий*

<sup>1</sup> Тилингни тий.

<sup>2</sup> Заҳар, аччиқ.

Ҳар ким билан кулиб туриб, очиқ юзлик билан сўзла.

Муҳаммад Ҳусайн

Сўзингни юмшоқ қил – севимли бўласан.

Алишер Навоий

## 72. Оддийлик ва камтарлик

Шамга ўхшагин, токи ҳаммага равшанлик бағишила,  
ўзинг эса қоронгуда бўл!

Баҳоуддин Нақибандий

Ҳилмни (камтарлик ва юмшоқликни) ҳаводис (ҳодисалар) дарёсида кишилик кемасининг лангари деса бўлур ва инсоният мезони тошига нисбат қилса бўлур.

Алишер Навоий

Филнинг кучи сенда бўлса ҳам мўрдек бўл!

Ҳар икки жаҳон мулки билан ўрдек бўл!

Кўрсанг-да ҳаётда айбини ҳар кишининг,

Ҳеч нарсани сезмагувчи бир кўрдек бўл!

Паҳлавон Маҳмуд

Улуғликка етишсанг – янглишма, атлас кийсанг, бўз  
кўйлагингни унутма.

Аҳмад Юғнакий

Бошинг гардунга етса, бўлмагил зинҳор хурсанд,

Ўзингни ҳар хасу хошокдин, эй, банда, камтар тут.

Машраб

Камтарин бўл, ҳатто бир қадам

Ўтма ғуур остонасидан.

Пиёлани инсон шунинг-чун  
Ўпар доим пешонасидан.

*Эркин Воҳидов*

Улуғлик айлама зинҳор, ўзингни камтар тут,  
Бирорда бўлса бу хислат, ажаб саодатдур.

*Хожаназар Ҳувайдо*

Давлат кимга кулиб боқса, камтарлик билан уни қаттиқ  
тутиши керак.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Кўнглим оппоқ на кек ва кийнам бор,  
Душманим кўп валеким мен ҳаммага ёр.  
Мевали дараҳтман ҳар бир ўткинчи  
Тош отиб ўтса ҳам менга бўлмас ор.

*Паҳлавон Маҳмуд*

Одамларсиз яшама, одамлар орасида бўл,  
Одамлар айбини қўрма, ўз айбингни қўр.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

### 73. Мардлик

Ўз нафсига ким бўлса амир, улдир – мард,  
Ҳеч кимсага бўлмаса асир, улдир – мард.  
Ўтмак сира мағлубни тепиб мардлик эмас,  
Тутса қўлидан забунни эр, улдир – мард.

*Паҳлавон Маҳмуд*

Кимки топди мардлик ичра масал,  
Боши кетса, сўзидин кетмас ўшал.

*Рожий Ҳўқандий*

Одамгарчилик, яъни муруват кишининг ўзи, ург-аймоги ва ўз ахволига таъсир этиш билан чегараланади. Мардлик – футувват эса ундан ҳам устун туриб, ўзидан ташқарига ҳам ўтади. Муруватли мард киши ўзидағи ва ўзиники эканлигига ҳеч ким тортишиб ўтиrmайдиган нарсадан бошқасига әгалик қилмайди.

*Абу Райҳон Беруний*

Одамларнинг ботири мушкулотдан қўрқмайди. Камолот ҳосил қилишдан бош тортган киши одамларнинг энг қўрқоғидир.

*Абу Али ибн Сино*

Ўткир қиличнинг бошга тушадиган зарбаси баъзи нодонларнинг ҳукми остида муте-итоатда бўлиб юришдан афзалдир.

*Маҳмуд Замахшарий*

Кимнинг ақли ва шиҷоатини синов тарозусида тортиб кўриб, бошқаларникидан ортикроқ кўрсам, уни тарбия қилиб, амирлик даражасига кўтарар эдим. Сўнгра кўрсатган хизматига яраша мартабасини янада оширап эдим.

*Амир Темур*

Жавонмард шундай кишидирки, унинг олдида мусофир ва муқим баробардир.

*Ҳаким Термизий*

Мардонавор киши мағлуб бўлгани билан унинг марта-баси паст бўлмас, мاشаққату ташвишга гирифторм бўлса-да, хор бўлмас.

*Маҳмуд Замахшарий*

Эр эсанг эрдек юрагинг тишлагин,  
Кечган эранларнинг ишин ушлагин.

*Ҳайдар Хоразмий*

Оlam иши бошида бўлсайди бир мард,  
Номарднинг бошидан чиқаради гард.  
Оlam иши доимо мисли нард ўйин.  
Найранг билан ютади мардларни номард.

*Паҳлавон Маҳмуд*

Ботир бўл, майдоннинг соҳиби – ботир,  
Тулки дадил бўлса шерни қулотир!

*Хожа Самандар Термизий*

Жафо қилувчига вафо қиласвер, вафони мардлар қила-  
дилар, жафо эса номардларнинг ишидир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ўғлим, бул ҳикматни қилгил бошга тож:  
Ҳеч кимса бўлмасин номардга муҳтоҷ.  
Эр йигит қалқондир юртига доим,  
Мангудир Ватанда мардга эҳтиёж.

*Абдулла Орипов*

Ким мард эмас, ул касда ёргулик бўлмас!

*Паҳлавон Маҳмуд*

Минг орзуларига эришиб, ўзини қаттиқ тутувчи киши  
мардларнинг мардиdir.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Мард келдинг, мард кетгил, тоқатинг тоқ бўлса ҳам,  
Ўтма номард кўпригидан сув сени оқизса ҳам.

*Оразий*

Марди майдон шундай одам бўладики, эртаю кеч душманга зарару дўстга фойда келтиради.

*Абу Райҳон Беруний*

Одамларнинг ботири келажакдаги ишлардан қўрқмайди.

*Абу Али ибн Сино*

Баъзан жавонмард киши ҳаддидан ошиб кетади.  
Бунда шу даражага бориб етадики, ўз мулкини бошқага  
беришдан то жонини фидо қилишгача ҳам боради. У бу  
ишни ориятни ўзига олишдан ёки зулмни даф қилишдан,  
қўшничилик ҳақини бажо келтиришдан келадиган роҳат  
учунгина шундай қиласди.

*Абу Райҳон Беруний*

Мардлар одамлар қаторида ўзларини вазмин тутадилар, юз йил тоат-ибодат қилган бўлсалар ҳам, уни оз деб ҳисоблайдилар...

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Мард ва олижаноб кишининг энг гўзал фазилатларидан  
бири ўз биродарининг айбларини бекитиб, унинг барча  
ишларини бамисоли ўзининг ишлари ўрнида кўриб иш тутишидир.

*Маҳмуд Замахшарий*

Марднинг қилмиши унинг сирларидан дарак беради.

*Низомулмулк*

То бор эса ғайратинг, яна бўлсанг мард,  
Уй ичра аёлинг асра юқтирамай гард.

*Паҳлавон Махмуд*

Икки дунё ҳам марду сахийларники, мард бўл, икки  
олам бўлур сеники.

*Низомулмулк*

Эмас мардлик – тургонни йиқса киши,  
Агар келса қўлдин, йиқилғонни турғуз.

*Мунис Хоразмий*

Кўрқмасанг – ёв қочар.

*Амир Темур*

Талтаймагин, эрка бўлиб,  
Йигламагин тўлиб-тўлиб,  
Қолмайсан оч, рангинг сўлиб,  
Мард бўл ёшлиқдан, эй, болам.

*Бердақ*

Қилич ўткир бўлса-да, ўз сопини кесмагай.

*Амир Темур*

Ўз айбини билуб, иқрор қилуб, тузатмакға сайд ва қў-  
шиш қилган киши чин баҳодир, паҳдавон кишидур.

*Абдулла Авлоний*

Азаматлар дадил-дадил давон ош,  
Дадилроқ бўлмасанг, кўздан оқар ёш.

*Бердақ*

Мерган овда билинар, ботир ёвда.

*Амир Темур*

Ёшлиқдан ботир бўлиб ўс,  
Ёв йўлинни доимо тўс.

*Бердақ*

Миллат ҳақида, ватан ҳақида ҳақиқатни айтиш учун  
катта жасорат ва мардлик керак.

*Озод Шарафиддинов*

#### **74. Шижоат ва ғайрат**

Шоядки дейишлик билан иш битмас, ғайрату ҳиммат  
қилмай орзу билан ҳеч ким бир ерга етмас.

*Хожа Аҳрор Валий*

Ғайратсиз киши тирик ўлиқдир.

*Абу Али ибн Сино*

Яхши тингла, ҳиммат қилганлар ўзар,  
Кимки бегамлик қилур, юнгдек тўзар,  
Қилса ғайрат темир арқонни узар,  
Сафда қўрқоқ бўлса, лашкарни бузар.

*Чустий*

Азму жазм билан иш тутдим. Бирон ишни қилишга қасд  
қылган бўлсам, бутун зеҳним, вужудим билан боғланиб,  
битирмагунимча ундан қўлимни тортмадим.

*Амир Темур*

Етар йўл юргали ҳалоки ҳолинг,  
Юрокўр бир қуни кетгай мажолинг.  
Юарга қолмаса вақтики дармон,  
Эмакла қолмасун то ичда армон.

*Сўфи Оллоёр*

Ўз дидинг ва шарафингни сақладиган нарсаларни қат-  
тиқ тут (яъни ол), ўзинг учун қулайроқ, енгироқ бўлган  
нарсани олма, бинобарин, машаққатига яраша савоби ҳам  
бўлади.

*Махмуд Замахшарий*

Камолот ҳосил қилишдан четланган киши одамларнинг  
энг қўрқоғидир.

*Абу Али ибн Сино*

Жаҳон аҳли шижоатникидур.

*Махмудхўжа Беҳбудий*

Ишидин анга ҳосил ўлмас фарог,  
Емай кўп узун кечадуду чарог.

*Алишер Навоий*

## **75. Ростгўйлик**

Оғиз ва тилинг безаги тўғри сўздири, сўзни тўғри сўзла дилингни беza.

*Аҳмад Юғнакий*

Чин сўз – мўътабар, яхши сўз – муҳтасар.

*Алишер Навоий*

Рост айтмоқликни қил энди шиор,  
Ростга ёр ўлгусидур бирубор.  
Рост дею рост иш эт ҳар замон,  
Ёлғон айтмоқликда топарсан зиён.

*Хожа*

Ростгўйлик инсонни улувлар даражасига етказади.

*Алишер Навоий*

Бош кўтариб юрувчи одам жуда кўпдир. Тўғри, ростгўй, етуқ одам эса мен учун азиздир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Бирорким, эрур ростлиқдин йироқ,  
Анингдек киши бўлмағон яхшироқ.

*Алишер Навоий*

Боссин десанг олдинга ишим ростлик ила,  
Касб айла-ю ростликни, рост сўзла ҳар он.

*Убайдий*

Вале барча чин ҳам дегулик эмас,  
Хирадманд чин сўздин ўзга демас.

*Алишер Навоий*

Кескин сўз эшитиб аччиқланмагин, тўғри сўз кескин бўлади, ундан хафа бўлмагин.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ёлғончиликдан четланиб, ростгўйликка ёпишган кишини бошқа одам у ёқда турсин, ёлғончининг ўзи ҳам севиб мақтайди.

*Абу Райҳон Беруний*

Чин сўзни ёлғонга чулгама, чин айта олур тилни ёлғонга булгама.

*Алишер Навоий*

Тўғри сўз аччиқдир, уни ҳазм қилгин, кейин фойдаси тегади, хушнуд қиласди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Димоги саҳих – гуфтори фасиҳ.

*Алишер Навоий*

Гар қилич бошимга ҳам келса дегайман ростин,  
Сўзки ҳақ бўлса, саволимга жавовим ким десун?

*Муқимий*

Инсон бўйтони саломатга, гулзори саодатга ҳаққоният йўли или чаиқар. Инсониятнинг илдизи ўлан раҳмдиллик, ҳақшунослик, одиллик каби энг яхши сифатларнинг онаси ҳаққониятдур.

*Абдулла Авлоний*

Қуёш нурларини беркитиб бўлмаганидек, ҳақиқатнинг чироғини ҳам сўндириб бўлмас.

*Махмуд Замахшарий*

Тўғри сўз киши эркин нафас олади.

*Алишер Навоий*

Танга озуқдур ҳамиша тўғри лафз,  
Миллату тилга хиёнат ўғри лафз.

*Анбар Отин*

Фақат ўз юртини, ўз миллатини яхши кўрган, уни бенуқсон кўришни истаган адигина ҳеч қанақа таъна-дашномалардан қўрқмай, инсон ҳақиқатни рўйи рост тасвиirlайди.

*Озод Шарафиiddинов*

Оқил киши сўздин ўзгани демас, аммо барча чинни ҳам демак – оқил иши эмас.

*Алишер Навоий*

Кўп сўз ёлғоннинг юзини пардозлаш учун керак.  
Ҳақиқат шундай жононки, пардоз унинг ҳуснини бузади.

*Абдулла Қаҳҳор*

Ҳақиқат йўли ҳамиша оғир, уни айтган киши ҳамиша ҳам олқиш олавермайди.

*Абдулла Орипов*

Чиройли лоф-қофдан хунук ҳақиқат яхши.

*Абдулла Қаҳҳор*

Бўлса ҳақиқат гуҳаридин йироқ,  
Ришта сўзин сўзламаган яхшироқ.

*Алишер Навоий*

Мен ҳақиқатнинг кучига ишонаман. Унинг шуъласида гумон ва шубҳалар соядай гойиб бўлиб кетади.

*Ойбек*

Эс-ҳуши жойида ҳар бир одам кўриб-билиб турган ҳақиқатни мен айтмасам, сиз айтмасангиз, бошқа бирор айтмаса, ким айтади?

*Абдулла Қаҳҳор*

Ҳақиқат эгилади, лекин синмайди, дейдилар. Оҳ! Мана шу эгилишида унинг неча-неча қобирғалари синиб, пайлари узилиб кетишини билсангиз эди!

*Абдулла Орипов*

Ҳақиқат қанчалик кўп қаршиликка учраса, кишиларнинг қалбидан шунча чуқурроқ ўрин олади.

*Абдулла Қаҳҳор*

Күёшда табиатнинг юзи ярқирайди, қиёсда ҳақиқатнинг юзи.

*Эркин Воҳидов*

Ҳақиқат олдида бўйин эгиш товбадир, ўзгаси ғовғадир!

*Абдулла Қодирий*

Узоқ юр бўлса ботил, сўзи ёлғон,  
Ҳақиқат тарқатиб кет, бўлса имкон.

*Абу Наср Форобий*

Инсофдан кўчат эк, кўкарса агар,  
Меваси ҳақиқат, ростгўйлик бўлур.

*Шуҳрат*

Дарвеш умр бўйи чекиб ғам, заҳмат,  
Дунёда ҳақиқат ахтарди фақат.  
Бир кун ўраб деди уни оломон:  
Ҳақиқат ўзинг-ку, ўзинг ҳақиқат!

*Абдулла Орипов*

Тўғри ва ҳақ йўлдан юрган кишининг юриши арслон  
юришидан кўра ҳам маҳобатлироқ (ҳайбатлироқ)дир.

*Маҳмуд Замахшарий*

Рост айт, сўзлама ёлғон,  
Бу дунё узоқ – йўл отангдан қолган,  
Юрап бу замонда фақат ақл олган,  
Яхшилар хизматни қилар ҳалқ учун.

*Бердақ*

Қасд ила ёлғон демади ростгўй,  
Чин демади саъй ила кazzобхўй.

*Алишер Навоий*

Тилию дили тўғри ва ҳақгўй бўлган одамнинг хатою  
нуқсони кам бўлади.

*Маҳмуд Замахшарий*

## 76. Тўғрилик

Тилинг бирла кўнглингни бир тут.

*Алишер Навоий*

Тўғрилик шундай бир бойлиқдирки, унинг турган-бит-  
гани хайр ва нафdir, бу нафи туфайли одамнинг ҳаловати  
мангу бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Тўғрилик учрамас ҳечам балога,  
Сарв қуриса ҳамки ярап асога.

*Сайдо Насафий*

Қайси нарса тўғри бўлса, ўша нарса соз бўлади. Барча  
соз нарсалар моҳияти тўғри бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ростдир улким, назари тўғридир,  
Ким илиги эгридур ул ўғридир.

*Алишер Навоий*

Тўғри бўл, тўғрилик қил, йўриқларингни тўғри тут,  
шунда ёмонлар ва эгрилар тўғри йўлга кирадилар ва  
йўриқларини ўзгартирадилар.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Тўғрилик одам учун жуда керакли сифатдир, у одамий-  
лик демакдир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Одам ўз кунлари фароғатли бўлишини истаса, фароғат  
ва эминликни тўғрилиқдан истасин.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Хаётнинг гаройиб парадоксларидан бири шуки,adolat учун изчил курашадиган, ҳақиқат йўлида ўзидан кечишга тайёр турадиган, ўзидан ҳам, бошқалардан ҳам бирдай мурросасизлик билан тўғрилик ва ҳалолликни талаб қиласидиган одамлар ҳаётда камдан-кам ҳолларда замондошларининг олқишига сазовор бўладилар.

*Озод Шарафиддинов*

Ёмонларга аралашма, тўғри юргин, тўғрига ҳам, эгрига ҳам бирдек ажрим қиласидиган ҳақиқат куни бордир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ёйни эгри кўриб, тўғрилигидан ўқ ундан қанчалик қочганига боқ.

*Паҳлавон Маҳмуд*

Тўғрилик, ҳаё ва хушфеъллик учаласи бир одамда жам бўлса, бу олам-олам севинч демакдир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Қайси бир тўғри нарса оғадиган бўлса, рост турмайди, йиқилади. Ҳар бир тўғри нарса йиқилмайди, рост туради.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Беқарор бўлма, тўғри тур, кўнгилни тўғри тут, тўғри икки олам ҳақиқатини топади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ким эгри эса тузлук эмас пояси ҳам,  
Бори ўзиdek эгри суду сармояси ҳам.

*Алишер Навоий*

## 77. Ҳалоллик ва поклик

Агар бор эса поклик нияти,  
Анга ёр ўлур поклар ҳиммати.

*Алишер Навоий*

Одамларнинг яхиси ҳалол мол-дунё топса, у икки дунё  
неъматларини қўлга киритган бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ўзи поку кўзи покни инсон деса бўлур.

*Алишер Навоий*

Ҳалол-покиза киши доимо хотиржаму тинчликдадир,  
бирорвга хиёнату ёмонлик қиласиган киши эса ҳалокатга  
гирифткордир.

*Махмуд Замахшарий*

Агар бор эса поклик нийяти,  
Анга ёр ўлур поклар ҳиммати.  
Керак оғзи поку сўзи даги пок,  
Яна кўнгли поку кўзи даги пок.

*Алишер Навоий*

Ҳалол киши учун, яъни ахлоқи мустаҳкам киши учун  
истаган эшикнинг зулфинидан қоқишга ижозат.

*Ғафур Гулом*

Пок гавҳарки, пок бўлди шиор,  
Шоҳлар боши устида ери бор.

*Алишер Навоий*

Поклик зеҳну идрокингни кенг ва ўткур қилур. Халқ орасида эътибору шухратга сабаб бўлур.

*Абдулла Авлоний*

Ўқубдурсан агар холис маъоний,  
Юрак қони илан осори қони?  
Агар қилдинг мұяссар илм ишидин,  
Аёғинг босма эгри, кўр кишидин.

*Сўфи Оллоёр*

Ҳур киши сабрли бўлиб, ёмон манбалардан жирканади.  
У оғир чанқоқлик уни қийнаганда ҳам ҳаром сувларни  
ичишдан ўзини тияди. Агар ҳалол нарса топмаса ҳам, ҳа-  
ром унинг ҳузурида олдинга ўтиб кетишидан сақланади.

*Маҳмуд Замахшарий*

Одамийнинг яхшироғи улдурким, порсову<sup>1</sup> пок бўлгай  
ва ҳақ сўзни айтурда беваҳму<sup>2</sup> бок бўлгай.

*Алишер Навоий*

Ҳаром оз бўлса ҳам кўбдур ямони.

*Сўфи Оллоёр*

## 78. Озодалик

Сиймонг гўзаллиги ва юзинг чиройи ойнинг тулуъ  
(чиқиши) кечасидан бир белги каби дилу кўнгилларга  
шоддик бахш этар.

*Маҳмуд Замахшарий*

Инсоннинг баданида дастлаб кўзи тушадиган нарса  
унинг териси ва юз кўриниши – ташқи қиёфасидир.

<sup>1</sup> Ташқи кўриниши чиройли, тақвоси чиройли.

<sup>2</sup> Гумонсиз, шак-шубҳасиз.

Агарда инсон ўз сувратини ўзгартыришга ожиз бўлса ҳам, ҳарҳолда у ҳеч маҳал ўз терисини тоза сақлашга ожизлиқ қиласаслиги керак.

*Абу Райҳон Беруний*

Озодалик тан сиҳатни ҳимоя қилиб, умрни узайтиради.

*Фитрат*

Кимки тозалик ва покизаликка ўз ихтиёри билан берилб, уни тутишга қодир бўлолса, у маъмурчиликка эришади. Кимда-ким тозаликка эришолмаган бўлса – фақирликда умр кечиради.

*Абу Райҳон Беруний*

## **79. Яхшилик**

Кимнинг феъл-автори эзгу бўлса, ўша тирик бўлади, кимнинг феъли ёмон бўлса, у тириклигигидаёқ ўлган бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Бу гулшан ичра йўқдур бақо гулига сабот,  
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от.

*Алишер Навоий*

Яхши киши қўлидан ёмонлик келмайди, ёмон киши эса яхшилик қайтариш учун жавоб топа олмайди.

*Аҳмад Юғнакий*

Агар икки олам баҳтига эришиш мақсадинг бўлса, унинг чораси эзгулик қилишдир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Либос ҳар нечаким зебодур, кийганингдин кийдургагининг авлодур.

*Алишер Навоий*

Дунё ўтиб кетади, аммо эзгу феъл ўлмайди-ўчмайди,  
эзгу қилиқ билан эзгу йўриқ мангу қолади, сўнмайди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Буюк ғамхўрликнинг буюк масъулияти ҳам бор. Сен  
 билан биз буни унумаслигимиз керак.

*Эркин Воҳидов*

Хўб эл била суҳбат тутубон хўб ўлғил,  
Яхшини талаб қиласи матлуб ўлғил.

*Алишер Навоий*

Яхшилик ҳаммага бевосита севимли, агар шундай бўл-  
маганда эди, ҳар ким ўзи истаган, ёки орзу қилган ёки ўзича  
яхшилик деб тасаввур қилган бирор нарсасини ўз олдига  
мақсад қилиб қўймаган бўларди.

*Абу Али ибн Сино*

Ким ўз манфаатини бир ёқقا қўйиб, мешаққатлар билан  
ўзгаларнинг манфаатини кўзласа, кишиларнинг эзгуси  
уша бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил,  
Ҳам жонларига моя-йи дармон бўлғил.

*Алишер Навоий*

Қанча йиллар ўтмасин эзгулик қаримайды, ёмонлик  
қанча эъзозланмасин, бари бир азиз бўла олмайди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Имкони бор ҳар бир яхшилик – сўз орқалидир.

*Алишер Навоий*

Хайр қилмай ўзни одам чоғлама,  
Сен қозонинг асло сувга боғлама.

*Рожий Ҳўқандий*

Нечаким тўнни риоят била кийсанг, эскирур, чунки  
кийдураунг ялангга, уфрамас тўн ўлдурур.

*Алишер Навоий*

Яхши кунда янги-янги тилакларини топади, ёмоннинг  
мунги кунда юз чандон ортади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Яхшидин ёмонлар ҳам ёмонлиқ кўз тутмас,  
Яхши ёмонларга ҳам яхшилиқни унутмас.

*Алишер Навоий*

Агар яхшилик уни амалга оширувчи учун қандайдир  
мақсадни кўзлаб қилинаётган бўлса ёки мажбурий ра-  
вишда қилинаётган бўлса, уҳолда яхшилик бўлмай қолади,  
чунки комил яхшилик доимо мажбуриятсиз, бирор нар-  
санинг эвазига қилинмаган яхшилиқдир, бундан чиқди у  
чинакам яхшилик саналади.

*Абу Али ибн Сино*

Яхшилик учун курашиш, яхшиликка интилиш, яхши  
нарса яратиш ва осуда яшаш – мана, инсон нима демакдир,

мана, инсон ҳаёти, умри ва жамиятининг асл маъноси нимадан иборат!

*Воҳид Зоҳидов*

Асил кишилар яхшиликни унутмайдиган бўладилар,  
одам боласи қўнглини олиш эса жуда ҳам қийин.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Улуглигинг ошса агар, хушхулқ бўлгил.

Бек ёнида халқлар учун хўб иш қиласи.

*Махмуд Кошгарий*

Гар топай десанг ҳаводисдин<sup>1</sup> омон,  
Яхшига яхши, ёмонга бўл ёмон.

*Рожий Ҳўқандий*

Агар яхшининг йўлдоши ёмон бўлса, яхши ҳам ўша ёмон тенгида ёмон бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ўғлим, ҳақ дегани қўллагил фақат,  
Парвоз қилар бўлса – осмони бўлгил.  
Ёвузликка қарши қудратинг кўрсат,  
Одаммисан, эзгу ишдан қўл узма,  
Нокасларга шафқат қилма, қўл чўзма!  
Яхшиларнинг елкасида бу олам,  
Яхшиликни ният қиласин ҳар одам!

*Шуҳрат*

Мудом эзгуликнинг посбони бўлгил.

*Абдулла Орипов*

---

<sup>1</sup> Ҳодисалардан.

Хўб йиртуқ тўн била ҳам хўб, гул ямоғлиқ чопони била маҳбуб.

*Алишер Навоий*

Эй банда, сира бермагил озор кишига,  
То бор экан умринг, бўлавер ёр кишига.  
Қил андиша – ҳеч дилни гирифтор этма,  
То ногоҳ ўзинг бўлма гирифтор кишига.

*Убайдий*

Яхши била туриб ёмонлар ичига кирса, уларга аралашса, ёмонларнинг яхши бўлишларига йўл очади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Яхшини – ёмон кунда сина.

*Амир Темур*

Ёрдам беришнинг гўзаллиги ундан кишининг тасалли топишида кўринади.

*Абу Али ибн Сино*

Яхшиларни ўтқаз уйнинг тўрига,  
Тан бер, инсонларнинг асл – зўрига.  
Ва лекин ҳеч қачон топшира кўрма,  
Донони нодонга, қўйни бўрига.

*Абдулла Орипов*

Оқ сут билан кирган яхши феъл, то ўлгунча ўзгармайди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ёмон била яхши орасида фарқдур,  
Икки кеманинг учин тутган гарқдур.

*Алишер Навоий*

Бу дунёning ҳаловати билан бир қаторда эзгу ном ҳам бор, ҳаловат бу дунёликдир, эзгу ном эса у дунёликдир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Яхшилиққа ўргангандын бир бандада осонлиқ билан ўз яхшилигини қўймайдир.

*Абдулла Қодирий*

Бор-йўғи бир тутам бу ҳаёт тугайди, олқинади, одам яхши бўлсин ёки ёмон бўлсин ўзидан кейин номи қолади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Дунёда яхшилиқдан кўра оғир юк йўқ. Чунки сенга яхшилиқ қилган киши сени боғлаб қўйган бўлади, ёмонлик қилса, сени ўз ҳолингга эркин қўйган бўлади.

*Ҳаким Термизий*

Эзгу одам ҳамма ерда ҳам эзгулик топаверади, эзгулик-нинг эвази ҳамиша эзгулик бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Яхшилик тухмини сочқилким, будур деҳқонга сўз:  
Ҳар неким, эктинг бугун, ёрин ҳамон тут ани кўз!

*Алишер Навоий*

Яхши феъл билан кишилар кўнглини олиб, ўзингни ёмон қилиқлардан сақдаб яша.

*Аҳмад Юғнакий*

Одам яхшилик учун ширин жонини беради, бир яхшиликка жавобан ўн яхшилик қилади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Бори элга яхшилиф қиласилки, мундин яхши йўқ –  
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиф!

*Захириддин Муҳаммад Бобур*

Эзгу ҳаловат истасанг, кел, ўзинг эзгу бўл, чексиз неъматлар ичида сенга мангулик насиб бўлсин.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Яхшидин бўлмас ёмон асло тўқуш,  
Келмагай лочин уйидин бойқуш.

*Рожий Ҳўқандий*

Эзгулик – бу ҳақиқий тириклиkdir, агар билсанг тириклик – бу эзгуликdir.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Бир гариф кўнглини шод айласанг,  
Йўл босиб, Каъба сари бормоқ бефойда.

*Хожаназар Ҳувайдо*

Ки ҳар ким аён этса яхши қилиқ,  
Етар яхшилиқдин анга яхшилик.

*Алишер Навоий*

Одамларнинг сарвари ва энг яхши одам ким? У – одамларга доимо одамгарчилик қилувчи кишиидир.

*Юсуф ХосХожиб*

Жаҳонда яхшилик инсон юзига зийнатдур,  
Набот берса, заққум бил, бари ямондин кеч.

*Дилишоди Барно*

Ким яхшилик қиласа, яхшилик топади.

*Юсуф ХосХожиб*

Қил яхшилигу, демакни дохил қилма,  
Миннат била яхшилиқни ботил қилма.

*Алишер Навоий*

Одам меҳр-шафқатли бўлиши, меҳри ийиб, иноят билан  
яхшига ҳам, ёмонга ҳам карам кўрсатиши керак.

*Юсуф ХосХожиб*

Хайр мұяссар гар эрмас эл била,  
Нафъ текурмак ҳам ўлур тил била.

*Алишер Навоий*

Бирорга яхшилик қилганингда ўзинг ҳузур қилсанг,  
кўнглинг чароғон бўлса, яхшиликнинг аҳамияти ана шу  
билан белгиланади. Яхшиликнинг катта-кичиги бўлмайди.

*Абдулла Орипов*

Сўз била нафъ ўлмаса эл пешаси,  
Яхши керак кўнглида андешаси.

*Алишер Навоий*

Тирик одам боласи фойда келтирадиган бўлиши керак,  
фойдасиз киши туғилса, унинг яшаганидан кўра ўлгани  
яхшироқ.

*Юсуф ХосХожиб*

Фараз билан қилингган яхшилик ёмонликдан фарқ қил-  
майди.

*Абдулла Қажхор*

Улки, ушатур босибон шишани,  
Килмас оёқ захмидин андешани.

*Алишер Навоий*

Сени ким сўкса, сен уни мақтагин, ўшандা у ярамас,  
тубан, сен яхши одамлар қаторида бўласан.

*Юсуф ХосХожиб*

Сенга эзгулик кўрсатган кимсага эзгулик қилгин.

*Махмуд Замахшарий*

Агар сен ёмон хислатдан покланган бўлсанг,  
Жаҳон халқи билан адабда бўл.  
Худо олдида унга яқин банда бўлмоқ учун,  
Жаҳоннинг яхши-ёмон (одамлар)ига  
мехрибонлик билан қара.

*Абдулхолиқ Гиждувоний*

Ҳаётни зое кетказмасдан эзгулик қилишга интил, эз-  
гулик келгусида егулик ва кийгулик бўлади.

*Юсуф ХосХожиб*

Улки, зарар шевасини тавр этар,  
Элга демаким, ўзига жавр этар.

*Алишер Навоий*

Агарчи олама сандин тегар нафъ,  
Ўзунгдин қилма туфроғ отини рафъ.  
Отанг ердур, санам ердек қилиқ қил,  
Ёмонлиғ айлагонга яхшилик қил.

*Сўфи Оллоёр*

Эзгу бўлсанг мақтовга лойиқдирсан, агар ёмон бўлсанг  
таҳқирга маҳкумдирсан, эй латиф.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Кўнглимизга қўнмас бирордан губор,  
Биздан ҳам бирорга етишгай озор.

*Паҳлавон Маҳмуд*

Яхши феъл билан одамлар кўнглини олиб, ўзингни ёмон  
қилиқлардан сақлаб яша.

*Аҳмад Юғнакий*

Эзгулик қаримайди ҳам, бузилиб-айнимайди ҳам, унинг  
умри узун, номи ҳам безавол ва мангудир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Одамийга ёмон айб шуки, ўзига зиён етказадиган нар-  
сага эришганига шод бўлгай.

*Ҳаким Термизий*

Фақат яхшилик қил, ёмон ишдан узоқ юр, сенга ҳам  
фақат эзгулик эваз бўлиб келади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ғаріб, фақир, етимларни қилғил шодмон,  
Таом топсанг, жонинг била қилғил эҳсон.

*Аҳмад Яссавий*

Эй, хушхулқли, ҳеч ёмонлик қилма, амалда ва сўзда  
фақат яхшилик қил.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ҳожат чиқаришни буюк амал, деб бил.

*Мотуридий*

Халқни бошқариш шарафига эришсанг, амалда ва сўзда  
фақат эзгулик қилгин.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Сенга иши тушган одамни ранжитма.

*Мотуридий*

Яхшилик қилиш моҳияттан юксалиш ва қадр топишдир.  
Аммо бу иш ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Хушо<sup>1</sup> оқилки, айлаб яхшилик бунёдини маҳкам,  
Ўтар бу дайри фонидин ўзини некном айлаб.

*Нодира*

Одам яхши ном билан олқиши олади, ёмонлик билан ном  
чиқарган одам ўлса қарғиш топади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

---

<sup>1</sup> Қандай яхши.

Хар кимдан яхши қоида қолган бўлса, анинг била амал қилмоқ керак, агар ота ёмон иш қилғон бўлса, яхши иш билан бадал этмоқ керак.

*Захириддин Муҳаммад Бобур*

Нима асил бўлса, ўша сара бўлади, яхшилик барчага ярашади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Кўнглунгни арит барча ёмон хислатдин,  
Ким яхши қилиф далил эрур раҳматдин.

*Алишер Навоий*

Ким яхшилик қилса, ўзи ҳам яхшилик кўради.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Агар яхшилик кимга афъолдур,  
Жазоси анинг ганжи иқболдур.

*Алишер Навоий*

Яхшилик қила олмасанг, борий ёмонлик ҳам қилма. Яхшиликни ёмонлигдин яхшироқ билмасанг, борий ёмонроқ ҳам бўлма. Яхшиликни билмасанг, яхшиларга қўшул, яхшилик теграсида эврула олмасанг, яхшилар тегрисида эврул.

*Алишер Навоий*

Шўр тупроқ ерда сунбул битмайди, ундай ерда умид уругини нобуд қилма. Шунга ўхшаш, ёмонларга яхшилик қилиш ва яхшиларга ёмонлик қилиш ҳам ўрнида бўлмайди.

*Захириддин Муҳаммад Бобур*

Бу сўзни аҳли ҳикмат дебдуурүр хўб:  
«Ямондин оз беҳқим, яхшидин кўп».

*Алишер Навоий*

Нафъ тегурмакки, шиор айладинг,  
Ўзунгга ул нафъни ёр айладинг.

*Алишер Навоий*

Яхшиликларга – яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим.

*Амир Темур*

Мазлумга баҳшойиш кўргузки, золимдин осойиш кўргайсен.

*Алишер Навоий*

Яхшилик қилсанг, бўлур жонинг омон,  
Яхшиликдан ҳеч киши қилмас зиён,  
Яхши сўз бирлан илон индан чиқар,  
Сўз ямон бўлса, пичоқ қиндан чиқар.

*Абдулла Авлоний*

Киши агар киши бўлса ўзин киши демагай,  
Қилурда ҳеч ишни ҳам киши иши демагай.

*Алишер Навоий*

Ўз умрингда битта юлдуз ёқ,  
Бир юлдузки, нурли ва порлоқ.  
Ҳеч бўлмаса битта чироқ ёқ,  
Қоронгулик силжисин йироқ.

Гар яхшилик келмас қўлингдан,  
Яхши ният қилгил дилингдан!

*Шуҳрат*

Икки қадам ёнғунча еткач алам  
Саъй қил-у, илгари қўйгили қадам.

*Алишер Навоий*

Яхшилик томонда бўлгин. У жуда серҳосил водийдир.

*Мажмуд Замахшарий*

Тосанг<sup>1</sup> неча шаҳар узра шаҳлик,  
Фақр аҳлига айла хокраҳлик.

*Алишер Навоий*

Яхши манбадан фақатгина яхшилик келади.

*Мажмуд Замахшарий*

Хушо улки, умрин табоҳ этмади,  
Қилур ишларин қилмайин кетмади.

*Алишер Навоий*

Иzzат-икром, обрў-эътибор истасанг, яхшилик қил.

*Мажмуд Замахшарий*

Яхши сўз бирла ҳожат аҳдин сўр,  
Бермасанг яхши тўъмадин нафаقا.

*Алишер Навоий*

Хайрли ишлар қолади, ёмон ишлар эса ўтиб кетади.  
Сен икки икки иш ўртасида турибсан. Бир соатлик лаззат

---

<sup>1</sup> Топмоқ

ва ундан кейин афсус-надомат. Иккинчиси, бир соатлик мاشаққат, унинг кетидан абадий фаровонлик.

*Маҳмуд Замахшарий*

Яхшилиқдин топса нишон ҳамсұхбат,  
Берур санга осойиши жон ҳамсұхбат,

*Алишер Навоий*

Савоб ишларинг сенга шириң мевалар беради.

*Маҳмуд Замахшарий*

Яхшилиқ ва ямоналиқни ким қилдиким, жазо күрмади.

*Алишер Навоий*

Яхши бўлсанг муродингга етарсан,  
Неча манзил, хавфли жойдан ўтарсан,  
Ёмон бўлсанг, оҳу фифон этарсан,  
Ёмонни учратсанг дафъ қил халқ учун.

*Бердақ*

Қилма ул ишким етиб нуқсон санга,  
Охири бўлгай вуболи<sup>1</sup> жон санга.

*Алишер Навоий*

Яхшилиқ қил, элинг билсин,  
Доим олқишиб айтиб келсин,  
Душманинг жуванмарг бўлсин,  
Лекин, кўз бўйяма, болам.

*Бердақ*

---

<sup>1</sup> Қийинчилик

Ямон-яхшини Тенгридин англагил,  
Ямонни ямон, яхшини яхши дегил.  
Ямонни агар яхши қилсанг гумон,  
Эрур яхшини ҳам дегандек ямон.

*Алишер Навоий*

То ўлгунча тўғри сўйла,  
Отангни, онангни ўйла.  
Яхшига яхшилик айла,  
Бу одамзот нақши, болам.

*Бердақ*

Яхши бўл ё ямон, иккиси бўлурмен деган ҳамону ямон  
ҳамон.

*Алишер Навоий*

Ўйламаслик кети вайрон,  
Ахир қиласар сени вайрон,  
Тенгинг билан согил сайрон,  
Душманни аяма, болам.

*Бердақ*

Эзгулик, хайрли ишларга астойдил кириш, уларни пай-  
салга солиб, кейин қиласарман деган ўй-фикрлардан воз кеч,  
шайтон йўлдан урадиган шошма-шошарлик билан эмас,  
тафаккур ва идрок билан иш тут.

*Маҳмуд Замахшарий*

Кулиб боққан кишиларга сочмагин кул,  
Яхшиликка улар учун табассум қил.

*Маҳмуд Кошгариј*

## 80. Саховат ва ҳиммат

Халқнинг етути сахий кишидир, сахийлик шараф, марта ва камолотингни орттиради.

*Аҳмад Юғнакий*

Сахий ҳам сахийликни хоҳлайди.

*Маҳмуд Замахшарий*

Севимли нарсаларга машаққат билан ва яхшиликка эса ўзига севимли бўлган нарсаларни (бировга) сарф қилиш билан эришилади.

*Абу Райҳон Беруний*

Шаҳфа ҳиммат паст агар берди Худо,  
Хушроқ ондин ҳиммати олий гадо.

*Алишер Навоий*

Яхшиликларнинг энг фойдалиси садақадир.

*Абу Али ибн Сино*

Саховат шундай бир буюк сифатки, уни доимо мақтов ила ёд этурлар.

*Маҳмуд Замахшарий*

Иzzати ҳаддин кам эса, хўб эмас,  
Ҳаддидин ортуқ дағи марғуб эмас.

*Алишер Навоий*

Кимки эҳсон қилди, ул топди нажот,  
Қой оғиз<sup>1</sup> ейдур ҳам ул чекти ўёт.

*Рожий Ҳўқандий*

---

<sup>1</sup> Қайси бир

Очиқ юзлик, раҳм-шавқат билан халқни ўзимга ром қилдим.

*Амир Темур*

Бергали олмоқ ишидин бўл йироқ,  
Бермак учун олмағонинг яхшироқ.

*Алишер Навоий*

Одам ҳам ғўзага ўхшаб, офтобга интилади, унинг офтоби одамдан кўрадиган меҳр-оқибати.

*Абдулла Қаҳҳор*

Кишида барча ахлоқи ҳамида  
Чу жамъ ўлди, қўярлар отин эҳсон.  
Бири андин саходур, бири мурувват,  
Булар гар йўқтур, инсон эрмас инсон.

*Алишер Навоий*

Ҳавосиз яшаб бўлмаганидек, меҳр-мурувватсиз ҳам яшаб бўлмайди.

*Озод Шарафиддинов*

Инсонлардаги гўзаллик ҳиммат туфайлидир, ёмон нафснинг жазоси ҳам ҳимматдандир.

*Алишер Навоий*

Одамнинг сиртию ботини (ичи) тўгри, саломат ва тузук бўйса, унинг зоҳири (ташқариси) ҳам саҳий ва салим бўлур.

*Махмуд Замахшарий*

Одамининг зеби ҳимматдин дуурү,  
Нафснинг таътиби ҳимматдин дуурү.

*Алишер Навоий*

Агар тош чайнаса элдин чиқиб тош, –  
Кишига эгмагай ҳимматли қул бош.

*Сўфи Оллоёр*

Ҳимматсиз киши эр сонида эмас,  
Ва руҳсиз баданни киши тирик демас.

*Алишер Навоий*

Мехрнинг отаси яхшилик, онаси муҳаббат, инсонийлик.  
*Озод Шарафиддинов*

Бироким анга ҳиммат ўлди баланд,  
Этур одам аҳди аро аржуманд.

*Алишер Навоий*

Нарса улашиб бериш саховат эмас, бутун бор-йўғини  
ва жонини бағишлаб юборадиган одамгина сахийдир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ўзунгни зебо либос хаёлидин ўткар, либос-и зеболигни  
тиласанг, бир ялангочни буткар!

*Алишер Навоий*

Ўзинг эзгу номли бўлайин десанг, имкон борича сахий  
бўлишга ҳаракат қилгин.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Сахий одам халқقا мол-дунёни сувдек оқизиб улашса,  
халқ унинг теварагига сувдек оқиб, йиғилиб келади.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Хайр-саҳоват ва фазилат соҳибининг фарзанди ҳурмат  
ва шону шарафга сазовор ва муносибдир, чунончи дур  
(инжу) садафга қараганда юқори даражададир.

*Маҳмуд Замахшарий*

Сахий – муҳтожга керак вақтда ёрдам берадиган инсон.

*Абдулла Орипов*

Тилингдан чиққан садақа (яъни панду насиҳатинг ва  
мавъизаю ҳасананг) баъзан қўлингдан (мол-дунёнгдан)  
чиққан садақангдан кўра хайрлироқдир.

*Маҳмуд Замахшарий*

Бўса бергил ушбу мискинга закот,  
То жаҳоннинг ичра қолсин яхши от.

*Ҳофиз Хоразмий*

Кенг тутгил кўнглинг, ўл соҳибтамиз,  
Қирқ кишига етган эрмиш бир майиз.

*Рожий Ҳўқандий*

Бугунги дунёда ёвузликка қарши турадиган, муқаррар  
тарзда ундан ғолиб келадиган құдрат бор – бу муҳаббатдир,  
бу меҳрдир.

*Озод Шарағиiddинов*

Ҳар ғанийки, тириклигида эҳсонидан кўнгулларни шод қилмагай, ўлганидин сўнг ани кимса дуо била ёд қилмагай.

*Алишер Навоий*

Юмшамас кўнгилни сахий юмшатади, етиб бўлмайдиган муродга сахий киши эриша олади.

*Аҳмад Юғнакий*

Эҳсон тириклиқда яхши отдуур, ўлгандан сўнг дўзах азобидин нажотдур.

*Алишер Навоий*

Дунёда умри қисқа бўлган киши яхши ном қолдириб, узоқ яшаб турганини кўр.

*Аҳмад Юғнакий*

Умрингки, ўтар экан, мурувват айла,  
Қўлингки, тутар экан, саховат айла.  
Ўз ҳосилини ўзи ўрап ҳар кимса,  
Бас, парвариши учун риёзат<sup>1</sup> айла.

*Абдухолиқ Гиждувоний*

Кишиларнинг муҳаббатини ўзингга жалб қилмоқчи бўлсанг, сахий бўл, саховат сени севикли қиласди.

*Аҳмад Юғнакий*

Ётларни сийлаганнинг юзи ёргуф бўлади, мусофиirlарни сийлаганнинг шуҳрат-таърифи атрофга ёйилади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

---

<sup>1</sup> Риёзат – ранж, машаққат.

Саховат, одамийлик, манфаат бериш ва эзгуликлар қилиш фақат яхши кишиларнинг хислатидир.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Саховатсиз киши – ёғинсиз абри баҳор...

*Алишер Навоий*

Сахийлик жуда яхши хислат, уни ҳеч қўймаслик керак, лекин ўзганинг моли билан сахийлик қилмаслик ҳам керак.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Уч нарсани уч нарсадан топиб бўлур: сабрдан нажот ва саховатдан улуғлик ва адолатдан фатҳу зафар.

*Хожа Аҳрор Валий*

Саховатсиз киши бирла гавҳарсиз садафнинг ҳукми бир.

*Алишер Навоий*

Улуғлик тиласанг сахий бўл.

*Сайфи Саройи*

Ким истаса салтанат, саходур анга шарт,  
Хар ваъдаки айласа, вафодур анга шарт.

*Алишер Навоий*

Ҳиммат ва саботи бўлмаган миллатнинг ҳаққи ҳаёти йўқдир.

*Абдурауф Фитрат*

Ўз вақтидан кечикиб берилган инъом-эҳсон маҳкам  
тортилган занжир мисоли қаттиқ бўғувчиdir.

*Маҳмуд Замахшарий*

Ярим товоқ ошки, топарсан насиб,  
Ярмини берки, есун бир гариб.

*Ҳайдар Хоразмий*

Муҳтоj одам ҳар бир нарсадан ҳожати чиқишини  
ўйлади.

*Маҳмуд Кошгариy*

Бийиклик келди ҳимматдин нишона –  
Ки, ҳимматсизни паст этди замона.

*Алишер Навоий*

Ҳар куни дастурхонингни очиб қўй. Кимнинг оламда  
номи қолган бўлса, унинг саховатидан қолган.

*Низомулмулк*

Соҳибҳиммат муфлислиқ била паст бўлmas, ҳимматсиз  
ганж топса, бийикларга ҳамдаст бўлmas.

*Алишер Навоий*

Ҳар кимнинг нонини ема, аммо ҳаммага нон бер.

*Мотуридий*

Саховатпешалар миллат учун пул-молларини сарфлаб,  
бир неча баробар зиёда мукофот олурлар.

*Фитрат*

Ани англа муфлиски, йўқ ҳиммати,  
Чу йўқ ҳиммати, йўқ анинг ҳурмати.

*Алишер Навоий*

Олижаноб ва ҳимматли одамнинг гўштини ҳасад аҳли  
еиди, гўё қурт-қумурсқалар арслон боласини егани ми-  
соли.

*Маҳмуд Замахшарий*

Одамий бадандур, ҳиммат анга рух,  
Ҳиммат аҳлидин оламда юз минг футух.

*Алишер Навоий*

Олмоқу бермак била хуштур жаҳон,  
Олгину бергинки буудур қути жон.

*Ҳайдар Хоразмий*

Неъматию муруввати доимий бўлган зотга итоату изм  
биддириш вожибдир.

*Маҳмуд Замахшарий*

Сахийлик (қўли очиқлиқ) кишилик боғининг ҳосил-  
дор дараҳтидир, балки у дараҳтнинг ширин мевасидир,  
одамгарчилик ўлкасининг тўлқинли дарёси, балки у тўлқин  
дарёсининг асл гавҳаридир.

*Алишер Навоий*

Кимники қўлидан хайр-баракали ва пурҳикмат ишлар  
келмаса, унинг наسابининг шарафлиги-ю, улуғлиги фойда  
келтирмас.

*Маҳмуд Замахшарий*

Муруват барча бермақдур, емак йўқ,  
Футувват барча қилмақдур, демак йўқ.

*Алишер Навоий*

Инсон эҳсони билан, эҳсон султони билан, султон замони билан, замон имкони билан, имкон эса маконини белгилаб бериши билан.

*Ал-Хоразмий*

Карам биронинг машаққат тикани оғирлигини кўтармоқ ва уни тикан учидан гулдек очилмоқ ва қилинган ишни қайтиб тилга келтирмаслик, оғзига олмаслик, кишига миннат қиласлик ва унинг юзига солмасликдир.

*Алишер Навоий*

Саховат баҳил ҳамда зиқналиқ билан сарф қилиш ўртасида туради.

*Абу Али ибн Сино*

Бирта<sup>1</sup> ўтмакни икки бўлуб бир очқа берганни сахий де,  
Ўзи емай барини муҳтоҷқа берганни сахий де!

*Алишер Навоий*

Саховатли (киши) буғдой сотиб олмайди, яхшиликни харид қиласди.

*Ал-Хоразмий*

Инсоният боғининг дилписандроқ шажари ҳам эҳсондур ва одамийлик гулининг аржумандроқ гавҳари ҳам эҳсондур.

*Алишер Навоий*

---

<sup>1</sup> Битта.

Неча оқсоқ одамларни кўрдимки, илм-фазилат бо-  
бида юқори погоналарга (даражаларга) кўтарилиганлар.  
Шунингдек, қанчадан-қанча соғлом оёқдиларни кўрдимки,  
хайр-эҳсон йўлида бир қадам ҳам босмаганлар.

*Маҳмуд Замахшарий*

Мол ўлуб, гар йўқ кишининг ҳиммати,  
Маъни аҳли олдида йўқ иззати.

*Алишер Навоий*

Кулар юз била ато  
Сахо устига сахо.

*Алишер Навоий*

Ани даги дема сахийким, киши  
То тиламас, бермак эмастур иши.

*Алишер Навоий*

Ёрутур обод ила вайронани меҳр-и мунир.

*Алишер Навоий*

Дунёдаги инсонлар меҳр ва муҳаббат соясинда яшарлар.

*Абдулла Авлоний*

Кишиким ичса ҳиммат базмидин жом,  
Топар ул жомдин комин саранжом.  
Сажда гадо олдида эрмас карам,  
Билки карамдур анга бермак дирам.

*Алишер Навоий*

Муруватни таъриф қилган киши гапида яна, таъ-  
қиқданган нарсалардан ўзини тийиш ва бирорга азият  
чектиришдан сақланиш ҳам киради. Шу билан бирга,  
бордию агар, муруват диёнатни маҳкам тутиш деб таъ-  
рифланса, одамларнинг айтган гапи шу таърифдан четга  
чиқиб кетмаган бўларди.

*Абу Райҳон Беруний*

Ким ўлса ҳиммат илгидин кушоди,  
Не топсинким, топилгандур муроди.

*Алишер Навоий*

Узоқ-яқиндан бирор киши келиб, менинг мажлисимга  
кирар экан, қайси тоифадан бўлса ҳам, давлатим дастур-  
хони неъматидан уни қуруқ қайтармасинлар.

*Амир Темур*

Отангдан панду насиҳат,  
Қўлдан келса, бўл боҳиммат,  
Бирорлар қилмасин уят,  
Эртангни кўп ўйла, болам.

*Бердақ*

Маҳаллида<sup>1</sup> берган эски чорпора тўн – саховат ва бе-  
маҳал берган зарбафт чорқаб<sup>2</sup> – шақоват.

*Алишер Навоий*

Мехрибон киши одам учун мисоли бир кўзгу кабидир,  
унга қараб одам ўз феъл-авторини, тарзи рафтторини ту-  
затади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

---

<sup>1</sup> Вақтида.

<sup>2</sup> Тўн маъносида.

Майли, гўзалликка битайлик достон,  
Майли, муҳаббатга фидо бўлсин жон.  
Лекин жиндек меҳр кўргазса ёринг,  
Уларнинг баридан афзалдир, ишон!

*Абдулла Орипов*

Юрагида қўри бор одамнинг қўллари ҳам иссиқ бўлади.

*Абдулла Қаҳҳор*

Меҳрлини мақтар, оқил шубҳасиз,  
Меҳрли кишилар ҳаммага лазиз.  
Меҳрлини билсанг, унга бер кўнгил,  
Буни айтгин идроқ, билим, эй азиз.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Шундоқ ҳикмат билан гўзалдир ҳаёт:  
Ҳар кимга нияти бўлгайдир қанот.  
Меҳру муҳаббатга лойиқдир асли –  
Меҳру муҳаббатни қадрлаган зот!

*Абдулла Орипов*

Агар ўзинг учун меҳрибон киши истасанг, ўзингга  
ўзингдан меҳрибон йўқ.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

## 81. Меҳмондўстлик

Келса агар хонанг узра гариб меҳмон,  
Бор нарсангни олдига қўй, бўл меҳрибон.

*Махмуд Кошгариј*

Меҳмоннинг меҳрини асрагил жон ичра,  
Неъматин қалин айла хони эҳсон ичра

*Алишер Навоий*

Кўрклик тўнинг ўзингга,  
Тотлиғ ошинг ўзгага.  
Қўноққа кўргиз иззат,  
Ёйсин шаънинг узоққа.

*Мажмуд Кошгарий*

Оlamda номингни ёйин десанг, имкон борича мусо-  
фирларга илтифот кўрсатгин.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Шамъ ёритур уй ичу тошини,  
Уй эгаси кўприк узар бошини.

*Алишер Навоий*

Ожиз, гариб меҳмон келса, ҳозир бўлган нарсани меҳ-  
монга тезлик билан қўй, унга малол келтирма.

*Мажмуд Кошгарий*

Келса бирор йўқлашиб,  
Бергил яхши озуқ нон.  
Қарғаб кетар меҳмонлар,  
Кутар бўлсанг гар ёмон.

*Мажмуд Кошгарий*

Бахил мезбон меҳмонини ўғри кўрап,  
Берганини миннат қилиб юзга урап.

*Мажмуд Кошгарий*

Гар йўловчи – мардсан, йўлга назар солмоқ шарт,  
Ўзингни минг хил чуқур-чоҳдан йироқ олмоқ шарт.  
Дўйстларинг уйида меҳмон бўлган чоғда,  
Кўлингга, дилингга, кўзингта эҳтиёт бўлмоқ шарт.

*Паҳлавон Махмуд*

Бегонани уй сари ёвутма,  
Ўрнингки қизиқдурур, совутма.

*Алишер Навоий*

## 82. Шукроналик

Шукр қилсанг неъмат фаровон бўлади.

*Захириддин Муҳаммад Бобур*

Шукр қилдег боқиб бирав сори  
Ки, юрурга аёғи йўқтур анинг.

*Алишер Навоий*

Озгина яхшиликка ҳам кўп шукр қилгин. Агар неъматинг кўп бўлса, унинг қадрини билгин.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

## 83. Сабр-матонат

Юз йилки киши умр тилар, бил –  
Ким сабр керақдур юз йил.

*Алишер Навоий*

Сабр шундай бир кучли нарсадурки, шаҳватни ифратга,  
газабни шижаотга, шиддатни ҳилмга, катталикни тавозуъга,  
ёмонликни яхшиликга айлантиրмакга қуввати етар.

*Абдулла Авлоний*

Сабр билан кўп боғлиғ иш очилур, ишда ошуққон кўп тойилур, кўп тойилғон кўп йиқилур. Ишда ошуқмоқ ёш ўғлон ишидур, сабр била иш қилгувчи тажрибалиғ улуғ ёшлиғ киши ишидур.

*Алишер Навоий*

Ниш унмас биёбон, шўрхок тупроқ ҳам  
Гулзорга айланиб сабр қиласа одам.

*Гулханий*

Шошқалоқдик бу адашган одамларнинг иши, сабрлилик эса эзгу одамларнинг ишидир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ҳилмни ўз тавринга ёр айлагил,  
Сабру таҳаммулни шиор айлагил.

*Хожа*

Дунёю охират яхшилигини қаноатда, ёмонлигини та-  
маъда кўрдим.

*Нажмиддин Кубро*

Нафс уйига сабр ила иморат англа,  
Бесабрлиғ анинг шарорат англа,  
Иш сабр сори анга ишорат англа,  
Сабрни зафар сори башорат англа.

*Алишер Навоий*

Сабр ила барча эшикдур кушод,  
Сабр ила эранлар топди мурод.

*Муҳаммад Шариф Гулханий*

Қүшлардан ўрган: улар полапон чиқадиган тухумларни сабр-бардош ва эҳтиёткорлик ила очадилар.

Амир Темур

«Ахлоқ» китобида келтирилишича, ҳар ким ҳодисалар ёмғири остида ўзини сабр қалқони билан ҳимоя этса, мақсад ўқи тездагина мурод нишонига бориб тегади. Чунки сабр шодлик қалитидир. Бу калитсиз ҳеч қандай мақсад эшиги очилмайди.

Хожа Самандар Термизий

Нафсини сабр ила ром қилган киши ҳар ишда ошиқмай, оҳиста ҳаракат қилур.

Абдулла Авлоний

Кимки, бир шиддат аро сабру таҳаммул айлади,  
Бахт анинг нишини нўшу хорини гул айлади.

Алишер Навоий

Сабрли бўл, муродға етасан.

Мотуридий

Билингки, банда яхшиларнинг даражасига азиятлар ва машакқатларга сабр қилиш билан эришади.

Абу Лайс Самарқандий

Қайси номурод илиг сабр этагига урдиким, мурод то-  
пмади, қайси гирифтор кўнгул сабр бандига қўйдиким,  
кушод топмади.

Алишер Навоий

Агар меҳнат-машаққат ё қайгу-алам дуч келса, сабр билан қарши олсанг, кетидан қайта шодлик келади.

Юсуф Хос Ҳожиб

Сабр қилмоқ бирла қил ўзни түкүз,  
Бошга тушса тортадур албатта күз.

*Рожий Ҳүқандий*

Сабр қилган одам тилагига етади, сабр билан турган  
киши оққуш тутади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Қанча иш бўлса бугун кечга кетар,  
Сабр қилсанг гўрадан ҳалво битар.

*Рожий Ҳүқандий*

Ҳар кимки ишларни осмон томонидан кўрса, сабр ай-  
лагай ва ҳар кимки Ер томонидан кўрса, ҳайратда қолгай.

*Абу Бакр Варроқ Термизий*

Барча ишда ҳам шошилма, сабр-чиdamли бўл, ўзингни  
тута бил, сабр-чиdamли одам улуғ мартабага эришади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Етар чу ризқинг, агар хорадуру гар ёқут,  
Ўзунгта юклама андуҳ тоғин, истаб қут.

*Алишер Навоий*

Сабр қилгин, сабр – мардларнинг одати, сабр қилган  
киши ҳатто кўкка парвоз қилишга ҳам йўл топади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ким ишда шошилса, ҳовлиқса, у албатта кеч қолади,  
шошилиб қилингган ишларнинг охиривой бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Иш бошлашда ҳовлиқмасдан диққат-ла боқ,  
Чақмоқ тошни шошиб чақсанг ўчар чироқ.

*Мажмуд Кошгари*

Ишнинг фурсатини кутиш, шошилмаслик керак, ҳамма  
иш вақт-соати келганда битади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

#### 84. Қаноат

Қаноат барча мамлакатлар унга тобе бўлган мамлакат-  
дир. Қаноат шундай бир мамлакатки, уни ҳеч ким йўқ қила  
олмайди. Ким унга эгалик қилса, ҳеч бир нарсага муҳтож  
бўлмайди.

*Мажмуд Замахшарий*

Қаноат чашмаедурким, суви олган била қурумас.

*Алишер Навоий*

Одам кўп мол-дунёсидан воз кечиб, оз нарсага қаноат  
қилса, шундагина зоҳид деган номга муносиб бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Қаноатдур кўнгилларнинг сафоси,  
Қаноат барча иллатнинг шифоси.  
Қаноатким табиби ҳар касалдур,  
Қаноат аҳлига оғу асалдур.

*Сўфи Оллоёр*

Киши учун энг фойдали, дилни ёритувчи нарса қано-  
атдир. Энг заарли ва нафратли нарса ҳирс ва газабдир.

*Абу Али ибн Сино*

Қаноат тариқига кир, эй, күнгүл  
Ки, хатм ўлғай ойин-и иззат санга.

*Алишер Навоий*

Қаноат бир хазинадурки, нақдинаси кундан-кун ортар.  
Бу хазинага эга бўлган кишилар умрларини шақу роҳатда  
кечирурлар. Бунинг ила баробар қаноатсизликдан пайдо  
бўладурган ҳасада деган жоннинг энг зўр душманидан  
қутулурлар. Чин инсонлар кишининг молина, мулкина,  
саодатина, майшатина ҳасад қилмас, қаноатдан айрилмас,  
умрини роҳатда ўткарур.

*Абдулла Авлоний*

Қаноат истигно сармоясидур ва шарафу иззат пи-  
роясидур.

*Алишер Навоий*

Ҳақиқатан тугал бой бўлайин десанг, борига рози бўл,  
баҳра топасан.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Бошқаларда кўрганни жуда қаттиқ истамаслик ҳам  
қаноат ҳисобланади.

*Абу Али ибн Сино*

Қониқмасликдан эмас, қаноатдан қаноатлан.

*Махмуд Замахшарий*

Кимгаки иш бўлди қаноат фани,  
Билки, ани қилди қаноат фаний.

*Алишер Навоий*

Қаноат бирла қорин түйгүзүрсиз,  
Қаноат бўлмаса, кўп оч қолурсиз.  
Қаноатсиз киши бағрини доғлар,  
Қаноатлик киши оғзини ёвлар.

*Абдулла Авлоний*

Кўзи суқ учун бутун дунё ҳам кифоя қилмайди, борига  
қаноат қилувчи киши баҳтиёр яшайди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Кимки, қаноатдин эрур ҳужжати,  
Яхши-ёмонга йўқ анинг ҳожати.

*Алишер Навоий*

Жуда кам нарсага қаноат қиласидиган киши энг юки енгил  
киши бўлади. Ким улкан нарсаларга хирс қўйса, у энг юки  
огир бўлади.

*Махмуд Замахшарий*

Ҳеч вақоси йўқ қашшоқ баҳтиёрдир, у борига рози  
бўлиб ҳамиша кўнгли бой юради.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Сабот шуки, бир улуғ мақсадни қўлга киритиш учун  
қадам қўйдикми, бизни бу йўлдан на фақирлик, на қи-  
йинчилликлар, на мақсаднинг узоқлиги алҳосил ҳеч бир  
нарса қайтаролмайди.

*Фитрат*

## **85. Кечиримлилик**

Сен кечириш хислатини ўзингга шиор қил, атрофингда-  
гилардан арзимас гуноҳдари учун юз ўтираверма!

*Хожа Самандар Термизий*

Менга ёмонлик қилиб, бошим узра шамшир күтариб,  
ишимга кўп зиён етказганларни ҳам, илтижо билан тав-  
ба-тазарру қилиб келгач, ҳурматлаб ёмон қилмишларини  
хотирамдан ўчирдим.

*Амир Темур*

Гуноҳкор кишининг гуноҳини кечир, адоват илдизини  
кес ва қўпориб ташла.

*Аҳмад Юғнакий*

Афу деб кечурмакни айтилур. Бир киши қилган камчи-  
ликларини бўйнига олуб, ўқунуб, кечурмакни сўраса, афу  
қилмак лозимдур. Чунки афу яхши хулқларнинг афзали,  
инсониятнинг акмалидур.

*Абдулла Авлоний*

Кечира олишлик – мардлик, кечира билмаслик номард-  
лик саналади.

*Амир Темур*

Вақтики узр десалар, қабул қил ва одоб ўргатсалар ўр-  
ганки, ҳар кимга одоб ўргатсалар-у ўрганмаса, ҳайвондир.  
Ва узр айтсалар-у қабул қилмаса, шайтондир.

*Хожа Аҳрор Валий*

Бир киши сен билан муносабатида хато қилса-ю, сенга  
узр баён этса, узрини қабул қилишни кечиктирма.

*Абу Али ибн Сино*

Бирон хатога йўл қўйган киши узр сўрагани дуруст. Ахир  
Одам ҳам узр сўраганлигидан бир натижага етишган.

*Абдураззоқ Самарқандий*

Улугларнинг иши авф айламақдур,  
Кичиклар узр учун бел бойламақдур.  
Мусулмонлиғда йўқ кину адоват,  
Дила авфуadolat жойламақдур.

*Абдулла Авлоний*

### **86. Уятчанлик ва андиша**

Андиша жуда яхши хислат, у киши учун чиройдир, барча  
эзгу ишлар учун бошбоғдир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Гар ҳамият бўлса эрди ё уёт,  
Бўлмагой эрди уёtingдан ҳаёт.

*Алишер Навоий*

Кишига чиройдир уят – андиша  
У асрар ножӯя ишдан ҳамиша.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Уят энг шафқатсиз қонундан ҳам кучлироқ, қудратлироқ-  
дир. Қонун фақат кўзи тушганда, шубҳа пайдо қилганидаги-  
на жиноятчининг қўлини ушлайди, йўлинни тўсади. Уят эса  
ҳамиша одобсиз, ахлоқсиз жиноятчининг тепасида туриб,  
ножӯя иш қилиш учун кўл кўтаргани қўймайди.

*Абдулла Қаҳҳор*

Уят-андишиали, пок, йўл-йўриги тўғри одамнинг ишлари  
ва сўзлари фақат эзгуликдан иборат бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ҳар қандай қонунга ҳам чап бериш мумкин, лекин уятга чап бериб бўлмайди, чунки қонун одамдан ташқарида, уят эса одамнинг кўксидаги бўлади.

*Абдулла Қаҳҳор*

Кишилар орасида етути уятли кишидир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Уят фақат инсонга хос туйғудир. Ҳайвон уят пайдо қи-  
ломагани учун инсонга яқинлаша олмайди, лекин инсон  
уягини йўқотиб ҳайвонга яқинлашиб қолиши мумкин.

*Абдулла Қаҳҳор*

Уятли киши одамларнинг сарасидир, уятсиз киши –  
одамларнинг тубани.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

## 87. Ҳаё

Кишилар орасида етути уятли кишидир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ҳаё дилни равshan қиладурган бир нурдирки, инсон ҳар  
вақт шул маънавий нурнинг зиёсига муҳтождур.

*Абдулла Авлоний*

Агар иффат ва виқор соҳибларидан бўлмасанг, хору  
зорлик, таҳқири тубанликка мудом гирифтурсан.

*Махмуд Замахшарий*

Ҳар қачон эс борида ёпсанг этак,  
Ору номус донаси бўлмас кавак.

*Чустий*

Иффатингни пардаси, виждоннинг ниқоби ҳаёдир.

*Абдулла Авлоний*

Қила олғунча таъзим ва одоб биносин йиқма,  
Ҳаё ва ҳурмат хилватидин ташқари чиқма.

*Алишер Навоий*

Ҳаё – инсоннинг абадий гўзаллиги ва латофатидир.  
Ҳаёсиз юз жонсиз жасадга ўхшайди.

*Абу Али ибн Сино*

Ҳаё, номус имона далилдур,  
Ҳаёсиз доимо хору залилдур.<sup>1</sup>

*Абдулла Авлоний*

Шарм-ҳаё ҳамма ярамас ишлардан тияди,  
Уятсизлик киши учун жуда ярамас иллатдир.  
Ростлик, шарму ҳаё ҳамда гўзал хулқ,  
Учаласи бирикса, бу севинч демақдир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ҳаё одамни гуноҳ қилишдан қайтарувчи ҳолат ва у ҳар  
бир одамда илмий-ирфоний мартабаси туфайли пайдо  
бўлади.

*Фитрат*

---

<sup>1</sup> Хору зор.

Менинг халқим ор ва номусни билади. Ўз ўғил-қизла-  
рини номус ва ҳаё билан тарбия қиласди.

*Ҳамид Олимжон*

Омон юргил уҳдасидан<sup>1</sup> чиқсанг гар,  
Ор-номусли одам бўла билсанг гар.

*Бердақ*

Номуссиз хиёнатдан, номусли ўлим яхши.

*Амир Темур*

## 88. Ишқ-муҳаббат

Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун!  
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун!  
Ишқсиз ул танки, анинг жони йўқ,  
Хуснни нетсун кишиким, они йўқ.

*Алишер Навоий*

Ишқ дардини бедардларга айтиб бўлмас,  
Бу йўлларни уқбоси<sup>2</sup> кўп, ўтиб бўлмас,  
Ишқ гавҳарин ҳар номардга сотиб бўлмас,  
Бехабарлар ишқ қадрини билгони йўқ.

*Аҳмад Яссавий*

Ишқ кўйи туфроғи бир кимиёдур...

*Алишер Навоий*

Ошиқ кишининг кўнгли тўла дард бўлгай,  
Дил дарди билан мард яна ҳам мард бўлгай.

<sup>1</sup> Мажбурият, ваъда.

<sup>2</sup> Уқубати.

Үз ишқи ўтида у ёнаркан, бу дам  
Дўзах ўти ўзгалар учун сард бўлгай.

*Нажмиддин Кубро*

Кишиким бўлса ишқ аро содик,  
Анго маъшуқ бўлғуси ошиқ.

*Оғаҳий*

Ҳар кишиким, ишқ анга ҳамдам эмас,  
Бил ониким, ул киши одам эмас.

*Хожа*

Қайси кўнгулники, макон этти ишқ,  
Ўтдин ани лаълга кон этти ишқ.

*Алишер Навоий*

Ишқинг майини ичиб, бу дил маст бўлгай,  
Ҳажринг ғамини чекиб, у, бил, паст бўлгай.  
Бир боқсанг агар – кўйингда тупроқ бўлган  
Жонсиз танага жон яна пайваст бўлгай!

*Нажмиддин Кубро*

Деманг тарки ишқини қил ихтиёр,  
Бу ишда менинг ихтиёрим қани.

*Захириддин Муҳаммад Бобур*

Ишқим зору забун этмиш мени,  
Ақл олиб маҳзи жунун этмиш мени.

*Алишер Навоий*

Эй ёронлар, ишқ дардига даво бўлмас,  
То тириксан ишқ дафтари адо бўлмас.

*Аҳмад Яссавий*

Кўнгилда пок ишқ пайдо бўлса, киши ҳақиқат сирлари-  
ни англай оладиган даражага етади ва мутлақ гўзалликни  
идрок қиласди.

*Алишер Навоий*

Ишқ сирридин дам урма тангдил номардга,  
Он қадар маюслиғ зоҳир бўлур арбоб аро.

*Увайсий*

Ишқсиз камол бўлмас ушбу оламда.

*Паҳлавон Маҳмуд*

Ишқ мулкида гадоу шоҳ бир,  
Дайр ичида раҳбару гумроҳ бир.

*Алишер Навоий*

Ишқ балоси бошқа тушса нолон қилур,  
Ақдинг олиб, беҳуш қилиб ҳайрон қилур.

*Аҳмад Яссавий*

Ишққа ким тушти ўшал тушти ғами гирдоб аро,  
Умр ўткармаклиги улдур хаёли хоб аро.

*Увайсий*

Парвонани ишқ этмаса маст,  
Ургайму ўзини ўтқа пайваст.

*Алишер Навоий*

Муҳаббат чақмоқдай кўнгилдаги ҳар қандай қора бу-  
лутни ҳам тилка-пора қиласди.

*Абдулла Қаҳҳор*

Демаким: бўлдуңг қари-ю, ўтти даври ишқим,  
То тирикмен менга ишқу муҳаббат чоғидур.

*Алишер Навоий*

Кел, эй толиб, кўзинг ибрат билан оч,  
Муҳаббатсиз кишидин қуш бўлиб қоч.  
Муҳаббат аҳлининг жўёни бўлғил,  
Ўшалким учради қурбони бўлғил.

*Сўфи Оллоёр*

Муҳаббатни ўз ҳолига ташлаб қўймай, ақл чироғи билан  
ёритиб турилса, нур устига нур бўлади.

*Озод Шарафиддинов*

Муҳаббат дутор, эҳтиёт қилиб тутмасанг, тоб ташлайди.

*Абдулла Қаҳҳор*

Табибо, сен даво топмакни қилма ихтиёр ким,  
Муҳаббат дардига ҳеч кимса топкан йўқгур дармони.

*Увайсий*

Муҳаббат – оиланинг хамиртуруши, бусиз оиланинг  
хамири кўпчимайди.

*Озод Шарафиддинов*

Кўзларинг гар тўкса қоним, жон анга бўлсин фидо,  
Ким, жафо айни вафодур ёрга севган ёридин.

*Атоий*

Кўнгил кимни севса, унинг нуқсонлари фазилат кўринади, барча терс ишлари ўнг, камчиликлари тўкислик бўлиб кўринади, агар севмаса, фазилатлари нуқсон бўлиб кўринадн.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ёрнинг васли эмас озорсиз,  
Гулшан ичра гул топилмас хорсиз.  
Тан бузулди эмди роҳат қолмади,  
Соя пайдо бўлмагай деворсиз.

*Нодира*

Севганининг юзини кўриш бу кўзнинг ҳаловатидир, кўнгил орзу қилганига етиш эса тану жон ҳаловатидир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Яширин тутилган севги  
Айрилган кун билинар.  
Оғриқ кўзни беркитма,  
Ёши ошкора қилар.

*Маҳмуд Кошгарий*

Ҳар кишининг дарди бўлса, йиғласун ёр олдида,  
Қолмасун армон юракда, этсун изҳор олдида.

*Машраб*

Севги дарди қўймайди,  
Софинч яна қийнайди.  
Кўнглим унга тўймайди,  
Юзим менинг саргаюр.

*Маҳмуд Кошгарий*

Мұхаббат бўлмаса ҳар кимда, эй, хайр,  
Отанг бўлса эрур бегонау гайр.  
Ақориб юрмаса кўнгли ақориб,  
Кўлингдин келса ҳеч ўлтирма бориб.

*Сўфи Оллоёр*

Мұхаббатсиз киши одам әмасдур,  
Гар одамсен, мұхаббат ихтиёр эт.

*Нодира*

Мұхаббатсиз кишилар ҳеч бир ишни ишламакга ғайрат ва жасорат қилолмас, дунё неъматидан лаззат ололмас.

*Абдулла Авлоний*

Кишининг кўнгликим бегона бўлса,  
Эрур душман агар ҳамхона бўлса.  
Мұхаббатсизки, бўлди ҳар қаю зот,  
Агар фарзанди шириндур эрур ёт.

*Сўфи Оллоёр*

## **89. Ошиқлар**

Ошиқ ани билки эрур дарданок,  
Ҳам тили ҳам кўзию ҳам кўнгли пок.

*Алишер Навоий*

Зоҳид бўлма, обид бўлма, ошиқ бўлғил,  
Меҳнат тортиб ишқ йўлида содик бўлғил.  
Нафсни тепиб даргоҳига лойиқ бўлғил,  
Ишқсизларни ҳам жони йўқ, имони йўқ.

*Аҳмад Яссавий*

Ки, чин ошиқни озори хатодур,  
Чин ошиққа жафо ҳеч нораводур.

*Завқий*

Жафосин чекмайин бўлмас мұяссар сенга жононинг,  
Юракка дарди тегмай, таъсир этмас оху фифонинг.

*Увайсий*

Ошиқдарни талаблари жоми шароб,  
Маъшуқига етмак учун бағри кабоб.  
Рұхларини гизосидур чангу рубоб,  
Охи чекса етти иқдим вайрон қилур.

*Аҳмад Яссавий*

Ўзлигин ошиқ агар дўст ҳавосига берур,  
Ёрдин ҳар не келур рұхига осойиш эрур.

*Алишер Навоий*

Ким дарди дилоромин севмаса жондек,  
Ҳаргиз ўшанинг дардина дармон бўлмас.

*Хоғиз Хоразмий*

Роҳат ташлаб жон меҳнатин хушлаганлар,  
Саҳарларда жонин қийнаб ошлаганлар,  
Ҳойи ҳавас муаммони ташлаганлар,  
Чин ошиқдир, ҳаргиз они ёлғони йўқ.

*Аҳмад Яссавий*

Ошиқ ўзин ким деса, ошиқ эмас,  
Барча киши ишқда содик эмас.

*Алишер Навоий*

Ошиқ эрмас ул маҳвашким, тилар зар бирла васл.

*Атоиӣ*

Тӯғри юрган ошиқлардан худо рози,  
Ошиқ иши осон эмас, қилма бози.

*Аҳмад Яссавий*

Ошиқ элига ёрини озори ибодат,  
Маъшуқ элига нутқи шакар бори ибодат.

*Увайсий*

Ишқ агар комилдурур, ошиқ қилур маъшуқни.

*Алишер Навоий*

Кўнгил кимни севиб қолса, у доим кўз олдида турари,  
кўз қаерга йўналса кўз ўнгида у намоён бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ўз саккиз минг оламда ҳайрон бўлган ошиқлар,  
Топмай маъшуқ чароғин сарсон бўлган ошиқлар.  
Куйиб ёниб кул бўлган, ишқида булбул бўлган,  
Кимни кўрса қул бўлган, мардон бўлган ошиқлар.

*Аҳмад Яссавий*

Ҳар кимки тариқи ишқ аро содиқ эмас,  
Ошиқлик онингдек кишига лойиқ эмас,  
Ҳар нечаки чекса туну кун оҳу фигон,  
Билгилки, жамоли ёрга ошиқ эмас.

*Оғаҳий*

Гар ошиқ эсанг, меҳру вафо қилма ҳавас,  
Дард истаю дағъига даво қилма ҳавас,  
Ҳижрону висол мутлақан қилма ҳавас,  
Дилдорингдин ғайр-и ризо қилма ҳавас!

*Алишер Навоий*

Ошиқ эрмас жононига жон бермаса,  
Деҳқон эрмас кетмон чопиб нон бермаса.

*Аҳмад Яссавий*

## 90. Вафо

Вафо одам учун одамийликнинг негизидир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур!  
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур!

*Захириддин Мұхаммад Бобур*

Одамгарчиликнинг ҳақи вафога вафо қилишдир, вафо  
қил, тўғри бўл, номингни улуғла.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Кимга қилдим бир вафоким, юз жафосин кўрмадим,  
Кўргузиб юз меҳр, минг дарду балосин кўрмадим.

*Алишер Навоий*

Давронки, ҳунар ғайри жафо йўқ унда  
Ҳам аҳли вафодан ошно йўқ унда.  
Мен ит бўлайин вафоси бор кимсага, бас,  
Ит яхши кишиданки, вафо йўқ унда.

*Паҳлавон Маҳмуд*

Вафо қилғил, вафо қилғил, аё ёр,  
Хақиқий ошиққа жавр этма зинхор.

*Завқий*

Нечаким, қилдим вафо, кўрдум жафо,  
Нечаким кўрдум жафо, қилдим вафо.

*Захирийдин Муҳаммад Бобур*

Олам элида вафо топилмас,  
Бу гавҳар эрур жаҳонда ноёб.

*Нодира*

Карам ва мурувват ато ва анодурлар,  
Вафою ҳаё икки ҳамзод фарзанд.

*Алишер Навоий*

Вафосиздур замон аҳли, замонда не вафо бўлгай,  
Вафо аҳли булардин гар вафо истар, эрур нодон.

*Алишер Навоий*

Бу чаманнинг гулларида йўқ вафо, эй, хўблар,  
Бас, вафо қилмоқ ғанимат, ҳусни давронин кўринг.

*Ҳусайн Бойқаро*

Одами бўлса вафо андин йироқ,  
Ит вафо бобида андин яхшироқ.

*Алишер Навоий*

Хўблардин орзу меҳру вафо қилмоқ ғалат,  
Ул вафосизларга ўзни мубтало қилмоқ ғалат.

*Оғаҳий*

Кимки вафо кўрди жафо қилмади,  
Ўтрусида гайри вафо қилмади.

*Алишер Навоий*

Кишиларнинг суқига ишингни бермагин,  
Вафосиз кишиларга ошингни едирма.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ким қилди қатиғликда вафодош сенга,  
Ул бўлди ҳабиблар ичра қўлдош сенга.

*Алишер Навоий*

Вафо қилган кишиларга вафо қил.

*Ҳайдар Хоразмий*

Ҳар кўнгулниким, вафо маскан қилур, ҳаё ҳам қилур ва  
ҳар маскандаким, ул топилур, бу ҳам топилур.

*Алишер Навоий*

Демон даврон аро йўқтур вафо айлаб, вафо кўрган –  
Ки, йўқтур минг жафо тортиб қутулган, бир вафо айлаб.

*Алишер Навоий*

## 91. Ваъдага вафо

Момақалдироқли ёмғирнинг ёғиши, ростгўй (ҳақгўй)  
кишининг ваъдасига вафо қилиши мисоли ёқимлидир.

*Махмуд Замахшарий*

Хилоф этсанг агар айтғон сўзингдин,  
Кўтар эркаклик отини ўзингдин.

*Сўфи Оллоёр*

Айтиб қўйиб бермайдиган нарсани тилинг билан айтмагин, ваъда бериб қўйгандан сўнг ўз ваъдангдан қайтмагин.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Аҳду қавлунг дурусту маҳкам қил!  
Ваъда чун айладинг, вафо ҳам қил!

*Захириддин Муҳаммад Бобур*

Чиқармагил оғуздин қилмас ишни,  
Қилурман дема қўлдин келмас ишни.  
Оғуздин чиқса сўз қайтармагил қош,  
Агарчи кетса ҳам ул сўз учун бош.

*Сўфи Оллоёр*

Ўз ваъдасида турмагандага турли-туман важ-карсонлар  
кўрсатувчи кимса ҳеч қачон мард ва ҳимматли инсон  
бўйолмайди.

*Мажмуд Замахшарий*

Сўзин бузгон киши бузмасму иймон,  
У кимса бирла қилма аҳду паймон.

*Сўфи Оллоёр*

Вақти-соати ўтгандан сўнг ижро бўладиган ваъдадан  
ҳеч бир яхшилик бўлмас.

*Мажмуд Замахшарий*

Ваъдада турғил, ўзингни йиқмагил,  
Рост бўл, аргамчига ун тиқмагил.

*Рожий Ҳўқандий*

Кимки, ҳар кимга ваъдае қилди,  
Шарт эрур ваъдага вафо қилмоқ.

*Алишер Навоий*

Қилсалар ҳар ваъда онинг эътибори йўқтуур,  
Олданиб ул ваъдага беътибор улма абас<sup>1</sup>.

*Оғаҳий*

Нопок, жафокор, қилмишлари тубан киши, агарчи ваъда берган бўлса ҳам, берган ваъдасидан қайтади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Шижоатлик киши уруш кунларида билинур. Омонатдор киши диёнати – бермоқ ва олмоқ вақтида билинур.

*Хожа Аҳрор Валий*

## 92. Сир сақлаш

Ёмонларга ҳеч сир айтма,  
Сўз келганда, сўздан қайтма,  
Дўстингни асло мунгайтма,  
Шунда бахтинг кулар, болам.

*Бердақ*

Кўп кишилар борки, улар ўз сирларини сақлай билмас-  
ликлари туфайли ҳалокатга дучор бўладилар.

*Хожа Самандар Термизий*

Киши топса ҳамдардини ногаҳон,  
Не имкон ниҳон дарди қолмоқ ниҳон.

*Алишер Навоий*

---

<sup>1</sup> Ҳеч қачон.

Кўз ўз соҳиби (эгаси)нинг қалбида нима борлигини ифода этар: муҳаббатдан нима, нафратдан нима борлигини кўз сўзлайди, оғиз эса сукут сақлайди, бари бир юракда нима кечайтганини очиқ-оидин зоҳир кўрасан!

*Махмуд Замахшарий*

Барча сўзга қулоқ тут, аммо дарров ишона қолма, юрак сирларингни очма, яшириб махфий тут.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Розни асра, чунки фош этдинг,  
Яна пинҳон бўлурни қилма ҳавас.

*Алишер Навоий*

Кўнгил сирини, ич сўзингни ҳар кимга оча берма, агар очадиган бўлсанг, ўзинг машаққат чекасан.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Эйки, кўнглунг сиррин истарсенки, пинҳон асрасанг,  
Даҳр боғи ичра очма ғунчадек зинҳор оғиз.

*Алишер Навоий*

Мард бўлсанг, сирринг айтма, ошкор айлар хотун,  
Ҳар замон ойина табъингни ғубор айлар хотун.

*Зокиржон Фурқат*

Ҳамиша сир асровчи бўл.

*Мотуридий*

Ўзунг ўз сиррингни асрай олмағонингни билурсен, яна биров ани фош этса, айб ҳам қилурсен.

*Алишер Навоий*

Сидқидил ва саҳий кимсанинг қалбидан бошқа нарсани сирларнинг сандиги қилма, яъни ҳар бир учраган кимсани сирдош этмагин.

*Маҳмуд Замахшарий*

### **93. Виждан ва эътиқод**

Виждан руҳ ва фикримизни туйғун қилмакға биринчи воситадур.

*Абу Али ибн Сино*

Виждан ҳар кимнинг афъол ва ҳаракотини қўрсатадурган мусаффо бир ойинадурки, бу кўзгуга чин назар қилган киши ўз айб ва камчиликларини тузатмак ҳаракатида бўлуб, бошқаларнинг айб ва қусурларини охтармоқға вақти бўлмас.

*Абдулла Авлоний*

Виждан амри нимада? Бу – кишиларнинг ўзларига юклаган вазифа ва мажбуриятларини ҳар замон ва жойга қарамай вижданан ва сидқидилдан бажаришлариdir.

*Фитрат*

Виждан азобию таънадан тўғри бўлмаган одамни таълим-тарбия ва қийнаш ҳам тўғрилаши амри маҳол.

*Маҳмуд Замахшарий*

Хеч қаерда ҳеч қайси инсонлар жамияти фақат моддий манфаатларга суюнибгина, фақат моддий эҳтиёжларини қондирибгина ҳаёт кечира олмайди – инсон ҳаётининг саодатманد бўлмоғи учун виждан ва имон унинг ҳаётида устувор бўлмоғи керак.

Озод Шарафиддинов

Виждан билан яшаш осон кечмайди. Ўзи тугул, вижданли кишининг оиласи ҳам тинчини йўқотади.

Эркин Воҳидов

Виждан – ақл ва тафаккур мезони.

Абдулла Авлоний

Одамларни одам қиласиган, жамиятни жамият қиласиган қудрат – виждан, инсоф, диёнат, адолат ва ҳақиқатнинг барқарорлиги.

Озод Шарафиддинов

Инсонга бир марта бериладиган ҳаётда у умридан, ўтган кунидан қониқиб яшаси керак. Виждонига хилоф иш қиласай яшаса – бундан улуғ баҳт йўқ.

Эркин Воҳидов

Дунёда бирорта виждан ва имон соҳиби йўқки, ўз биродар ва ҳаммаслакларига бесабаб душманлик қилса.

Фитрат

Ижоди ва фаолияти виждан марказига айланган ижодкоргина воқеликка ҳаққоний муносабатда бўлади.

Абдулла Орипов

Маним мезоним виждоним бўлиб келди, бундан сўнг ҳам жиловим ўшанинг қўлида. Демак, маним истиқболим таъмин қилингандир.

*Абдулла Қодирий*

Чин эътиқод бебаҳо ганжdir.

*Мотуридий*

Албатта, яхши кийиниш, озода бўлиш, янгича турмуш – жуда яхши нарса. Аммо булардан ҳам муҳим нарса борки, у – эътиқод.

*Озод Шарафиддинов*

Эътиқод – муқаддас туйғу. Эътиқодсиз одамнинг мақсади, орзу-интилишлари ҳам нотайин...

*Абдулла Орипов*

#### 94. Диёнат

Диёнат ва номус бир оиланинг саодати ва интизоми учунгина эмас, балки бир мамлакатнинг саодати ва барқарорлиги учун ҳам зарур ва лозимдир.

*Фитрат*

Диёнат адолат ва тенглик билан иш юритишни юклайди. Шу билан бирга у бошқа кишига исталадиган зулмнинг олдини олиш ва мазлумга ёрдам беришга чақиради. Ошкора қилишдан уялинадиган ишни яширинча қилмаслик керак, деб озодаликни таърифлаган киши ҳам бу мулоҳазадан унча узоққа кетган эмас.

*Абу Райҳон Беруний*

Менда бирон кимсанинг ҳақи бўлса, ҳақини ҳеч вақт унутмадим. Бирон кимса билан танишган бўлсам, уни ҳеч вақт назаримдан қолдирмадим.

*Амир Темур*

Кимда-ким инсоф йўқ – инсон эмас,  
Мунсиз атворида жуз нуқсон эмас.

*Алишер Навоий*

Бирор йўл билмайин юзланса чўлга  
Билиб сан солмасанг гар яхши йўлга.  
Қаю инсоф эрур, қайси диёнат,  
Эрур андоғ улуғ бухлу хиёнат.

*Сўфи Омлоёр*

Инсофсизлик – шахс заволи. Инсоф бўлмаган жойда  
кишилар ҳаёти оғир кечади.

*Алишер Навоий*

## VII БОБ. НУҚСОНЛАР ВА КАМЧИЛИКЛАР

### 95. Жаҳолат

Жаҳолат деб ўқумаган, билимсиз, ҳеч нарсага тушунмайдурган нодонлигни айтилур. Жаҳолат инсониятнинг энг зўр душмани ва ёмон хулқларнинг бошлиғидур.

*Абдулла Авлоний*

Бўлмаса илми кишини не деюр,  
Ким қозонда бўлса, чўмичга чиқур.

*Рожий Ҳўқандий*

Ўйладурким жоҳилу нодон маст,  
Сиймдин бут айлаб, ўлгай бутпараст.

*Алишер Навоий*

Жоҳиллик ярамас нарса, у кишининг билимини элтади,  
жаҳл келса, яхши кишидан ҳам ақл кетади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Жаҳолатнинг икки тури бор. Бири – жаҳли басит, иккинчиси жаҳди мураккаб. Биринчиси у қадар даҳшатли эмас. Улар бир нарсани билмасалар, билмасликларини эътироф қиласадилар. Унинг давоси у қадар қийин эмас: астойдил қунт қилинса, масала ҳал бўлади. Иккинчиси – ёмон. Улар бир нарсани билмайдилар ва бунга икрор ҳам бўлмайдилар. Уларни халқ «ўзи билармон» деб атайди.

*Абдулла Авлоний*

Илмсиз иликсиз сўнгак каби бўшдир, иликсиз сўнгакка эса қўл урилмайди.

*Аҳмад Юғнакий*

Билимсиз кишилар мисоли дардманд бўладилар, дардни даволамаган киши эса бевақт ўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Қандай иш бўлмасин билимсиз наздида ўнг кўринади, унга ташвиш, қайғудан бошқа чора йўқ.

*Аҳмад Юғнакий*

Билимсиз кишиларнинг кўнгли хурофотга мойил бўлади.

*Абу Райҳон Беруний*

Неким қилди жоҳилки, эрди ёмон,  
Тутуб аксини, топдим андин омон.

*Алишер Навоий*

Илм ва маърифат соҳиблари, фазлу камоллари соясида ҳар бир ишни тадқиқ ва мушоҳада ила қилурлар. Аммо жоҳиллар эса бир нарсани моҳиятини мушоҳада қилурға ақл ва фаросатлари етмас. Чунки жаҳл худбин ва зоҳирпастдан иборатдур.

*Абдулла Авлоний*

Қайси жоҳилга надомат бўлгай ул олимчаким,  
Ҳар не қилди билмади, ҳар неки билди қилмади.

*Алишер Навоий*

Одам боласининг қонида азалдан маърифатсизлик белгилари мавжуддир, уни бартараф этмасанг, у тамомила жаҳолат ботқоғига ботиб кетиши мумкин.

*Абдулла Орипов*

Табиб касалга қандай муомала этса, олим-да жоҳилга шундай муомала этсун.

*Маҳмудхўжа Беҳбудий*

Ақлли кишининг (сукут сақлаб) жим туриш ҳолати жоҳил, паришон кишининг узридан афзалдир.

*Маҳмуд Замахшарий*

Кўйса жоҳил олим ўрнига қадам,  
Болта келгунча олодур кунда дам.

*Рожий Ҳўқандий*

Бир қанча ювиқсизларга юваниш учун буюрилса тоза бўлур, аммо жоҳил қанча ювинмасин пок бўлмайди.

*Аҳмад Юғнакий*

Маънавий қашшоқ одам фақат манқурт бўлиши мумкин.  
Манқурт эса на Ватанни билади ва на онани танийди.  
Манқурт ёвуздар қўлида қурол бўлади, холос.

*Озод Шарафиддинов*

Илмсиз инсон мевасиз дарахт кабидур. Чунки илмсиз кишилар ота-онасига, қариндош-уругига, ёр-дўстига, дин ва миллатига фойда еткурмак бир тарафда турсун, ўз устига лозим бўлган ибодат ва тоатни ҳам лойиқича қилолмас.

*Абдулла Авлоний*

Дунёда маънавият дарахти илдизини чопиш, кишилар руҳиятини караҳт этишдан ортиқ жаҳолат, ёвузлик топилмайди.

*Абдулла Орипов*

Чаласавод киши ўзидан паст, нима деса «ҳикмат» деб турадиган одамлар билан улфатчилик қилишга мойилроқ бўлади.

*Абдулла Қаҳҳор*

Чала билим эгаси бўлишдан кўра, билимсизлик афзалроқдир.

*Абу Али ибн Сино*

Фикри заиф бўлган одам ўз ишлари устида ўйламайди, зарар ва фойдасини андиша назаридан ўтказа олмайди, ҳиссиётга асир ва шаҳвоний лаззатга тобе бўлиб, жисми заиф ва ахлоқи вайрон бўлади.

*Фитрат*

Касби илм этмай киши гар қолса маҳзи жаҳл ила,  
Икки олам обрўси бўлғуси барбод анга.

*Оғаҳий*

Даҳр иши, то халқ ила бўлмиш ситеz,  
Хор дурур олимуму, жоҳил азиз.  
Токи жаҳон зулмни қилмиш писанд,  
Ерга тушур мева, ёғоч сарбаланд.

*Алишер Навоий*

Қүёш күрларга күринмай беркинганидек, жоҳилларга  
ҳам дунёда түгри йўл белгилари күринмай қолади.

*Абу Али ибн Сино*

Жаҳл аҳли била кимгаки улфат бўлгай,  
Ул улфати ичра юз минг оғат бўлгай.

*Алишер Навоий*

Тарки суҳбат айладим ҳамроҳи ноқобил билан.

*Машраб*

Жоҳил зоҳидга инонма.

*Мотуридий*

Онгни эскирган, ғаразли мақсадлардан тозалаш зарур.

*Абу Райҳон Беруний*

Бадбаҳт ул кишидурки, анга сўз таъсир этмас.

*Маҳмудхўжа Беҳбудий*

Жаҳлимиз кўптин-кўпу илм оздин-оз.

*Алишер Навоий*

Мутакаббир олим ва обидлик, зоҳидлик даъвосини  
қилувчи жоҳиллик икки оламдаги энг катта фитнадир.  
Мутакаббир олим ва жоҳилга эргашишлик эса катта фит-  
нага асосдир.

*Бурҳониддин Маргиноний*

Сүймагай фазл әгаси жоҳилни,  
Жоҳил аҳли улума душмандур.

*Абдулла Авлоний*

Залолатга кетганлар йўлини тарк этгин. Билгинки, залолатга бошловчи одам энг заҳарли илоннинг энг ёмонидир. Жодулар унинг заҳрига таъсир қилмайди, илло сенинг жодуларинг тақво бўлсин.

*Маҳмуд Замахшарий*

Жаҳолат инсоният номина ярашмаган бир сифат ўлдигиндан баҳамаҳол илм йўлида ҳаракат қилмақ, ақли салим соҳибларининг ҳикматли сўларидан ҳиссаланмак, азиз жонимиздан азизроқ (авлодларимизни) жаҳолат ва нодонлик балоларидан қутқармак учун жонимиз борича, кучимиз еткунча чолишмоқимиз<sup>1</sup> лозим.

*Абдулла Авлоний*

## **96. Нодонлик**

Шошқалоқлик, калтафаҳмлик, феъли тезлик одатлари нодонликнинг белгилариdir.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Тўрт нарса нодонликка далилдир: ўзидан донороқ билан мунозара қилмоқ ва синамаганга суюнмоқ ва хотинларни макридан эмин бўлмоқ ва ёш болалар билан суҳбат қилмоқ.

*Хожа Аҳрор Валий*

---

<sup>1</sup> Курашмоқ.

Лоф урмак ўз илмидан эрур нодонлик,  
Нодонлигин англаган бўлур ирфонлик,  
Мушкул қилиш ишингни не кордонлик,<sup>1</sup>  
Бир йўқ олиб келуси минг осонлик.

*Алишер Навоий*

Билимсиз киши нима гапирса, нодонлиги сабабли сўзлайди, шунинг учун унинг тили ўз бошини ейди.

*Аҳмад Юғнакий*

Яхши одам сўз маъносин англайди,  
Ёмон одам бузуқ сўзин тинглайди,  
Нодон одам асло сўзга кирмайди,  
Менинг кўнглим вайрон бўлур халқ учун.

*Бердақ*

Ловвиллаб ёнаётган оловни сув ўчиргани каби нодон одамлардан чиқаётган алангани ҳакиму оқил одамлар сўндираплар.

*Маҳмуд Замахшарий*

Нодонга хомушлиқдан яхшироқ маслаҳат йўқдир. Агар нодон шул маслаҳатни билса эди, нодон бўлмас эди.

*Хожа Аҳрор Валий*

Нодонга илм ўргатмоқ умрни зое ўтказмоқдир.

*Шавқий Каттақўргоний*

Ёлғизман деб шалпаймагин,  
Кўпман деб ҳам талтаймагин,

---

<sup>1</sup> Ишибилармон.

Нодонликка йўл қўймагин,  
Доим ўйлаб сўйла, болам.

*Бердақ*

Ўзунга аблаҳу нодонни айлама ҳамроз,  
Ки, яхши эрмас эшак доги ҳамсабақдикка.

*Алишер Навоий*

Нодондин йироқ қочган – дононодур.

*Муҳаммад Сиддиқ Рушдий*

Эй, кўнгул, одам хаёл айлаб дема нодонға сўз,  
Чунки ул инсон эмса, топсанг дегил инсонға сўз.

*Оғаҳий*

Нодонлиғ эрур әлда маломатга далил,  
Доно улус олдида хижолатга далил.

*Алишер Навоий*

Вах, на янглиғ билгуси ҳайвон гуҳарнинг қадрини  
Ким топар ҳаз етса ул кунжкорау сомонға сўз.  
Сўзни мафҳум айламак нофаҳмға мушкулдурур  
Ким бўлуб сўз аҳли бағри қону ботгай қонға сўз.  
Сангдил жоҳилға тонг йўқ сўз агар қилмас асар,  
Чунки таъсир айламак мумкин эмас сандонға сўз.  
Ҳар хасосат шевага сўзингни зойиъ қилмоғил,  
Сўз демак истар эсанг де соҳиби инсонға сўз.

*Оғаҳий*

Доно кўринган нодондан ҳазар қил.

*Мотуридий*

Нодон дүйстни дүйст сонига кивурма.<sup>1</sup>

*Алишер Навоий*

Ақлли душман, жохилу нодон дүйстдан яхшироқ.

*Амир Темур*

Аё дүйстлар, нодон бирла улфат бўлиб,  
Багрим куюб, жондин тўюб, ўлдим мано.  
Тўгри айтсам эгри йўлга бўйин тўлгар,  
Қонлар ютуб ғам заҳрига тўйдум мано.

*Аҳмад Яссавий*

Нодонларнинг кўнгиллари қум чўли каби бўлади.  
Емиш, гиёҳ ўсиши у ёқда турсин, унга дарё оқиб кирса  
ҳам тўлмайди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ясанчоқ мардона бўлмас, кўпалак парвона бўлмас.

*Алишер Навоий*

Ер остига қочиб кирдим нодонлардин  
Илким очиб дуо тилаб мардонлардин.  
Гарип жоним юз тасаддуқ донолардин,  
Доно топмай ер остига кирдим мано.

*Аҳмад Яссавий*

---

<sup>1</sup> Киргизма, киритма, ҳисоблама.

## 97. Аҳмоқлик

Аҳмоқлик. Бунга гирифтор бўлган кишиларда ҳам ўзига яраша фикр, мақсад, гоялар бўлади, тажрибасиз бўлади, лекин бирор ишни қилаётганда ўз билими, тажрибасидан тўғри фойдалана олмайди, бир-бирига тўғри фикрларни боғлай олмайди, натижада берган кўрсатмалари, қилган ишлари аҳмоқона бўлиб чиқади.

*Абу Наср Форобий*

Аҳмақ аҳли билмагай сўз ичра ўз беҳбудини,  
Ўзига қилгай зарар охир чекиб ҳазёнга сўз.

*Оғаҳий*

Аҳмақлик давосини топмак мушкил бўлган бир иллатдур.

*Абдулла Авлоний*

Ахлоқ уламолари қошинда ҳамоқат жаҳолатдан ёмонроқдур. Зероки, жоҳилда фақат бир жаҳл бор. Аммо аҳмақда бир неча соҳиби ақдни алдайдургон ёғон-яшшиғ сўзлар бўлурки, кўб кишиларни алдаб йўлдан чиқарадур.

*Абдулла Авлоний*

Ҳар бир касалнинг давоси вордур,  
Аҳмақ касалининг йўқ давоси.

*Абдулла Авлоний*

Бамисоли тумов киши гулнинг ҳидини сезмаганидек, аҳмоқ киши ҳикмат лаззатини билмайди.

*Маҳмуд Замахшарий*

## **98. Бадхулқлик оғатлари**

Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,  
Лек шараф келди ҳаёву адаб.

*Алишер Навоий*

Агар адабдан озгина нуқсонга йўл қўйсанг ҳам нимаики  
қилсанг беадаблик кўринади.

*Баҳоуддин Нақишибандий*

Қабоҳатли сурат, чиркин юзнинг ва ёмон чеҳранинг  
орқасида ярамас хулқдан бошқа нарса йўқдир.

*Маҳмуд Замахшарий*

Гар йўқдур адаб, не суд олтун унидин,  
Элнинг адаби хушроқ эрур олтунидин.

*Алишер Навоий*

Ёмон хулқлуғ бирла ўлтурма зинҳор,  
Оting чиқғай «ёмон» теб, хуш бил, эй ёр!

*Кутб*

Бўлмас адабсиз кишилар аржуманд,  
Паст этар ул хайлни чархи баланд.

*Алишер Навоий*

Беадабни хоҳламайди кўчаю чойхона ҳам,  
Юз ўтиргай учраганда ошно, бегона ҳам.

*Чустий*

Кимники инсон десанг, инсон эмас,  
Шаклда ҳам феълда якson эмас.

*Алишер Навоий*

Дегул инсон десанг ани не ажаб,  
Бўлмаса қирқ яшарда ақду адаб.

*Сайфи Саройи*

Мувашшаҳ хабарни чиндур деб дўстқа еткурма ва би-  
ровнинг айби воқиъ бўлса, юзига урма!

*Алишер Навоий*

Дагал ва қўупол сўзламаслик, ўзни қаттиқ тута билиш  
керак, дагал сўзга одамнинг кўнгли бирпасдаёқ совиди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Одам борки, одамларнинг нақшидур,  
Одам борки, ҳайвон ундан яхшидур.

*Алишер Навоий*

Душмани қилмаган ишларни қайсар феъли қилади, бу  
феъли ёвдир, унинг ёвдан қандай фарқи бор?

*Юсуф Хос Ҳожиб*

## **99. Адоват ва низо**

Низо ва нигоқ мавжуд бўлган жойда нохушлик бўлур,  
қайғу-ҳасрат, фақирлик келур.

*Махмуд Замахшарий*

Сўзлардаги ихтилоф аҳволдаги ихтилофга асосланган-  
дир.

*Баҳоуддин Накишбандий*

Кимки адовату хусуматни экса, албатта у ташвишу мاشаққат ўради.

*Махмуд Замахшарий*

Адоват виждонни беҳузур қиласургон энг ёмон хулк-лардан ўлдигини (эканини) инсон яхши билса эди, ҳеч вақт азиз жонини аламлик азобга гирифтор қилмас эди.

*Абдулла Авлоний*

Низо қилиш ҳақида сенга фатво берсалар-да, тажри-бадан ўтиб синалган киши билан низо, баҳс ва мунозара қилишдан сақдан.

*Махмуд Замахшарий*

Ҳаммага очуқ ва ойдиндурки, адоват дарахти хусумат мевасини чиқарур. Агар адоватни кесуб ташлаб ўрнига мухоласат новдаси уланса, бу сояда муҳаббат ва улфат меваси нишона қилур.

*Абдулла Авлоний*

## 100. Ғазаб

Ғазаб иродаси кучли одамга рўпара келолмаганидек, иродаси кучсиз одамга ҳам рўпара келолмайди.

*Абу Али ибн Сино*

Ғазаб ўти тутаб, алангланиб ёнса, мулойимлик билан шафқат, марҳамат, ҳақиқат сувини сочиб, уни ўчир.

*Аҳмад Юғнакий*

Ғазабнинг аввали жиннилик, охири надоматдир.

*Абдулла Авлоний*

Ҳаддан ортиқ ғазаб ваҳшийлик келтиради ва бевақт қилинганд лутф обрўни кетказади.

*Абу Райҳон Беруний*

Нафснинг гуруридан пайдо бўлган ғазаб инсонни аламлиқ азобларга гирифтор қиласадур.

*Абдулла Авлоний*

Ғазаблик бўлмагил, бўлғил мулойим,  
Бўлурсан шоду ҳуррамлиқда доим.  
Ғазаб ўтдур, ёқодур жисму жонинг,  
Ғазаб барбод этодур хонумонинг.  
Ғазаблик ўтни бўш сув паст қилгай,  
Ғазабни жинни ёки маст қилгай.

*Абдулла Авлоний*

Жаҳолат билан ғазаб одамга ашаддий душмандир, бу иккала душман дастидан жон ҳамиша азоб тортади.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Енгилтак аччиғланганда тиг билан қўлни кесар, сўнгра афсус қўли орқасин тиш билан чайнар.

*Захаријаддин Муҳаммад Бобур*

Жаҳолат ва ғазаб билан шошилиб иш кўрма, борди-ю бундай қилсанг, ўз ҳаётингга зомин бўласан.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Қаҳр ўтидин түшса жаҳонга шарар,  
Ёнар онинг шуъласидин хушку тар,<sup>1</sup>  
Қаҳр келур дамда кетар ақл тез,  
Қаҳр солур халқ аро рустахез.

*Хожа*

Ғазабли одам ҳамиша ўқинчли бўлади, ғазаб билан иш  
қилган киши шубҳасиз адашади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Қаҳру ғазаб тутса дам ичра қарор,  
Қолмас ўшал дам кишига ихтиёр.

*Хожа*

Қаҳрли одам билимсиз бўлади, ғазаб одамни заковатдан  
маҳрум қиласди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

### **101. Ғийбат, тұхмат ва бузғунчилик**

Кимки тонгда туриб, тилини лағв – беҳуда, ғийбат ва  
фаҳш сўзлар билан бошласа билгинки, у ҳаром луқма еган.

*Абу Бакр Варроқ Термизий*

Эл айбини айтурға биравким узатур тил,  
Ўз айбини фош эткали узатур тил, бил!

*Алишер Навоий*

Учма иғвогар сўзига ҳеч қачон,  
Не ёмондир ҳаммадан тұхмат ёмон.

*Чустий*

---

<sup>1</sup> Xўлу қуруқ.

Инсон токи ўзини майда гап, ўчакищ, жанжал, шикоят, норозилик, оху воҳлардан озод қилолмас экан, у ифлос ва пастлик табиатидан халос бўлолмайди.

*Абу Али ибн Сино*

Сен қулогингни кўзингдек билмағил,  
Гар эшитсанг, кўрганингдек билмағил.

*Рожий Хўқандий*

Иғво ва чақимчилик энг ярамас сифат бўлгани учун бу ёмон сифатни ўзларига маслак қилиб олган кишилар халқ назарида мунофиқ саналади.

*Абдулла Авлоний*

Тұхматчи бир соатда бир ойга татигулик фитна қўзготади.

*Алишер Навоий*

Ҳеч кимсага теккизма забони покинг,  
Бўлсин, десанг, осуда бу жони покинг.  
Ифлос қиласи оғизни гийбат, билсанг,  
Бас, булғама ҳеч қачон даҳони покинг.

*Убайдий*

Мисвоклар билан оғзингни тозаладинг, кошки эди бундан кейин сен оғзингни бўхтон, ёлгон, гийбат сўзларни айтиш билан булғамасанг!

*Маҳмуд Замахшарий*

Қай эшик эрмиш яқинроқ, они қоқ,  
Сен узоқни сўзига солма қулоқ.

*Рожий Хўқандий*

Дейди игвогарни халқу бу замон,  
Шулдир инсон шаклида юрган илон.

Чустий

Инсон бошқа гуноҳдарни нафснинг лаззати учун қила-  
дур. Аммо гийбат соҳиби лаззат ўрнига ўз бошига ёки бир  
бошқа кишининг бошига бало ҳозирлайдур.

Абдулла Авлоний

Аралашдингми, фитна кўтаради, кўр,  
Бири – гийбатчи, чақимчилик қилувчи.  
Бири – иккиюзлама киши, таъмагир.

Юсуф Хос Ҳожиб

Фаразгўй агёрлар сўзига бовар қилмаким,  
Дилсиёҳлик келтирур ўртада ғаммоз озгина.

Анбар Отин

Гийбатни сўйламак ҳаром ўлдиги каби эшитмак ҳам  
ҳаромдур.

Абдулла Авлоний

Гийбатни севмайдиган яхши одам бўлса ҳам, агар гий-  
батчи орага кириб қолса, сабр қила олмайди, гийбатга  
қулоқ беради.

Юсуф Хос Ҳожиб

Сўз ташувчи игвогарни ўзингга яқинлаштирма, кўрган  
ва билганларини бутун элга ёяди.

Юсуф Хос Ҳожиб

Наммом (чақимчи) ва гийбатчи кишилар дарахт илдизига тушган бузогбош каби халқ орасида иттифоқ ва улфатнинг ковокини кемуруб, умумий халқ ва миллатнинг яшамоги учун лозим бўлган муҳаббат дарахтини емуурлар.

*Абдулла Авлоний*

Кўпинча фисқу фасод қилувчилар бир нарсани гумон қилиб, уни ҳақиқат деб ҳисоблар, ҳолбуки пировардида унинг нотўгри эканлиги равшан бўлар.

*Маҳмуд Замахшарий*

Фисқу фасод ҳамма нарсани таг-томиридан емиради, эзгу йўлни бузади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Фисқу фужур аҳли била бўлма ёр,  
Осию жоғий ила тутма қарор.  
Яхши кишилар била ҳамроҳ бўл,  
Ичкучилар сухбатида оз бўл.

*Ҳожа*

Эл айбини айтурға бирорким узатур тил,  
Ўз айбини фош айлагали тил узотур, бил.

*Алишер Навоий*

Эришилган саодатни фисқу фасоддан сақла, фисқу фасод ўчган ўтни ҳам ёндиради.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

## 102. Ҳасад

Яхшиғадур аҳли ҳасад заҳмати,  
Нақднинг ўгридин эрур офати.

*Алишер Навоий*

Кўзи сүқ одам кўп нарсага қаноат қилмайди, кўзи тўй-майди. Ажал келиб тутганда эса ўқинади, лекин ҳеч тадбир топа олмайди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Оқил сира ҳис-туйғуга бўлмайди асир,  
Зар қадри пасаймайди ҳасад бирла, ахир.

*Паҳлавон Маҳмуд*

Барча инсонлар бир отанинг фарзанди бўлиб, шакл-суратда бир-бirlарига ўхшайдилар. Лекин улар ўзларининг табиятларида бўлган ўзаро рақобат ва бир-бирига ҳасад қилишдан ҳоли эмаслар.

*Абу Райҳон Беруний*

Кўролмасанг бирорни сувига банд бергайсан,  
Заҳар солиб ошига ёвига қанд бергайсан.  
Кўролмасанг подшоҳни камситгайсан юртни ҳам,  
Чавандозни кўролмай отига панд бергайсан!

*Абдулла Орипов*

Кимки ҳасад ўтин ёқса жаҳонда,  
Бу ўт унинг ўзин қўймас омонда!

*Хожа Самандар Термизий*

Оташ ўзидан-ўзи ёнуб кул бўлгони каби ҳусудларнинг<sup>1</sup>  
жасади ҳасад ўти или эруб, маҳв ва барбод бўйур.

*Абдулла Авлоний*

Ҳасад билан газаб икки қанот бўлиб ҳаракатга келса,  
тоза ва чиройли ҳаётларни хира ва қудуратли қилиб юбо-  
ради.

*Абу Райҳон Беруний*

Одамзот ҳасад қилмаслиги керак. Ҳавас қилиши керак.  
Ҳавас қилган одам муродига етади.

*Абдулла Қаҳҳор*

Одамларга ҳасад қилма, оққўнгил бўл, бу икки феълга  
эга бўлган одам доим мунгда бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ҳасадчида роҳат йўқ.

*Алишер Навоий*

Дунёда энг шўрлик, баҳтсиз зот ким? Назаримда, ҳа-  
садгўйдир. Бошқаларни номақбул шароит хароб қилса, у  
ўзини-ўзи ейди.

*Абдулла Орипов*

Ҳасм неча ҳақиқ бўлса, кўнгул қўзғатур, ҳас неча ушоқ  
бўлса, кўз булагатур.

*Алишер Навоий*

---

<sup>1</sup> Ҳасадгўйлар.

Ул одамким, ҳасад гайрига айлар кечаю кундуз,  
Қилиб рашку таассубнинг ўтига бағрини гирён.  
Агарчи илгидан келмас биронни ҳуррам этмак,  
Кўра олмас ва лекин кимсани қалби эса шодон

*Аваз Ўтар*

Инсониятнинг азамат фарзандлари ёхуд фидойи ин-  
сонлар ҳамиша ичи қораларнинг уйқусини қочиради. Ичи  
қоралар ўз қадрларини билмайдилар.

*Абдулла Орипов*

Ҳар кимки ҳасадчи эрур сазовордир ҳасади,  
Ҳақдин бўлгон ёмон қазодир ҳасади.  
Ўз жонига етгунча балодир ҳасади,  
Балким анга дардли бедаводир ҳасади.

*Алишер Навоий*

Ичиқоралик, ҳасадгўйлик, гуруҳбозлик иллатлари мил-  
латни зимдан емирадиган наркотик заҳарлардир.

*Абдулла Орипов*

Жоҳилки, ҳасад бўлгай анинг жаҳлига зам,  
Нур эл кўзидин англаса ўз кўзида кам,  
Кўзларни алишмоққа чекиб тийғ-и ситам,  
Эл кўзини ҳам ўйгаю ўз кўзин ҳам.

*Алишер Навоий*

## 103. ЁЛГОНЧИЛИК

Неча бўлса ёлғончи эл аржуманд,  
Сўзи анжуман ичрадир нописанд.

*Алишер Навоий*

Ўз хотинини алдаган одам ўйнашига рост гапирмайди.

*Абдулла Қаҳҳор*

Ёлғончилик кишини адолатдан юз ўгиртиради.

*Абу Райҳон Беруний*

Ёлғон сўз ила итоб этарсен,  
Юз қаҳр била хитоб этарсен.  
Гар ёлғони бўлса зоҳир, эй дўст!  
Шарманда бўларсен охир, эй дўст!

*Захаријаддин Муҳаммад Бобур*

Кимки, чини эл аро ёлғондурур,  
Ёлғони чинлиққа не имкон дурур.

*Алишер Навоий*

Ўгул, парҳез қил сан ҳам ҳамиша лофу ёлғондан –  
Ки яхшидур сукут этмоқ, айтуб ёлғону ёлғондан.

*Мунаввар Қори Абдурашидхонов*

Айласа ёлғон йиги, алданма ҳеч,  
Бу тугунни ўйла хўб ақл ила еч.

*Чустий*

Кимки ўзи айлади ёлгон сўзин,  
Кизб<sup>1</sup> дер эл чин деса, қолгон сўзин.

Алишер Навоий

Бир қошиқ қорамой бир бочка асални булғаб, еб бўлмай-  
диган аҳволга келтирганидай, бир кичик ёлғон ҳам оилани  
бутунлай барбод қиласидиган қувватга эга бўлиши ёки уни  
ичидан чиритиб юбориши мумкин.

Озод Шарафиддинов

Феълу ҳулқу сўзларида ростлик эрмас аён,  
Ман мунча ҳайрон, бу не автор экандур, билмадим.  
Қилсалар ҳар ваъда шак йўқ мунда ёлғондур бори,  
Мунча ёлғон сўз нега даркор экандур, билмадим.

Баёний

Аввал ҳилол бўлиб кўринди ёлғон,  
Сўнгра қулоч ёзди улкан ёйсимон.  
Роса кучга кириб тўлин ой бўлгач,  
Дунёни Ёлғон деб айлади эълон.

Абдулла Орипов

Чин сўзни ёлғонга чулгама, чин айта олур тилни ёлғонга  
булгама.

Алишер Навоий

Ҳеч сўзлама ёлғон, эй яхши инсон,  
Эл олдида нораво гапирмоқ ёлғон.

Убайдий

---

<sup>1</sup> Ёлғон.

Ҳар кимки сўзи ёлгон, ёлғони зоҳир булгоч ўёлгон.

*Алишер Навоий*

Ақл аҳли макрингга қачон ўлғай фирефта,  
Ёлғон кароматингни баён қилмагил абас.

*Мунис Хоразмий*

Ёлғон сўз дегучини беэътибор қилур нечукким ул  
гавҳарни хазафдек хор қилур.

*Алишер Навоий*

Доим юзинг ёргуғ бўлсин десанг, тилда ёлғон сўзни  
сўзлама, андиша қил.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ҳар киши ким ёлғонни деса лек кам  
Бўлғай эди кош, бу давронда ҳам.

*Алишер Навоий*

Одамлар орасида энг ярамаси ёлғончи бўлади, яра-  
масларнинг ярамаси эса сўзидан қайтган одамдир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ёлғончининг қасами бор (ҳақиқий) илмининг ҳам со-  
хталигини оширади.

*Махмуд Замахшарий*

Ҳар кишинингким, сўзи ёлғон эса,  
Айлама бовар нечаким чин деса.

*Алишер Навоий*

Бир маротаба ёлғон ишлатган одамнинг иккинчи маротаба ёлғон ишлатмаслигига ким кафолат бера олади – ҳеч ким!

*Абдулла Қажхор*

Ёлғончилар етказган зарар хоин ва аҳдбузарларницидан ҳам кўпдир.

*Алишер Навоий*

Наким сан аҳд қилдинг бўлди ёлғон,  
Қани сандек гуноҳ остида қолғон.

*Сўфи Оллоёр*

Ёлғонни чиндек айтувчи суханвар – кумушни олтун билан рўкаш қилғувчи заргар.

*Алишер Навоий*

Бугун ростни кўйиб ёлғон гапирган одам, эртага нима деганини унутади-ю, ростини айтиб қўяқолади ва шу билан ўзини-ўзи бебурд қиласди.

*Абдулла Қажхор*

Ҳар кимки, сўзи чин бўлмағай, ростлар кўнглига ул сўз қабул бўлмағай.

*Алишер Навоий*

Қилич бошингга келса айтма ёлғон,  
Ўлимдиндур баттар чунки у ёлғон.  
Агар ёлғончиликда ўтса отинг,  
Қиёмат кун начук бўлғай ўётинг.

*Сўфи Оллоёр*

Кимсага ёлғончи дебон қолса от,  
Бу от ила гар десалар үзу ёт.  
Сидқ хитоби яна ёнмас анга,  
Чин деса ҳам, халқ ишонмас анга.

*Алишер Навоий*

Ростгүй билан рост қаршисида, албатта, ёлғончи билан  
ёлғон бор. Бу ёлғончи үз ёлғонини ўша рост үрнида ривож-  
лантиришга уринади.

*Абу Райхон Беруний*

Элга неча махфий эса бу сифат,  
Зохир этар ёлғон үзин оқибат.

*Алишер Навоий*

Ёлғон доим ростдан енгилади, у худди сув юзасидаги  
кўпикдек йўқ бўлиб кетади.

*Абу Райхон Беруний*

Бироким, ёлғон сўзни бировга боғлагай,  
Ўз қора бўлган юзин ёғлагай.

*Алишер Навоий*

Тўгри сўз асал кабидир, ёлғон саримсоқ кабидир.

*Аҳмад Юғнакий*

Неча зарурат аро қолған чоги,  
Чин демас эрсанг, дема ёлғон даги.

*Алишер Навоий*

Беихтиёр қилингган гуноҳни кечирса бўлади. Аммо билатуриб, ростини қўйиб, ёлғон гапирган одамнинг гуноҳини кечириб бўлмайди.

*Абдулла Қажхор*

Ёлғончи сўзин бир-икки қатла ўткаргай, ўзга нетгай?  
Ёлғони зоҳир бўлғондин сўнгра анга расволиг етгай ва сўзи эътибори эл кўнглидин кетгай.

*Алишер Навоий*

Ёлғончи киши эмас, ёлғон айтмоқ мардлар иши эмас.

*Алишер Навоий*

Тилингдан ёлғон сўз чиқарма, бу ёлғон қадрингни туширади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ёлғон айтгувчи ғафлатдадур.

*Алишер Навоий*

Ёлғончи ҳар неча сўзида фасихроқ, сўзи қабиҳроқ.

*Алишер Навоий*

Ёлғон кишининг обрўсими тўқади, ҳазил-мазах ҳам кишини шунга ўхшаш беиззат қиласди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ёлғончида каромат йўқ.

*Алишер Навоий*

Ҳар ким бўлғон ишни бўлмади деса, бўлмагон ишни бўлди деса, ул киши ёлғончи дейилур. Ёлғончилик гуноҳдарнинг улуғи, ҳадияларнинг бузуғидир.

*Мунаввар Қори Абдурашидхонов*

Соҳта пул тоза пул ҳисобланмаганидек, ёлғон сўз пишиқ гап бўла олмайди.

*Абу Наср Фаробий*

Неча зарурат аро қолган чоги,  
Чин демас эрсанг, дема ёлғон доги.

*Алишер Навоий*

Агар қилса киши ёлғонга одат,  
Разолатда яшаб чекгай надомат.  
Халойиқ ичра бўлмас эътибори,  
Тегар бошига чўқ санги маломат.  
Кимнинг бўлса агар ёлғончи исми,  
Бу исми ўзга бўлмас то қиёмат.  
Ишонмас эл ёлғончининг сўзига,  
Агар бўлса сўзи кашфу каромат.

*Абдулла Авлоний*

Ким ҳамул ёлғонга бўлғунг мубтадо,  
Келгуси ондин бошингга юз бало.

*Алишер Навоий*

## 104. Ёвузылкы, золимлик

Мунчаким зулм айлагунг бордур мукофоти замон,  
Оқибат бир кун анга масъул бўлуб бергунг жавоб.

*Аваз Ўтар*

Неким қилди жоҳилки, эрди ёмон,  
Тутиб аксини топдим андин омон.

*Алишер Навоий*

Зинҳор кишига зўравонлик ва зулм қилма, агар киши  
қийинчиликка тушса, сен унга кўмак бер.

*Аҳмад Юғнакий*

Бироргаким, бирордин етди офот,<sup>1</sup>  
Ҳамоноким қаттироқдур мукофот.

*Алишер Навоий*

Беҳуда кишига қасд қилмоқ,  
Беҳуда ўзни ҳалокка солмоқ.

*Увайсий*

Асра ўзунгни бирор озоридин,  
Кимсага озордалиқ изҳоридин.

*Алишер Навоий*

Агарда вазир золим бўлса, кўп вақт ўтмай салтанат уйи  
қулайди.

*Амир Темур*

---

<sup>1</sup> Азият.

Дам-бадам бедоду жабру, зўрликлар айлабон,  
Солма мазлум элни кўнглига мулингдек изтироб.  
Кимсага ҳар шевада қаллоблик,  
Андин эрур яхшики каззоблик.

*Алишер Навоий*

Ўтиб кетган одамга қора чаплаш учун унчалик кўп ақд  
керак эмас.

*Озод Шарафиддинов*

Кимгаки, бир ришта ётурдунг зиён,  
Қатлинга ул риштани билгил йилон...

*Алишер Навоий*

Зулм қилмоқлик дўконин қурмагил,  
Хўкузингни бўйинини шиштурмагил.

*Рожий Хўқандий*

Қилай зулм, элга қилғунча, ўзумга.

*Алишер Навоий*

Йўқсилини камситиш, маломат қилиш ғоят оғир гуноҳ-  
дир.

*Абдулла Орипов*

Ҳар кишиким бирорга қозғай чоҳ,  
Тушкай ул чоҳ уза ўзи ногоҳ.

*Алишер Навоий*

Ҳама аъзо раъиятдур, кўнгил шоҳ,  
Амонлиғ бўлгуси шоҳ адлидин роҳ.  
Агар султон ўзи қилса ямонлиғ,  
Қачон бўлғай раъиятда амонлиғ.

*Сўфи Оллоёр*

Фосиқдин ҳаё тилама,  
Золимдин вафо тилама.

*Алишер Навоий*

Зулмнинг ўтини асло ёқмағил,  
Сен бирор бошида донак чақмағил.

*Рожий Ҳўқандий*

Кимга тикан бирла қилибсен ситеz,  
Ургусидур кўксунга юз тиги тез.

*Алишер Навоий*

Зулм ғалаба қилиб, бир мамлакатни босиб турса, бу зулмни офтоб ва тонг равшаниғи бартараф этолмас, бундоғ зулматниadolat қучи енгар.

*Анбар Отин*

Ўз вақтида қилинмаган яхшилик – зулм билан баробардир.

*Алишер Навоий*

Агар ким зўравон бўлса ва тўғриликдан қочса, заҳар-закқум ўшанинг насибаси бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Золим кишининг оқибати хайр ўлмас.

*Алишер Навоий*

Кўлдан келганича ҳеч бир дилга озор берма! Диldан чиққан бир оҳ бир жаҳонни барбод қиласди.

*Захириддин Муҳаммад Бобур*

Ўз қабоҳатини кўрган кишининг ўзгаларнинг қабоҳатларини кўрмакка вақти бўлмас.

*Абдулла Авлоний*

Зулм ўзунга фисқдур, э, ҳушёр,  
Кам қил ани бўлса сенга ҳуш ёр.

*Алишер Навоий*

### **105. Ёмонлик ва унинг оқибатлари**

Ёмонлик олов каби куйдирувчи бўлади, ундан қочиб чиқишига йўл топиб бўлмайди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ёмон, норасо эътиқод билан қилинган эзгу иш сароб ва кул каби ҳеч қанақа фойда бермайди.

*Махмуд Замахшарий*

Эл қосча бирордин эл ёмони бил ани,  
Ахволида идбор нишони бил ани.

*Алишер Навоий*

Кимда-ким ўзига ҳамишалик эзгу ўрин истаса, икки оламда ҳам ёмонлик қилмасин.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ёмоннинг сира ҳатлама остонасидан,  
Еб тушма тузогига тагин донасидан.  
Ўқ ростлигидан билиб камонни эгри,  
Кўр қочишини шитоб унинг хонасидан!

*Паҳлавон Маҳмуд*

Не феълки келди бирордин ёмон,  
Ёмонлик кўрардин анга йўқ амон.

*Алишер Навоий*

Гар бир кишидан дилда шикоят бўлгай,  
Дил оғриги ундан бениҳоят бўлгай,  
Ҳеч ўйлама интиқом олишни, чунки  
Ёмонга ёмонлиги кифоят бўлгай.

*Абдулхолиқ Ғиждувоний*

Ёмонлик бир оғудир, бу оғуни зинҳор емагин, оғу еган тириклиқдан баҳраманд бўлмайди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ёмонлиқдан ўзингни эҳтиёт қил. Чунки ёмон киши пасткашлиқ ва баҳтсизлик жулдуларига ўралгандир.

*Маҳмуд Замахшарий*

Ёмондин яхшилиқ кўз тутмоқ фосид хаёлдур, итдин кийиккаю мушукдин кабутарга шафқат муҳолдур.

*Алишер Навоий*

Берайин бўлажак ишларни сўйлаб,  
Асло иш қилмангиз ёмонлик ўйлаб,  
Юз ўлчаб, бир кесинг, ишни соз айлаб,  
Бор кучингни сарф айлагил халқ учун.

*Бердақ*

Ўз ёмонликларингнинг ҳеч бирини ҳақир, арзимаган  
деб айтмагин.

*Маҳмуд Замахшарий*

Яхши-ёмондин бари эрмас жаҳон,  
Лек ёмон зоҳиру яхши ниҳон.

*Алишер Навоий*

Ким ёмонлик қиласа, унинг йўлида меҳнат ва машаққат-  
лар бор, ҳақиқат куни тўғрига тўғри йўл бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Толиб, қабулинг баттар эрур инкордан,  
Ёмон ҳар ишинг – фойдаси йўқ такрордан:  
Кофиран-у, эл ичинда мўмин номинг,  
Кофири яхши сен каби дилозордан!

*Паҳлавон Маҳмуд*

Ким ёмонлик қиласа ўзига қиласи, у ёмонликнинг му-  
кофоти ҳам ёмонлик бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Худди ҳаромдан ҳазар қилгандек, ёмон хулқдан ҳазар  
қилингиз

*Абу Бакр Варроқ Термизий*

Ҳамма ямонлиқларнинг онаси – дангасалик, қўрқоқлик – отосидур.

*Абдулла Авлоний*

Отим йўқ деб, адашмагин,  
Тўним йўқ деб, талашмагин,  
Ёмонларга ёндашмагин,  
Оринг ерга урма, болам.

*Бердақ*

Ёмон ёмонлигини, яхши яхшилигини ташлай олмайдир.  
Мабодо ташласа боши оғрийдир, кўзи чиқадир.

*Абдулла Қодирий*

Туғма ёмонлар учун чора ва илож йўқ, улар борлиққа  
бало, халқ учун офат бўладилар.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ёмон юрма, ёмон андиша қилма,  
Отангдек рўсиёҳлик пеша қилма.  
Яратғон тангрига қилғил таваккул,  
Таъма қилма кишидин биргина пул.

*Сўфи Оллоёр*

Ёмон бош кўтарса, яхши маҳв бўлади, борди-ю яхши-  
нинг қўли баланд келса, ёмон йўқ бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ёмонни агар яхши қилсанг гумон,  
Эрур яхшини ҳам дегандек ёмон.

*Алишер Навоий*

Ёмонлар одатини касб этма, эй ҳар ишга қодир киши,  
ёмон одат икки жаҳон овораси қилиб йифлатади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Кимки, фалак сори отар тошини,  
Тош или озурда қилур бошини.

*Алишер Навоий*

Ёмон қаерда бўлмасин ёмон биландир, эй яхши, сен  
ҳамиша яхши улфатларни истагин.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Юқар ёмонлиғ ангаким, кирап ёмон эл аро,  
Кўмур аро илиг урган қилур илигини қаро.

*Алишер Навоий*

Ёмон яхшига ҳеч муносиб бўлмайди, эгри тўғри билан  
зинҳор мос келмайди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Нега ёмонларга дард бермас Худо,  
Ҳатто товонига тикон кирмайди?  
– Ҳамманинг жонига теккан у бало,  
Худо дардини ҳам раво кўрмайди.

*Абдулла Орипов*

Ёмонлар қарғаладилар, яхшилар оқланадилар, ўйлаб  
кўр, қайси бири сенга маъқул тушади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Яхши киши кўрмагай ёмонлиқ ҳаргиз,  
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур!

*Захириддин Муҳаммад Бобур*

Юрмаса ким тўғри, сўқмоқ келтиур,  
Эгри калтак эгри тўқмоқ келтиур.

*Рожий Ҳўқандий*

Кимнинг дили тошдан-да эса мустаҳкам,  
Дилмас ўша тошdir инакам, йўқ шубҳам.  
Унданdir узоқ саодату давлату баҳт,  
Бедавлату бесаодату бадбаҳт ҳам.

*Убайдий*

Ёмоннинг ёши қисқадир, у ўкинч билан қарийди, яхшининг ёши узундир, у доим ўкинчсиз юради.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ёмонлик қилганингдан кейин оғатлардан эмин бўлма,  
чунки табиатнинг берадиган жазоси аниқдир.

*Захириддин Муҳаммад Бобур*

Ёмонга аралашма, ёмон куйдиради, отинг яхши бўлса  
сендан эзгу из қолади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Сен ўзингга ёмонлик қилувчини турмуш ҳукмига ҳавола қил. Турмуш сенга ўч олиб берувчи хизматкордир.

*Захириддин Муҳаммад Бобур*

Ямоннинг ямонлиги ўз бошига етади.

*Абдулла Авлоний*

Дунёнинг ишлари ғалатдир, билсанг,  
Сени кўзга илмас – сен кўзга илсанг.  
Ёмонлик шу заҳот қайтади, аммо  
Кутма жавобини, яхшилик қилсанг.

*Абдулла Орипов*

Ёмон, норасо эътиқод билан қилинган эзгу иш – сароб ва кул каби ҳеч қанақа фойда бермайди.

*Махмуд Замахшарий*

## 106. Ёмон кишилар

Кимнинг асли яхши бўлса, қилиқлари гувоҳ бўлади, ёмоннинг аслига ҳам қилиқлари гувоҳдик беради.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Уч кишидан уч иш ёмон кўринур,  
Сенга арз айлай аҳли дунёдин:  
Шоҳдин тундлук, ғанидин бухл,  
Молға майлу ҳирс донодин.

*Алишер Навоий*

Бузуқ ниятли ва ёмон ахлоқли кишилар ўртага кириб олиши билан иш тўғри бўлмайди.

*Абу Райҳон Беруний*

Ёмонлик қилувчи одам тубандир, ярамас иш ёмонликка олиб келадиган ярамас нарсадир.

*Юсуф Хос Хожиб*

Тузлук эрмас шифосио вояси ҳам,  
Ким эгри кишининг эгридури сояси ҳам.

*Алишер Навоий*

Ёмон фикр соҳиблари ҳам, куфр неъмат қилувчилар ҳам ёввойи қобонлар мисоли Аллоҳ таолонинг магфиратидан йироқдирлар.

*Махмуд Замахшарий*

Сўралдиким, нимадурким фойдаси барча халойиқقا етар, дедиларким: «Ёмонларнинг йўқлиги».

*Алишер Навоий*

Ёмон одам билмас сўзнинг фарқини,  
Қадрин билмай оға-ини, халқини,  
Кўтармоқчи бўлиб ўзин донгини,  
Ёмонни учратсанг дафъ қил халқ учун.

*Бердақ*

Ёмон табиатлилардан қочиб қутулиш мумкин. Улар чаёнга ўхшаб ёмонликни шиор қилиб олишган.

*Зокиржон Фурқат*

Кимки киши ўлмакидан шод эрур,  
Гўркану госилу жаллод эрур.

*Алишер Навоий*

## 107. Ёмон кишилардан узоқ юришлик

Яхши одамларни ўзингга яқин тут, ёмондан йироқ тур,  
зиёни тегади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ёмон билан суҳбат этма ҳеч,  
Алар номинг булғаб кетолгай.  
Қара, улкан Қуёш нурини,  
Парча булут хира этолгай.

*Абдулхолик Ғиждувоний*

Нокасдан қарз олма.

*Мотуридий*

Агар ёмон йўлдошга эргашсанг, унинг оғуси билан  
заҳарланасан, яхвиси унинг душманлари жумласидан бўл,  
шунда унинг оғусию заҳматидан қутуласан.

*Маҳмуд Замахшарий*

Ёмон кишиларга бўлма ҳеч ҳамсуҳбат,  
Пок номинг улар булғагай айлаб гийбат.  
Ҳар қанча улуғ бўлса-да, офтобни қара,  
Бир парча булут бошига солгай зулмат.

*Абдухолик Ғиждувоний*

Асра ўзунгни бирор озоридин,  
Кимсага озурдалиқ изҳоридин.

*Алишер Навоий*

Эшитсанг нафъи йўқ, сўз, эй неку зот,  
Ани ҳам гўша олма, гўша чиқ ёт.  
Киши санчиқ сўз айтса сан чиқ ондин,  
Ёмондин қоч, ёмондин қоч, ёмондин.

*Сўфи Омлоёр*

Ёмонлардан қочгин ва яхшиларга қўшилгин, агар ёлғиз  
бўлсанг шайтон билан бирга бўласан. Ва агар ёмонлар  
билан бирга бўлсанг, ёмон бўласан.

*Хожа Аҳрор Валий*

Ёмон феълли кишидан ҳаромдан парҳез қилгандек  
парҳез қилинглар.

*Абу Бакр Варроқ Термизий*

Кўп ўтурма ёмоннинг суҳбатида,  
Пок бўлсанг, сени қилур ифлос.  
Кўр, нечук офтоб равшандур,  
Хира қилса булат, кўруб бўлмас.

*Абдулла Авлоний*

Ёмон бўлиб тушма кўзга,  
Доғ қўндирма оппоқ юзга,  
Учма асло ёлғон сўзга,  
Ёмондан зинҳор қоч, болам.

*Бердақ*

## **108. Қўрқоқлик**

Кўрқувга мубтало бўлган киши (Қуёш мисоли) фақат қочищдан нажот излайди.

*Маҳмуд Замахшарий  
Кўрқоқнинг олдида ҳақ сўзни айтма.*

*Муҳаммад Сиддиқ Рушдий*

## **109. Номардлик**

Одамларнинг тубан даражалиси ҳам ўзидан тубанроқ бўлган бирорга эгалик ва раислик қилишдан ҳоли эмас.

*Абу Райҳон Беруний*

Номард – ит эса, марднинг қиёси – дарё,  
Булғанмади ит тегса-да, дарё бари бир!

*Паҳлавон Маҳмуд*

## **110. Дангасалик**

Бекорчилик ва айш-ишрат нафақат нодонликка олиб келади, айни вақтда касалликнинг туғилишига ҳам сабаб бўлади.

*Абу Али ибн Сино*

Ҳеч тутма ўзингга ёр бекорларни,  
Кўрдик ҳамиша хор бекорларни.  
Бир иш бошини тут – сира бекор юрма,  
Тарқ айла бекорликни-ю, бекорларни.

*Убайдий*

Бу – күмурчилик, бу – темирчилик – менга муносиб иш эмас, деб дангасалик қилуб, ишсиз юрса, зүр айб, гайратсизлиқдур.

*Абдулла Авлоний*

Ишда йўқ, ҳар қайдадур шармандаур,  
Кимки жўянда эрур ёбандаур.

*Рожий Ҳўқандий*

Аксар ялқовлар ўзлари учун фойдалик бўлган ишларга дангасалик қилиб, фойдасиз бўлган ишлар орқасинда умр ўтказарлар.

*Абдулла Қодирий*

Чала билим эгаси бўлишдан кўра, билимсизлик афзалроқдир.

*Абу Али ибн Сино*

Ақлли кишилар бугунги ишни эртага қўядиган кишилардан юз ўгирадилар.

*Баҳоуддин Нақибандий*

Дангасалик ҳар вақт инсонни хор қилур.

*Абдулла Авлоний*

Ётмагил оламда, эй ёр, ишлагил,  
Бекор ўлганингча бекор ишлагил.

*Рожий Ҳўқандий*

Меҳнатсиз кечган бир кун санаб ўтказилган йилга  
баробар.

*Саид Аҳмад*

Ишнинг қулайини ахтармак ялқовликдир, қулай ишдан  
буюк унум чиқмас. Буюк унумли ишлар қулайды бўлмас.

*Фитрат*

Одам эрсанг, сен бир ишни қил ҳавас,  
Бехунарро хар ҳамегўянд бас.<sup>1</sup>

*Рожий Ҳўқандий*

Қунтсизлик – бунда инсон маълум бир ишни қилаётганда ёки бирор нарсага дуч келганда уни қунтсизлик билан бажаради, ишни бўш қиласди. У агар ҳар қандай ишга учраса ҳам бари бир уни қунтсизлик билан бажаради, бутун умри мобайнида қунтсиз бўлиб ўтади, яъни унга нисбатан лоқайд бўлади.

*Абу Наср Форобий*

### 111. Нафс балоси

Инсонга энг яқин нарса унинг нафсиdir. Шу нафс, энг аввало, ўзига яхшилик қилишга, кейин эса ўз розилиги билан теварагидаги энг яқинларига яхшилик қилишга интилиши керак. У ташқи кўриниш, ясама шуҳрат, сунъий обрў учун мурувват ва футувват кўрсатмасин.

*Абу Райҳон Беруний*

---

<sup>1</sup> Бекорчи суҳбатидан қоч!

Шоҳ улдурким, олмағаю бергай, гадо улдурким, соч-  
мағаю тергай.

*Алишер Навоий*

Тамоққа эҳтиёт бўлинса, умрга фойдалидир,  
Овқатни оз ейилса, бу оғизга лаззатлидур.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Подшоҳ мулк баданининг жонидур ва кўнгул бадан  
мулкининг сultonидур.

*Алишер Навоий*

Ўз нафсингга асир бўлмасанг, уни ўз ҳукмингда тута-  
сан, акс ҳолда ундан ғолиб чиқиб, ушлаб тура олмайсан.

*Махмуд Замахшарий*

Кўзи тўқ киши ҳар нарсага суқланавермайди, бир одам  
бир нарсали бўлса, унга ҳавас қилмайди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ҳою ҳавас ва нафс аҳллари тутган ишлар асосининг  
барчаси залолат (адашув)дан иборатдир. Ишларда ниятни  
тўғри қилиш энг муҳим нарсадир.

*Баҳоуддин Нақибандий*

Доимо ўз нафсингни ҳожати ва тадоруки пайида бўл,  
То солиҳ аҳлидан ҳамда яхши ном оловчилардан  
бўлгайсан.

Одамлар олдида хорлик қилиб, меҳмон бўлма,  
Ўз нафсингни азизу мukаррам тут.

*Абдулхолик Гиждувоний*

Тана – нафс жуда ҳам ярамас хилқатдир, уни ардоқлаган сайнин ёвузлиги ортиб бораверади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Нафс ғалабасининг асл-асоси шаҳват билан яқинлашишдир

*Абу Бакр Варроқ Термизий*

Тана – нафс овчи итнинг айнан ўзгинасиdir, семириб кетгудек бўлса, эгасини ҳам танимай қўяди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ҳирсу ҳавас, нафсу ҳаво бўйнин уз,  
Фақру қаноатни ризо бирла туз.

*Ҳайдар Хоразмий*

Ҳирс зинданнода ўзни йитмагил,  
Беш қўлингни оғзингга сен тиқмагил.

*Рожий Ҳўқандий*

Шайтоннинг бир соат ичида ҳалок қилганини юзта оч арслон бир сурув қўй ичида қила олмас. Нафснинг бир соат ичида одамга қиладиган вайронлик ишини эса юзта шайтон қила олмас.

*Ҳаким Термизий*

Ҳама тоатларинг хўбию софи,  
Яқин билсанг эрур нафснинг хилофи.  
Қўяр кечликга доим нафси бад юз,  
Қачон ўт туз ёнар ёлборсанг ўттуз.

*Сўфи Оллоёр*

Дўстим эрталикнинг ғамини ема,  
Бу бир нақд нафсни ғанимат билги.

*Паҳлавон Маҳмуд*

Кимки ўз нафси-балосию орзу-ҳаваси домига тушиб  
қолса, у бешак ўзини-ўзи чуқур қаърига ташлагани муқар-  
пар.

*Маҳмуд Замахшарий*

Агар нафсинг сани етмиш бошингдин,  
На бўлгой фоида етмиш ёшингдин.  
Агар нафсинг муродин изламаксан,  
Агар саксангага умринг етса сак сан.

*Сўфи Оллоёр*

Нега нафсингга бўлурсан тобе, нега умрингни қилурсан  
зое?!

*Захириддин Муҳаммад Бобур*

Агар бир киши ўз нафсига ошиқ бўлса, албатта, кибр,  
ҳасад, хорлик ва мазаллат (тубанлик) унга ошиқ бўлгай.

*Абу Бакр Варроқ Термизий*

Нафсни ҳақ берганига рози эт,  
Ўз амолини ўзина қози эт.

*Ҳайдар Хоразмий*

Нафснинг касбиадур ҳавою ҳавас,  
Руҳ олиидадур булар ярамас.

Нафс душмандуур, яқин билгил,  
Дүйстүм, бу сүзүмни чин билгили.

*Захириддин Мұхаммад Бобур*

Туну күн йиқилиб-туриб югуриб,  
Қора қүнғиздек дунёга күп урма ҳеч.

*Хожаназар Хувайдо*

Гар оқыл эрсанг симу зар жамъига гарра бўлмаким,  
Ғафлат била кўб кимсани қилмишдуур магрур ганж.

*Оғажий*

Парвариши нафс этибон ема ош,  
Нафс тилар ошга индурма бош.

*Хожа*

Тана ва нафсга эрк берма ва бўйин эгма, унинг истаклари эрмак ва ўйин, алам ва қайғу келтиради.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Инсон зоти доим асири ҳою ҳавас,  
Ҳар суфраки, кўрса – устида мисли магас.<sup>1</sup>  
Дону сув илинжида забун қуш монанд  
Ҳар лаҳза бало домида-ю, банди қафас.

*Убайдий*

Ким барча ишларни ҳавас – нафс туфайли қилса, ундей кишини билимли киши деб бўлмайди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

---

<sup>1</sup> Пашша, чивин.

Гарчи зоҳирда тўғридектур нафс,  
Жисминг уйида ўғридектур нафс.  
Бурногилар сўзин назар қилғил,  
Уйнинг ўғрисидин ҳазар қилғил.

*Захирилдин Муҳаммад Бобур*

Айшу ишратга берилма, ичимлик ичма, бу иккиси ўтиш  
мумкин бўлган кўприги йўқ бир денгиздир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Сен мардсан агар бўлсанг амир нафсингга,  
Огоҳу ҳазир бўл<sup>1</sup> бир умр нафсингга,  
Оlamda сира озодлик топмассан,  
Эй банда, агар тушсанг асир нафсингга!

*Убайдий*

Қатъиятли бўл, ҳаваснинг қули бўлиб қолма, ҳавас билан  
нафс иккаласи дин ва диёнатнинг ўғрисидир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Донаи доми ўлумдур дунёни молу пули,  
Дона тердим деб суюнма, домидин айла ҳазар.

*Хожаназар Ҳувайдо*

Бир лаҳза нафс мутеъи фармон бўлмас,  
Ўз қилмишидан сира пушаймон бўлмас.  
Дунёдаги бор мазҳаблар ҳукми билан  
Кофир аталур у – ҳеч мусулмон бўлмас!

*Убайдий*

---

<sup>1</sup> Эҳтиёт бўл.

Ҳавасга эркини бериб қўйган одам унга тутқун бўлиб  
қолади, нафс домига илингтан одам унга қул бўлиб қолади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Нафс тавсанини ром қил ўзунга,  
Қодир ўл ҳарна сўз десанг сўзунга.  
Шаҳвату нафс қавий душмандур,  
Минг сенингдекни забун қилғандур.

*Захириддин Мухаммад Бобур*

Емоқ-ичмоқ, неъматлардан баҳра олмоқ тану жоннинг  
роҳатидир, лекин, эй, биродар, ундан тану жон азобга  
қолиши ҳам мумкин.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Гар оқил эрсанг очлик дардига бер чидам,  
Сайри ҳавас неъмати дунё қилма абас,  
Рангу ҳиду ҳусну вафо йўқдирки унда бас,  
Бу боф гулларини тамошо қилма абас.

*Оғажий*

Ўз шуҳратингдан нафсга эрк берма,  
Одамларнинг ичида ўзингни ёдга солувчи бўлма.

*Абдулхолик Ғиждувоний*

Эй ҳавою ҳавасга берилган нафс, тез бўл. Чунки сен бир  
нафаснинг ҳимоясидасан.

*Абу Али ибн Сино*

Нафсим мени йўлдан уриб хор айлади,  
Термултуриб халойиқقا зор айлади.

*Аҳмад Яссавий*

Нону тузнинг кетидан саргардон бўлма,  
Ҳаёт нури ила гўё фариштадек ҳаёт кечир.  
Дунёда Ой ёки оламни эгалловчи Қуёш бўлсанг ҳам,  
Бу чархи фалақдан иккита нонга рози бўл

*Абдулхалиқ Гиждувоний*

Таомга ортиқ даражада ҳирс қўйишлик худбину паст-  
каш кишиларнинг ахлоқларидандир.

*Махмуд Замахшарий*

Нафс йўлиға кирган киши расво бўлур,  
Йўлдин озиб, тойиб, тўзизб гумроҳ бўлур,  
Ётса, қўпса шайтон била ҳамроҳ бўлур,  
Нафсни тебкил, нафсни тебкил, эй бадкирдор

*Аҳмад Яссавий*

Дунё дор ул-ҳаводисдур ва анга кўнгул боғламоққа  
гафлат боисдур.

*Алишер Навоий*

Бешак билинг, бу дунё барча халқдин ўтаро,  
Ишонмагил молингга, бир кун қўлдан кетаро.  
Ота-оно, қариндош қаён кетди – фикр қил,  
Тўрт оёғлиқ чўбин от бир кун санға етаро.

*Аҳмад Яссавий*

Биравким, бўлур бир оёқ ош учун қул,  
Юзига керақдур қозоннинг қароси.

*Алишер Навоий*

Нафским, ул айши мудом истагай,  
Сенга гуноҳ, ўзига ком истагай.

*Алишер Навоий*

Нафс комига изтироб этма,  
Ўзнию мулкни хароб этма.

*Алишер Навоий*

Кўп еган кўп йиқилур.

*Алишер Навоий*

Кўп емак нафсқа маъмурлук.

*Алишер Навоий*

Нафспарвардин ҳунар келмас емакдин ўзга,  
Нафспарастдин нафъ етмас демакдин ўзга.

*Алишер Навоий*

Очлиқ ҳикмат сармоясиidor ва тўқлуқ ғафлат пироя-  
сиidor.

*Алишер Навоий*

Тўқлуқ ҳирсин кўнгулдин йўқ қил,  
Ўзунг оч бўлуб, бир очни тўқ қил!

*Алишер Навоий*

Нафс амрида гар нечаким толпингансен  
Кўп, гарчи бутунлик тиласанг, сингансен.

*Алишер Навоий*

Кўзинг оч бўлмасун, ўглим, кўзинг оч,  
Қаноатсиз кишини ухлатуб қоч.

*Абдулла Авлоний*

Агар бир киши ёшлигида нафси бузулуб, тарбиясиз,  
ахлоқсиз бўлуб ўсдими, бундай кишилардан яхшилик кут-  
мак, ердан турууб юлдузларга қўл узатмак кабидур.

*Абдулла Авлоний*

Инсоннинг фазлу камолининг ўлчови нафснинг ўлчови  
иля ўлчанур.

*Абу Али ибн Сино*

Мол ва дунёга мағрур бўлуб, ҳар кимга ҳақорат кўзи  
иля қараган кишилар тезгина ўзлари ҳам хор ва ҳақоратга  
дучор бўлурлар.

*Абдулла Авлоний*

Еса, ичса охир бари оч тўяр  
Кўзи оч очлигин ўлганда қўяр.

*Юсуф Хос Xожиб*

Нафс онча кўнглунга солур ғурур,  
Еткуур онча замирингга футур.

*Алишер Навоий*

Нафс ҳукми бирлаким қилсанг ҳар иш,  
Иржаюр ул комдин шайтонга тиш.

*Алишер Навоий*

Ҳар не ул қилмоқ керак нафсинг қилур,  
Ҳар неким шайтон билур, ул ҳам билур.

*Алишер Навоий*

Сенки, ёр ўлдунг бу янглиғ нафс ила,  
Не учун шайтондин эткайсен гила.

*Алишер Навоий*

Дунёнинг зебу зийнати сени адаштиради. Шайтоний шаҳват сени йўлдан уради. Агар сен ўзинг даъво қилганингдек, фозил кишилардан бўлсанг, ўзингга мос бўлган ишни қил.

*Махмуд Замахшарий*

Ҳарис бирор таомни ширин деб билса, уни тарк этмасдан ундан ширинроқ нарсани талаб қиласди. Бирор ялтироқ нарсани кўрса, уни чиройли деб ўйлади. Сен унинг ширин ва чиройли нарсаларга ҳирс қўйганлигини, баҳиллигини кўрдинг.

*Махмуд Замахшарий*

Бечора очкўз ҳар қандай нарсага тилини теккизади, ҳар қандай нарсани тишлайди. Унинг талабининг чегараси йўқ. Аммо қаноат қилувчи эса ўз ҳожатининг меъёрини билади. Ўз танаси миқдорини билади. Унинг йиртиқ кийимлари унинг ёмон ишларини беркитади. Шунда очкўз, хасислардан устун келади ва улкан неъматларга эришади ва энг бой бўлиб қолади.

*Махмуд Замахшарий*

То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,  
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,  
То зулму ситам жонига бедод ўлмас,  
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

*Алишер Навоий*

Эски оламга кўнгул кўп боғлама –  
Ким, мусофирга ватан бўлмас работ.

*Алишер Навоий*

Ҳар неким бебақодур, анга кўнгул боғламоқ хатодур.

*Алишер Навоий*

Ҳирс ўтидин бўлма дардпарвар охир –  
Ким, нафсга ҳирсдин етар дард охир.

*Алишер Навоий*

Ҳирс офатини нафс ҳавоси билгил,  
Қўймоқ ани нафс муддаоси билгил,  
Нафсингға алам ҳирс балоси билгил,  
Кечмак мундин анинг давоси билгил.

*Алишер Навоий*

Шижоатнинг фойдаси инсоний шарафни ҳимоя  
этишда, миллат иззати ва нафс муҳофазасида кўринади.

*Фитрат*

## 112. Молпарастлик

Чиндан ҳам дунё-давлат мисоли бир кўланкадир, кўланка куни билан бир ерда турмайди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Мол йифишни сел келиш деб ҳисобла,  
Мол эгасин тош каби юмалатар.

*Махмуд Кошгари*

Ўлмайдиган одам йўқ. Ҳеч ким бу дунёни орқалаб олиб кетмаган. Мол-дунё йиққанлар ҳам, йифмаганлар ҳам кетади. Йиққанлар азоб билан, бойликларидан кўнгил узолмай кўз юмадилар.

*Саид Аҳмад*

Агар хазина бўлса-ю, унинг элга фойдаси бўлмаса, ундей лаълдан метин яхшироқ.

*Алишер Навоий*

Мол-мулкни беҳуда исроф қилиш куфронা неъматдир.

*Махмуд Замахшарий*

Бу давлат бевафо, у ҳам тузади, ҳам бузади, у шунчалик қўнимсизки, йиғилгач яна тўзиб кетади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ажаб мотамсаро дунё эрур, поёни йўқ, билсан  
Ки, сан дунёга магрут ўлмағил, ҳаргиз вафо қилмас.

*Хазиний*

Гоғил одам фарзанди беҳисоб мол-дунё йигади, лекин нима учун тераётир, бу унга насиб этадими, бу ҳақда сира ўйламайди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Бойликни топишибди-ю ақл-идрокни йўқотишибди.  
Ажабо, топган нарсалари билан йўқотган нарсаларининг баҳоси бир хилмиди?

*Абу Али ибн Сино*

Ман-ман деб олтин камар боғлаб юрганларнинг камарлари ҳам ўлим тутганда узилади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Кирган бўлса қўлингга мулку давлат,  
Озор берма бирорга истаб иззат.  
Мазлум киши урган ўтли оҳча бўлмас,  
Юз зулм тиги қиласа жаҳонни горат.

*Хожа Исмат Бухорий*

Мол тиламангким, йўқ анда вафо,  
Мол тилаганларга тегар кўп жафо.

*Хожа*

Ҳеч қандай, мол-дунё кўрмасдан қашшоқликда яшаган одам мабодо бойликка эришиб қолса, эзгу феълини ташлайди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Қасри давлат ичра ким ўзни урар,  
Ҳар тегирмон навбати бирла юрар.

*Рожий Ҳўқандий*

Бу дунё ва унинг мол-мулкига кўнгил қўймагин. Чунки  
ҳеч бир киши ундан вафо кўрмаган.

*Абдураззоқ Самарқандий*

Мол ҳаммага маҳбуб (севимли)дир. Ҳар кимда мол бўлса,  
унга таъзим қиласди. Агар унинг қўлидан кетса, ёнига  
йўламайдилар.

*Хожа Ахрор Валий*

Дунё ва охиратнинг хайри-яхшилиги мол-дунё озлиги-  
дадир, икки жаҳоннинг шарри-ёмонлиги эса мол-дунёнинг  
кўплигига ва одамларга аралашишдадир!

*Абу Бакр Варроқ Термизий*

Давлат учун кўнгулни зор этма!  
Иzzat учун ўзунгни хор этма!

*Захириддин Муҳаммад Бобур*

Борлиқ мулкинг севарсан,  
Унга камроқ севинггин.  
Кетган молга ачинма,  
Унга озроқ ўкингил.

*Маҳмуд Кошгариј*

Мол-дунёга маҳлиё бўлма, у кўпаяди ва яна озаяди, давлатга  
(бойликка) ишонма, унинг умри қисқа, тез қарийди.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Кимки адовату хусуматни экса, албатта у ташвишу мاشаққат ўради.

*Махмуд Замахшарий*

Мол-мулк, мансаб, шухрат учун ур жанжал-сур жанжал қилаётганлар болалигини йўқотган шўрлик кимсалардир.

*Абдулла Орипов*

### **113. Очкўзлик, хасислик ва ғаразгўйлик**

Мол-дунёга суқланмаслик учун кўз тўқ бўлиши керак. Кўзи очлар бу дунёни бутун ютсалар ҳам ҳеч тўймайдилар.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ўн дарвеш бир гиламда ётади, аммо икки подшоҳ бир иқлимга сигмайди. Марди худо бир ноннинг ярмини еса, қолган ярмини дарвешларга беради: подшоҳ эса бир иқлим мулкини олса, яна бошқа иқлимни ҳам олиш фикрига тушади.

*Захириддин Муҳаммад Бобур*

Яғоч узра гар бўлса юз минг ёнгоқ,  
Кўмар ерга ҳар не ўғурлади зог.

*Алишер Навоий*

Кўзи суқ одам мол-дунё билан бой бўлмайди, бутун дунё мол-дунёсига эга бўлса ҳам у суқ ва гадойлигича қолади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Одамлар ичида энг ярамаси хасисидир, уларнинг ичида энг ялқови – пасткашидир.

*Маҳмуд Замахшарий*

Бахил киши меҳнатсиз ҳаром йўл билан кўп олтин, кумуш йиғди, натижада у дунёга лаънат ва бадномлик орттириб кетди.

*Аҳмад Юғнакий*

Хасиснинг хизматини қилмагин, тириклигинг зое кетади, афсусларга сабаб бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ёмон, хасис киши ҳар бир тилда лаънатланади (маломат эшитади), сахий, карим киши ҳар жойда иззату икромда бўлади.

*Маҳмуд Замахшарий*

Хасис ўз нарсасини ўзидан ҳам қизғанади, у нарсасини бошқаларга қачон беради.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Айвони атрофида қушлар учиб-қўнадиган жойи бўлмаган уйга ёмғир ҳам барака бермайди, унинг эгаси ҳам эркинлик билмайди, у жой фақирликка гирифткордир.

*Маҳмуд Замахшарий*

Ҳар қандай оч ҳам еса ва ичса, охири тўяди, кўзи оч киши эса фақат ўлсагина очлигини қўяди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Очкўзни маҳрум, дунёпарастни ғамгин кўрдим.

*Нажмиддин Кубро*

Бахиллик дори билан даволаб бўлмас қасаллиқдир.

*Аҳмад Юғнакий*

Ўзларига керагидан зиёд захира қилувчи одамлар энг аҳмоқ одамлардир. Одамларнинг энг бойи бошқаларнинг ёрдам ва қўллаб-қувватлашига муҳтож бўлмаганидир. Уни захира ва хазиналар қизиқтирилмайди.

*Маҳмуд Замахшарий*

Заҳмат била топқонингни ўзундин аяма ва меҳнат била ийқонингни дўстлар била душманлар учун асрама.

*Алишер Навоий*

Бахилнинг қўли саховат, ҳадя учун ёпиқдир.

*Аҳмад Юғнакий*

Бир одам бехосдан (ногаҳон) хасиснинг таомидан тановул қиласа, у (хасис) юрак оғриғига мубтало бўлур. Башарти у қасални бирор фақир киши келиб зиёрат қиласа, ҳавфидан бош оғриғи пайдо бўлур.

*Маҳмуд Замахшарий*

Бахил, нокас, тубан тевар посбони,  
Емас-ичмас, йигар, тутар берк они.  
Дўстига таттирмас бахил тузини,  
Ўлди қолур моли, еюр душмани.

*Аҳмад Юғнакий*

Бахилдин амонат ажаб, карамдин хиёнат ажаб.

*Алишер Навоий*

Ярамас ва хасис кишининг тақиллатишда сахий ва мўътабар кишининг озиқ тишини сугуриш билан баробар ранжу алам бордир. Яъни, сахий киши иши тушиб заруратдан хасис одамнинг эшигини қоқса, у буни ўзининг озиқ тишини сугуртиргандек озору азият чеккан ҳолда қиласди.

*Маҳмуд Замахшарий*

Бахилнинг андоқки бугун топқани захира бўлғай,  
Тонгла қабри ҳам бу кунги маоши уйидек тийра  
бўлғай.

*Алишер Навоий*

Ҳар ғанийки, тириклигида эҳсонидин кўнгулларни шод қилмагай, ўлганидин сўнг ани кимса дуо билан ёд қилмагай.

*Алишер Навоий*

Фақир ва муҳтожликдан сақланмак фикри или баҳил ва хасислик йўлини тутган кишилар ақл ва ирфон соҳиби саналмаслар.

*Абдулла Авлоний*

Бухл эрур борча сифатдин хасис:  
Лек саҳо жавҳари асрү нафис.

*Алишер Навоий*

Ипак қурти пилла ичида ўралуб ҳаётини маҳв қилур. Қанча меҳнат ва машаққат ила ҳосил қилган ипагидан бошқалар фойдаланурлар. Шунга ўхшаш хасис инсон мол ва дунё жам қилмак ила ўрлуб, овора ва саргардан бўлуб, азиз жонини бошқалар учун фидо қилур.

*Абдулла Авлоний*

Бахилнинг молин асрардин меҳнати қаттиғ ва ҳасуд-нинг феъли уятидин айши аччиғ.

*Алишер Навоий*

### **114. Ичкиликбозлиқ**

Ичимлик ичма, фасодга қўшилма, ундан узоқ юр, бу иккиси сарой, қаср ва қалъаларни ҳам вайрон қилади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Мунтазам ичиш зараплидир, у жигар ва мия фаолиятини бузади, асабни бўшаштириб, асаб касаллиги ва бевақт ўлимга олиб келади.

*Ибн Сино*

Ким ичкилик ичадиган бўлса, ярамас кишидир, агар ярамас бўлишни истасанг, кел, ичкилик ичувчи бўл.

*Аҳмад Юғнакий*

Ҳар қандай уят-андишали, хушфеъл, хулқи яхши кишилар ҳам май ичгудек бўлсалар, юзтубан кетиб пасткашлик қиласидилар.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Улки, ичиб бодани паймонадин,  
Маст чиқар күйга хумхонадин,  
Элга қилиб ҳамла ёмон ит киби,  
Қайси ёмон ит, қопағон ит киби.

*Алишер Навоий*

Шодлик билан айш-ишрат мутлақ ғафлатдир, мана шу  
ғафлат билан одам ўзини маҳв қиласы!

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Бодаки, йиқмоқ сари – ўқ майлидур,  
Жисм уйига билки, бало сайлидур.

*Алишер Навоий*

Қанча-қанча қилиниши зарур бўлган ишлар май ичилгач қолиб кетади, қанчадан-қанча ножӯя ишлар май ичгач содир бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Бодага кўргузса киши хирагиқ,  
Ақл чирогига берур тиралиқ.

*Алишер Навоий*

Май билим ва ақл-заковатнинг ашаддий душманидир,  
май уриш-жанжал ва адсоватнинг ҳақиқий сабабчисидир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ичкилик одамни иркит, кишининг таъби тортмайдиган  
бебурд, субутсиз, ёлғончи қилиб қўяди.

*Абдулла Қаҳҳор*

Май қоринга киргач ич сирларингни сиртга чиқаради, сиртга чиққан сир-сўзларинг ўзингни қўйдириб ўртайди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ниҳоят, оиладаги аҳилликка барҳам берадиган, муҳабатнинг умрини қисқартирадиган, ҳар қандай садоқатли, вафодор аёлнинг ҳам эридан кўнгли қолишига йўл очадиган бирламчи омилни айтай – бу ичкилик.

*Озод Шарафиддинов*

Ўғри мол ўғирласа, ичкилик жон ўғирлайди, жамият аъзосини сафдан чиқариб ташлайди.

*Абдулла Қажхор*

Билимли май ичса билимсиз бўлади, билимсиз май ичса, ақли-ҳушини йўқотиб ёш гўдак билан баравар бўлиб қолади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

## 115. Исроф

Бурунги йиллар ошлиқни яхши асрангким, сўнгги йилларда ярагай.

*Алишер Навоий*

Муҳтоҷ бўлмаганга садақа бериш исроф ҳисобланади.

*Фитрат*

Молим бор, деб ошиб тошма,  
Бекордан-бекор талашма,

Хеч ишга ҳадсиз ёндошма,  
Тўғри сўзла, доим болам.

*Бердақ*

Инсон умриндан бир дақиқасини, молиндан биргина  
чақасини ўринсиз ва гайри машруъ ерлардан бирига сарф  
қиласа, бу дунёда хор, охиратда аламлик азобга гирифтор  
бўлишида шубҳа йўқдур.

*Абдулла Авлоний*

Вакиллари исроф касаллигига йўлиқсан миллат шубҳа  
йўқки нобуд бўлади. Агар дунё тарихига назар солсангиз  
дунёдаги қавмларнинг нобуд бўлиш сабабларидан бири  
шу исрофгарчиликдир.

*Фитрат*

### **116. Мансаб ва амалпарастлик ҳақида**

Бу дунёдан ўтсанг агар қуруг лаб,  
Кўнгилга солма ҳаргиз ёди мансаб.  
Ўтар дунёда ҳар ким бўлса динлик,  
Билур мансабдин ортуқ хўшачинлик.<sup>1</sup>

*Сўфи Оллоёр*

Тоғнинг энг тепасига (чўққисига) чиққан киши ундан  
йиқилувдан гоят кўп огоҳ бўлмоғи лозим.

*Махмуд Замахшарий*

Раҳбар томогига зўр бердими, обрўдан путур кетгани  
бўлади.

*Абдулла Каҳҳор*

---

<sup>1</sup> Хурсандчилик.

Мансаб учун лоф урарлар, басе,  
Мол учун жаҳд қилурлар басе.

*Оразий*

Талант учун энг хавфли шира «оффарин»чиликдир.

*Абдулла Қажхор*

Бир одам бир вилоятга борса, ўзини шундай мартабада тутсинки, бу мартабадан ҳақиқатда паст бўлмасин. Борди-ю, одамлар уни шу мартабадан юқорироқ деб билсалар, у мазкур мартабада бўлмаса ҳам, демак унда тарақкий пайдо бўлади. Борди-ю, одамлар уни паст мартабада, деб тасаввур қилсалар ҳам ўзининг ҳақиқий мартабасини йўқотмасин.

*Баҳоуддин Нақибандий*

Давлат билимсизларни кеккайтиради, билимлиларни эса безайди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Агар берса жаҳон султонлиғи даст,  
Киши ўз ҳолини билмак керак паст.  
Агар рутбанг эрур аълои оғоқ,  
Йиқилғон хасталарнинг ҳолига боқ.

*Сўфи Оллоёр*

Кут-давлат ишончсиз, бақоси йўқ ва бевафодир, ёнингда юриб кетаётиб қўйқисдан учиб кетади, оёғи ҳам тайғончиқдир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Шахсий бойлик орттириш, ўгрилик ва муттаҳамлиқ қилиш учун амал, мансабни иссиқ уяга айлантирган күзбўймачилар халқ билан давлат орасига парда тортади, хўжаликни издан чиқаради. Илм-фан аҳларининг бошини айлантиради, раҳбар ташкилотларни янгишиширади. Кўзбўймачилик натижасида вужудга келган ёмон аҳволнинг жабрини бориб-бориб халқ тортади.

*Абдулла Қаҳҳор*

Муяссар бўлса тиллодан сенга таҳт,  
Ўзингдан пастга зинҳор айтмагил саҳт.

*Сўфи Оллоёр*

Амалдорни мақтаган одам бориб уни қулогига мақтайди. Кўпчилик ўртасида мақтайди. Бу ўша амалдорга обрў келтиради. Ва у обрўни майдалаб пул қиласди.

*Абдулла Қаҳҳор*

Бу фоний дайр<sup>1</sup> аро гар шоҳдиг истар эсанг, бўлғил  
Гадолиг нонига хурсанду бўлма шаҳға ҳожатманд.

*Алишер Навоий*

Мансаб ва давлатга, куч ва қувватга магрур бўлуб, бироннинг ҳақиға таарруз ва тажовуз қилмак зулмдор.

*Абдулла Авлоний*

---

<sup>1</sup> Майхона, дунё.

## 117. Шұхратпаратстлик

Шұхрат нони бирла нағс итін шод этма,  
Халқ ичра бўлар-бўлмас ўзинг ёд этма.

*Абдухолиқ Гиждувоний*

Киши ўз мадҳин деса, чин доги бўлса, нописандур.

*Алишер Навоий*

Жасад қолмасдин илгори нафасдин,  
Ҳаво кўп қилмагил кечгил ҳавасдин.

*Сўфи Оллоёр*

Эй, бек, фарогатта маҳлиё бўлиб, ортиқ мағрурланма,  
маҳлиёлигинг, ғуурларинг ўт каби ўчади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Таъна, дашном, танқид ва бошқа минг турли дўстона,  
хайриҳоҳона товушларга таҳсин аралашса, қулоққа фақат  
таҳсингина киради.

*Абдулла Қаҳҳор*

Худписанд – иши бори элга нописанд.

*Алишер Навоий*

Кичик билди ўзининг ҳолини дур,  
Баҳосиздир харидор олдида нур.

*Сўфи Оллоёр*

Йўлдин охир сурма султонмен дебон дарвешни,  
Ёд эт: ул йўлдинки, ҳам дарвешу ҳам султон борур.

*Алишер Навоий*

Фаришта дер баъзилар ўзин,  
Иқрор қилмас айбин ҳеч қачон.  
Нуқсоним йўқ, дейишнинг ўзи  
Инсон учун энг катта нуқсон.

*Шукрулло*

Юқори ўлтурурни ким тиласа,  
Кишилиқдин ани йироқ билгил.  
Ўлтурур сафда юқорилиқдин,  
Ўлтурур сафда яхшироқ билгил!

*Алишер Навоий*

### **118. Кибр ва манманлик**

Такаббурликни қанчалик хурсандлигу шодликка томон айлантиришга уринсанг ҳам асли лой бўлгандан кейин фаххар (кулол) сингари яна тупроқ (лой) ишларига қайтиши муқаррар.

*Маҳмуд Замахшарий*

Ер кўтарили мас чунончи осмон,  
Минг семурсин, чумчуқ ўлмас ботмон.

*Рожий Хўқандий*

Такаббурлик ҳеч бир кимсанинг қадр-қиммати ва улуғворлигини зиёда қилмайди, у бор-йўғи довул ичидағи шамолдан бошқа нарса эмас.

*Маҳмуд Замахшарий*

Такаббур шайтон иши ва бийиклик нодон иши.

*Алишер Навоий*

Кел, эй ошиқ, буюрсанг ақлинг ишга,  
Үзингдин кетмағил доно демишига  
Агар боло<sup>1</sup> чиқиб кетсанг үзингдин,  
Йиқилғойсан тойиб ерга юзингдин.  
Үзин боло тутуб кибр айламоқдин,  
На чобуклар йиқилдилар аёқдин.

*Сўфи Оллоёр*

Эй, кибр соҳиби! Қимматбаҳо тошлардан азизроқ  
бўлсанг-да, ҳақиқий инсонларга лойиқ бўлган ишларни  
бажо келтиргин.

*Маҳмуд Замахшарий*

Ўз илмию фазли била ким мағурурдир,  
Ўз баҳтига душманлик илида машҳурдир.

*Убайдий*

Пасткаш кимсанинг ўз насл-насабини мақтаб, у билан  
фаҳрланиши, чанқоқ кишининг сув шуъласи (сароби)ни  
кўриб алдангани кабидир.

*Маҳмуд Замахшарий*

Ҳайфи одам ўз қадрини ўзи билмас,  
Манлик қилиб яхшиларни кўзга илмас.  
Хўб суҳбатин кўрган ерга қайтиб келмас,  
Ул бевафо аҳдга не деб вафо қилсун?

*Аҳмад Яссавий*

---

<sup>1</sup> Йоқори.

Мутакаббир одамнинг давоси димогидаги такаббурликни йўқотиш билан ва кибру ҳавога ундовчи шайтонни бурун тарновидан кетказиш билан бўлади.

*Маҳмуд Замахшарий*

Кибрлик либосини кийиб, кўксингни халқча кериб, тилинг билан озор беришдан сақлан.

*Аҳмад Юғнакий*

Агарчи бўлсанг аҳли илм, зухҳод,  
Такаббур қилмагил, аслингни қил ёд.  
Такаббур айламоқ Шайтон фиъоли,  
Йигиву зоридир одамни ҳоли.

*Сўфи Оллоёр*

Кибр ва манманлик балосига гирифтор бўлған кишилар  
қаю ерда бўлса бўлсун, дучори ажзу<sup>1</sup> ҳақорат бўлурлар.

*Абдулла Авлоний*

Эл лаънатига учрай десанг, такобур бўл.

*Мотуридий*

Мунча кўп кибру мани чандин ҳавас,  
Юзга етмас умрига, эй, ақли ҳеч.

*Хожаназар Ҳувайдо*

Гурур этма аслинга, қил касби фазл,  
Эрур мўътабарроқ насаддин ҳасаб.

*Мунис Хоразмий*

---

<sup>1</sup> Ожизлик, заифлик.

Агар чандики гавҳар порадурсан,  
Яқин бил бандасан, бечорадурсан.  
Ҳамиша бандадиндур зои қилмоқ,  
На ҳаддур бошини юқори қилмоқ?!

*Сўфи Омлоёр*

Керак инсон ўзини оламга тонутмасун, керак бўлса  
олам уни тонуб олсун.

*Абдулла Авлоний*

Инсон ўзи шунчалик эрксиз бўла туриб, катта кетиб  
гердайиши ажабланарлидир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Улуғлигман дема тонгла улуг бор,  
Ҳисобу номаву вазну сўргуф бор.  
Ўзунгни айла кўб бўлгон сари хўб,  
Неча ман кўб деганлар бўлди манкуб.

*Сўфи Омлоёр*

Кишининг энг ёмон хислати кибрни севмоқлиги ва  
ишларда ихтиёр соҳиби бўлмоқлигидир. Ҳолбуки, кибр  
фақатгина зоти буткул беайб бўлган зотга ярашади; ихтиёр  
эса илми буткул жаҳолатсиз бўлган зотга дуруст бўлади.

*Ҳаким Термизий*

Бил муни ким, сен доги бир бандасен!  
Кўпрагидин ожизу афғондасен!  
Эрмас алар туфроғу, сен нури пок,  
Хилқат аларғаю сенга тийра хок.

*Алишер Навоий*

Ортиқча мағурланиб кеккайма, бу дунё ишонадиган нарса әмас.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Агар ерни юзига айласанг дарс,  
Такаббур бўлмагил, бўлғил худотарс.  
Сани кирган йўлинг турфа узоқдур,  
Арода сони йўқ банду тузоқдур.

*Сўфи Оллоёр*

Эй, одамзот, аслинг лой-сополдан бўлишига қарамай,  
ота-боболаринг, гоҳида бойлигу иқболинг билан фахрла-  
ниб такаббурланасан-а?!

*Маҳмуд Замахшарий*

Дунёи дуранг дуруслигига ҳаргиз ишонма,  
алдар сани йўлдин,  
Кўпларни олиб қўйнига, охир зарар этти,  
эй аҳмоқи нодон.

*Хожаназар Ҳувайдо*

Такаббур қилмагил, эй бемаъоний,  
Фулоний ўғлидурман деб фулоний.  
Агар олдингдаги қул бўлса волий,  
Кўнгилни гийнасидин айла холий.

*Сўфи Оллоёр*

Дўстим, ўзинг фикр қил. Охирги уловинг ёғоч от (тобут)  
ва вужудинг тупроққа айланадиган бўлгандан кейин ҳову-  
рингдан сал тушгин ва кибру ҳаводан узокроқ юргин-да!

*Маҳмуд Замахшарий*

Кимда-ким манман деб, ўзини баланд тутса, уни на халқ,  
на тангри севади.

*Аҳмад Юғнакий*

Бошинг гардунга етса, бўлмағил зинҳор хурсанд,  
Ўзингни ҳар хасу хошоқдин, эй, банда, камтар тут.

*Машраб*

Баъзи қўёдур ўзига кўп турфа бинолар, деб  
еру сувим бор,  
Ташлаб борини сўйи гўристон сафар этти,  
йўқ дардига дармон.

*Хожаназар Ҳувайдо*

Кеккаюб ўсуб кетган дарахт яхши мева қилмагани каби  
кибр ва манманлиқдан фазилат ҳосил бўлмас.

*Абдулла Авлоний*

Аё, одам, кексайиб такаббур бўлма, у катталарга тенг  
бўла олмай, ўзингни хорликка солма.

*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Азозил кибр қилди, бўлди шайтон,  
Такаббурлик қилурми оқил инсон?  
Тавозуъ пеша қил, аслингни қил ёд,  
Вужудинг хок эрур, эй одамизод!

*Абдулла Авлоний*

Унумангки, такаббур одамдан Ватанига ҳам, халқига  
ҳам ҳеч қачон самимий бир яхшилик келмайди.

*Абдулла Орипов*

Илм, ҳикмат ўргангин, бўлма мағрур,  
Мақтанчоқни шармандаси чиқди, кўр.

*Maҳмуд Кошгари*

Банда бўлсанг манманликни зинҳор ташла,  
Саҳарларда жонинг қийнаб тинмай ишла.

*Аҳмад Яссавий*

Манманлик жоҳилона кибру ғурурдан пайдо бўладурган энг ёмон хулқларнинг биридурки, кишини ҳар ерда маъюс ва маҳжуб қилур.

*Абдулла Авлоний*

Йигит кирмас фосиқларнинг сўзига,  
Асло тушмас манманликнинг изига.

*Бердақ*

### **119. Порахўрлик**

Пора ўнгланиб кетган ишларни бузади, битаётган ишларни барбод қиласди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Порахўрдаги қулай шароит ҳеч бир ўгрида йўқ.

*Абдулла Қаҳҳор*

Ки, бергучи агар ўлсун гадою олғучи шоҳ,  
Берур илик юқори-ю, олур илик қуийидур.

*Алишер Навоий*

Бирор порахўрнинг билагидан оқсан мойни итдай ялайди; бирор «порахўр хуркмасдан олсин, бемалол есин» деб поранинг отини «совға», «ҳадя», «тўёна», «ёрдам» қўйиб беради.

*Абдулла Қажхор*

Бу замонда обрўнинг бирдан-бир манбаи – меҳнат, обрў эса пул ясаш қуроли эмас, халқнинг ҳурматига сазовор бўлишдир. Демак обрўни пул сочиб топиш мумкин эмас, бунга уриниш халқнинг ўринли шубҳа ва нафратини қўзгатади, холос.

*Абдулла Қажхор*

Пора фақат ноҳақлигу золимларга ёрдам бергувчидир.

*Маҳмуд Замахшарий*

Бошига иш тушган одамни шилиш – ўликнинг кафанини ечиб олишдай гап.

*Абдулла Қажхор*

Халқ порахўр раҳбарнинг юзига тупурари. Лекин бу раҳбар билан халқнинг ўртасида ҳукумат столи бор. Баъзан тупук порахўрнинг юзига етиб бормай, ўша табаррук столга тушади.

*Абдулла Қажхор*

Олтин-кумуш юмшамас кўнгилни ҳам юмшатади, олтин-кумуш, эгилмас одамларни ҳам эгиб, таъзим қилиради.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ўгри кечаси йўлингизни тўсиб чўнтағингизга қўл солади, пулингизни олади, олади-ю, қочади-кетади. Порахўр куппа-кундуз куни, яна ҳукумат идорасида ўтириб чўнтағингизга қўл солади, пулингизни олади-ю, қочиб кетмайди, жиноятга сизни шерик қиласди.

*Абдулла Қаҳҳор*

Қайси жойда кўрсатмасин қорасини,  
Бузади у одамларнинг орасини.  
Қочганданку бир нимани юлиб олар,  
Қувгандан ҳам талаб қиласини.

*Абдулла Орипов*

Ҳалол одамнинг яхши ниятини барбод қилиш, уни ҳаром йўлга, ҳалокат чоҳи ёқасига бошлишдан оғирроқ жиноят йўқ.

*Абдулла Қаҳҳор*

## **120. Риёкорлик ва иккиюзламачилик**

Кишиларнинг ўзида олижаноблик хислати бўлмай туриб, фақат гаразли мақсадни кўзлаб туриб, «хўжа кўрсин»га эҳсон қилувчининг эҳсони фойдасизdir.

*Абу Райҳон Беруний*

Фазилат аҳдини ҳаддидан оширмасдан ҳурмат қилиш мустаҳабдир. Бирор кишини бойлигидан умид қилиб, бой бўлгани учун ҳурмат қилиш жоиз эмас.

*Абу Лайс Самарқандий*

Риё бор ҳар қандай ишда раволигу зиё йўқдир.

*Махмуд Замахшарий*

Сенда йўқ сифатлар билан сени мақтагандан йироқ бўл, чунки газабга келса, тухмат билан сени ҳақоратлайди.

*Абу Бакр Варроқ Термизий*

Халқ ҳузурида риоя қилинадиган адабга хилватда ҳам риоя қилиш лозим.

*Баҳоуддин Нақибандий*

Фахрланиш учун бермоқ ўзни кўрсатишлик ва бу билан ўзини сахий демак беҳаёлиkdir.

*Алишер Навоий*

Кимки оғзидин дуру мадҳинг сочар,  
Амин ўлма ҳам ёмонлашга очар.

*Рожий Ҳўқандий*

Толиб, бу феълингдан хижил бўл, хижил,  
Чунки бир эмасдир сенда тил ила дил.  
Ярминг товус-у, ярминг каклик, бунга:  
Бир оёқ – лой, бирида ҳино – шу далил.

*Паҳлавон Маҳмуд*

Қанча одамлару қавмлар борки, сизга гўё ип каби эшилиб мулозамат қиласдилар, лекин улар пайт пойлаб фасодчиқаришга интиладилар, гафлатга тушиб шундайларга сира алданмангизлар.

*Маҳмуд Замахшарий*

Улки, эл кўрмагунча бермас, лаимдур, сахий эмас.

*Алишер Навоий*

Сени кечаю кундуз зиёрат қилувчиларнинг кўпчилиги сени ҳаддан ортиқ кўкларга кўтариб мақтаб, охир-оқибат адоватга дучор қилувчилардир.

*Махмуд Замахшарий*

Бошингизга мушкул иш ва ташвиш тушганда муnis бўлиб, одамларга меҳр-муҳаббатлироқ бўласиз, аммо давлату неъматларга эришганингизда бағритошликка мойил бўласиз.

*Махмуд Замахшарий*

Наким қилдинг жаҳонда эртаю кеч,  
Риё бирла ул ишни айладинг ҳеч.

*Сўфи Оллоёр*

Ҳарнаки тилинг била дерсан мудом,  
Кўнгулда ҳам ул керак, эй нек ном.  
Тил била кўнглунг сўзини бир қил,  
Бирлигинг авторини тадбир қил.

*Хожа*

Тилаб берганни ҳам саҳодин йироқ бил,  
Ибром билан бергандин бермаганни яхшироқ бил!

*Алишер Навоий*

Риё гардини юқтирма этакка.

*Сўфи Оллоёр*

Мўъмин кишининг шодлиги юзида, қайгуси ичидадир.  
Мунофиқнинг қайгуси юзида, шодлиги ичидадир.

*Ҳаким Термизий*

Ўзини сахий, мард ва ҳиммати баланд кўрсатиб, аслида  
хору зор, ҳақир ва қадри тубан бўлган одамлардан қўрқ,  
токи бир кун ўзларининг хасисликлари бирла онгизилик-  
дан мард одамни тузоқларига туширгайлар.

*Маҳмуд Замахшарий*

Икки юзлук бўлмаким, бу боғнинг раъно гули  
Гар қизарур бир юзи, лекин яна бир сарғарур.

*Алишер Навоий*

Бизнингдек шарми йўқ, инсофи йўқ жисм,  
Бошида мағзи йўқ маъно қуруқ исм.  
Ишимиздур риёву ҳийла тазвир,  
Қилур айфон<sup>1</sup> сўзимиз кимга таъсир?!

*Сўфи Омлоёр*

Ҳамма нарса: хоҳ соф олтин, хоҳ кумуш ва хоҳ қўргошин  
бўйсин, бари бир ўз аслига қайтади.

*Захириддин Муҳаммад Бобур*

Хушомадгўйнинг интонацияси, ҳаракати, қараши, ҳат-  
то, овози ҳам бошқалардан ажралиб туради. Хушомадгўй  
ўзининг шахсий манфаати учун ҳар қандай қабиҳ ишдан  
тортинмайди.

*Қори Ниёзий*

---

<sup>1</sup> Айтган.

Хушомадгүй – лаганбардор деган махлуқ мансабдорни сигирдай ялаб, жунини тескари қилиб ташлайды. Мансабдор ҳам хуш ёқиб, бузоқдай бўйинини эгиб тураверади.

*Абдулла Қаҳҳор*

Бўлғуси доно хушомаддан йироқ,  
Мард йўлида хушомаддир тузоқ.

*Чустий*

Мулку мансаб бўлса, азизсан ҳар он.  
Дўсту ёр ҳам бисёр, олам чарогон.  
Шу икки таянчдан айрилган чоғинг,  
Сен ҳам ожиз банда, дунё ҳам зиндан.

*Абдулла Орипов*

## 121. Хиёнаткорлик

Ким бировга хиёнат қилса, нон топа олмайди, нонга хиёнат қилса, ялангоч қолади.

*Низомулмулк*

Сўрма фосиқдин риёзат ҳолини,  
Ёки қочгандин уруш аҳволини.

*Рожий Ҳўқандий*

Агар сенга нисбатан ўз биродаринг бирор хиёнат қилса, унга яқинлашишдан ўзингни тий, унинг макру ҳийласидан ўзингни муҳофаза этишга ҳаракат қил.

*Маҳмуд Замахшарий*

Қайси бир сипоҳий туз ҳақи ва вафодорликни унугиб, хизмат вақтида ўз соҳибидан юз ўтириб, менинг олдимга келган бўлса, ундай одамни ўзимга энг ёмон душман деб билдим.

*Амир Темур*

Бирор йўл билмойин юзлоса чўлга,  
Билиб сан солмасанг гар яхши йўлга.  
Нечук инсоф эрур қайси диёнат,  
Эрур андог улуғ баҳлу хиёнат.

*Сўфи Омлоёр*

Хорлик истасанг, хиёнатчи бўл.

*Мотуридий*

Ҳалол-покиза киши доимо хотиржаму тинчликдадир, бирорвага хиёнату ёмонлик қиласиган киши эса ҳалокатга гирифткордир.

*Махмуд Замахшарий*

Ёмон учун тушма ўтга,  
Хиёнат ўйлама юртга,  
Онанг берган оппоқ сутга...  
Бу ўзингга яхши, болам.

*Бердақ*

## 122. Тамагирлик

Чунки тамаъ бўлди гадолар иши,  
Билки, гадодур тамаъ эткан киши.

*Алишер Навоий*

Сен муриду нафс сенга пешвоми, эй, кўркам ақл,  
Таъмагирлик феълини қувгил хаёлингдан, Асир,  
Айла пок хулқингни мадҳ айтмоқ балосидин тамом.

*Асириддин Ахсикатий*

Тоғни қўпориб ташлашга қодир одам бир кетмон уриб  
қўйиб керилмайди, ўзини елпимайди, таҳсин ва офарин  
кутмайди. Бир кетмон уриб, таҳсин ва офарин умидида  
атрофга қараган одам шу билан иккинчи кетмон уришдан  
ожиз эканини кўрсатади.

*Абдулла Қаҳҳор*

Тамаъ этма, кўп ўлса эл моли,  
Кўрмайин ҳақ хазинасин ҳолий.

*Алишер Навоий*

Тамаъ нонига лаб очқунча ўл оч,  
Тамаъ бўйи кўринмай бўйидин қоч.  
Агар қарни бирор тўймоса қарни,  
Кишига айтмагай эр банда сирни.

*Сўфи Оллоёр*

Тамаъ нони ила суяги қотган, иш ва касбга бўйин  
қўймай, дангаса ва ялқовликка ўрганган ва одат қилган

кишиларнинг ўзларидан яхшилик умиди ўлмадиги каби болаларидан ҳам яхшилик кўруб бўлмайдур.

*Абдулла Авлоний*

Бирокки тамаъ риштае қилгуси  
Унинг бирла бўғзидин осилгуси.

*Алишер Навоий*

Ёшинг еткон сари феълинг сани ёш,  
Кўзинг ёши қани, эй мағзи йўқ бош?!  
Қаноат маъданига оч кўзинг, оч,  
Тамаъ бўйи кўринмай бўйидин қоч.

*Сўфи Оллоёр*

Томиъдин<sup>1</sup> карам тилама, гадодин дирам тилама!

*Алишер Навоий*

Таъма билан ижод қилиш ҳар қандай истеъдодни хор қиласи. Таъма ижодкор учун энг катта фожиалардан биридир.

*Абдулла Орипов*

Бир игна бўлмаса дунё ишидин,  
Қил истиғно, тамаъ қилма кишидин.  
Худойинг ҳарна берса қил қаноат,  
Кўнгилини қилма миннатдин жароҳат.

*Сўфи Оллоёр*

---

<sup>1</sup> Тамагир, очкўз.

Аблаҳ они билки, оламдин бақо қилғай тамаъ,  
Аҳмақ улким, олам аҳлидин вафо қилғай тамаъ.

*Алишер Навоий*

Тамаъ бирла кечургон нафси ҳаммоз,  
Агар оғзин тилар бўлсанг тилар боз.  
Ниқоби шарм очилмасдин бурунроғ,  
Ани берк айла ҳар ёқдин тақиб bog.

*Сўфи Оллоёр*

### **123. Миннат**

Халқقا қилган яхшилигингни айтиб юрувчи бўлма.

*Мотуридий*

Эҳсон қилган кишининг миннати эҳсонни йўққа чиқаради.

*Абу Райҳон Беруний*

Тоғ теппасидаги қояларни кўчириш миннат эшитиш юкларига нисбатан енгилроқдир.

*Махмуд Замахшарий*

Бироннинг миннатини кўтар-у, миннат қилувчи бўлма.

*Мотуридий*

Можаро билан кўрсатилган мурувватда (яхшилик) хайрлик йўқдир, гарчанд у (хайрлик) чеълаклаб қўйилган ёмғир мисоли кўп бўлса ҳам.

*Махмуд Замахшарий*

## 124. Худбинлик

Кимки ўзини ўз даражасидан юқори күттарса, ундај кишига камолот йўли тўсилиб қолади.

*Абу Наср Фаробий*

Ўзунгни ўйлама танҳо, эл ичра содиқ бўл,  
Нахўдча<sup>1</sup> етса зиёning, ўзинг ҳаётдин кеч.

*Дилишоди Барно*

Худбинлик ақлий нуқсондан, яъни ҳикматнинг йўқлигидан ҳосил бўлади.

*Фитрат*

Ҳар кимки ўзин уйлади, элдин хабари йўқ,  
Ул абллаҳи бедин ила савдо қила кўрма.

*Анбар Отин*

Шахсий гараз ёхуд манфаати шахсияси учун бир кишидан эшитган сўзини ўз мақсадига мувофиқ бир неча турли маънолар ила бузуб сўйламак айб ва гуноҳдур.

*Абдулла Авлоний*

О, одам! Паст кетсанг ўзинг қулаган жарнинг тубига етгунча юмалайверар экансан.

*Абдулла Орипов*

Сойда ўсган аччик бир алаф,  
Мехрибонлик қилади талаб.

*Шуҳрат*

<sup>1</sup> Нўхотчалик, яъни озгина бўлса ҳам.

Ким бўлди киши ҳалоки худбинлик аро.

*Алишер Навоий*

Обрў юки билан кун кечириб, жамиятдан юлиб олиб,  
эвазига ҳеч нарса бермай яшашнинг номи манфаатпараст-  
ликдир.

*Абдулла Орипов*

## 125. Эзмалик

Ҳаддидан ортиқ сўзлаганларни эзма дейилади, шунин-  
дек ҳеч сўзламаганларни гунг деб аталади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Кўп ортиқча сўзлашув эши тувланини ранжитар.

*Махмуд Замахшарий*

Сўз қуруқ бўлса, қулоққа ёқмагай,  
Тепалик сори қараб сув оқмагай.

*Рожий Ҳўқандий*

Сўзни кўп сўзлама, вазмин бўл, тилни сақла, кўп сўз-  
нинг таъсири кам бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Эзмалик – адабиётнинг оғати.

*Абдулла Қаҳҳор*

Айтур сўзни айт,  
Айтмас сўздан қайт.

*Алишер Навоий*

Тилим тийила билмади, ҳаддан ортиқ сўзлади, унинг суви кўпайиб, мағзи камайди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Агар тилингнинг ортиқча сўзлашига эга бўла олмасанг, унда тизгининг жиловини шайтонга топширган бўласан.

*Маҳмуд Замахшарий*

Ўйлаб сўзлаган кишининг сўзи тўғридир, ўринсиз кўп вайсаган тил шафқатсиз ёвдир.

*Аҳмад Юғнакий*

Кўп, bemaza сўзлайдиган эзма – кечалари тонг отгунча тинмай ҳурадиган итга ўхшайди.

*Алишер Навоий*

Одамларнинг энг ярамаси – бу эзма кишидир, кишиларнинг энг қадрлиси саховатли кишидир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Кимки кўп сўзлабди, ўзига маломат орттирибди.

*Алишер Навоий*

Сергап-эзма одамни сұхбатда изза қилиш, сергап-эзма нотиқقا «қисқароқ бўлсин!» деб сўз ташлаш кифоя, лекин сергап-эзма ёзувчини албатта судга бериш керак.

*Абдулла Қаҳҳор*

## 126. Ноўрин кулги

Тарк-и адабдин бири кулгу дуурүр,  
Кулгу адаб таркига белги дуурүр.

*Алишер Навоий*

Қаҳқаҳа кулгиси яхши ишлардан эмас,  
Унинг орқасида беҳисоб йигиси бор.  
Қаҳқаҳа кулгиси дилни ўлдиради,  
Демак, шириң табассумни ишга солмоқ керак.

*Абдулхолик Гиждувоний*

Ҳикмат аҳли оллида совуқ сифат йўқ кимсада,  
Субҳ-и козибдек маҳалсиз айлаган кулгу каби.

*Алишер Навоий*

Кўп кулмоқ гафлатдандур ва у қалбни ўлдиради.

*Абдулхолик Гиждувоний*

Кулгуки, ўз хадидин ўлди йироқ,  
Йигламоқ андин кўп эрур яхшироқ.

*Алишер Навоий*

## 127. Хатолар

Тўғри йўлдан атайлаб энг узоқ йўлга ўтиш жуда зўр  
хатодир.

*Абу Райҳон Беруний*

Ўз гуноҳингни сўраб элдин ўтин,  
Нафрат ўти ичра бўлмасдин ўтин.

*Анбар Отин*

Бир мусулмон кишини камситган инсон, аниқ, ўз маърифатининг ва иймонининг нуқсонини топган бўлади.

*Ҳаким Термизий*

Кўзгумга берардим кечқурун сайқал,  
Боқдим унга тиниқ бўлган бир маҳал.  
Шунча кўп кўринди ўз айбимки, мен,  
Ўзгалар айбини унутдим тугал.

*Паҳлавон Маҳмуд*

Эшитдим мен қанча ақли расодан,  
Дейди, инсон холи эмас хатодан.

*Чустий*

Хато содир бўлмаслиги учун донишмандлар қайта-қайта кузатишни ва халал этиш имкониятидан сақланишни тавсия қилганлар.

*Абу Райҳон Беруний*

Хато қилса нодон унча билинмас,  
Чидомайсан хато кўрсанг донодан.

*Чустий*

Биз хатоларни қанча тез тузатсак, ўтмиш маданиятимиз учун ҳам, келгуси тараққиётимиз учун ҳам, шунчалик катта савоб иш қилган бўламиз.

*Абдулла Қаҳҳор*

## 128. Хатти-ҳаракат

Гарчи, инсон ўз тафаккури ва хулосаларини ишлатиб, улар билан сезиладиган нарсалардан энг ниҳоятга етса ҳам, у сезгилар нафсдан кўра баданга, инсонийликдан кўра ҳайвонийликка мувофиқ ва мосроқдир.

*Абу Райҳон Беруний*

Ҳаракат ва сабот оқибати, албатта, хайрли бўлади...

*Воҳид Зоҳидов*

Агар қилмади эл ҳимоят санга,  
Ўзунгдин керакдир шикоят санга.

*Алишер Навоий*

Алам-ҳасратни қисқа тут, тоат-ибодатни узоқ қил, шошар пайтларда сокин бўл, газаб пайтларида мулойим бўл.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Онгли одам нимаики кўнгилдагидек бўлса, у фойдали деб ҳисоблайди.

*Абу Али ибн Сино*

Киши чиройига ички дунёси эшдир,  
Юз кўрки билан унинг феъл-атвори тенгdir.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Кам енглар – очарчилик кўрмасдан бой-бадавлат яшай-сизлар, кам ухланглар – мукаммалликка эришасизлар, кам гапиринглар – доно бўласизлар.

*Амир Темур*

Кўп емагинки, ундан зарар юз беради,  
Зарурат бўлганда гина сўз сўзла.  
Уйқу галаба қилса ерга бош қўй,  
Эшитгинки, булар сен учун маънавий қувват беради.

*Абдулхалиқ Гиждувоний*

Филнинг думи бўлгунча, чумолини боши бўл.

*Амир Темур*

Гўзаллик мулки ҳарчанд қўл остингда бўлса-да,  
Шўхлик қилмагилки, ёмонларнинг кўзи сенга тикилган.

*Мирзо Улугбек*

Кимники билай десанг мақолин англа,  
Аслин десанг англайнин фиъолин<sup>1</sup> англа.

*Алишер Навоий*

Танингда филнинг кучи, чумолининг гайрати бўлсин.

*Абдулла Қаҳҳор*

Агар икки хатарлик (ёки) бир хатарлик ишларни қилишга тўғри келгудек бўлса, икковидан баробар қутулиш чораси топилмагач, бир хатарини ихтиёр этмоқ керак.

*Амир Темур*

Тузлук эрмас шифоси-ю вояси ҳам,  
Ким эгри кишининг эгридур сояси ҳам.

*Алишер Навоий*

---

<sup>1</sup> Ҳаракат.

Одам ўзи истаган вақтда кўр ва кар бўла олади – у кўришни истамаган нарсасини кўрмайди, билишни истамаган нарсасини билишга уринмайди ҳам.

*Озод Шарафиддинов*

Одамлар ёқтирган кишилари тарафини олиб, ёмон кўрган кишиларини таъна қилишади.

*Абу Райҳон Беруний*

Кўзни ўз айбингдин олма ва ўзгалар айбига кўз солма.

*Алишер Навоий*

Гуноҳкор бандаларга садоқатли бирор кимса бўлмас.

*Махмуд Замахшарий*

Одам ўз гуноҳини бировнинг гуноҳи билан ювмоқчи бўлиши чакки, чунки гуноҳни гуноҳ ҳеч қачон юва олмайди.

*Абдулла Қаҳҳор*

Одам номига даъво қилаётган ҳар бир киши ўз ҳаққини талаб этиши ва ҳар бир вазифасини адо этиши лозим.

*Фитрат*

Давлатни кони манбаи, тартиб-интизом,  
Сарватни пойдори эрур иқтисоди том.  
Муҳтоҗлиғ юзини кўрар деб гумон қилманг,  
Тартиби бирла юрса, кишининг иши мудом.

*Абдулла Авлоний*

Мувашшаҳ хабарни чиндур деб дўстқа еткурма ва биронинг айби воқеъ бўлса юзига урмада.

*Алишер Навоий*

Яхши одамлар ишидан ибрат ол,  
Ибраторумуз хизмат айлаб, иззат ол.

*Анбар Отин*

Тирик одам одамларга фойда келтириши керак, шунда уни одамлар тирик ҳисоблаб, улуглайдилар.

*Юсуф Хос Хожиб*

Одамлар ўрганган, одатланган ва кўпчиликка маъқул бўлган нарсага (кўр-кўронага) қаршилик кўрсатма.

*Абу Райхон Беруний*

Кўрган киши ўткарур забона,  
Куйган киши кўргазур нишона.

*Алишер Навоий*

Гуноҳларим кўп деб умид узмаслик керак, тоат-ибодатга ишониб гафлатда қолмаслик ҳам керак.

*Юсуф Хос Хожиб*

Ўз-ўзини сақлаш инстинкти инсон табиатида, қонида, шуурини аллақайси пинҳона пучмоқдарида бор. Ҳар қандай одам ҳам хатарга, ўлим хавфига дуч келганда, ҳатто истамаса ҳам, ҳимояланиш, ўзини асрараш йўлига ўтади. Буни ўз эътиқодидан чекиниш деб қараш керак эмас.

*Озод Шарафиддинов*

Одамнинг аслини билишга унинг қилиқлари белгиdir,  
қилиқлари қанақа бўлса асли ҳам ўшандай бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Оз иш учун тунду итоб айлама,  
Қатлу сиёсатда шитоб айлама.

*Алишер Навоий*

Кўнгил кимга ишонса ўшани кўзгу ўрнида тутгин, уни  
рўпарангда тутсанг ўз аксингни кўрасан.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Кичик нарсага эътиборсиз қарама, унинг фойдали ўрни  
бор, катта ишнинг керакли жойи бор.

*Абу Райҳон Беруний*

Кўнгил истамасдан қаерга қадам ташланса, у ер қанча  
яқин бўлса ҳам узоқ туюлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Аввал қилиб келган хайрлигу эзгуликларингизга кейин  
ҳам (яъни доимо) эзгулик қўшаверинг, чунончи қушнинг  
қанотидаги кичик патлари катта патларига мададкордир.

*Махмуд Замахшарий*

Воқеалар само гумбазининг ҳаракатига қараб эмас,  
одамларнинг интилиши билан рўй беради.

*Мирзо Уlugбек*

Филдай кучинг бўлса ҳам мур бўлиб кўрин  
Молинг ошиб-тошса ҳам ур бўлиб кўрин.

Ўзганинг айбини билганинг ҳолда,  
Ҳеч нарса билмагандай, кўр бўлиб кўрин

*Паҳлавон Маҳмуд*

Кўкармаган дарахтни, албатта, кесиш ва ўрнига янги-  
сини экиш керак.

*Абдулла Қодирий*

Айш ила ишратимдин айрилдим,  
Давлату иззатимдин айрилдим.  
Даҳрга не вафодору не раҳм,  
Даҳр кўп бевафодору бераҳм.

*Заҳириддин Муҳаммад Бобур*

Биринчи галдаёқ ютуқقا эга бўлган кишини таҳқир  
қилиб ўтирма.

*Абу Райҳон Беруний*

Тошқин сув... тегирмонни бузиши ҳам мумкин, юрги-  
зиши ҳам.

*Абдулла Қаҳҳор*

Барча эски нарсалар зерикарли ва ёқимсиз бўлади,  
ёқимсиз бўлган нарсалар манфур бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ҳар кимсаки, айламас ошуқмоқни хаёл,  
Яфрогни ипак қилур, чечак баргини бол.

*Алишер Навоий*

## ИСМЛАР КҮРСАТКИЧИ

- Абдулла Авлоний (1878 – 1934) – маърифатпарвар, давлат ва жамоат арбоби, журналист.
- Абдулла Қаҳҳор (1907 – 1968) – Ўзбекистон халқ ёзувчиси.
- Абдулла Қодирий, Қодирий, Жулқунбой (1894 – 1938) – XX аср янги ўзбек адабиётининг йирик намояндаси, ўзбек романчилиги асосчиси.
- Абдулла Орипов (1941 туг.) – шоир ва жамоат арбоби. Ўзбекистон халқ шоири (1990), Ўзбекистон Қаҳрамони (1998).
- Абдулхолиқ Фиждувоний, Хожа Абдулхолиқ ибн Абдулжамил Фиждувоний (1103 – 1179) – хожагон тасаввуфий тариқатининг асосчиси ва назариётчиларидан бири.
- Абдураззоқ Самарқандий, Камолиддин Абдураззоқ ибн Жалолиддин Исҳоқ Самарқандий (1413 – 1482) – машҳур сайд, элчи ва тарихчи.
- Абу Али ибн Сино, Абу Али Ал-Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ибн Али (980 – 1037) – жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган Ўрта Осиёлик буюк қомусий олим.
- Абу Бақр Варроқ Термизий, Шайх Абу Бақр Мұхаммад ибн Умар ал-Варроқ (907 йилда вафот этган) – фақиҳ.
- Абу Лайс Самарқандий, Абу Лайс Наср ибн Мұхаммад ибн Аҳмад ибн Иброҳим ас-Самарқандий (1003 йилда вафот этган) – қонуншунос ва илоҳиёт олими, Самарқанд шайхулисломи.
- Абу Наср Форобий, Абу Наср Мұхаммад ибн Мұхаммад ибн Узлуғ Тархон Форобий (873 – 950) – Ўрта Осиёning улуғ мутафаккири ва қомусий олими.
- Абу Райҳон Беруний, Абу Райҳон Мұхаммад ибн Аҳмад (973 – 1048) – улуғ ўзбек мутафаккир олими, ўрта асрнинг буюк даҳоларидан.
- Аваз Ўтар, Аваз Польонниёз (Ўтар) ўғли (1884 – 1919) – ўзбек маърифатпарвар шоири.
- Алихонтўра Согуний Шокирхўжа ўғли, Согуний (1885 – 1976) – дин ва жамоат арбоби, уламо.
- Алишер Навоий, Навоий, Низомиддин Мир Алишер (1441 – 1501) – буюк ўзбек шоири, мутафаккир, давлат арбоби.

- Ал-Хоразмий, Абу Жаъфар (Абу Абдуллоҳ) Мұхаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783–850) – Ўрта Осиёлик буюк математик, астроном, географ, фан тарихидаги илк қомусий олимлардан.
- Амир Темур, Амир Темур ибн Амир Тарагой ибн Амир Барқул (1336 – 1405) – ўрта асрнинг йирик давлат арбоби, буюк саркарда, кучли, марказлашган давлат асосчиси, имам-ған ва маданият ҳомийси.
- Анбар Отин Фармонқул қизи (1870 – 1915) – ўзбек шоираси.
- Асирудин Ахсикатий, Абулфазл Мұхаммад Тоҳир Асируддин Ахсикатий (1108/1110 – 1196/1198) – шоир.
- Асқад Мухтор, Асқад Мухторов (1920 – 1997) – Ўзбекистон халқ ёзуучиси.
- Атоий (XV-аср) – туркий ва форс тилларида ижод қылган шоир.
- Аҳмад Табибий (1869 – 1910) – Хоразм адабий мұхитида фаолият күрсатган сермаҳсул ижод соҳиби, шоир, достоннавис, таржимон, тазкиранавис.
- Аҳмад Юғнакий (XII асрнинг охири – XIII асрнинг I ярми) – шоир, мутафаккир.
- Баёний (таяхаллуси), тўлиқ исми Мұхаммад Юсуфбек Бобо-жонбек ўғли (1858 – 1923) – Ўзбек шоири, тарихчи, мусиқашунос, ҳаттот ва таржимон.
- Баҳоуддин Нақшбанд, Мұхаммад ибн Мұхаммад Баҳоуддин ан-Нақшбанд ал-Бухорий (1318 – 1389) – машҳур авлиё, нақшбандия тариқатининг асосчиси.
- Бердак, Бердимурод Қарғабой ўғли (1827 – 1900) – шоир, қорақалпок адабиёти асосчиси.
- Заҳириддин Мұхаммад Бобур, Заҳириддин Мұхаммад ибн Умаршайх Мирзо (1483 – 1530) – ўзбек мұмтоз адабиётининг йирик вакили: буюк шоир; тарихчи, географ; давлат арбоби, истеъододли саркарда; бобурийлар сулоласи асосчиси, темурий шаҳзода.
- Бурхониддин Маргиноний, Абулҳасан Али ибн Абубакр ибн Абдулжалил ал-Фарғоний ал-Риштоний ал-Маргиноний (1123 – 1197) – буюк фақих, имом.
- Воҳид Зоҳидов Йўлдошевич (1914 – 1983) – адабиётшунос олим, файласуф, публицист.
- Ғафур Ғулом, Ғуломов Ғафур (1903 – 1966) – Ўзбекистон халқ шоири.

- Гулханий, Мұхаммад Шариф (тахм. XVIII асрнинг охири – XIX асрнинг 20-йиллари) – ўзбек мұмтоз шоири, масалнавис.
- Дилшоди Барно, Дилшод Отин, Барно, Дилшод Раҳимқула сүфи қизи (1800 – 1905/06) – шоира, маърифатпарвар.
- Жувайнний, Муиниддин Жувайнний – у ҳақдаги маълумотлар жуда кам сақланған, «Нигористон» китоби муаллифи.
- Завқий (тахаллуси), тўлиқ исми Убайдулло Солиҳ ўғли (1853 – 1921) – ўзбек шоири.
- Зебуннисо, Зебуннисо Бегим (1643 – 1721) – шоира, маърифатпарвар.
- Зулфия, Зулфия Истроилова (1915 – 1996) – шоира, журналист, таржимон, жамоат арбоби.
- Иброҳим Мұминов Мұминович (1908 – 1974) – файласуф олим, жамоат арбоби, Ўзбекистон ФА акад. (1956), Ўзбекистонда хизмат күрсатған фан арбоби (1959), фалсафа фанлари доктори (1950), профессор (1950).
- Комил Яшин, Нуъмонов Комил (1909 – 1997) – шоир, драматург, публицист ва жамоат арбоби.
- Қори Ниёзий Тошмуҳаммад Ниёзович (1897 – 1970) – математик олим, педагог, жамоат арбоби.
- Қутб Хоразмий (XIV аср) – шоир, таржимон.
- Лутфий, Мавлоно Лутфий (1366 – 1465) – ўзбек шоири, ориф ва мутафаккир.
- Маҳзунабону, Мехрибон мұлла Бошмон қизи, (тажминан 1811 йилда туғилған) – ўзбек шоираси.
- Маҳмұд Замахшарий, Абулқосим Маҳмұд ибн Умар ибн Аҳмад (1075 – 1144) – тиілшүнос, адіб, тафсир ва ҳадис олими.
- Маҳмұд Қошгарий, Маҳмұд Қошгарий ибн Ҳусайн ибн Мұхаммад (1029 – 1126) – туркшүнослик илмининг асосчысы, филолог олим.
- Маҳмұдхұјжа Беҳбудий (1875 – 1919) – драматург, публицист, дин ва жамоат арбоби, жадидчilik ҳаракати етакчиларидан бири.
- Машраб, Бобораҳим Мұлла Вали ўғли (1640 – 1711) – шоир ва мутафаккир.
- Мирзо Үлугбек, Мұхаммад Тарагай (1394 – 1449) – буюк ўзбек астрономи ва математиги, давлат арбоби.

- Миртемир, Турсунов Миртемир (1910 – 1978) – Ўзбекистон халқ шоири.
- Мотуридий, Абу Мансур ал-Мотуридий, Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Махмуд ал-Ҳанафий ал-Мотуридий ас-Самарқандий (870 – 944) – имом, фикҳ олими, калом илмининг мотуридийлик оқими асосчиси.
- Муқимий, Муҳаммад Аминхўжа Мирзахўжа ўғли (1850 – 1903) – шоир ва мутафаккир.
- Мунаввар қори Абдурашидхонов (1878 – 1931) – Ўрта Осиё жадидчилик ҳаракатининг йўлбошчиси, XX аср ўзбек миллий матбуоти ва янги усуздаги миллий мактаб асосчиси, янги миллий театр ташкилотчиларидан бири, адаб ва шоир.
- Мунис Хоразмий (таяллуси), тўлиқ исми Шермуҳаммад Амир Авазбий ўғли (1778 – 1829) – шоир, тарихнавис, таржимон, хаттот ва маърифатпарвар.
- Муҳаммад Сиддиқ Рушдий (XVII аср) – шоир ва ёзувчи.
- Муҳаммад Ҳусайн Мирзо (1476 – 1503) – темурий шаҳзода Ҳусайн Бойқаронинг тўртинчи ўғли.
- Нажмидин Кубро, Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад Хивақий ал-Хоразмий (1145 – 1221) – улуғ шайх, тасаввуфнинг таниқли вакилларидан бири, кубровийлик тариқатининг асосчиси.
- Низомулмулк, Абу Али ал-Ҳасан ибн Али ибн Исҳоқ ат-Тусий (1017 – 1092) – Салжуқийлар давлати арбоби.
- Нодира, Моҳларойим (1792 – 1842) – шоира, маърифатпарвар ва давлат арбоби.
- Огаҳий, Муҳаммадизо Эрниёзбек ўғли (1809 – 1874) – шоир, тарихчи, таржимон.
- Ойбек, Мусо Тошмуҳаммад ўғли (1905 – 1968) – шоир, ёзувчи, адабиётшунос олим ва жамоат арбоби.
- Оразий, Алихон Мулла Охун ўғли (1867 – 1942) – шоир, муаллим, маърифатпарвар.
- Паҳлавон Маҳмуд, Пирёйвалий, Қитолий (1247 – 1326) – шоир ва мутафаккир.
- Рожий Ҳўқандий (1871 – 1924) – таяллуси; тўлиқ номи Сулаймонқул уста Суярқул ўғли, шоир ва хаттот.

► Сайд Аҳмад (1920 – 2007) – (тахаллуси; асл исм-шарифи Ҳусанхўжаев Саидаҳмад), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1968), Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1980), Ўзбекистон Қаҳрамони (1999).

- Сайидо Насафий, Миробид (1637 – 1710) – шоир.
- Сайид Қосимий (XV аср) – шоир.
- Сайфи Саройи (1321 – 1398) – шоир, таржимон.
- Саккокий (XV аср) – шоир.
- Сўфи Оллоёр (1644 – 1724) – тариқат арбоби ва мутасаввиф шоир.

► Убайдий, Убайдуллахон, Убайдулла Султон, Абулғозий Убайдуллоҳ Баҳодирхон ибн Маҳмуд Султон ибн Шоҳ Будоғ Султон ибн Абулҳайрхон (1486 – 1540) – Шайбонийлар сулоласидан бўлган Бухоро хони (1533 – 40), шоир.

► Увайсий (тахаллуси), тўлиқ исми Жаҳон отин (1779 – 1845) – шоира, маърифатпарвар.

► Фитрат, Абдурауф Абдураҳим ўғли (1886 – 1938) – ёзувчи, тарихчи, адабиётшунос, тиалшунос, санъатшунос ва сиёsatшунос олим, давлат ва жамоат арбоби.

► Фурқат, Зокиржон Мулло Ҳолмуҳаммад ўғли (1859 – 1909) – тараққийпарвар шоир, мутафаккир, публицист.

► Ҳайдар Хоразмий (XIV асрнинг охири – XV асрнинг I ярми) – шоир. Ўзбек мумтоз адабиёти намояндаларидан бири.

► Ҳаким Термизий, Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Башир Ҳаким Термизий (тахм. 750/760 – тахм. 869) – машҳур мутасаввиф.

► Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889 – 1929) – шоир, ёзувчи, педагог, театр арбоби. Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1926).

► Ҳамид Олимжон, Олимжонов Ҳамид (1909 – 1944) – шоир, публицист, адабиётшунос ва жамоат арбоби.

► Ҳазиний, Зиёвуддин Ҳазиний (1867 – ?) – шоир.

► Ҳожа Ахрор Валий, Ҳожа Убайдуллоҳ ибн Ҳожа Маҳмуд ибн Ҳожа Шаҳобиддин Шоший (1404 – 1490) – Ўрта Осиёлик мутафаккир, нақшбандия тариқати раҳнамоларидан.

► Ҳожа (1480 – 1566) – (тахаллуси; тўлиқ исми Подшоҳожа Абдулваҳобҳожа ўғли), – шоир, «Мифтоҳул-адл», «Мақсадул-атвор» ва

«Гулзор» номли асарлари мавжуд, «Мифтоҳул-адл» асари ҳанузгача топилмаган.

► Хожа Исмат Бухорий, Исматулло (1365 – 1436) – шоир.

► Хожа Самандар Термизий, Хожа Самандар Мұхаммад ибн Бақо (тажм. 1638 – тажм. 1740) – тарихчи олим ва шоир, уламо ва давлат арбоби.

► Хуррамий – «Равзат үл-ошиқин» («Ошиқлар боги») асарини Хуррамий форс тилида битган. 954/1547 йили Бухорода Абдулазиз Баҳодурхон (1540 – 1549) даврида ёзилған. Китобнинг 1102/1691 йили кўчирилған нусхаси Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

► Ҳофиз Хоразмий, Абдурәҳим (XIV асрнинг II ярми – XV асрнинг 30 – 40 йиллари) – шоир. Эски ўзбек тили ривожига катта ҳисса қўшган.

► Ҳувайдо, Ҳўжаназар Ғойибназар ўғли (1780/81 йилда вафот этган) – шоир, тасаввуф шеъриятининг йирик вакили.

► Ҳусайн Бойқаро, Ҳусайнний, Ҳусайн ибн Мирзо Мансур ибн Мирзо Бойқаро (1438 – 1506) – XV аср ўзбек мұмтоз адабиётининг намояндаларидан, Ҳурросон ҳукмдори (1469-1506), шоир.

► Ҳусайн Хоразмий (XIV аср) – шоир. Ўзбек адабиётининг На-воййгача бўлган атоқли вакилларидан, нома жанрининг асосчиси.

► Чустий, Ҳўжаев Набиҳон (1904 – 1983) – шоир, таржимон.

► Ҷўлон, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Юнусов (1898 – 1938) – шоир, ёзувчи, драматург, таржимон, танқидчи ва жамоат арбоби.

► Шавқий Каттақўргоний, Мұхаммад Шариф (1785 – 1861) – шоир.

► Мақсад Шайхзода (1908 – 1967) – шоир, драматург, адабиётшунос, таржимон, педагог. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1964).

► Озод Шарафидинов Обидович (1929 – 2004) – адабиётшунос олим, танқидчи. Ўзбекистон қаҳрамони.

► Шукрулло, Шукрулло Юсупов (1921 йилда туғилған) – Ўзбекистон халқ шоири (1981).

► Шуҳрат, Алимов Ғулом Аминжонович (1918 – 1993) – Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1986).

► Эркин Воҳидов (1936 йилда туғилган) – шоир, драматург, жамоат арбоби. Ўзбекистон халқ шоири (1987), Ўзбекистон Қаҳрамони (1999).

► Юсуф Ҳос Ҳожиб, Юсуф (тахминан 1020/21 йилда туғилган) – туркӣ шоир, мутафаккир, давлат арбоби.

► Яссавий, Ҳожа Аҳмад Яссавий (тахм. XI асрнинг II ярми – 1166) – тасаввӯфнинг машҳур намояндадаридан бири, шоир.

► Муҳаммадшариф Сўфизода, Сўфизода, Муҳаммадшариф Эгамберди ўғли (1880 – 1937) – Ўзбекистон халқ шоири (1926), маърифатпарвар, мураббий.

► Исҳоқхон Ибрат, Исҳоқхон Жунайдуллаҳўжа ўғли (1862 – 1937) – маърифатпарвар шоир, атоқли тилшунос, тарихшунос олим, илк ўзбек матбаачиларидан бири, публицист ва прогрессив педагогдир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР

1. **Абдугафуров А.** Мұхаммад Ризо Оғаһий. –Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999.
2. **Абдулла Авлоний.** Таңланған асарлар: 2 жылдик. 2-жилд. Пандалар, ибратлар, ҳикоятлар, набийлар ҳәсти, драмалар, мақолалар, саёҳат хотиралари. –Тошкент: «Маънавият», 1998.
3. **Абдулла Авлоний.** Туркий гулистан ёхуд ахлоқ. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1992.
4. **Абдулла Қаҳхор.** Таңланған асарлар. –Тошкент: Faфур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007 йил.
5. **Абдулла Қодирий.** Диёри Бақр. Шеърлар, ҳикоялар, саҳна асарлари, ҳангома, фельетон ва мақолалар. –Тошкент: «Янги аср авлоди», 2007.
6. **Абдулла Қодирий.** Кичик асарлар. –Тошкент: Faфур Гулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1969.
7. **Абдулла Орипов.** Адолат күзгуси: Шеърлар, Мақолалар, Сұхбатлар, Таржималар –Тошкент: «Адолат», 2005.
8. **Абдулла Орипов.** Таңланған асарлар: 4 жылдик. 4-жилд. –Тошкент: Faфур Гулом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 2001.
9. **Абдулла Орипов.** Эҳтиёж фарзанди: Адабий мақолалар. Сұхбатлар. Бадий публицистика. –Тошкент: «Ёш гвардия», 1988.
10. **Абу Али ибн Сино.** Тиббий ўйтлар. –Тошкент: «Мекнат», 1991 йил.
11. **Абу Наср Форобий.** Рисолалар. –Тошкент: «Фан», 1975.
12. **Абу Наср Форобий.** Фозил одамлар шаҳри. –Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999.
13. **Абу Райхон Беруний.** Тарвиҳалар. «Жавоҳирот китоби»дан. –Тошкент: «Мерос», 1991.
14. **Абул-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий.** Нозик иборалар. –Тошкент: «Камалак», 1992.
15. **Аваз Ўтар.** Сайланма. –Тошкент: Faфур Гулом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1984.
16. **Азиз Қаюмов.** Абу Райхон Беруний. Абу Али ибн Сино. –Тошкент: «Ёш гвардия», 1987.
17. **Алишер Навоий.** «Маҳбуб ул-кулуб». Т.14. –Тошкент: «Фан», 1998.
18. **Алишер Навоий.** «Муншаот (Хатлар, номалар)» Т.14. –Тошкент: «Фан», 1998.

19. **Алишер Навоий.** «Мажолис ун-нафоис». –Тошкент: «Фан», 1997.
20. **Алишер Навоий.** «Хамса. Ҳайратул Аброр». –Тошкент: 1947.
21. **Алишер Навоий.** Лисон-ут-тайр. –Тошкент: «Ғафур Ғулом» номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991 иил.
22. **Алишер Навоий.** Мукаммал асарлар түплами: 20 томлик. I т. Бадойиъ ул-бидоя. –Тошкент: «Фан», 1987.
23. **Алишер Навоий.** Ҳикматлар. –Тошкент: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2006.
24. **Алишер Навоий.** Ҳикматлар сўзлар. –Тошкент: 1985.
25. Алломалар ибрати. –Тошкент: «Ёш гвардия», 1982.
26. **Ал-Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий.** Бўстонул Орифийн. Араб тилидан Бекназар Муҳаммадшукур ва Масъудхон Маъдихон ўғли таржимаси. –Тошкент: «Мовароуннаҳр».
27. **Амир Темур** ўгитлари. –Тошкент: «Наврӯз», 1992.
28. **Аҳмад Яссавий.** Ҳикматлар. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1991.
29. **Баҳовуддин Нақшбанд абадияти.** –Тошкент: «Фан», 1994.
30. **Бахтиёр Тўраев.** Абу Райҳон Беруний. // «Мутафаккирлар».–Тошкент: «Мовароуннаҳр», 2010.
31. Бердақ шеъриятидан. –Тошкент: 1983.
32. **Воҳид Зоҳидов.** Таъланган асарлар. Публицистика. 3 томлик. Т.1. –Тошкент: «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1976.
33. **Воҳид Зоҳидов.** Таъланган асарлар. Публицистика. 3 томлик: Т.2. –Тошкент: «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1977.
34. **Ғафур Ғулом.** Асарлар. 10 томлик. Т.10. Нутқлар, мактублар, шеърлар. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1978.
35. **Давлатшоҳ Самарқандий.** Шоирлар бўстони. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1981.
36. Зебуннисо, Дилшод ва Анбар Отинлар шеъриятидан. –Тошкент: 1981.
37. Донишманлар тухфаси. Рубоийлар. –Тошкент: «Ўзбекистон», 2009.
38. **Завқий.** Ажаб замона: Шеърлар. –Тошкент: «Шарқ», 2003.
39. **Заҳириддин Муҳаммад Бобур.** Бобурнома. –Тошкент: «Юлдузча», 1989.
40. **Заҳириддин Муҳаммад Бобур.** Фарибинг андижонийдир. Сайланма шеърлар. –Тошкент: «Шарқ», 2008.

41. **Зокиржон Фурқат.** (Тўпловчи: А.Абдуғафуров). –Тошкент: «Фан», 1977.
42. **Зокиржон Фурқат.** Мақолалар тўплами. (Тўпловчи: А.Абдуғафуров). –Тошкент: 1959.
43. **Иброҳим Мўминов.** Танланган асарлар. З томлик. Т.1. –Тошкент: «Фан», 1969.
44. **Иброҳим Мўминов.** Танланган асарлар. З томлик. Т.3. –Тошкент: «Фан», 1969.
45. Истиқдол қаҳрамонлари. Ибрат. Ажзий. Сўғизода. Танланган асарлар. –Тошкент «Маънавият», 1999.
46. Қадимий ҳикматлар. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.
47. **Комил Яшин.** Асарлар: 6 жилдлик. 4-жилд. Адабий мақолалар. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.
48. **Комил Яшин.** Асарлар: 6 жилдлик. 5-жилд. Адабий мақолалар. Публицистика. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.
49. Термиз тазкираси. –Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2001.
50. Машраб шеъриятидан. –Тошкент: 1979.
51. Машриқзамин ҳикмат бўстони. Таржимон, тўпловчи ва изоҳ муаллифлари: Ҳамидjon Ҳомидий ва Маҳмуд Ҳасаний. –Тошкент: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, 1997.
52. **Мақсад Шайхзода.** Асарлар. 6 томлик. Т.6. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.
53. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. –Тошкент: «Маънавият», 2004.
54. **Миртемир.** Асарлар 4 жилдлик. 3-жилд. Шеърий туркумлар. Достонлар. –Тошкент: «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1982.
55. **Миртемир.** Дўйсталар даврасида. Адабий ўйлар. –Тошкент: «Ёш гвардия», 1980.
56. **Муқимий.** Асарлар. –Тошкент: Гафур Гулом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1974.
57. **Мунаввар қори Абдурашидхонов.** Танланган асарлар. –Тошкент: «Маънавият», 2003.
58. Мұхабbat тароналари. Рубоийлар. –Тошкент: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2005.
59. **Мұхаммад Шариф Гулханий.** «Зарбулмасал». –Тошкент: «Ўқитувчи», 1972.
60. **Низомулмулук.** Сиёсатнома. –Тошкент: «Адолат», 1997.

61. **Нодир Қобилов.** Абу Наср Фаробий. // «Мутафаккирлар». –Тошкент: «Мовароуннахр», 2010.
62. Огаҳий шеъриятидан. –Тошкент: 1983.
63. Озод Шарафидинов замондошлари хотирасида. –Тошкент: «Ўзбекистон», 2007.
64. **Озод Шарафидинов.** Адабий этюдлар (Адабий-танқидий мақолалар). –Тошкент: Faфур Гулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1968.
65. **Озод Шарафидинов.** Довондаги ўйлар. –Тошкент: «Маънавият», 2004.
66. **Озод Шарафидинов.** Ижодни англаш баҳти. –Тошкент: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2004.
67. **Ойбек Мусо Тошмуҳаммад ўғли.** Муқаммал асарлар тўплами. 19 томлик. 12-том. Ҳикоялар, очерклар, кундаликлар, мақолалар, памфлетлар, нутқлар. –Тошкент: «Фан», 1978.
68. **Пирмат Шермуҳамедов.** Яхшилар баҳори ёхуд Маҳмуд Замахшарий даҳоси. –Тошкент: «Ношир», 2010.
69. **Сайд Аҳмад,** Зилзила: (Ҳикоя ва эссе-хотиралар). –Тошкент: «Ўзбекистон», 2005.
70. **Сайд Аҳмад,** Йўқоттаниларим ва топганларим: Хотиралар. Адабий ўйлар. –Тошкент: «Шарқ», 1999.
71. **Сайд Аҳмад.** Киприқда қолган тонг: Қиссалар. Хотиралар. Ҳикоялар. –Тошкент: «Шарқ», 2008.
72. **Сайд Аҳмад.** Юлдуз. Ҳикоялар, очерклар, ҳажвлар ва пьеса. –Тошкент: Faфур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.
73. **С.Иноятов, О.Хайтова, М.Абдусаломова.** Абу Али ибн Сино комил инсон тўғрисида. –Навоий: 2010.
74. Сўфи Оллоёр. Сабот ул-ожизин. –Тошкент: «Мехнат», 1991.
75. Тафаккур гулшани. –Тошкент: Faфур Гулом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1989.
76. **Тюриков В.И., Шоғуломов Р.Ш.** Аёл – муқаддассан. –Тошкент: «Ёзувчи», 1999.
77. Увайсий шеъриятидан. –Тошкент: 1980.
78. **Фитрат, Абдуrrауф.** Нажот йўли. –Тошкент: «Шарқ», 2001.
79. **Фитрат, Абдуrrауф.** Оила ёки оила бошқариш тартиблари. –Тошкент: «Маънавият», 2000.
80. Фурқат ижодиёти. Муаллифлар жамоаси. –Тошкент: «Фан», 1990.

81. Ҳақиқат манзаралари. –Тошкент: «Янги аср авлоди», 2009.
82. **Ҳамид Олимжон**. Асарлар мажмуаси. 5 томлик. 4-том. Ҳикоя, очерк публицистика, хотира. –Тошкент: Faфур Гулом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1972.
83. **Ҳамиджон Ҳомидий**. «Тасаввуф алломалари». –Тошкент: «Шарқ», 2004.
84. **Хожа Абдухолиқ Ғиждуновий**. –Тошкент: «Ўзбекистон», 2003.
85. **Хожаназар Ҳувайдо**. Девон. –Тошкент: «Янги аср авлоди», 2007.
86. XX аср ўзбек шеърияти антологияси. –Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2007.
87. **Чустий**. Садоқат гуллари. Девон. –Тошкент: 1992.
88. Шарқ донишманлари ҳикматлари. –Тошкент: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2006.
89. Шарқ тафаккури хазинасидан. –Тошкент: Faфур Гулом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1986.
90. **Шукрулло Умаров**. Бурҳониддин Марғиноний. // «Мутафаккирлар». –Тошкент: «Мовароунаҳр», 2010.
91. **Шукрулло**. Танланган асарлар: 1-жилд / Тириқ руҳлар. Кафансиз кўмилгандар. (Романлар). –Тошкент: «Шарқ», 2007.
92. Шуҳрат замондошлар хотирасида. –Тошкент: «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи. – 2008.
93. **Э.Тўракулов, С.Рахимов**. Абу Райҳон Беруний: руҳият ва таълим-тарбия ҳақида. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1992.
94. **Эркин Воҳидов**. Ишқ савдоси. Сайланма. 1-жилд. –Тошкент: «Шарқ». 2000.
95. **Эркин Воҳидов**. Шоиру, шеъру шуур: Адабий эсслар. –Тошкент: 1987.
96. **Эркин Гуломов**. Ўзликни англаш. –Тошкент: «Истиқол» нашриёти, 2010.
97. **Қори-Ниёзий Тошмуҳаммад Ниёзович**. Ҳаёт мактаби. (Эсадлик лавҳалари). –Тошкент: «Фан», 1964.
98. Adabiyot.uz

## **МУНДАРИЖА**

СҮЗ БОШИ..... 5

### **I БОБ. ВАТАН – МУҚАДДАС**

1. Ватан ва ватанпарварлик .....	7
2. Халқ – уммон .....	11
3. Халқпарварлик – юксак түйгү .....	13
4. Истиқдол – буюк саодат .....	16
5. Давлат миллат истиқболи .....	18
6. Күч – адолатда .....	23
7. Тинчлик – улуг ғеъмат .....	29
8. «Агар огоҳ сен ...» .....	30
9. Бирлашган ўзар .....	34
10. Тараққиёт фаровонлик калити .....	37

### **II БОБ. ҲАЁТ – ДОНО МУАЛЛИМ**

11. Ҳаёт моҳияти .....	39
12. Қадр-қиммат булоги .....	46
13. Саодат сари .....	50
14. Мәхнат – роҳат .....	53
15. Тажриба мұваффақият гарови .....	59
16. Тағындықтың омылорлық .....	60
17. Умид ва мақсад ҳақида .....	61
18. Қувонч ва қайғу .....	64
19. Саломатлық – туман бойлиқ .....	66
20. Вақт қадри .....	70
21. Ёшлиқ умр баҳори .....	73
22. Кексалық ғеъмати .....	75
23. «Мозийга қараб иш күрмоқ ...» .....	77
24. Дүнө – ўткинчи .....	80

### **III БОБ. ОИЛА – ФАРОФАТ ҚАСРИ**

25. Ота-она ризоси .....	84
26. Она – меҳрибон .....	87
27. Аёлга әхтиром .....	88
28. Эр-хотин – құш қанот .....	91
29. Аёл – үйнинг чироги .....	92
30. Эр – оила таянчи .....	93

31. Бола – бегубор.....	95
32. Фарзанд тарбияси .....	96
33. Қон-қариндош – жон қариндош.....	101
34. Дүстлик .....	102
35. Дүстлашиш фазилатлари.....	109
36. Чин дүстлик .....	111
37. Сохта дүстлар.....	112
38. Душманнинг бири ҳам кўп.....	114

#### IV БОБ. ИЛМ – НАЖОТ

39. Билим – имон чироги .....	118
40. Илм – олам зиёси .....	125
41. Илм олиш одоби.....	133
42. Устоз отангдек улуг .....	137
43. Ақал ва заковат.....	138
44. Донолик ва идрок .....	145
45. Донолар сұхбати .....	151
46. Ўгит ва насиҳатлар .....	153
47. Маслаҳат зардан қиммат .....	156
48. «Тарбия – ё ҳаёт, ё мамот» .....	158
49. Одоб – инсон зийнати .....	161
50. Сұхбатлашиш ва сўзлашиш одоби.....	166
51. Камгаплик .....	169
52. Тил билган эл билар.....	171
53. Ҳунар – ҳунардан унар .....	172
54. Комиллик – етуклик.....	174

#### V БОБ. АДАБИЁТ ВА САНЪАТ

55. Қалам құдрати.....	177
56. Сўз сехри.....	183
57. Тил – дил қалити.....	193
58. Нутқ маданияти.....	198
59. Истеъод.....	198
60. Ижод лаззати.....	200
61. Китоб қадри.....	203
62. Маданият.....	204
63. Санъат құдратли куч.....	205
64. Мажозий лутфлар .....	207
65. Танқид.....	208

## VI БОБ. ИНСОННИЙ ФАЗИЛАТЛАР

66. Инсон – олам безаги .....	210
67. Инсонпарварлик .....	214
68. Одамийлик мулки.....	215
69. Жисмоний ва маънавий гўзаллик.....	221
70. Саломлашиш .....	224
71. Хушмуомалалик ҳақида.....	225
72. Оддийлик ва камтарлик.....	228
73. Мардлик.....	229
74. Шижоат ва гайрат .....	234
75. Ростгўйлик.....	236
76. Тўғрилик .....	241
77. Ҳалоллик ва поклик .....	243
78. Озодалик .....	244
79. Яхшилик .....	245
80. Саховат ва ҳиммат .....	261
81. Меҳмондўстлик.....	272
82. Шукроналик .....	274
83. Сабр-матонат .....	274
84. Қаноат .....	278
85. Кечиримилийк .....	280
86. Уятчанлик ва андиша.....	282
87. Ҳаё.....	283
88. Ишқ-муҳаббат .....	285
89. Ошиқлар .....	290
90. Вафо .....	293
91. Ваъдага вафо .....	295
92. Сир сақлаш .....	297
93. Виждон ва эътиқод .....	299
94. Диёнат.....	301

## VII БОБ. НУҚСОНЛАР ВА КАМЧИЛИКЛАР

95. Жаҳолат .....	303
96. Нодонлик .....	308
97. Аҳмоқлик.....	312
98. Бадхулқлик оғатлари .....	313
99. Адоват ва низо .....	314
100. Газаб .....	315
101. Фийбат, тухмат ва бузгунчилик .....	317

102. Ҳасад .....	321
103. Ёғончилик .....	324
104. Ёвузлик, золимлик .....	331
105. Ёмонлик ва унинг оқибатлари .....	334
106. Ёмон кишилар .....	340
107. Ёмон кишилардан узоқ юришлик .....	342
108. Кўрқоқлик .....	344
109. Номардлик .....	344
110. Дангасалик .....	344
111. Нафс балоси .....	346
112. Молпарастлик .....	358
113. Очкўзлик, хасислик ва фаразгўйлик .....	361
114. Ичкиликтозлик .....	365
115. Исроф .....	367
116. Мансаб ва амалпарастлик ҳақида .....	368
117. Шуҳратпарастлик .....	371
118. Кибр ва манманлик .....	372
119. Пораҳўрилик .....	378
120. Риёкорлик ва иккизламачилик .....	380
121. Хиёнаткорлик .....	384
122. Тамагирлик .....	386
123. Миннат .....	388
124. Худбинлик .....	389
125. Эзмалик .....	391
126. Ноўрин кулги .....	392
127. Хатолар .....	392
128. Хатти-ҳаракат .....	394
Ислар кўрсаткичи .....	400
Фойдаланилган адабиёт ва манбалар .....	406

*Адабий-бадиий нашр*

## **111 ВАТАНДОШ АЛЛОМАЛАРИМИЗ**

**ИНСОННИЙ ФАЗИЛАТЛАР  
ХАҚИДА ҲИКМТАЛИ СҮЗЛАР**

Мұхарріп  
Маъмурә ҚҰТЛИЕВА

Бадиий мұхарріп  
Уйғун СОЛИХОВ

Мусаҳҳих  
Мадина МАҲМУДОВА

Саҳифаловчи  
Дилдора ЖҮРАБЕКОВА

Техник мұхарріп  
Сурайё АҲМЕДОВА

Лицензия рақами: АI № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишига 2017 йил 16.03да рұхсат этилди.

Бічтіми 84x108<sup>1/32</sup>.

Босма табоги 13,0. Шартли босма табоги 21,84.

Гарнитура «Arno Pro». Офсет қоғоз.

Адади 5000 нұсха. Буюртма № 75.

Бағоси келишилгандарханада.

«Яңғы аср авлоди» НММДА тайёрланған.  
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол күчаси, 60.

**Мурожаат учун телефонлар:**

Нашр бўлими – 147-00-14; 129-09-71;  
Маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-87;  
Факс – 273-00-14.  
e-mail: yangiasravlod@mail.ru